

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси**

**Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги
ислоҳотлар: ривожланиш босқичлари,
эришилган натижалар ва истиқболи**



**«Akademiya»
Тошкент 2011**

УДК:008(575 · 1)

71.4(5Ў)

Ў28

Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги ислоҳотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболи / ЎзР Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси; тузувчи муаллифлар: С.Отамуродов [ва бошқ.]. –Т.: Akademiya, 2011. –276 б. ISBN 978-9943-300-70-5

УДК:008(575 · 1)

ББК 71.4(5Ў)+66.3(5Ў)

Тузувчилар:

Қ.Назаров, Ш.Пахрутдинов, С.Отамуротов,
М.Абдурахмонов, С.Хусанов, Ш.Ризаев, Н.Комилов,
У.Саидов, М.Комилов, И.Эргашев, В.Қўчқоров,
Н.Бердалиев, Э.Қодиров, Ю.Манзаров

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида маънавиятнинг таркибий бўлинмалари бўлган маънавий мерос ва кадриятлар, миллий ғоя ва мафкура, маданият, маърифат, диний ҳамда ахлоқий қарашларнинг тарихий такомил босқичлари, мустақил Ўзбекистонда маънавий тараққиёт борасида юритилаётган устувор сиёсат, стратегик йўналиш ҳамда вазифалар атрофлича ўрганилади.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академия тингловчилигига номзодлар учун махсус тайёрланган.

ISBN 978-9943-300-70-5

©Akademiya, Тошкент, 2011.

Кириш

Мустақил Ўзбекистонда ўз тарихи, маънавияти, маданий-маърифий қадриятларини англашга янгича ёндашиш жараёнида қўлга киритилган ютуқларга Республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуриш концепцияси назарий асос бўлиб хизмат қилади. Бу концепция миллатимизнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, менталитети ҳамда мамлакатимиз тараққиёт даражасини қатъий ҳисобга олиши билан “ўзбек модели”ни ўзида акс эттирган. Танланган мазкур тараққиёт йўли ўзини буткул оқлаганлиги ҳамда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинганлигини Президент Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисдаги маърузасида яна бир бор таъкидлаб, шундай деди: «Натижада бугунги кунга келиб, ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришдик, деб айтиш учун барча асосларимиз бор. Бунинг тасдиғини мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас».

Ўзбекистон собиқ шўролар тоталитаризми шароитида яшаб келганлиги боис, уни тугатиб, демократик жамият қуриш томон қадам қўйиш жуда мураккаб масала эди. Чунки, тоталитаризм нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётга, шунингдек, маънавий-маърифий ҳаётга, инсонларнинг дунёқарашига ўзининг таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун ҳам демократик жамият қуришнинг “ўзбек модели”да жамиятни тубдан ўзгартиришга хизмат қилувчи асосий таянч манба сифатида янги маънавият ва дунёқарашни шакллантириш вазифаси белгиланди.

Ана шу кўрсатмага мувофиқ маънавиятни ривожлантириш, мамлакатда амалга оширилаётган барча ишларда унга таяниш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелда Республикамизда “Маънавият ва маърифат жамоатчилиги марказини тузиш тўғрисида”, 1996 йил 9 сентябрда “Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”, 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2006 йил 25 августдаги “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” Қарори ва 1998 йил 24 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус Қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатларга биноан барча олий ўқув юртларида “Маънавият ва маърифат асослари” махсус курсини ўқитиш жорий этилди ва унинг дастлабки ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, бир қатор илмий-оммабоп мақолалар ҳамда рисоалар чоп этилди. Чунки халқимизнинг, жамиятнинг маънавиятини кўтариш ва ривожлантириш бугун ҳам, эртага ҳам муҳим вазифа сифатида қолиши муқаррардир. Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида Ўзбекистоннинг XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиши устувор йўналишларини белгилаб берар экан, “Иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат”¹ лигини таъкидлаб ўтди. Ҳақиқатан ҳам маънавият қанчалик юксак бўлса, инсон қалбида жоҳиллик, ёвузлик, худбинлик, ялқовлик каби салбий иллатларга ўрин қолмайди, унинг ўрнида ёшларимиз онгида ватанпарварлик, яратувчанлик туй-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 23-бет.

гулари юксак даражага кўтарилади, ўзаро муносабатларда самимийлик, бирдамлик, меҳр-оқибат, эътиқод, имон, масъулият ва бошқа бир қатор ижобий фазилатлар халқимиз турмуш тарзининг ажралмас бойлиги даражасида яна ҳам мустаҳкам ўрин олиб бораверади.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан истиқлол йиллари Ўзбекистонда олиб борилган маънавий соҳасидаги ислохотлар теран идрок этилиб, 2008 йилда «Юксак маънавийт – енгилмас куч» номли асар яратилди. Мазкур асар Республикамизда «Маънавийт асослари»ни ўрганишда ўзига хос босқич, янги бир давр бўлди.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига кирувчилар учун ижтимоий фанлар, жумладан, маънавийт соҳаси бўйича дастурий йўлланмалар бериш мақсадида «Юксак маънавийт – енгилмас куч» асарига асосланиб тартибланди, унда “маънавийт” тушунчасининг илмий-назарий таърифидан бошлаб, миллий ғоя, мафкура масалалари, глобаллашув жараёнида миллий маънавий негизларни асраб-авайлаш, уни ривожлантириш, диншунослик, комил инсонни шакллантиришгача бўлган кенг қамровли мавзулар ёритилди.

1-мавзу: Маънавият — инсоннинг улгайиши ва куч-қудрат манбаи

Маънавият мустабид тузум шароитида мустақил мавзу ёки масала сифатида ўрганилмас эди. Унга маданият билан бир хил маънони англатувчи, мустақил йўналишга эга бўлмаган тушунча сифатида қараб келинган. Ҳатто айрим адабиётларда ҳар иккала тушунча бир хил мазмунни англатувчи сўз маъносида қўлланиб келинган. Бундай «эътиборсизлик» натижасида барча лугатларда ҳам «маънавият» тушунчасига берилган аниқ ва мустақил таъриф учрамайди. Бунинг асосий сабаби, шўроларнинг жамият аъзолари онги ва қалбини инсоният ақл заковати билан яратилган маънавий бойликлардан бебаҳра қилиш, уларни тузумнинг манфаатларига хизмат қилувчи гоё ва мафкуралар билан қуроллантиришга қаратилган ғайриилмий, ғайри инсоний сиёсати бўлган эди. Бундай сиёсатдан мақсад, жамият аъзоларини, айниқса, ёшларни ана шу гоё ва мафкуралар воситасида мазкур тузумга итоаткор, унинг жирканч манфаатларини ҳеч иккиланмасдан бажарадиган ва дунёқараши мутелик руҳияти билан тўлдирилган шахсларни тарбиялашдан иборат эди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, эркин фикрлайдиган, ўз-ўзини англайдиган, жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялаш вазифаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди. Уни амалга ошириш эса, энг аввало, ёшларнинг ички руҳий дунёсини, маънавиятини бойитиш ва мустақил дунёқарашини шакллантиришни тақозо этади. Худди ана шу вазифа «маънавият»ни мустақил фан сифатида ўрганишни ҳам кун тартибига қўйди.

“Маънавият” тушунчаси

Республикамиз зиёлилари ўртасида «маънавият»нинг моҳияти, предмети, тушунчалари ва ривожланиш қону-

ниятларига бағишланган қизғин мунозаралар олиб борилмоқда. Бунга сабаб маънавиятнинг кўп қиррали тушунча эканлигидир. У инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зоҳирий ва яширин, ички — руҳий томонларини ҳам қамраб олганлигидадир. Ҳозирги кунда ҳам мунозаралар давом этмоқда. Матбуотда ушбу мавзуга бағишланган кўплаб мақола ва мулоҳазалар эълон қилинмоқда, китоблар чоп этилмоқда.

Уларда маънавиятнинг маъно-мазмуни, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Лекин аксарият ҳолларда маънавият ўзи нима, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб топиш қийин. Унга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, ноаниқ, саёз жавоб ва фикрлар билдиришмоқда. Тўғри, “маънавият” тушунчасига илмий, фалсафий, адабий, ахлоқий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларни келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси муаллиф ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари, эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериб келаётганлигини кўрамиз. Унга ҳам бир табиий ҳол сифатида қарамоқ лозим. Бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазалар, таърифларда ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, кейинги йилларда мазкур мавзуда олимларимиз томонидан тайёрланган илмий мақолалар, рисоалар, ўқув қўлланмалар, луғатларда “маънавият” тушунчаси ва унинг тамойилларига ўзига хос изоҳ ва таърифлар бериб келинмоқда. Бунга сабаб “маънавият” тушунчаси кенг маънода жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этган ижтимоий-маънавий ҳодиса эканлигидир.²

² Қараңг: Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: “Маънавият”, 2008, 18-20 бетлар.

Аслида маънавият инсонни жамаки бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган энг бақувват маънавий-руҳий омил ҳисобланади. Инсон — табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда, унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озуқа ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш — онгсиз ва руҳсиз маҳлуқотларга хос. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамзодгагина хос фазилатдир. Маънавият одамнинг ақлий ва руҳий олами мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлганлиги учун ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул.

Маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний дунёсига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу нарса ҳеч бир жонзотда йўқ. Маънавият шундай сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга башар қудрати етмайди. Шундай экан, «маънавият» тушунчасига бир йўла мукамал таъриф бериш мураккаб ҳисобланади.

Унга таъриф беришда Президентимиз Ислом Қаримовнинг назарий қарашлари, миллий қадриятларимиз, тарихий ва маданий-маънавий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятларига таянишимиз, уни ўзимиз учун дастуруламал қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ. Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамят, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ўрин тутишини уқтириб: «Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган

бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”³ деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий қирралари қамраб олинган бўлиб, биз бундан буён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга методологик асос сифатида таянамиз.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгунга қадар илмий адабиётларда “маънавият” мустақил илмий тушунча сифатида қўлланмаган эди. Шу боис бу тушунчани чуқурроқ ўрганишга бўлган қизиқиш, айниқса, Президентимизнинг унга бўлган эътиборидан кейин ошиб кетди.

Бир қатор олимларимиз анжуманларда қилган маърузаларида «маънавият — инсондаги ахлоқ, одоб, билим, илм, иймон, ихлос ва инсоният камолоти учун ижобий таъсир қилувчи тизим ёки ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий қарашлар йиғиндиси ҳисобланиб, диний ва дунёвий қарашларнинг акс этиш даражасидир», деб таъриф бериб келмоқдалар. А.Эркаевнинг фикрича, «Маънавият — инсонинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштарақлик касб этган мажмуидир».⁴ М.Имомназаров дастлаб: “Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...»,⁵ — деб ёзган бўлса, кейинчалик «Маънавият — инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф дарҳақиқат, суфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди»,⁶ — деб ёзади.

Э. Юсупов инсонда мавжуд бўладиган ҳамма хислатлар ва фазилатлар эмас, балки ижобийларигина маънавият бўла олишини кўрсатиб: «Маънавият — инсон ах-

³ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: “Маънавият”, 2008, 19-бет.

⁴ Эркаев А. Маънавият — миллат нишони. —Т.: “Маънавият”, 1997, 27-бет.

⁵ Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. —Т.: “Шарқ”, 1996, 6-бет.

⁶ Ўша муаллиф. Миллий маънавиятимиз назариясига чиэгилар. —Т.: “Шарқ”, 1999, 14-бет

лоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларнинг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»,⁷ — деб таърифлайди.

Т. Маҳмудов: «...Маънавият — инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балогати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир»,⁸ — деган таърифни беради.

Албатта, юқорида келтирилган фикрларнинг ҳаммасида ҳам маънавиятнинг кўпгина қирралари ўз ифодасини топган ва муаллифлар ўзларининг нуқтаи назарларини билдирганлар, аммо уларда инсон салоҳиятини ўстириш масаласи эътибордан четда қолганлиги кўринади. Ҳали яна кўплаб олимларимиз “маънавият” тушунчасига ўз муносабатларини билдирадилар ва ана шу турли фикрлар асосида умумий мукаммал таъриф шаклланади, деган умиддамиз.

Бугунга қадар “маънавият” тушунчасига мукаммал таъриф шаклланмаганлигига сабаб, унинг кенг қамровли, мураккаб ва айни вақтда «соғда» тушунча эканлигидадир. Маънавият кўпроқ инсоннинг ички, ботиний, яширин дунёсини акс эттиришидир. Инсон ички, ботиний дунёси эса гавҳар тўла тубсиз денгиз сингаридир. Бу денгиздан қанча гавҳар олсангиз тугамагани сингари инсон ички дунёси ҳам тубсиз ва ўзини ранг-баранг тарзда намоён этади. Инсон қалбига, ботиний дунёсига қанчалик чуқур кириб борсангиз, шунчалик турли-туманлик билан тобланиб, ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён этади. Мана шунинг учун ҳам “маънавият” тушунчасига мукаммал, ҳар тарафлама тўлиқ таъриф бериш мушкул.

И.А. Каримов айтганидек, маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак.⁹

⁷ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. —Т.: “Университет”, 1998, 34-бет.

⁸ Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. -Т.: “Шарқ”, 2001, 9-бет.

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. —Т.: “Ўзбекистон”, 1993, 74-бет.

Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, аждодлар ўгити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб шаклланади. Унинг қарор топишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, давлат олиб борадиган сиёсатдаги адолатпарварлик ва инсонпарварликнинг қай даражада амал қилиниши асосий ўринни эгаллайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётгий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Ҳаётга қадам ташлаётган боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қадр топади.

Ҳар бир оила фарзандининг онги, асосан, 5-7 ёшда шаклланишини инobatга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Мана шу даврда бола ҳамма яхши-ёмон нарсаларни тушуниб, анг лай бошлайди. Ота-онасига, бобо ва момоларига меҳр ва ҳурмати, ўзини ўраб турган муҳитга нисбатан муносабати кундан-кунга такомиллашиб боради. Агар ота-она, катта ўғил-қизлар ўзини тутишни билмаса, ахлоқ-одоб бобида кичикларга ўрнак бўлиш ўрнига қўпол муомала қиладиган бўлса, бу ҳолат бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Вақт-соати келиб, унинг характерида инсон деган номга нолайиқ, ҳунук одат сифатида намоён бўлади. Оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етиши мумкин. Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун, аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш мақсадга мувофиқдир.

Фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин фарзандларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш нафақат оила учун, балки жамият учун ҳам долзарб аҳамият касб этиб келган. Фарзанд тарбиясига эътибор бермаслик нафақат ота-оналар, бутун бир оила, бутун жамият учун жуда қимматга тушишини кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, оиланинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.¹⁰

Барча фанларда бўлганидек, маънавиятнинг ҳам мустақил предмети мавжуддир. Унинг предмети инсон ва жамият маънавий ҳаёти, мақсади эса комил инсон — иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш ва жамият маънавий салоҳиятини ривожлантиришдир.

Ана шу кенг қамровли вазифалардан кўриниб турибдики, инсон камолоти ва жамиятнинг юксак даражага кўтарилиши маънавиятни ривожлантиришга боғлиқ бўлади.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракати, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатида намоён бўлади. Юқорида айтганимиздек, унинг шаклланишида ота-она, инсон яшаётган атроф-муҳит, миллий, диний қадриятлар, жамиятдаги инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Одам ота-онадан туғилади, аммо унинг ахлоқи, одоб борасидаги фазилатлари, яъни маънавий дунёси жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади. Инсоннинг маънавий олами, асосан,

¹⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008, 52-56 бетлар.

ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам, у, ўз навбатида, жамият тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатувчи, уни белгилаб берувчи омиллардан бири саналади. Кишиларда ахлоқ, одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, миллий ва инсоний гурур туйғуси, бурч ва масъулиятни ҳис қилиши қанчалик кучли ва юқори бўлса, жамият тараққиётининг заминларининг кенгайишига, тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлишига олиб келади.

Худди шунинг учун ҳам Ислом Каримов Биринчи чакриқ Олий Мажлиснинг Биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир»,¹¹ — деган эди.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолотида ҳам янги даврнинг юзага келишидир. Маънавиятсиз адолатли, юксалиш имкониятига эга бўлган жамият бўлмаганидек, жамиятсиз маънавият ҳам ривожланиши мумкин эмас.

Президентимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” аса-рида таъкидлаганидек: “Жаҳон халқлари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосалар шундан далолат берадики, қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар туғилади”¹². Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи саналади.

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. —Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 46-бет.

¹² Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008, 28-29 бетлар.

Маънавиятсиз ҳеч қачон жамиятда одамийлик ва меҳроқибат, бахт ва саодат бўлмайди.

Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларни маънавиятни ривожлантириш, унга таяниш орқали ҳал этиш мумкин. Маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият юксак даражада бўлса, ўша жойда, ўша мамлакатда жоҳиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, имонсизлик, даюслик, андишасизлик, гийбат қилиш, кўролмас, ёвузлик, қўпурувчилик, ўз ватани ва халқига нисбатан сотқинлик, тухмат қилиш каби салбий иллатлар, маънавиятсизлик кўринишларига ўрин қолмайди.

Маънавиятнинг категориялари ва ривожланиш қонуниятлари

“Маънавият асослари”нинг мустақил фан сифатида шаклланиши давом этаётган шароитда, унинг категориялари, ривожланиши қонуниятлари, бошқа ижтимоий-гуманитар фанлардан фарқли жиҳатлари ва айни пайтда улар билан алоқаларини аниқлаш масалаларини ҳам такомиллаштириб бориш зарур бўлади. Чунки унинг категориялари ва ривожланиш қонуниятлари аниқланмас ва маълум бир тартибга солинмас экан у мустақил фан мақомига эга бўла олмайди.

Албатта, маънавият барча ижтимоий гуманитар фанлар тизимида энг “ёш” бўлганлиги сабабли унинг тушунчаларини бир тизимга келтириш мураккаб ҳисобланади. Чунки унинг айрим категориялари фалсафа, эстетика, этика, диншунослик ва бошқа фанларнинг тушунчалари билан ҳам уйғунлашиб кетган. Бу табиий ҳол. Зеро, маънавиятни уларнинг уйғунлигисиз тассаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Ана шу мураккабликка қарамадан «маънавият» нинг категорияларини аниқлашга, уни юқоридаги фанлардан мус-

тақиллигини таъминлашга эҳтиёж ниҳоятда катта. Шу эҳтиёжни ҳисобга олиб маънавиятнинг тушунчалари ҳақида дастлабки қарашларни илгари суриш мумкин бўлади.

Аслида маънавият ҳам худди бошқа фанлар каби ўзининг мустақил категорияларига эгадир. Уларга шартли равишда инсон, миллат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган қуйидаги тушунчаларни киритиш мумкин.

Шахснинг ўз-ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозалик, саҳийлик, самимийлик, хайрихоҳлик, иймонлилик, ҳалоллик, эътиқодлилиқ, диёнатлилиқ, поклик, меҳр-шафқатлилиқ, виждонлилиқ, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ ва бошқалар. **Шахснинг миллат вакили сифатидаги мақомида:** миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан масъулиятни, миллий манфаат устуворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимига, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи фаолиятдан хабардор бўлиш ва уни қўллаб-қувватлаш, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқалар бўлса; **шахснинг жамият вакили сифатидаги мақомида:** мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини оширишдаги масъуллик, жаҳон цивилизацияси ютуқларини эгаллаш, жаҳон халқлари олдида турган умумбашарий муаммоларга бефарқ бўлмаслик, миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлигини англаш, инсон табиатнинг бир бўлаги эканлиги, экологияни асрашда масъуллик ва бошқа бир қатор тушунчаларни киритиши мумкин.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган маънавиятнинг барча тушунчалари инсоннинг ички руҳияти билан боғлиқ бўлиб, улар шахснинг маънавий даражаси, миллат ва жамият вакили сифатидаги мақомларини қамраб олган.

Реал ҳаётда маънавият ҳар бир инсонинг миллат, жамият, давлат ҳаёти, инсонлараро ва ижтимоий ҳаётга нисбатан бўладиган муносабатларида намоён бўлади.

Юқоридагилардан ташқари, маънавиятнинг бошқа бир қатор тушунчалари ҳам мавжуд. Бу ерда гап уларнинг ҳаммаси устида тўхташ ҳақида эмас, балки маънавиятнинг кўп қиррали, кенг қамровли эканлиги, у инсон онги, руҳияти, ички дунёсининг салоҳияти, хатти-ҳаракатлари каби бир қатор масалаларни ўз ичига олишини тушуниб етиш ҳақида бормоқда. Маънавиятни чуқур таҳлил қилиш ва тушунишда қайд этилган ҳар бир тушунчаларнинг маъно-моҳиятини кенг очиб берган ҳолда уларни уйғун ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маънавият ривожланиши ҳам маълум қонуниятларга таянади. Гарчанд бундай қонуниятлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олса ҳам, уларни, асосан, икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар киради. Яъни шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти мустаҳкам, заминлари чуқур бўлиши маънавият ривожланишининг асосини ташкил қилади. Агар ички салоҳият но-чор бўлса, шахс баркамоллик даражасига, миллатнинг ўз бир бутунлигини сақлашга ва айни пайтда жамиятнинг юксак тараққиёт поғонасига эришишига салбий таъсир қилади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, ички салоҳият таянч ва объектив заруриятдир. Ички салоҳиятнинг даражалари эса объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ бўлади. Унинг ривожланиши уларнинг уйғун ҳолатда бўлишини тақозо этади.

Ички салоҳиятнинг мустаҳкам бўлиши, тарихий тараққиёт босқичи ёки шахс шаклланиш жараёни қандай мураккаб бўлмасин, барибир зарурий шароитлар юзага келган пайтда маънавий камолот ва миллатнинг юксалишини таъминлашга хизмат қилаверади.

Иккинчи гуруҳ қонуниятларига шахс ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган “ўзаро таъсир” ва «ўзаро бойитиш» орқали бўладиган жараёнлар киради. Яъни шахснинг маънавий камолоти онадан туғилиши билан юзага келмайди. Худди шунингдек, миллат ҳам тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида бошқа халқлар, миллатлар билан ҳамкорлик натижасида шаклланади. Ҳеч қачон инсон ўзгаларсиз яшай олмаганидек, миллат ҳам бошқа миллатлар, халқлар билан муносабатларсиз тараққий қила олмайди, боз устига бугунги кунда дунёда “соф” миллат борлигига ҳеч ким гувоҳлик ёки кафолат бера олмайди. Жамият худди ана шу қонуният асосида ривожланади.

Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва «таъсирлар» асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига ниманидир “беради” ва ниманидир “қабул” қилади. Шундай қилиб, маънавият ривожланишида “таъсир” ва “акс таъсир” қонунияти мавжуд бўлиб, у маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Бу қонуниятларнинг амал қилиш жараёни объектив ва субъектив шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлади. Шахс камолоти ва маънавиятнинг эркин ривожланиши, камол топиши учун шароит мавжуд бўлса, қонуниятларнинг амал қилиши умуммаънавий тараққиётга хизмат қилишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

Аксинча, шахсни итоатда бўлишига қаратилган ва маънавиятни зўравонлик сиёсатини қўллаб-қувватлаш воситасига айлантириш ҳаракати устувор бўлган шароитда “таъсир” ва “акс таъсир” умуммаънавий тушқунликка олиб келиши мумкин. Бу жараёнда давлатнинг шахс ва маънавиятга бўлган муносабати ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, “Маънавият асослари” фанининг ҳам бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар каби, ўзига хос категориялари (тушунчалари) ва ривожланиш қонуниятлари мавжуд. Уларни ўрганишни такомиллаштириб бориш йўли билан маънавиятнинг жами-

ят тараққиёти ва комил инсонни тарбиялашдаги имкониятларидан яна ҳам кенгроқ фойдаланиш мумкин бўлади.

Маънавиятнинг жамият тараққиётидаги ўрни

“Маънавият асослари” мустақил фан сифатида шаклланиб ва такомиллашиб бормоқда. Унинг жамият тараққиёти ва комил инсонни тарбиялашдаги роли ошиб бормоқда. Унинг кўп қиррали имкониятларидан самарали фойдаланиш давлат олиб бораётган сиёсат билан боғлиқ. Тўғри, шахс ва миллат шаклланиши ёки жамият тараққиётининг барча босқичларида маънавиятнинг роли ва аҳамиятига эътибор бериб келинган.

Бугунга келиб маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятига нисбатан муносабат тобора кучайиб бормоқда. Собиқ иттифоқдош, бугунги мустақил давлатларнинг кўпчилигида бирида олдинроқ, иккинчисида кейинроқ маънавият омилининг роли ва аҳамиятини оширишга имконият даражасида эътибор берилмоқда.

Бу борада Ўзбекистоннинг тарихан қисқа вақт ичида Президент Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси асосида маълум тажрибаларни тўплашга эришганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Маънавиятни кўтариш давлат сиёсатида устувор соҳага кўтарилди ва у ўзининг ижобий натижаларини кўрсата бошлади.

Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилинган маърузасида ҳам маънавият масаласи XXI аср бўсағасидаги иккинчи устувор йўналиш деб қаралди. Ҳозирда эркин фуқаро маънавияти, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифа эканлиги қайд этилди. Бошқача айтганда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айна замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўради-

ган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлодни тарбиялашимиз керак эканлиги уқтирилди.

Аслини олганда, ҳозирги кунда маънавиятнинг устувор соҳага кўтарилишининг бир қатор сабаблари бор. Улар қуйидагилар:

Биринчидан, жамиятда амалга ошириладиган барча вазифаларнинг тақдири унда яшайдиган одамларнинг тафаккури, онги қай даражада ўсиши билан боғлиқдир. Уларнинг онги ва тафаккурини амалга оширилмоқчи бўлган вазифалар моҳияти ва манфаати йўналишидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ана шу маънода ҳам маънавият жамият ҳаётини ўзгартиришнинг муҳим механизми ҳисобланади ва ҳар қандай давлат ўз мақсадлари ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни ривожлантиришга устуворлик билан қарайди.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ шўро мафкурасидан воз кечиш байроғи остида умуман ҳар қандай мафкурага қарши кураш бошланди. Бу, ўз навбатида, одамлар маънавияти, шаклланган қадриятларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлади. Айниқса, матбуотда баъзи олимлар, биринчи навбатда, иқтисодий тафаккурни шакллантириш зарур, маънавият эса ана шу иқтисодий тафаккур заминиде юзага келди деган фикрларни илгари сура бошладилар. Оқибатда одамлар руҳиятида яна бир томонлама кетиш турмуш тарзида етакчи ўринни эгаллай бошлади. Бу, ўз навбатида, миллий манфаатлар ёки ватанпарварлик ҳақида қанчалик гапирмайлик, у ўзининг биз кутаётган натижаларини бермасдан, балки одамларда шахсий манфаатларга устуворлик беришга хизмат қила бошлади. Бундай салбий жараённинг юзага келиши янги жамият қуриш учун хатарли.

Учинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага келган иқтисодий муаммолар олдида одамларнинг аксарият қисми довдираб қолди, кўпчилик ҳолларда ёшларнинг таълим олиш, касб ўрганиш, санъат ва бади-

ий асарларга қизиқишдан кўра бозорга чиқиш, пул топишга интилиши хавфи юзага келди. Тўғри, пул топиш, ўз ҳаётининг иқтисодий имкониятини мустаҳкамлаш ҳар бир инсон учун ҳаётий эҳтиёж ва зарурат ҳисобланади. Аммо бу эҳтиёж шахс ва миллат камолоти манфаатларига зид бўлмаслиги, уларнинг маънавий қашшоқлашиб кетишига хизмат қилмаслиги лозим. Ана шу юзага келатган хавфли жараённинг олдини олиш зарур.

Тўртинчидан, собиқ Иттифоқ шароитида фан, техника, маориф, олий таълим, бир қатор саноат корхоналарини вужудга келтириш ва ривожлантиришда муайян ютуқлар қўлга киритилган эди. Аммо улар марказ ва қолаверса, «катта оға» манфаатларига хизмат қилган. Ана шу потенциал собиқ иттифоқдош республикаларга турли баҳоналар билан рус миллати вакиллари юбориш, уларни маҳаллий халқни бошқариш, рус турмуш тарзи, тили, урф-одатлари, характерини сингдириш ҳисобига мамлакатда рус миллати маънавияти устуворлигига таянувчи ягона тил, маънавият ва турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилиб келган эди. Бундай айёрона ва зўравонлик сиёсати оқибатида миллатларнинг ўзлигини англашга бўлган интилишига катта зарб берилди. Бу собиқ иттифоқда умуммиллий инқирозни юзага келтирди.

Мазкур маънавий инқироз миллатнинг «йўқ» бўлиб кетиши хавфини вужудга келтиради. Бундай салбий жараённинг олди олинмасдан, миллатнинг ривожланишига эришиб бўлмайди. Уни бартараф этиш фақат миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Бешинчидан, маънавиятнинг давлат сиёсатида устувор бўлишига яна бир сабаб, миллат сон жиҳатидан каттаи ёки кичикми бундан қатъи назар, унинг реал субъект, маълум моддий ва маънавий бойликларни яратувчиси, истеъмолчиси, бошқаларда учрамайдиган, ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳамда ўзининг мустақил ўрнига эга бўлиши каби омилларни, яъни чинакам миллат сифатидаги мақомини тиклаш ҳаётий эҳтиёж

даражасига кўтарилган эди. Уни ҳал этиш миллат ва давлатнинг келажаги учун амалий аҳамиятга эгадир.

Олтинчидан, ўзбеклар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқдир. Унинг маънавият, фан, маданият соҳасидаги эришган ютуқлари жаҳон халқларига асрлар оша хизмат қилиб келмоқда. Аммо шўролар тузуми даврида аждодлари томонидан яратилган ана шу ютуқларни ўзбек халқининг онги ва қалбидан “чиқариш” борасида ҳам катта ишлар амалга оширилган эди. Мустақиллик шароитида эса уни қайта тиклаш, жаҳон цивилизациясидаги муносиб ва адолатли ўрнини тиклаш зарур эди. Бунга эса фақат маънавиятни ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Еттинчидан, маънавият миллатни ва бутун мамлакат аҳолисини маълум мақсадлар сари давлат атрофига уюштирувчи, уларни фаоллаштирувчи, ёрқин келажакка ишонтирувчи, инсон зотини улуғловчи, унинг қадрини англатувчи улкан “механизм” ҳамдир. Худди ана шу муҳим “механизм”дан мустақилликни мустаҳкамлаш, ислохотларни амалга ошириш, миллатимизнинг қаддини кўтаришда фойдаланишга бўлган эҳтиёж давлатимиз, энг аввало, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ўз вақтида англаб олинди.

Ана шу сабаблар ва эҳтиёжлар мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин маънавиятни ривожлантириш ва миллий меросни қайта тиклашни давлатимиз ҳаётида устувор сиёсат даражасига кўтарилишига олиб келди. Шу сабабли 1994 йил 23 апрелда “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини ташкил қилиш тўғрисида”; 1999 йил 3 сентябрда “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қуватлаш тўғрисида” Президентги фармонлари эълон қилинди. 1996 йил 9 сентябрдаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармонда, “...маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши, деб ҳисоблансин”,¹³ деб белгиланди.

¹³ //Халқ сўзи, 1996 йил, 10 сентябрь.

1998 йилнинг 24 июлида Вазирлар Маҳкамаси “Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди. Юқорида қайд этганимиздек, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида ҳам жамият маънавиятини янада юксалтириш, ислоҳотларни амалга оширишда давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги яна бир бор қайд этилди. Бу соҳадаги муҳим вазифалар, олдимизда турган муаммолар ва уларни кечиктирмай ҳал этиш зарурлигига халқимиз эътибори қаратилди.

Ана шу муҳим ҳужжатлар мамлакатимизда маънавиятни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Маънавиятни ривожлантиришдаги давлат сиёсати Президентимизнинг **“Юксак маънавият- келажак пойдевори”**; **“Куч — билим ва тафаккурда”**; **“Юксак маънавият — енгилмас куч”** деган концептуал аҳамиятга эга бўлган фикрларига монанд равишда амалга оширилмоқда.

Маънавиятни ривожлантириш мамлакатимиз ва миллатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, айниқса, асосий вазифа даражасига кўтарилмоқда. Бу фақат мамлакатимизнинг ички ҳаёти билан боғлиқ бўлибгина қолмасдан, балки унинг барқарор ривожланишига таҳдид солишга уринаётган ташқи турли оқимларнинг мавжудлиги билан ҳам изоҳланади. Уларнинг, айниқса, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларимизнинг онгини заҳарлаш борасида олиб бораётган ҳаракатларига қарши тура оладиган, эркин фикрлайдиган, фидоий ватанпарварларни тарбиялаш, маънавиятни юксак даражада ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Агар ана шу вазифалардан келиб чиқадиган бўлсак, бугун маънавиятни ривожлантириш қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилиши лозим:

Биринчидан, собиқ шўро тоталитар тузумининг зўравонлик ва тобелик тафаккури қолдиқларидан қутулиш. Бунинг учун ҳар бир инсонинг ички руҳий салоҳиятини

юзага чиқариш, фикр эркинлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг ўз тақдири ва келажагини ўзи яратиш имкониятини ҳамда руҳиятини шакллантириш.

Иккинчидан, ҳар бир шахсда мустақиллик тафаккурини ривожлантириш, ўзбек миллатига мансублигидан фахрланиш, авлод-аждодлари томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни эгаллаш ҳамда уларни мамлакат ва миллий тараққиётга кенг жалб қилишда фидоийлик кўрсатиш зарурлигини англаш руҳиятини мустаҳкамлаш.

Учинчидан, ҳар бир шахсда миллий ўзлигини англаш жараёнини ривожлантириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидоийлик кўрсатиши, мамлакат ва миллий тараққиётга, сиёсий, ижтимоий ҳамда миллатлараро барқарорликка, диний бағри кенгликка путур етказувчи ҳар қандай ҳаракатларга қарши маънавий — сиёсий ва фуқаролик салоҳиятига эга бўлишига эришиш.

Тўртинчидан, ҳар бир шахснинг билим олишга интилишига, мамлакатимиз ва жаҳонда фан, техника, технология соҳасида эришилган ютуқлардан баҳраманд бўлишига шароитлар яратиш, Ўзбекистоннинг жаҳонда нуфузининг мустаҳкамланиб боришидан ғурурланиш каби маънавий-руҳий салоҳиятига эришишдир.

Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқарода, аynиқса, ёшларимизда ана шундай салоҳиятни шакллантиришимиз умуммаънавий юксалиш учун асосий мезон ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугунги кунда халқимизга азалдан хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саҳоват каби инсоний фазилатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда ва бундай маънавий муҳит одамларнинг руҳияти ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда”¹⁴.

Бундай ижобий кўрсаткичларга мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий юксалишга қаратилган сиёсат асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

¹⁴ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. “Ўзбекистон”, 2007. 28-бет.

Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепцияси

“Маънавият” тушунчаси, унинг моҳияти ҳақида турли адабиётларда билдирилаётган фикрлар ҳақида олдинги мавзуда тўхталиб, уларнинг методологик асоси сифатида Ислом Каримов томонидан берилган таърифни кўрсатиб ўтган эдик. Унинг “маънавият” тушунчасига берилган таърифлар, жамият ва шахс камолотида тутган ўрнини кўрсатиб беришда методологик асос бўлишининг иккита сабаби бор:

биринчидан, Президентимиз мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга критгандан кейин нафақат мамлакатимизда, шунингдек, бутун МДХ мамлакатлари раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб, “маънавият” тушунчасини илмий истеъмолга киритди ва унинг жамият ва инсон камолотидаги ўрнини илмий асослади ҳамда амалиётга татбиқ этиб келмоқда;

иккинчидан, Президент мамлакатда олиб бориладиган ислохотларни маънавий соҳада олиб бориладиган ислохотлар билан узвий равишда олиб бориш зарурлигини илмий асослади ва унга ўзи раҳбарлик қилиб келмоқда.

Президентимиз маънавиятнинг жамият тараққиёти ва комил инсонни тарбиялашдаги ролини айрим давлатлар раҳбарлари ва олимларидан олдин кўра билди. Бу энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакат учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг ҳаммасини жамлаб айтиш мумкинки, Президентимиз томонидан “маънавият” тушунчасига берилган таъриф тўла қонли илмий таъриф бўлиб, унинг барча қирраларини ўзида қамраб олган.

У: “Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”,¹⁵ — деб таъкидлайди. Мазкур таъриф ўзининг мазмуни ва моҳияти билан “маънавият” тушунчаси-

¹⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008, 19-бет.

нинг барча қирраларини ўзига қамраб олган. Унда инсоннинг ички рухий оламини ифодаловчи барча компонентлар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлайдиган беқиёс куч эканлиги белгилаб берилган.

Ислом Қаримов “маънавият” тушунчасига таъриф беришда, унинг жамият тараққиётига таъсирини ҳам ҳисобга олиб, уни ривожлантириш заруриятини ўз асарларида ҳар доим таъкидлаб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маънавиятни шахс, миллат, давлат ва жамиятнинг қудратли кучи сифатида шаклан ва мазмунан уйғун ҳолатда ўрганиш фақат мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди. Маънавиятни бу шаклда ўрганиш эса ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мустақиллик шароитидаги миллий тафакқуримиз тараққиётда янги йўналишдир. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши ва унинг концептуал ғояларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш Президентимиз Ислом Қаримов номи билан боғлиқдир. Унинг асарлари, рисолалари, маърузаларида “маънавият” тушунчасининг моҳияти очиб берилган. Бу маънавиятни мустақил омил сифатида ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки ҳар қандай илгари сурилаётган ғояларнинг моҳияти очиб берилмас экан, унинг жамият тараққиётида миллат ва шахс камолотидаги ролини белгилаш мумкин бўлмайди.

Президентимиз миллий тараққиётимизнинг дастури даражасига айланган биринчи китоби — «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асаридаёқ — маънавиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини очиб бериб, шундай деб ёзган эди: “Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчилик билан маънавият чашмасини излайди”.¹⁶

Мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар ва унинг вазифаларини белгилаб беришда Президентимиз яна маънавиятни ривожлантириш масаласига қайтиб шундай

¹⁶ Қаримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: “Ўзбекистон”, 1993, 1-ж, 78-бет.

ёзади: “Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар — ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо маънавий ислоҳотлар — қуллик, мутелик исканжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда”¹⁷

Яъни, бу ерда Президентимиз ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий томонини миллий-маънавий тикланиш ташкил қилишини таъкидламоқда. Уларнинг бу гоёларига мувофиқ қуллик, мутелик исканжасидан озод бўлган, ўзининг кимлигини англаган, миллатининг ўзлигини тарафдоран умид қилган инсонгина мамлакатни тараққиётга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Президентимиз “маънавият” тушунчаси мазмунини очиб берар экан: “Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг”¹⁸, - деб таъкидлайди.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарса эмас, у, аввало, ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидойилик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади. Шу маънода ҳам Президентимиз “Маънавият — тақдирнинг эҳсоли эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак”¹⁹ лигини таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, Президентимиз маънавиятни “тайёр” ҳолатда олиб қарамайди. Уни шакллантириш ва

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 1-ж, 202-бет.

¹⁸ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: “Ўзбекистон”, 1993, 1-ж, 78-бет.

¹⁹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: “Ўзбекистон”, 1993, 1-ж, 79-бет.

Сафаров

ривожлантириш, миллатнинг чинакам мулкига, тараққиёт омилига айлантириш учун фидойилик кўрсатиш зарурлигини таъкидламоқда.

Президентимиз асарларини кунт билан ўрганиб борар эканмиз, уларда олдинги асарларда илгари сурилган гоялар кейингиларида ижодий ривожлантирилганлиги, мазмунан ва моҳиятан бойитилганлигини кўрамиз. Энг асосийси шундаки, ана шу бойитиш жараёнида жамият ва миллатимиз тараққиётида содир бўлган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда юзага келган янги муаммоларни ҳал этишнинг назарий асослари ҳам белгилаб берилган. Шу муносабат билан маънавиятнинг жамият ривожланишидаги роли ҳақида Президентимиз томонидан келтирилган қуйидаги фикрларнинг моҳиятини тушуниб олиб, уни бевосита ҳар биримиз ўзимизнинг кундалиқ вазифамизга айлантиришимиз миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир. “Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир”.²⁰

Ҳақиқатан ҳам маънавий қашшоқлик билан ҳеч қачон миллат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётга эриша олмайди. Маънавият ҳар қандай тараққиёт учун манбаа бўлиб хизмат қилади. Чунки маънавият қанча юксак бўлса, қилинадиган ишларнинг самарадорлиги ва унуми ҳам шу даражада юксак бўлади.

Маънавият орқали инсон ҳам, кенг маънода миллат ҳам қилинаётган ишларнинг мазмуни ва моҳиятини аниқ тушуниб етади, ўз меҳнатини қувонч ҳамда тараққиёт омилига айлантиришга эришади.

Шу маънода ҳам Президентимиз маънавиятни ислох қилишни биринчи даражали вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда.

²⁰ Ўша асар 18-бет.

Президентимиз маънавиятнинг моҳиятини очиб бериш билан бир вақтда бу соҳада амалга оширилиши керак бўлган ислохотларнинг стратегик йўналишларини ҳам белгилаб беради. Шу жумладан, у “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида қуйдагиларни таъкидлайди: “...авваламбор ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир”.²¹

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги ўтган давр ичида Президент Ислон Каримов асарлари ва маърузаларида “маънавият”нинг моҳияти, унинг жамият тараққиётида ва инсон камолотида тутган ўрни ҳақидаги ғоялари яна ҳам ривожлантирилди. Президентимиз маънавиятга жамият барча соҳаларда содир бўладиган ўзгаришларнинг манбаи сифатида қараб келади. Шу билан бирга, маънавиятни мамлакатимиз ва ёшларимизга қарши қаратилган турли хуружлар ҳамда ёвуз кучлардан ҳимоя қилишда қудратли куч эканлигига эътибор қаратади. У “бундай бало-қазоларга” қарши курашда, фарзандларимизнинг маънавий дунёсини ҳимоя қилишда нималарга таянишимиз зарур? Аввало, тўғри тарбия, соғлом турмуш ғояси, фақатгина қаттиқ ирода ва иймон-этиқод ҳисобидан бунга эришиш мумкин”,²² деб таъкидлайди. Бундай вазифани амалга оширишнинг асосий имконияти ёшларимиз онги ва қалбига маънавиятимизнинг битмас-туганмас бойликларини етказиш ҳисобланади.

“Маънавият” тушунчасига таъриф беришда, унинг жамият ва инсон камолотидаги ўрнини белгилаб бериш-

²¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси — халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир. —Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 12-13 бетлар.

²² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли., -Т.: “Ўзбекистон” 2007, йили 29-бет.

да Президент ана шу концептуал гоёларни изчиллик билан ривожлантириб келмоқда.

Мамлакат миллий тараққиёти унга раҳбарлик қилувчи етакчига боғлиқ бўлади. Чунки у мамлакатнинг қайси йўлдан бориши, қандай мақсадларни кўзлаши ва белгиланадиган вазифаларни амалга оширишнинг стратегиясини белгилаб беради ҳамда уни реал ҳаётга татбиқ қилиш масъулиятини ҳам ўз зиммасига олишга қодир бўлади.

Шунинг билан бирга, раҳбар учун хос бўлган муҳим хусусиятлардан яна бири, у ўз танланган йўлининг аниқ мўлжалини, унинг келажакда мамлакатни тараққий қилдиришда хизмат қиладиган имкониятларни равшан тасаввур эта олади. Бундан ташқари, у ўзи белгилаб берган вазифаларини амалга ошириш учун мамлакат аҳолисини ўз орқасидан эргаштириш қобилиятига эга бўлишини ҳам тақозо қилади.

Мамлакатга раҳбарлик қилмоқчи бўлган етакчи учун яна бир шарт шуки, у ўзи белгилаб берган вазифалар ичидан асосий ҳалқани топа билиши ва уни белгиланган мақсадларни амалга оширишга хизмат қилдира билишга салоҳияти етарли бўлиши лозим бўлади.

Юқоридагиларни умумлаштирадиган бўлсак, мамлакатга раҳбарлик қилмоқчи бўлган етакчи уни тараққий қилдиришга хизмат қила оладиган илмий гоёлар мажмуаси ҳисобланадиган тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш имкониятларини белгилаб бериши талаб этилади.

Ислом Каримов ана шу кўрсатилган барча хусусиятлар ва салоҳиятни ўзида мужассамлаштирган раҳбар бўлганлиги учун ҳам мамлакатимиз тараққиётининг стратегик вазифаларини аниқ белгилаб берди ва уни амалга оширишнинг йўналишлари, услублари ҳамда имкониятларини юзага чиқариб келмоқда.

Президент томонидан ишлаб чиқилган концепцияда мамлакатимиз ва халқимиз тараққиётини таъминлашнинг асосий омили сифатида миллий-маънавий тикланиш та-

мойили устувор ўринни эгаллади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу, ўз навбатида, шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президент Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. У ўзининг ҳажми жиҳатдан кичик бўлса ҳам, аммо мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларининг акс эттирилиши жиҳатдан мукаммал, фундаментал дастур бўлган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди. Умуман, бу асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Чунки унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар ўтган даврда ўзининг амалий исботини топди ва жамиятимиз тубдан янги босқичга кўтарилди.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади”, - деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

-инсонинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
-ватанпарварлик.²³

Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиб берилган. Жумладан, Ислом Каримов шундай ёзади: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.

Халқимиз адолат, тинчлик, аҳл-қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир”.²⁴

Кўриниб турибдики, Президентимиз ўз асарида маънавийтимизни ривожлантириш вазифаларини белгилаб берган.

Муаллиф халқимизнинг маънавий илдизлари чуқур эканлигини алоҳида таъкидлайди, уларни қайта тиклаш ва янги мазмун билан бойитиш зарурлигини стратегик вазифа сифатида белгилайди. Бу масалага алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлаётганимизга асосий сабаб шуки, Президентимиз кейинги асарларида ҳам маънавий меросимизни қайта тиклаш ғоясини ижодий ривожлантиради ва унинг миллатимиз маънавий тараққиёти учун асосий йўналиш бўлишини асослаб беради.

Ислом Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратади. Жумладан, “Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир”, - дейди.

Худди мана шу фазилатларимизнинг моҳиятини ёшларга етказиш тарбиявий ишимизнинг диққат марказида бўлиши зарур. Чунки миллий маънавийтимизнинг асосий манбалари ана шунга бориб тақалади. Бугунги ёшларимиз бунинг моҳиятига етиб боришлари зарурдир.

²³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. —Т.: “Ўзбекистон”, 1993, 74-бет.

²⁴ Ўша жойда.

Асарда маънавиятнинг халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги роли ҳам асослаб берилган. Жумладан, Президентимиз шундай ёзади: “Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимизнинг қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан етилган”.²⁵

Маънавиятнинг миллий тараққиётидаги ўрни ва уни ўзлаштириш зарурлиги асарда илмий асосланган: “Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади”.²⁶

Президентимиз томонидан илгари сурилган ана шу концептуал ғоялар бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа сифатида белгиланишига хизмат қилиб келмоқда.

Ислом Қаримов ўз асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа эканлигига эътиборни қаратиб қуйидаги концептуал ғояни илгари суради: “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди...”

Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки: биринчидан, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий руҳиятини ўзгартирмас-

²⁵ Ўша манба, 78-бет.

²⁶ Ўша жойда.

дан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигини илмий асослаб берди.

Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахс баркамоллигининг энг муҳим мезони, шу билан бирга, уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англаувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқарувчи улкан омил эканлигини илмий асослаганлигидир.

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварлик шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида да ўринни эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам ўз Ватанини севмаган, унинг ҳар қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

Шу ўринда бир муҳим масалага аниқлик киритиш лозим бўлади. У ҳам бўлса “миллий тараққиёт” ва “миллий тикланиш” тушунчаларининг моҳияти, мазмуни ва мезони масалаларидир. Аслида улар бир-бирини инкор қилувчи тушунчалар эмас. Аксинча, мероси, тарихий хотираси ва заминлари мустаҳкам миллатлар учун бу тушунчаларнинг ўзаро уйғун ҳолатигина миллий тараққиётни таъминлайди. Лекин фалсафий категория сифатида ва мезонлари жиҳатдан улар бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Миллий тараққиёт — эволюцион характерга эга, у қуйидан юқорига томон кўтарилишидан иборат бўлган жараёндир. У миллатнинг шаклланиши, такомиллашуви ва юксалиши каби узлуксиз жараён сифатида намоён бўлади.

Миллий тикланиш эса, миллат тараққиёти тарихининг маълум бир босқичида маълум объектив ва субъектив сабаблар оқибатида бой берилган салоҳиятни қайтадан миллат тараққиётига йўналтириш билан боғлиқ бўлган жараёндир.

Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, миллий тикланиш у ёки бу миллат ҳаётида содир этиладиган, зўравонлик йўли билан унинг авлод-аждодлари томонидан яратилган мерос, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлардан маҳрум этилган, тарихий хотираси топталган, миллий ўзлигини англаши чекланган, манфаатлари, мақсадлари, ҳуқуқлари поймол этилган халқнинг ғоясидир. У тарихий

тараққиётнинг маълум босқичига келиб эса, ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида миллий ривожланиши борасида ана шу бой берилган имкониятлардан фойдаланган, яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга йўналтиришга қаратилган умуммиллий фаолият ҳисобланади.

Президентимизнинг асарларидаги миллий-маънавий тикланиш ғоясининг мазмунини зўравонлик йилларида топталган меросимизни ўзлаштириш, урф-одатларимизни, анъаналаримизни ривожлантириш, қадриятларимизни мустаҳкамлаш борасида бой берилган имкониятлардан бугунги тараққиётимизга йўналтириш ташкил қилади. Уларни умуммиллий дунёқарашимизнинг ажралмас қисмига айлантириш борасида ҳар биримизнинг тинмай фидойилик кўрсатишимиз зарурлиги кўрсатиб берилган.

Ҳақиқатан, ҳам миллат қачонки миллий заминларига таянсагина тараққиётга эришиши мумкин. У ҳеч қачон ўзгаларнинг маънавий ёрдами билан миллат даражасига кўтарила олмайди ҳамда маънавий ривожланишга эриша олмайди.

Шунинг учун ҳам Президентимиз дастлабки ёзган асаридаги миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларини ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, янги мазмун билан бойитган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Хусусан, улар “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”, “Амир Темур — фахримиз, гуруримиз”, “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин”, “Ўз келажгимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз (“Туркистон” га-

зетасининг мухбири саволларига жавоблар)”, “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда (“Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар)”, “Ўзбекистон XXI асрга интиломда”, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз”, “Миллий мафкура — келажак пойдевори”, “Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман (“Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоблар)”, “Юксак маънавият — енгилмас куч” каби асарлари, нутқлари ва мухбирлар саволларига жавобларида ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг юқоридаги асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустақкамлаш;

- мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

- таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

- миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;

- ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

- инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-

маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлан-тириш кабилардир.

Аждодларимиздан қолган мерос ҳар бир миллатнинг нафақат ўтмиши, шу билан бирга, истиқболи учун ҳам куч, фидойилик ва илҳом манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз “Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табарруқ заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан юқори босқичга кўтарилишида онаюртимизда туғилиб камолга етган улўғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди”,²⁷ — деб таъкидлайди. Унинг “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир”²⁸, деган ғояларида ҳар бир ватандошимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўрганиш зарурлиги миллий-маънавий тикланишимизнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

Ислом Каримов миллий мафқуранинг миллий-маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратиб, “миллий мафқура миллатни бирлаштиради, мафқурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади. Миллий мафқура воситасда эл-юрт бирлашади ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади”²⁹, — деб таъкидлайди. Президентимиз, ўз навбатида, миллий ғоянинг вазифаларини аниқ белги-

²⁷ Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008, 30-бет.

²⁸ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. —Т.: “Шарқ”, 1998, 5-10-бетлар.

²⁹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни—миллат қилшга хизмат этсин. —Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 4, 2, 15-бетлар.

лаб беради: "... миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимишни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилятларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур"³⁰. Мамлакатимиз бугунги кунда тоталитар тузум ҳукмронлигидан озод бўлиб демократик жамият қуриш сари дадил қадам ташламоқда. Табиийки, жамият бир босқичдан иккинчисига ўтиш, яна боз устига зўравонлик асосида қурилган жамиятдан маърифатли, инсон манфаатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиш осон кечмайди, чунки эски тузум иллатлари ҳали сақланиб туради. Ўз умрини узайтириш учун жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатади, янги жамият эса қисқа муҳлатда қурилмайди, балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидойилик билан меҳнат қилишларини талаб этади. Худди мана шу жараёнда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабр-тоқат билан одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жамият таффақурини шакллантириш муҳим вазифа даражасига кўтарилади.

Мамлакатимизда ана шу юксак муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш жараёнида эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз зарур. Шунинг учун ҳам президентимиз оғир иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаблигига қарамасдан кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб берди ҳамда уни изчиллик билан амалга оширишга раҳбарлик қилмоқда. У мазкур дастурнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб: «Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самара-

³⁰ Ўша асар. 15-бет.

ли тақдири — буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли му- тахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»,³¹ — деб таъ- кидлайди.

Президентимизнинг миллий-маънавий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал гоёси соғлом авлод, комил инсонни тарбиялаб вояга етка- зиш заруриятини илмий асослаганлигидир. Унинг соғлом авлод концепциясида шахснинг жисмонан, руҳан бақув- ват бўлиши, юксак билим, маънавият, тафаккур ва фи- дойи ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берув- чи авлод назарда тутилади. Шунинг учун ҳам «...фарзанд- лари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фар- зандлари соғлом бўлади»,³² — деган гоёни илгари суради.

Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маъ- навиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги Президентимиз томонидан илмий асосланган.

Ҳақиқатдан ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари кўрсатиб турибдики, қайси мамлакат ёшлар- и замонавий фан, техника ва технология ютуқларини мукамал эгалласа, мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳиссалари самарали бўлиб, маънавият юксалади ва мам- лакатнинг ҳозирги замон жаҳон цивилизация тизимига кириб бориши тезлашади.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий- маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларни миллий маънавиятимизнинг ажралмас қис- мига айлантириш гоёси асосий ўринни эгаллайди. Жум- ладан, у «Фидокор» газетаси мухбири саволларига бер-

³¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. —Т.: «Шарқ», 1999, 9-бет.

³² Президентимиз И.А. Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи: //Халқ сўзи, 1999 йил 8 декабрь.

ган жавобларида дунё халқлари маънавий мулкига айланган файласуфларнинг асарлари ҳалигача ёшларимизга ўзбек тилида етиб бормаганлигини танқид қилиб шундай таъкидлайди: «Дунё тан олган кўп улуг файласуфларнинг асарлари ҳанузгача нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг гоёвий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?»³³

Кўриниб турибдики, Президентимиз миллий-маънавий ривожланишимизни жаҳон халқларининг илғор маънавият тафаккури тараққиёти билан уйғун равишда ривожлантириш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўз қобигидан чиқолмаган, жаҳон халқлари эришган ютуқларидан фойдаланишга интилмаган миллат тараққий қила олмайди. Бундан ташқари миллий тараққиёт учун яна бир қонуният ҳам борки, жаҳонда эришилган ютуқ ва тажрибалардан фойдаланишга ҳаракат қилмаган миллат умумжаҳон цивилизациясига ўзининг ҳиссасини ҳам қўша олмайди.

Шу маънода ҳам Президентимиз миллий-маънавий тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида жаҳон халқларининг маънавий тараққиётда эришган ютуқларидан кенг фойдаланишимиз, уларни кенг ўзлаштиришимиз зарурлигини илмий асослаб берган. У “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласига ёзган сўз бошида “... мен миллий истиқлол гоёси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликларини асраб-авайлаб, демократик қадриятлар,

³³ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.- Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 27-бет.

бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиклантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан”³⁴, — деб таъкидлайди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш илмий-назарий концепциясининг амалий аҳамияти шундаки, у бутун миллий ва жаҳон маънавияти тараққиёти учун зарур бўлган эҳтиёжларни ўзида тўлиқ ифода этади.

Бу ғояда миллий ва умуминсоний маънавият уйғун ҳолда асосланган. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида миллий-маънавий тикланишимиз барқарор жараён сифатида намоён бўлиб келди. Бу, ўз навбатида, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепциясининг ҳаётийлигини тасдиқлайди.

Ислом Каримовнинг “маънавият” тушунчасига берган таърифи ва миллий-маънавий тикланиш концепциясининг аҳамияти

Ислом Каримов “маънавият” тушунчасини илмий истеъмолга олиб кирган назариётчи ва амалиётчилардан бири ҳисобланади. У маънавий жиҳатдан қашшоқ жамиятда иқтисодий фаровонликка ва сиёсий барқарорликка эришиб бўлмаслигини назарий жиҳатдан асослаб берди ҳамда ана шу концепцияга ўз фаолиятида изчил амал қилиб келди. Натижада барча соҳа ва йўналишлар бўйича белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш имконияти кенгайиб борди. Бу ижобий ютуқларнинг салоҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритганимизда бугун жаҳонда иқтисодий юксакликка эришган мамлакатларда маънавий қашшоқлик авж олаётганлиги ва улар бу салбий жараённинг олдини олиш ҳақида бош қотираётганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, Ислом Каримов томонидан жамиятда амалга ошириладиган барча ислохотларни уйғун равишда олиб

³⁴ Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 7-бет.

бориш зарурлиги ҳақида ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ қилган концепциянинг амалий аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Маънавиятнинг инсон, миллат, давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги концепциялардан яна бири миллий-маънавий ривожланиш ҳисобланади. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш ва маънавий янгиланиш ҳамда ривожланиш концепциясининг жуда катта назарий ва методологик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фикримизча, унинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, бу концепция собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий-маънавий маданиятимизнинг инқирозга юз тутганлиги ва унинг сабабларини тушуниш;

иккинчидан, собиқ шўроларнинг зўравонлиги, зулми ва жинояткорона хатти-ҳаракатларига қарамасдан, миллий-маънавий меросимизнинг илдизлари мустаҳкам бўлганлиги учун бу зўравонликларга бардош бериб, ўз салоҳияти ва хусусиятларини сақлаб қолганлигини тушуниб етишга, худди шунингдек, ана шу омил мустақиллигимиз шароитида куч-қудрат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларимиз учун манба бўлаётганлигини тушуниб етиш;

учинчидан, ҳар бир миллат, у сон жиҳатдан кичикми ёки каттами, ундан қатъи назар мустақиллик уларнинг ҳар бири учун сув ва ҳаводек зарур эканлигини, фақат мустақиллик миллатнинг миллий маънавиятини сақлаб қолишга, уни ривожлантириш ва кейинги авлодга етказиш бахтига муяссар этадиган асосий омил эканлигини тушунишга, бу эса ҳар бир миллатдошимиз ва ватандошимизнинг мустақилликдек улуғ неъматни сақлаб қолиши ва янада мустаҳкамлаши учун фидойилик кўрсатиши маънавиятнинг юксак белгиси эканлигини қалбан ҳис этишга имкон бериши;

тўртинчидан, миллий-маънавий тикланишнинг моҳияти, «маънавият» тушунчаси, унинг шахс, миллат камо-

лоти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини билиб олишга, уни ривожлантириш учун меросимизни чуқур ўзлаштириш, тинмай изланиш, маърифат, фан-техника ва технология ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Президентимизнинг бугунги тараққиётимизни таъминлайдиган «Куч — билим ва тафаккурда» деган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган концептуал ғоясига изчиллик билан амал қилишимиз;

бешинчидан, миллий мустақиллигимизни асраш ва мустаҳкамлаш, ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий-маънавий тикланишимиз олдида турган вазифалар кўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидойилик кўрсатиш зарурлигини англашимиз;

олтинчидан, миллий-маънавий тикланиш борасида улар мамлакатимиз ёшлари олдида турган вазифаларни билиб олишга, уларда миллий ғурур, ифтихор, фидойилик, ватанпарварлик, инсонийлик каби олижаноб фазилатларни шакллантириш — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизнинг асосий шарти эканлигини тушуниб етишимиз;

еттинчидан, миллий истиқдол ғоясининг маъно ва мазмунини чуқур англашимизга, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида маънавий янгиланишимиз ва ривожланишимиз борасидаги стратегик вазифаларимизнинг асосий йўналишлари ва кўламини чуқур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатишимизнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз зарурлигидадир.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепциясининг халқаро аҳамияти ҳам ниҳоятда каттадир. Унда илгари сурилган ғоялар бугунги кунда тоталитаризмдан қутулиб демократик жамият қуриш томон бораётган бир қатор мамлакатлар миллий-маънавий тикланиши учун ҳам катта амалий аҳамиятга эгадир.

Зеро, Россия Фанлар академияси академиги А.Н. Яковлев таъкидлагандек, “Ислоҳ Каримов ўтмишни келажак билан боғлаш асосида мамлакатни модернизация қилиш

— замонавий тарзда тараққий эттириш йўлини танлади. Бу мақсадга хизмат қиладиган тизим ва тармоқлар фаолиятининг самарадорлигини, аввало, муайян давлатнинг мавжуд шарт-шароити, муайян халқнинг ворислик хусусиятларига таянадиган, айти пайтда келажакка йўналтирилган ижтимоий-маданий анъаналарга боғлиқ эканини у чуқур англади”.³⁵ Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг миллий-маънавий тикланиши борасидаги ютуқлари халқро аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепцияси изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Маълумки, ўзбек халқи 130 йилга яқин мустамлакачилик истибдоди остида яшади. Бу давр мобайнида унинг миллий-маънавий мероси поймол этилди, тарихи сохта-лаштирилди, илмий, маданий, бинобарин, маънавий меросга нигилистик қараш ҳукм суриб келди. Халқимизнинг онги сал бўлмаса ижтимоий адолатсизлик, маънавиятсизлик, нопоклик ва ёвузликка қаршилиқ кўрсатолмай, мутеликда яшашга кўникиб қолаётган эди. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз тарихий-маънавий меросидан тўлақонли, эмин-эркин фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиб келди.

Маънавиятимизга нисбатан бундай адолатсиз сиёсатнинг салбий оқибатлари ва уни бартараф этиш вазифалари ҳақида Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида: “Бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифаларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, аҳолининг кундалиқ эҳтиёжларига бевосита дахлдор долзарб масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча

³⁵ Яковлев А.Н. Қайтадан кашф этилган мамлакат. // Халқ сўзи, 2001 йил. 9 февраль.

зарар келтирганини унутмаслигимиз керак”³⁶ лигини таъкидлаш билан бирга, бу борадаги ишларимиз нималардан иборат бўлиши ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган:

“Биринчи навбатда миллий маънавиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз — шу хазинани кўз қорачигимиздек асраш ва янада бойитиш”³⁷ дан иборат.

Фақат мустақилликка эришишимиз шарофати билан маънавий меросимизни, кўҳна ва навқирон тарихимизни ўрганиш, жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрнимизни тиклаш ва демократик жамият қуришдек бахтга мушарраф бўлдик.

Бундай имкониятларни қўлга киритишимизда халқимизнинг севимли фарзанди, улкан давлат ва сиёсат арбоби, етук олим, ватанпарвар ва миллатпарвар инсон Ислом Каримовнинг етакчилик ва раҳбарлик қобилияти асосий роль ўйнади.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги йиллар ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик вужудга келтирилди, бозор муносабатларига ўтиб бормоқдамиз, миллий-маънавий покланиш ва тикланиш вазифаларини вазминлик билан амалга оширмоқдамиз.

Президентимизнинг миллий маънавий тикланишимиз борасидаги концептуал ғояларни амалга оширишдаги хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, 1994 йилдаёқ республикаимизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказини тузиш тўғрисида Фармон эълон қилинди. Мустақиллик йилларида маънавий меро-

³⁶ Каримов И. А. Юсак маънавият — енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008, 78-бет.

³⁷ Ўша жойда.

симиз раҳнамолари номлари тикланди, улар таваллуд топган кунлар нишонланмоқда, асарлари чоп этилди ва этилмоқда. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675, Нажимиддин Кубронинг 850, Имом Бухорий ҳазратларининг 1225, Аҳмад Фарғонийнинг 1200, Жалолиддин Мангубердининг 800, Амир Темурнинг 660, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуд айёмлари; “Алпомиш” достони ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланди.

Мустақиллик йиллари «Қуръони Карим» ўзбек тилига таржима қилиниб, кўп нусхада чоп этилди. Имом Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадислари, Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар” тўплами, кўплаб “Қуръони Карим” шарҳларига оид китоблар чоп этилганлиги ва улардан халқимиз баҳраманд бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари Ийди Рамазон ва Қурбон Ҳайит кунлари байрам сифатида нишонланмоқда. «Наврўз» умумхалқ байрам сифатида халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000 дан ортиқ ватандошларимиз муборак ҳаж сафарларини адо этмоқдалар. Мустақиллик йиллари кўплаб масжид ва мадрасалар таъмирланди, янгилари барпо этилди.

Мустақиллик туфайли миллий истиқлолимиз қурбонлари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Бехбудий ва бошқаларнинг номи тикланди, асарлари чоп этилди, улар таваллуд топган кунлар умуммиллий байрам сифатида нишонланди. Қатагон йилларида Ватанимиз мустақиллигини таъминлаш йўлида қурбон бўлган халқимизнинг ана шу севиқли фарзандларининг муборак номларини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида Шаҳидлар хиёбони барпо этилди.

Узоқ тарихимиз, бой маданиятимиз, серқирра маънавиятимиздан гувоҳлик берувчи Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500, Қарши шаҳрининг 2700, Марғилоннинг 2000 йиллиги катта тантана билан нишонланди.

Шу билан бир қаторда, биз миллатимиз тарихи ва меросини чуқур ўрганишимиз лозим бўлади. Зеро, Пре-

зидентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз».³⁸ Миллий-маънавий тикланиш борасида эришган ютуқларни халқимиз адолатли равишда Президентимиз номи билан боғлайди.

Президент томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган миллий-маънавий тикланишимиз борасидаги муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар илмий жиҳатдан янги қуйидаги назарий концепцияда намоён бўлди:

а) миллий-маънавий тикланишимизнинг илмий-назарий концепцияси ишлаб чиқилганлиги ва истиқболда маънавий тараққиётимизнинг XXI асрдаги вазифаларини белгилаб берилганлиги;

б) миллий-маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзига хос хусусиятлари илмий асослаб берилганлиги ва унинг фақат миллий, ижтимоий-маънавий тафаккуримизда эмас, шу билан бирга, умумижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида янги йўналиш бошлаб берилганлигида ҳам намоён бўлади.

Ислом Каримов томонидан амалга оширилган миллий-маънавий соҳадаги барча ишлар халқимизнинг қаддини кўтармоқда, ўзлигини англашга ва мамлакатимизнинг ривожланишига хизмат қилмоқда, маънавиятимизни мустақамламоқда.

Шунинг учун ҳам у ишлаб чиққан концептуал ғояларни чуқур ўзлаштириш ва уни реал ҳаётимизга татбиқ қилишда фидойилик кўрсатиш мамлакатимиз ва халқимиз тараққиётини таъминлашда катта амалий аҳамият касб этмоқда.

Миллий-маънавий тикланишимизнинг аҳамияти ҳақида фикр юритганда маънавиятнинг жамиятимиз тараққиёти ва комил инсонни тарбиялашдаги ўрни ҳақидаги Президентнинг «Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яна бир бор чуқур англаб етишимиз шарт. Маънавият соҳасида бўшлиқ

³⁸ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўғ. –Т.: «Шарқ» 1998, 18-бет.

бўлмади”³⁹, — деган кўрсатмасидан келиб чиқадиган бўлсак, маънавиятга катта эътибор билан қарашимиз зарурияти келиб чиқади. Маънавиятни юксалтириш йўли билан ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш вазифасини адо этишимиз мумкин бўлади. «Биз, — деб таъкидлайди Ислом Каримов, — фарзандларимизни миллий табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим»⁴⁰.

Маънавият омилини қанчалик ривожлантирсак, Президентимиз томонидан қўйилган ана шу вазифаларни амалга оширишимиз мумкин бўлади.

2- мавзу: Маънавиятни шакллантирувчи асосий мезонлар

Президентимиз миллий маънавият ҳақида тўхталиб: “...ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмади. Бу борада... маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”,⁴¹ — деб таъкидлаган эди.

Миллий маънавият ва маданият тарихий ҳодиса сифатида бир кунда, бир йилда, балки бир асрда ҳам мукамал шаклланмайди. Ўрта Осиё халқлари маънавияти ва маданияти тарихининг ибтидоси асрлар қаърига сингиб кетган бўлиб, уларнинг неча минг йиллик маънавий камолот пиллапояларини босиб ўтганлигини аниқлаш бугун учун анчайин мураккаб муаммо.

³⁹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Халқ сўзи, 2008, 9 февраль.

⁴⁰ Ўша жойда.

⁴¹ Каримов И., А. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т.: “Маънавият”, 2008, 29-30 бетлар.

Бошқача қилиб айтганда, бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшнагани табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, мағрибу машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Ўтмишда халқимиз маънавий маданиятининг узвий қисми бўлган Ислом динини ривожлантиришга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшганлиги ҳаммамизга маълум.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан диний-маърифий қадриятларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш, шу асосда ёш авлодимиз қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш бўйича кенг миқёсда амалий ишлар олиб борилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент ва бошқа қадимий шаҳарлардаги халқимиз моддий ва маънавий маданиятини ўзида ифода этган шарқ меъморчилиқ санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Чунончи, мустақиллик йиллари Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳонуддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут — тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўкғумбаз обидалари, Қармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси, Тошкентдаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуаси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш бўйича кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Ислом цивилизацияси ва маданияти ривожига ўзининг илмий-маънавий мероси билан улкан ҳисса қўшган

буюк илму уламоларнинг ноёб ва муътабар маънавий меросини сақлаб, асраб-авайлаш, ўрганиш, уларни кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб ва тараннум этиш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда ана шундай маданий ва маънавий мерос собиқ шўро даврида ҳам мавжуд эди. Жумладан, тарихий-маънавий қўлёзмалар махсус фондларда сақлаб келинар ва улардан фақат тор доирадаги мутахассислар илмий мақсаддагина фойдалана оларди. Бу маънавий меросимизни асл инсоний моҳиятига мос равишда чуқур ўрганиш, маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида талқин ва тарғиб қилишга мутлақо йўл қўйилмасди. Бунга журъат қилган одамларнинг қандай тазйиқ ва хавф-хатарларга учраши муқаррарлигини яқин ўтмишимиз билан таниш бўлган ҳар қайси ўрта ва кекса авлод вакили яхши билади. Тарихий маданий-меъморий маданият ёдгорликлари – масжид ва мадрасалар, мақбаралар қаровсиз, хароба ҳолга келиб қолган эди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ диний маънавий-маданий меросимизга бўлган бундай салбий муносабатга чек қўйилди, аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий ва маданий меросга ворис халқ эканлигимизни англаш ва бу билан фахрланиш йўлида қатор тadbирлар амалга оширилди. Улуғ аждодларимиз яратган бебаҳо илмлар, жаҳон фани ва маданиятига беқиёс ҳисса бўлиб қўшилган асарларни теранроқ ўрганиш имконияти юзага келади. Юртдошларимиз Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий ва бошқа ислом оламининг алломалари ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, уларнинг ўлмас асарлари халқимиз маънавий хазинасига қайтарилди. Мазкур улуғ зотлар мангу қўним топган жойлар ободонлаштирилиб, халқимизнинг зиёратгоҳларига айлантирилди. Зотан бу буюк сиймолар одамлар онгига поклик, ҳалоллик, диёнат, адо-

лат, инсонпарварлик каби умуминсоний маънавий қадриятларни сингдириб, кишилик жамиятининг эзгулик йўлидан тараққий топишига улкан ҳисса қўшдилар.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти бўлмиш «АЙСЕСКО» томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак ном берилиши юртимизда етишиб чиққан илму уламоларнинг Ислом маданияти ва маърифати ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини ислом дунёсида эътироф этилишидир.

Улар қолдириб кетган маънавий мерос бугунги кунда диний қадриятларимизни тиклашимизнинг асоси бўлмоқда, маънавиятимиз, қалбимиз ва руҳиятимизни бо-йитмоқда. Уларнинг асарлари ўзбек халқининг моддий ва маънавий бойлиги бўлиши билан бирга, бутун дунё халқларининг мулкига айлангандир.

Авлод-аждодаларимиздан қолган ана шу моддий ва маънавий мерос мустақиллик шароитида маънавий тикланиш, маънавий покланиш, маънавий ривожланишимиз учун асосий манба бўлиб келаётганлиги, руҳиятимизни бойитиб бораётганлиги маданият ва маънавиятнинг ҳар доим уйғун ривожланишини тасдиқловчи ёрқин мисол бўла олади. Улар ҳар доим бир-бирларига ижобий таъсир ўтказиб, ўзаро бир-бирларини бойитиб келганлар. Уларнинг узвийлиги умуммиллий маънавиятимизни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Маънавий мерос — маънавият ривожининг асоси

Энди маънавий мерос ва унинг маънавият ривожидagi баъзи жиҳатларини баён этамиз. Маънавий меросни изоҳлашдан олдин умуман «цивилизация», «мерос», хусусан, «маданий мерос», «маънавий мерос» тушунчаларининг нисбати, хусусиятлари, фарқларини билиб олишимиз лозим бўлади. Чунки маънавий мерос умуман мероснинг, хусусан, маданий мероснинг таркибий қисми са-

налади. Маданий меросни тушунмасдан маънавий меросни ҳам тушуниш қийин. Бу тушунчаларда умумийлик бўлса ҳам, улар бирдай эмас, ўзаро қайси бир жиҳатлари, хусусиятлари билан фарқланади. Бундан олдинги масалада кўрганимиздек, ҳар бир жамият ва давр ўз маданият типига эга бўлади. Жамият, давр ўзгариши билан унинг маданият типи ва маънавиятида ҳам ўзгариш, янгилиниш бўлади, аммо маданий тараққиёт узилиб қолмайди, илгариги маданият, цивилизация йўқ бўлиб кетмайди, балки маданий мерос сифатида сақланиб қолади. Мерос инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичида яшаган аждодлар томонидан яратилган ва кейингисига етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари мажмуидир. Маданий мерос ҳам мерос доирасига киради, аммо ундан биров фарқ қилади. Ўтмишдаги барча маданият ёдгорликлари мерос сифатида сақланиб қолиши мумкин, лекин уларни ҳаммаси ҳам маданий қадриятга эга бўлавермайди. Маданий меросда кишилиқнинг келгуси тараққиёти, маънавий юксалишига хизмат қиладиган, унга ижобий таъсир қиладиган, қадрият аҳамиятига эга бўлган томонлар ҳисобга олинади.

Ўтмиш авлодлар яратган маданий ёдгорликларнинг ҳаммаси ҳам маданий мерос бўлавермайди, чунки ўтмишдан қолган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам қадрият аҳамиятига эга бўлавермаслиги ҳаммамизга маълум. Масалан, Шўролар даврида яратилиб, унинг сиёсати, мафкурасини тарғиб этган, эндиликда ўз умрини яшаб ўтган китобларнинг бугун учун ҳам, келажак учун ҳам қадри ва аҳамияти йўқ. Тўғри, улар мерос, лекин маданий мерос эмас, уларни тарихий факт сифатида сақлаб қўйиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маданий мерос деб, ўтмиш авлоддан кейинги авлодга ворислик асосида қолдирилган, замонда барқарорлик синовидан ўтган, сараланган, инсониятнинг ҳозирги ва келгуси тараққиётига хизмат қиладиган моддий ва маънавий маданият мажмуига айтишимиз мумкин.

Кишиликнинг ҳар бир авлоди аجدодлари томонидан яратилган маданий бойликларни мерос сифатида қабул қилиб олади. Тарихий ворислик — жамият ва унинг маданияти равнақи шартидир. Минг афсуслар бўлсинким, Шўролар даврида маданий меросга тўғри муносабатда бўлинмади. «Бою заминдорларга, ҳоким синф табақаларига хизмат қилган ўтмиш маданиятининг бизга кераги йўқ, янги пролетар (йўқсил) маданиятни яратамиз» деган шоир остида собиқ Иттифоқхалқларининг, жумладан, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятига қирон келтирилди, саройлар, масжид ва мадрасалар бузиб ташланди, қаровсиз хароба ҳолга келтирилди, нодир асарлар ёндирилди. Бундай сиёсат туфайли маданий меросимиз топталди.

Маданий ва маънавий мерос ўзаро бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг ўртасига ўтиб бўлмас «Хитой» деворини қўйиш ҳам мумкин эмас, маданий меросни барпо этишнинг замирида ҳам маънавият, яъни инсоннинг маънавий-руҳий билимлари, қобилияти, истеъдоди, ақли, эмпирик ва назарий билим тажрибалари, меҳнат малакаси каби бошқа маънавий фаолияти ётади. Маданий ва маънавий мерос ўртасида умумийлик ҳам, фарқли томонлар ҳам мавжуд. Айтилган алоқадорлик, боғлиқлик, ўзаро муносабат ва таъсир бор. Шунингдек, маданий мерос ўз кўлами жиҳатидан «маънавий мерос» тушунчасидан кенгроқ.

Маданий меросда кўпроқ умумийлик устунлик қилса, маънавий меросда хусусийлик устунлик қилади. Маданий мерос умуман маданият ютуқларини ўз ичига қамраб олса, маънавий мерос маънавий маданият ютуқларини ўз ичига қамраб олиши билан фарқланади. Маданий мероснинг қадри абадул-абад тушмайдиган қисми миллий қадрият дейилади. Маънавий бойликлар авлоддан авлодга, бир тузумдан иккинчи тузумга мерос сифатида ўтади ва жамият, унинг маънавий тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Маъна-

вий мерос деб узоқ ва яқин ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маънавий жиҳатдан гоят қимматли, ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, бутун ижтимоий манфаати ва эҳтиёжига, эзгуликка хизмат қиладиган умуминсоний маънавий бойликларга айтилади. Маънавий мерос маънавий қадрият сифатида намоён бўлиб, унга илм-фан, жумладан, фалсафа, адабиёт, санъат, ахлоқ, диний ва дунёвий таълимотлар, ҳурфикрлик ва бошқалар киради.

Маънавий мерос замонлар ўтиши билан ўз қадрини йўқотмайди, балки сифат жиҳатдан янгича мазмун ва аҳамият касб этади. Маънавий мерос кишилар онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобни эзгулик сари етаклайди.

Маънавий мерос бирор халқ, миллат, унинг вакиллари томонидан яратилиб, сўнг умуминсониятнинг маънавий бойлигига, меросига айланиб қолади. Марказий Осиё халқларининг ўтмиш авлодлари қолдирган маънавий мерос бунга яққол мисол бўла олади. Биз маънавий меросимиз жиҳатидан жаҳондаги олдинги ўринлардан бирини эгаллаймиз. Президентимиз Ислоҳ Каримов қайд этганидек, «Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, химия, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин...»⁴². Буларнинг ҳаммаси Турон заминида яшган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидирким, энди бу нодир маънавий ме-

⁴² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: Шарқ, 1998. 3-4-бетлар.

росимизни жиддий ўрганиш, халқимизга етказиш даври келди. Миллий-маънавий меросимиз жиҳатидан, Президентимиз таъкидлаганидек, жаҳон халқлари орасида олдинги ўринлардан бирида турамиз, аммо ана шу бой меросимизни ўрганиш, ўзлаштириш, идрок этиш жиҳатидан жаҳон халқлари орасида 57-ўринда туришимиз ачинарли ҳолдир. Миллий-маънавий меросимиз билан уни ўрганиш ва идрок этиш орасидаги масофа анча олис.

Мазкур бой миллий-маънавий меросимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, идрок этишимиз учун барча имкониятлар мустақил давлатимиз томонидан, бевосита Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан яратиб берилмоқда. Бу имкониятларни рўёбга чиқариш учун тарихчи, олим, адабиётчи, санъаткорларимиздан, қўйингки, миллий маънавиятимиз жонкуярларидан ғайрат-шижоат, қунт билан ишлаш, изланиш талаб этилади. Президентимиз айтганларидек, халқимизнинг таянчи аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи катта бир хазина. Бу хазинадан мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда оқилона фойдаланишимиз лозим. Қадимий ёзувлар, битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, улуғ шоир ва мутафаккирларимиз яратган дунёвий билим ва бадий асарлар, Қуръони карим, ҳадислар, Яссавий ва Боқирғонийлар яратган диний-ахлоқий руҳдаги асарлар, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиблар яратган ахлоқий, панднома асарлар, Нажимиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандийлар яратган инсон ички дунёси, руҳиятига қаратилган таълимотлар, Навоийнинг ўлмас бадий ижод хазинаси ва бошқалар бизнинг бой маънавий меросимиз ҳисобланади. Улар инсон ички дунёсини, руҳиятини, инчунун маънавиятини сайқал топишига қаратилган. Президентимиз айтганидек, маънавий меросимиз бўлмиш: "...муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюқ мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан

яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради⁴³. Уларда инсонлар маърифатга, илм олишга, юксак ахлоқ-одобга, олижаноб фазилатларга, яхшиликка даъват этилади; ёмонлик, ёвузлик қораланиб, ундан сақланишга чақирадиган панд-насихатлар, ўғитлар жуда кўп. Улар кишиларни маънан тарбиялайди. Маънавиятсизлик, маънавиятдан маҳрум бўлиш инсонни ўғрилик, юлғичлик, порахўрлик каби иллатлар сари йўллайди. Бундан Аллоҳнинг ўзи асрасин!

Маданият, маънавий ва маданий мерос, маънавият ривожини инсоният цивилизацияси билан боғланиб кетади. Аммо уларни бир-бири билан аралаштириб юбориш ҳам тўғри бўлмайди. Цивилизациянинг ўзи инсониятнинг маданияти ва маънавияти тараққиёти босқичларида рўй берувчи сифат жиҳатидан янги босқич бўлиб, кишилик жамияти тарихида чуқур из қолдиради. Цивилизация — маълум бир тарихий босқичда инсониятнинг маданий тараққиётида яратган, эришган, қўлга киритган сифат жиҳатидан янги, улкан ютуқлари мажмуи.

Цивилизациянинг маданиятдан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган, ўзгалардан тубдан фарқ қиладиган, аммо ўз даври тараққиётида такрорланмас из қолдирадиган фан, маданият, техника, ижтимоий онг, маънавият ва бошқа соҳалардаги буюк, юқори кўрсаткич ҳисобланади. Унинг характерли томони шундаки, у ўзидан олдингисини қабул қилмайди, балки сифат жиҳатидан янги, унга ўхшамаган ўзгаришларни вужудга келтирувчи жараён ҳисобланади.

Цивилизация ҳар бир халқнинг ёхуд жамиятнинг, тарихий босқичнинг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган қадриятлари, тафаккур тараққиёти ҳисобланади. Ҳозирги даврда илмий адабиётларда уни «Шарқ» ва «Ғарб» цивилизациясига бўлиш қабул қилинган. Инсоният тарихидаги бу цивилизациялар ҳинд, конфуцийлик, буддавийлик, мусулмон ёки католик, православ ва ҳоказоларнинг пайдо бўлиши шаклида бўлган.

⁴³ Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008, 21 бет.

Бугунги цивилизация инсониятнинг оламни билиши, ундан умумбашарий манфаатлари йўлида фойдалана олиши, ҳар бир халқнинг умуминсоният тараққиётига хизмат қилувчи маънавияти ва маърифати шаклида намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, маданият, маънавий мерос, цивилизациялар ютуғи жамият ва инсон маънавиятининг ривожланишида, маънавий баркамол авлодни вояга етказишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўтмишда топталган маънавий меросимизни тиклашга қатъиян киришилди. Айтиш ўринлики, ўтган йиллар давомида ана шу бой меросимизни ўрганиш ва ўзлаштириш орқали чинакам миллий тикланишимизга эришдик. Ўзбеклар ўзининг миллий-маънавий «қиёфасига» эга бўлдилар. Бу борада ҳали олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Шулардан бири ҳали меросимизнинг бизга номаълум, аммо дунёнинг турли мамлакатларида сақланаётган, жаҳон цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаган жуда қўплаб моддий ва маънавий меросимизни ўз Ватанимизга келтиришимиз, уларни ўрганишимиз, дунёқарашимиз ва маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз лозим бўлади.

Маънавий қадриятларнинг инсон камолотидаги аҳамияти

Қадриятлар ҳам маънавиятнинг таркибий қисмларидан биридир. Улар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланиб боради. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳалардаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Табиат ва жамият ҳодисалари инсоннинг моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш, яратувчанлик фаолияти туфайли, унинг эҳтиёжларини қондириш натижасида қадриятлик аҳамиятига эга бўлади. Одамларнинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, уларнинг орзу-истакла-

ри, интилишларига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисаларини қадриятлар сирасига киритиш ноўриндир.

Қадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган, шу тўғрисида улар томонидан баҳоланиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматларини, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим.⁴⁴ Табиат ва жамият бойликлари, ҳодисаларини қадриятлар сирасига киритилишининг асосий сабаби — кишилар уларни қадрлайдилар, авайлаб-асрайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини, маънавий-руҳий дунёсини бойитади, яратувчанлик фаолиятига йўллайди.

Маънавий қадриятлар ва уларнинг инсон камолотидаги аҳамиятига тўхталишдан аввал, қадриятларнинг турлари ва кўринишларини билиб олиш лозим. Қадриятлар ўз моҳияти, хусусиятлари ва амал қилиш доирасига кўра бир неча тур ва шаклий кўринишларга бўлинади. Аввало, барча қадриятлар орасида инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати, аҳамияти ҳақида сўзлаш бемаъниликдир. Инсонсиз борлиқдаги мавжуд барча нарса ва ҳодисалар ўзининг қадриятлилик аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ инсон қадр-қимматини эъзозлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлигини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этиб келмоқда. Жаҳонда эътироф этилган тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг асосий тамойилларидан бирининг бозор иқтисодиётига ўтишда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилганлигида ҳам чуқур инсонпарварлик моҳияти мавжуддир.

Инсоннинг яшаши учун зарур бўлган барча табиий бойликлар — ер, сув, ҳаво, қуёш, турли маъданлар, ўсим-

⁴⁴ Қаранг. Ж.Тулянов, Б.Қодиров, Э.Ғофуров. Маънавий юксалиш сари. — Т.: «Меднат». 2000, 103-бет.

ликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар, шунингдек, инсон меҳнати, хатти-ҳаракати, ақл-заковати билан яратилган турли-туман моддий бойликлар, завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, ҳозирги замон ахборот технологиялари, турар жой, мол-мулк, ноз-неъматлар табиий ва моддий қадриятлар ҳисобланади. Буларсиз инсоният яшай олмайди. Табиат ва унинг бойликлари биз учун моддий неъматларнинг бош манбаи ҳисобланади. Уларни асраб-авайлаш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ҳар биримиз маънавий ва амалий жиҳатдан масъулмиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир,»⁴⁵ — деб ёзилганки, уларни асраб-авайлаш, сақлаш, келгуси авлодларга соф ҳолда қолдиришимизда ҳар биримизга жавобгарлик маъсулиятини юклайди.

Муайян жамият, давлат тузилмаси, унинг ҳуқуқий асослари, шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари, адолат, озодлик, тенглик, тинчлик, биродарлик ижтимоий-сиёсий қадриятлар сирасига киради. Инсонинг эркинлиги, унинг қадр-қиммати жамиятимизнинг олий қадриятидир. Бу ҳақда асосий қомусимизда шундай сўзлар ёзилган: «Ўзбекистон Республикасида демократия, умуминсоний тамойилларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».⁴⁶

Истиқлол туфайли мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2008. 11-бет.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2008. 5-бет.

ижтимоий-сиёсий қадриятлар қарор топди. «Кўп миллатли жамиятимизда, - дейди И.Каримов, - ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланаётганлиги мустақил Ўзбекистонинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи бошланғич босқичида қўлга киритилган энг асосий ютуқ бўлди».⁴⁷ Президентимиз юқорида қайд этган қадриятлар янгидан барпо этилаётган давлатчилигимизнинг пойдеворидир.

Халқимиз ва умуминсоният томонидан яратилган илмий-фалсафий қарашлар, тарихий, бадий санъат асарлари ва диний амоллар; урф-одатлар, анъаналар, байрамлар, маросимлар; инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, яхшилик, бурч, виждон, тўғрилиқ, ҳалоллик каби ахлоқий меъёрлар инсонни маънавий камолотга элтувчи маънавий-ахлоқий қадриятлар саналади.

Ўзбек халқининг меҳнатсеварлик, ерга чексиз муҳаббат, меҳмондўстлик, катта ёшдагиларни ҳурмат қилиш, нонни, сувни эъзозлаш билан боғлиқ бўлган жуда кўп қадимий маънавий қадриятлари чуқур ҳаётий мазмунга эга бўлиб, бугунги кунда маънавий баркамол инсонларни тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маънавий баркамол инсонни тарбиялашда миллий маънавий мерос ва қадриятларни, диний ахлоқ мезонларини ёшларимиз онгига сингдириш, уларнинг амалий фаолиятларига айлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, IX-XII ва XIV-XV асрларда яшаб ўтган буюк мутафаккирларнинг илмий-фалсафий билимлари, ислом илми ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаларини ўрганиш ёшларимизда маънавий баркамолликнинг муҳим белгиларидан бири — миллий гурур ва миллий ўзликни англаб етишда муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда мустақиллик йиллари маънавий мерос ва қадриятларнинг маънавий баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишдаги муҳим ўрнига, ўтмишда топталган маънавий

⁴⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1995. 262-263-бетлар.

қадриятларимизни тиклашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов бу борадаги асосий вазифаларни белгилаб, қуйидаги фикрларни айтган эди: «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятимизни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз».⁴⁸

Истиқлол туфайли халқимизнинг бой маънавий мероси ва қадриятлари илдизига назар ташлаш, тўлақонли суратда ўрганиш, улар орқали ёшларимиз онги ва шуурини, маънавиятини бойитиш имконига эга бўлди. Ислом Каримов таъкидлаганидек, маънавият «...Инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади».⁴⁹ Президентимизнинг мазкур сўзларида чуқур фалсафий маъно мужассам.

Диний қадриятларимиз ҳам инсон маънавий камолотнинг муҳим омилларидан биридир. Асрлар мобайнида халқимизнинг маънавияти, инсонпарварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом диний таълимоти билан узвий равишда ривожланиб келгани ҳозирги кунда ҳаммамизга аён. Вазифа эса халқимизни, хусусан, ёшларимизни маънавий камолот чўққиларига етказишда исломий қадриятлардан ҳам бекаму кўст фойдаланишдан иборат.

Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Биз ислом дини отабобларимиз дини эканини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак

⁴⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. —Т.: «Ўзбекистон», 1977, 137-бет.

⁴⁹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. —Т.: «Ўзбекистон», 1992, 71-бет.

кадрлаймиз... Динга ҳурмат ва эътиқод биз учун ўлмас қадриятдир».⁵⁰

Диний қадриятларимиз инсон фаолиятини оқилона бошқариш, жамият ҳаётида тинчлик, адолат, инсон-парварлик, ҳалоллик, диёнатлилиқ, инсофлилиқ, меҳр-шафқатлилиқ каби кўплаб инсоний фазилатларни инсон қалби ва руҳиятида қарор топтиришга йўғрилган. Уларнинг ҳар бири инсон қалбида чуқур томир отган, руҳиятини ҳаракатга келтирадиган маънавиятдир.

Инсон туғилганидан сўнги нафасигача анъаналар, урф-одатлар, байрамлар қуршовида ҳаёт кечиради. Улар эса кечаги авлодлардан бугунги, бугунги авлодлардан эртанги авлодларга маънавий мерос бўлиб ўтиб, маънавий камолот сари элтади. Урф-одат, анъаналар бугунги авлодни аждодлар тажрибаси билан таништиради, уларда ўз бурчига масъулият билан қараш фазилатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди.

Шарқ халқларининг, хусусан, ўзбек халқининг қадимий байрамларидан бири “Наврўз” асрлар силсиласидан ўтиб келиб, бугунги мустақиллик кунларида янгича мазмун кашф этган ҳолда халқимиз маънавиятини бойитишда, ёшларимизнинг маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. У халқимиз томонидан уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи сифатида юксак қадрланади. Наврўз байрами кунлари ёшу қари, ҳар бир инсон ўзини мўъжизакор табиатнинг узвий бир қисми эканини чуқур англайди, табиий муҳитни асраб-авайлаб, у билан ҳамоҳанг бўлиб, мустақиллигимизнинг ҳар бир осуда кунининг қадрига етиб яшаш кераклигини яна бир бор идрок этиб қалбидан ўтказади.

Наврўз айёми арафасида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар жойлари ободонлаштирилади, ариқ-зовурлар тозаланади, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадам-жолар тартибга келтирилади, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилади. Байрам кунлари эса етим-

⁵⁰ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2000, 20-21-бетлар.

есир, бева-бечора, хаста ва мухтож кишиларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатилади, қарияларимизнинг дуоси олинади. Бундай инсоний қадриятлар ёшларимизнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутади.

Мустақиллигимиз йиллари қадимий анъана ва урф-одатларимизни тиклаш, уларни янги мазмун билан бойитиш билан бирга, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими - «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада каби оммавий спорт ўйинлари, санъат соҳасида «Шарқ тароналари» фестивалини мунтазам суръатда ўтказиш анъанага айланиб қолдики, булар ёшларимизни жисмонан чиниқтириш, соғлом ўсиб улғайишига ёрдам бериши билан бирга, улар онги ва дунёқарашида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, маънавий комилликка эришишларида муҳим роль ўйнамоқда. Шу билан бирга Мустақиллик куни, Хотира ва қадрлаш куни, Устоз ва мураббийлар кунининг халқимиз томонидан умумхалқ байрами сифатида қадр топгани ва нишонланиб келинаётгани ҳам ёшларимизда ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислат ва фазилатларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

«Инсон» тушунчасига аниқ таъриф бериш учун уни бошқа биологик мавжудотлардан ажратиб турувчи энг муҳим хусусиятларини аниқлаш зарур. Булар қаторига қуйидагилар киради. Инсон, энг аввало, бошқа мавжудотлардан ўзининг хотираси, тафаккури, нутққа эгаллиги билан ажралиб туради. Бошқа мавжудотлардан инсоннинг туб сифатий фарқини ифодаловчи хусусиятлардан яна бири унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Шунингдек, инсон ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, яратиш малакасига эгаллиги ҳам ана шундай хусусиятлардан бири ҳисобланади. Инсон ҳаётида меҳнат асосий роль ўйнайди. Меҳнат туфайли инсон ўзи яшаётган табиатга таъсир этади, уни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликларни яра-

тади. Америкалик олим Б.Франклин: “Инсон меҳнат қуролларини яратувчи жонзотдир”, - деб таъриф беради.

Оилавий муносабатлар ва маънавий-ахлоқий меъёрлар инсонни ҳайвондан фарқловчи энг муҳим хусусият саналади.

Инсон ўз ақли туфайли бутун коинот, табиат тараққиётида буюк яратувчи куч сифатида намоён бўлади, ўз тарихини яратади, уни авайлаб-асрайди. Инсон фаолияти ва тажрибалари жамиятнинг такомиллашуви ва кишиларнинг ҳар томонлама камол топиши учун манба бўлиб хизмат қилади.

Табиат ва жамиятдаги ўрни, аҳамияти, яратувчанлик моҳияти, олий мавжудот экани, ворисликнинг давомийлигини таъминлаши, барча ижобий ҳамда фойдали ютуқларни сақлаши, тарғиб этиши каби хусусияти, қобилияти туфайли инсон муқаддас ва табаррук қадрият ҳисобланади.

Шахс маънавияти ривожига маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамда таълим-тарбия тизимининг ўрни

Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий-маънавий, ахлоқий муҳит саналади. Маҳаллада кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлини унинг катта ёки кичиклиги, амалдор ёки оддий ишчи, ҳунарманд, бой ёки ёки ночор бўлишидан қатъи назар уларнинг ҳулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида гоёвий-мафкуравий, маънавий-маърифий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, ҳар бир киши қалбида миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, эл-юрт шаъни учун кураш, ўзаро ёрдам каби фазилатларнинг камол топишида маҳалланинг ўрни беқиёс.

Президент маҳалланинг маънавий тараққиётимизда тутган ўрнини қуйидагича баҳолайди: “Маҳалланинг халқ

маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уларни кўз ўнгимиздан ўтказиб, атрофлича таҳлил қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз”.⁵¹

Маҳалланинг миллий-маънавий тарбиядаги ўрни ҳақида сўз юритар эканмиз аجدодларимиздан бизгача етиб келган “Бир йигитга етти маҳалла ҳам она, ҳам ота” деган нақл бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганига гувоҳ бўламиз. Тарбиявий жараёнларда маҳалланинг қонунларда ва турли меъёрий ҳужжатларда ёзилмаган қонунлари борки, унга барча итоат қилади ва унга ҳурмат билан қарайди. Бу маҳалла ҳудудида яшаётган барча аҳолининг қайси мансабда ёки қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар тенглигидан ва унинг кўрсатмаларини бажаришда масъул эканлигида намоён бўлади. Худди мана шу омиллар ёшларимизни ҳам-жиҳатликда бўлиши, ахлоқ ва одобда, ўз хатти-ҳаракатларида маҳалла жамоаси олдида ўрناق бўлишга ундайди.

Мустақиллик йилларида маҳалланинг ёшлар маънавиятини ўстириш, улар онгида миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни ривожлантиришдаги фаоллиги ошиб келмоқда. Хуллас, маҳалла ёшлар маънавиятини ривожлантиришда муҳим омил сифатида катта аҳамиятга эгадир.

Шахс маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим воситалари қаторида жамоат ташкилотлари ичида, айниқса, “Камолот” ижтимоий ҳаракатининг роли бениҳоя каттадир. Чунки, “Камолот” ижтимоий ҳаракати мамлакатнинг бутун ёшлари иштирок этувчи энг оммавий ҳаракат ҳисобланади. Бу ҳаракатни шахс маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги яна бир имконияти шундаки, унда ёшларнинг ўзлари, ўз қобилияти, интеллектуал салоҳияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тегишли соҳалар бўйича ташаббус кўрсатадилар. Бу

⁵¹ Каримов И.А. Юсак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият” 2000. 60-бет.

уларга кенг миқёсда ҳаракат қилишлари учун имконият яратади. У ташкил қилингандан кейинги ўтган йилларда “Камолот” ижтимоий ҳаракати ёшлар ўртасида катта эътиборга сазовор бўлиб келмоқда. Ташкилотни ёшларнинг маънавий тадбирларга кенг жалб қилиш, уларни жамият ишларидаги иштирокини ташкил этиш борасида олиб бораётган тадбирлари ёшлар маънавиятини бойиб боришига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, шахс маънавиятини бойитиб боришнинг омиллари ва воситалари бисёр, фақат улардан самарали фойдаланиш лозим бўлади. Маънавияти юксак шахсни тарбиялаш вазифаси мамлакатимиз тараққиёти ва унинг истиқболи учун амалий аҳамиятга молик бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Кишиларни маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш ишлари барча замонларда таълим ва тарбия орқали амалга ошириб келинган. Бу ҳақда Ислом Каримов шундай деб ёзади: “... таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.”⁵²

«Таълим» ва «тарбия» тушунчаларининг мазмуни ва моҳиятини, уларнинг ўзаро нисбати ва муносабатларини библи олиш маънавий-маърифий тарбия самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Таълим — бирор маълумотни кишиларга маълум бир тартибда бериш ва уни ўзлаштириш, қабул қилиш жараёни. Таълим — ахлоқли, одобли шахсга ҳунар ўргатиш, билим беришдир. Абу Наср Форобий таълим тўғрисида тўхталиб, таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбиянинг назарий фазилатларини, маълум ҳунарни эгаллаш учун за-

⁵² Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008, 61- бет.

рур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларини ўргатишдир, деб кўрсатган эди.⁵³

Таълим турлари кўп: табиий, ижтимоий-сиёсий билимлар бўйича таълим; техник таълим; касб-ҳунар таълими; ахлоқ-одоб таълими ва бошқалар.

Тарбия - инсон шахси маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар тизими бўлиб, унинг турлича талқинлари мавжуд: 1. Фарзандни боқиб, вояга етказиш; 2. Кишининг таълим жараёнида олган билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатиш, кўникма ҳосил қилиш. Масалан, касб-ҳунарга ўргатишни ҳунар тарбияси; ахлоқ-одобга ўргатишни ахлоқий тарбия; шариат қоидаларига ўргатиш диний тарбия деб юригилади.

Тарбия таълимсиз амалга ошмайди. Таълим беришдан мақсад, унинг кетидан тарбия бериш, яъни таълим орқали эгаллаган билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатишдир.

Инсон шахсини шакллантирувчи таълим ва тарбия бир-бири билан узвий боғлиқ жараёнлардир. Бизнинг аждодларимиз таълим ва тарбиянинг ўзаро диалектик боғланган жараён эканлиги, уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги ва уйғунлигини яхши тушуниб етганлар. Ўз амалий фаолиятларида унга риоя этганлар. Абдулла Авлоний таълим ва тарбиянинг муштараклиги ҳақида шундай деган: «Дарс (яъни таълим) ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан ойилмайдургон, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур ... Чунки дарс олувчи билувчи, тарбия олувчи амал қилувчи демакдур.»⁵⁴

Президентимиз буюк аждодларимизнинг таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлиги ҳақидаги қарашларини умумлаштириб: “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълим-

⁵³ Қаранг. Зиёмухаммадов Б. Маърифат асослари. —Т.: “Chinog ENK,” 1998, 24-бет.

⁵⁴ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 15-16-бетлар.

дан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир,”⁵⁵ — деб таъкидлаган эди.

Инсон шахси шаклланишида тарбия устувор аҳамиятга эга бўлади. У таълим бериш жараёнини, барча маърифий тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади. Ҳар қандай таълим тарбия билан уйғунлашгандагина етук маънавиятга, маънавий баркамол, комил инсонни вояга етказишга замин бўлади.

Бугунги кунда таълим ва тарбияни узвий боғлиқтарзда олиб боришда уларнинг самарадорлигини ошириш ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориш, таълим тизимида янги педагогик технологиядан самарали фойдаланишга эътибор берилиши талаб этилмоқда.

Ана шу жараёнда таълим тизимида ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Чунки, ана шу фанлар дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришда етакчилик қилади. Улар ўқувчи, талаба ва бутун таълим тизимидаги ёшларнинг нафақат онги, тафаккурини ривожлантиради, шунинг билан бирга, уларнинг маънавиятини ҳам бойитади. Ватан ва миллат тақдирини, унинг истиқболи учун масъуллик туйғуларини шакллантириб боради.

Демак, шахс маънавиятини шакллантириш ва бойитиш бугун бутун таълим тизимида фаолият олиб бораётган тарбиячилардан чуқур билимга эга бўлиш ва ёшлар ўртасида таълим ҳамда тарбияни узвий равишда олиб бориш салоҳияти ҳамда маънавиятга эга бўлишни талаб этади. Бугун олдимизга қўйилган юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш вазифаси мамлакатимиз тараққиёти ва унинг интеллектуал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Бу вазифани амалга оширида таълим тизимининг мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

⁵⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008. 62- бет.

Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт

Миллий ғоя муайян тушунчаларга асосланади. Улар турли хил бўлиб, жамиятда шаклланган ва мавжуд бўлган фикрлар хилма-хиллиги билан кишиларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари асосида амалий хатти-ҳаракати орқали намоён бўлади.

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар бир халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади.

Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.⁵⁶

«Миллий ғоя ва истиқлол мафқураси ҳақида гап борар экан, — деб таъкидлайди Юртбошимиз, — биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукамал ифодаси, тугал намунаси ҳали-ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизга тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади»⁵⁷. Бинобарин, миллий ғоянинг асосий тушунчалари ва қонунларини ўрганиш нисбийлик хусусиятига эгадир.

⁵⁶ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. 71-бет.

⁵⁷ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. 221-222 б.

Миллий ғояни ўрганишда қуйидаги тушунчаларни ҳисобга олиш зарур:

- турли жамиятлар, халқлар ҳаёти, миллий-маданий қадриятлари, мақсадлари билан боғлиқ бўлган турли хил маъно-мазмунга эга умумий тушунчалар: «ғоя», «мафкура», «ғоянинг турли хил кўринишлари», «бунёдкор ғоялар» ва «ёвуз, тажовузкор ғоялар», «миллий ғоялар» ва «умумбашарий ғоялар»;

- жамиятнинг сиёсий ҳаёти, турли хил жамоат бирлашмалари фаолияти билан боғлиқ мақсад ва интилишларни ифода этадиган турли хил сиёсий мафкуралар кўринишлари;

- Ўзбекистон халқининг ҳаёти билан боғлиқ бўлган, уни ўзида акс эттирадиган ва унга хизмат қиладиган «миллий ғоя», «миллий ғоянинг маънавий негизлари», «миллий ривожланиш ғояси», «миллий истиқлол мафкураси», «миллий ғоянинг асосий ғоялари», «миллий ғоянинг бош ғояси», «миллий ғоянинг умумбашарий тамойиллари» ва бошқа тушунчалар.

Миллий ғоя билан боғлиқ тушунчаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у асосан, Ўзбекистон халқи ижтимоий ҳаёт соҳалари ривожини билан, унинг миллий-маданий меросини, урф-одатларини, қадриятларини, тили, маданиятини, тарихини, фалсафасини, диний руҳиятини билан узвий боғлиқ. Миллий ғоя миллийликни, миллий ривожланиш хусусиятларини эътироф этади ва унга ҳурмат билан қарайди. Миллий ғоя «синфийлик», «партиявийлик» тамойилларига асосланмайди. Бошқа мамлакат халқларининг ҳаётига ўз ғояларини сингдиришни даъво қилмайди. Бу билан у «коммунистик ғоядан» тубдан фарқ қиладди. Миллий ғоя Ўзбекистон Республикасини номини олган ўзбек халқи, миллатининг миллий-маданий меросига таянган ҳолда бошқа халқлар маданиятини, мақсад ва интилишларини билан ўзаро муштарак тарзда мамлакат раънақининг маънавий-руҳий, фалсафий омили сифатида хизмат қиладди.

Миллий ғояни ўрганишни тақозо этадиган умумий ва ўзига хос қонуниятлар мавжуд. Умумий қонуниятлар тур-

ли халқлар, мамлакатлар, жамиятлар ҳаётида амал қиладиган умумий асосга эга бўлган ички зарурий боғланишлар бўлиб, у жамият ва мафкуралар (ғоялар) нинг бир-бирлари билан узвий боғлиқлиги қонунидир. Жамият мафкура-сиз, мақсадсиз яшай олмайди. Демак, биринчидан мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Буни исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас.⁵⁸ У жамият олдидаги мақсадлар, уни амалга ошириш воситаларидир.

Миллий ғоянинг тушунчалари билан бир қаторда унинг намоён бўлиш қонунлари ҳам мавжуд. Булар:

- турли халқлар, турли жамиятлар мавжуд. Уларнинг мақсадлари ҳам, ривожланиш йўллари ҳам турли хил. Яъни ривожланишнинг, ижтимоий тараққиётнинг хилма-хиллиги қонуни орқали намоён бўлади;

- дунёнинг мафкуравий манзараси турли хил мақсадлар, турли хил манфаатлар, қарашлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлган ва бўлиб қолмоқда. Бу эзгу ғоялар билан бирга ёвуз ғояларнинг ҳам яшовчанлигини, «дунёда мафкура соҳасида курашнинг» давом этиб келаётганлигининг асосида ётган ўзига хос жиҳатидир.

Лекин, ҳар бир халқнинг ўзига хос маънавий руҳияти, мероси, кадриятлари билан боғлиқ ғояси ҳам мавжуд. Уни инкор этиб бўлмайди. Уни англамаслик у билан боғлиқ бўлган турмуш тарзини, маданиятидаги хусусиятларини, тарихини, тилини, миллий-маданий ривожланиш қонуниятларини эътироф этмасликка олиб келади. Бу охир-оқибатда шу халқни ёки мамлакатнинг «ўзлигини» тан олмасликка сабаб бўладиган йўлдир.

Глобаллашув жараёнининг миллий ғояга таъсир этиши ҳам ўзига хос умумий қонуниятдир. Бу жараён турли мамлакатлар, халқлар ҳаётида уларнинг бир-бирига

⁵⁸ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-ж. —Т.: «Ўзбекистон», 1999, 84-85-б.

боғлиқлигини, ўзаро таъсирини оширади, маънавий, гоёвий ҳаётида акс этмасдан қолмайди.

Миллий гоёнинг ўзбек халқи ҳаёти, турмуш тарзи, тарихи, маданияти, миллий-маданий мероси ва қадриятлари билан боғлиқ бўлган ҳамда миллий гоёсида акс этадиган ўзига хос қонуниятлари ҳам мавжуд. Бу қонуният миллий гоёнинг мазмуни, мақсади ва хусусияти нуқтаи назаридан қараганда алоҳида, устувор аҳамиятга эга. Чунки бу қонуниятни ҳисобга олиш ўзбек халқининг, миллатнинг келажаги билан ўзлигини сақлаб қолиш ҳамда ўз негизда ривожланишини, дунёда ўзига хос ўринга эга бўлишни эътироф этиш билан боғлиқ. Тарихий жиҳатдан ёндашганда, бу соҳада «турли гоёлар», «мафкуралар» ана шу муҳим қонуниятларга зид бўлган ҳолатларни ҳам кузатилишини кўрсатади. Ўзбек халқини тилидан, маданиятидан, тарихидан ажратиб қўйишга бўлган уринишлар бунга мисолдир. Чунки, ёт ва бегона гоёлар халқнинг турмуш тарзи, миллий-маданий қадриятларидан ажратиб қўйиш орқали уни заифлаштиришга ва ўз иродасига бўйсундиришга ҳаракат қилган. Ёт ва бегона гоёлар баъзи халқларнинг миллат сифатида ривожига ўзининг салбий таъсирини ўтказган. Шунинг учун ҳам миллий гоёга таяниш ва унга амал қилиш Ўзбекистон халқининг ўзлигини сақлаб қолиш ва ўзига хос ва мос ривожланиш эҳтиёжи сифатида намоён бўлади. Демак, миллий гоёнинг қонуниятлари ҳар бир халқ учун миллий ўзига хослигини замон ютуқлари билан боғлашнинг нафақат кафолати, балки ривожланиш стратегияси ҳамдир.

Миллий гоёнинг негизлари ва асосий тамойиллари

Миллий гоёнинг амал қилиш принципларининг ўзига хос тарзда намоён бўлиши жамиятнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг гоёвий жиҳатларини белгилаш билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, миллий гоёнинг принциплари бир-бири билан узвий диалектик алоқадорликда дейиш мумкин. Улар, ўз навбати-

да, миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги та-
лабларига мос келиши билан узвий боғлиқ.

Миллий гоёда инсонпарварлик, инсон кадр-қиммати, шаъни ва ор-номуси, ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатла-
рининг устуворлиги принципига таянилади. Унда инсон-
нинг ҳаёти олий кадриятдир. Бу принцип ўткинчи харак-
терга эга бўлмай, балки Ўзбекистоннинг демократик ри-
вожланиш истиқболини ўзида мужассам этади. Бунда
миллий гоёнинг инсонпарварлик ва демократик принцип-
лари инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигини белги-
лаб берувчи таянч нуқта ва жипслаштирувчи омил вази-
фасини ўтайди. Демак, миллий гоё икки муҳим, бир-бири
билан боғлиқ негизга таянади. Бу, бир томондан, Ўзбе-
кiston халқининг тарихи, турмуш тарзи, урф-одат, анъ-
аналари, маданияти билан боғлиқ миллий-маданий ме-
роси бўлиб, бу унинг асоси, бош негизи, таянчи ҳисоб-
ланади. Иккинчиси, дунё халқлари эътироф этиб, фақат
эзгуликка, бунёдкорлик ишларига, ўзаро тотувлик ва
ҳамжиҳатликка хизмат қилиб келаётган умуминсоний
тамойиллардир. Шу маънода миллий гоё умумбашарий
кадриятларни эътироф этади.

Миллий кадриятларга содиқлик — миллий гоёнинг та-
янч негизларидан биридир. Бу принцип Ўзбекистон ҳуду-
дида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ўз мил-
лий кадриятларини асраб-авайлаш, келажак авлодлар-
га етказиши учун тўла имкониятлар яратилишини ифо-
далайди. Ўтмишдан қолган буюк маданий бойликларимиз,
мумтоз кадриятларни ҳурмат қилиш, уларни ижодий жи-
ҳатдан ўрганиш — бу принципнинг асосий жиҳатидир.
Лекин шу нарсани умумқонуният сифатида ҳисобга олиш
керакки, умумбашарий кадриятлар, аввало, миллий-
маънавий негизда шаклланади. Халқ, миллатнинг руҳи-
яти унинг миллий-маданий мероси орқали унинг ҳаёти-
да, мақсад ва орзуларида, жамият қурилишида ўзининг
аниқ ифодасини топади. Ижтимоий тараққиёт натижаси-
да у ёки бу халқларга хос бўлган миллий-маънавий кадри-

ятлардаги умуминсонийлик моҳияти дунё халқлари ривожига учун умумбашарийлик қадрият сифатида хизмат қилади. Улар бир-бирини бойитади, айни пайтда, ўзаро муштаракликка эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради.⁵⁹

Миллий гоёнинг турли хил фикр, гоёларга муносабати, ижтимоий маънавий ҳаётда акс этиши

Миллий гоёнинг турли хил фикр, гоёларга муносабати, унинг ижтимоий маънавий ҳаётда акс этиш усуллари аниқлаш учун, энг аввало, «турли хилдаги гоё ва мафкура» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўрганмоқ зарур. Маълумки, ҳар қандай тушунча, фикр ва қараш ҳам миллий гоё бўла олмайди. Чунки, шахсий фикр — ўзига хос қарашдир, ижтимоий фикр эса — воқеликка нисбатан ўзгариш ёки ҳаракатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифодалайди. Гоё ана шу муносабатни ҳаракатга, жараёнга, зарурат туғилганда эса, бутун бир давр тарихига айлантиради.⁶⁰ Жамият ҳаётида турли хил фикр, ва гоёларнинг ўрни муҳим. Лекин, маълум бир фикр мутлақликка интилса ёки яқка ҳукмронлик қилса, у жамият ривожига катта салбий таъсир кўрсатади. Демокриманки, «икки одам айнан бир хилда фикрламагани каби турли халқлар, мамлакатлар ҳам айнан бир-бирига ўхшаши, яъни бир хил тарихга, маданиятга эга бўлиш, қадриятларни эъзозлаши, умумий мақсадни кўзлаб ижтимоий ривожланиш йўлини андоза сифатида олиши ва фақат унга таяниши мумкин эмас. Бу тараққиётнинг хилма-хиллиги қонунига тўғри келмайди.

Миллий гоёнинг ўзига хос жиҳати ҳам шундаки, у фикрлар ва гоёлар хилма-хиллигини тан олади. Жамият мафкураси сифатида бирон-бир фикр, гоёни эътироф этмайди. Эркинлик, хусусан, фикр эркинлиги ва хилма-хиллиги принципларига амал қилиш миллий гоё учун

⁵⁹ Қаранг: Эргашев И. Миллий истиқлол гоёси ва раҳбар фаолияти. —Т.: «Akademiya», 2007.

⁶⁰ Қаримов И.А. Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. —Т.: «Ўзбекистон», 2001. 9-б.

муҳим. Фикр эркинлиги ва ғоялар хилма-хиллигига асосланиш тараққиётни таъминлаб турувчи, инсон салоҳиятини оширувчи ноёб имкониятдир.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини кўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда енгил ва осонликча бўлмаган. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан, диний эътиқоди, руҳияти ва хулқ-атвор нормалари ҳам шуни тақозо этади. Масалан, дунёда ижтимоий тараққиёт йўлининг турли вариантлари мавжуд. Туркия, Жанубий Корея, Швеция моделлари ва бошқалар бунга мисолдир. Бир қанча мусулмон мамлакатлари ва янги индустриал мамлакатларнинг тажрибаси ҳам шуни кўрсатади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Оврупо мамлакатлари ва Япония халқ хўжалигини қайта тиклаш режаси ҳам бунинг амалий намунаси бўлди.

Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўр-кўрона кўчириб олиш тўғри эмас. Аксинча, аниқ-равшан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради.

Жаҳон халқлари ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир. Бу — ўтмиш йилларининг хатолари, давлат тузилишининг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу — таркиб топган ижтимоий воқеликка берилган реал баҳодир. Бу — Ўзбекистон хал-

қининг ижтимоий тараққиётига, муносиб турмуш шароитига интилишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга интилиш — танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Одамларнинг онги ва турмушига узоқ йиллар мобайнида, кўпинча зўравонлик йўли билан сингдирилган нарсаларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас. Бунинг учун ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйилишига барҳам бериш билан жамият-ни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига одамларнинг ўзини ишонтириш, ҳаракатга келтирувчи кучлар ва меҳнатнинг рағбатлантирувчи омилларини ўзгартириш мумкин.

Мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти бу муаммоларни ҳал этишга алоҳида ёндашувни тақозо этади. Турмуш шароити ва тарзининг миллий хусусиятлари, Шарқ маданиятига мансублик ҳам шуни талаб этади.

Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг миллий ғояга асосланган қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик қўнғиллилиқ, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдard бўлиш ва ўзарo ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарвар-

ларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром — Ўзбекистон халқига хос фазилатлардир. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, ислом динига эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлашиш истагида ҳам шу омил намоён бўлади.

Маъқур минтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда яшаётган одамлар турмушининг барча томонларига сезиларли таъсир ўтказган. Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онги ва турмуш тарзини шакллантирган эди. У ҳамон таъсир кўрсатмоқда.

Республикадаги ўзига хос демографик вазият — ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Республикамизда аҳоли ва меҳнат ресурслари юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибининг 60 фоиздан кўпроғини болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

Ўз аجدодлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги республика аҳолисига хос хусусиятдир.

Республиканинг яна бир хусусияти — аҳоли миллий таркибининг ўзига хослигидир. Этник таркибда туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Шу билан бир вақтда, республика ҳудудида ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшаб турибди. Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш йўлида қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитни вужудга келтиради.

Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шакл-

ланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бир томондан, бу ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишида намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан эса, яккахокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эгалик ва ҳўжайинлик тўйғусидан бегоналаштирилганлиги, тайёрга айёрлик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринади.

Янгилашиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли — мураккаб жараён бўлиб, республика ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олади.

Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиширодаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлиги, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган.

Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаб берганлиги билан характерланади.

Бу сиёсий соҳада қўйидагиларни билдиради:

- халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш. Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши лозимлигини;

- қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш. Жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ҳамда вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади.

Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демок-

ратик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этади;

- барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглиги ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва маъсулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди;

- Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублиги ва эътиқодидан қатъи назар, Республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қондасини рўёбга чиқариш. Авлод-аждодлари ёки ўзлари ўтмишдаги фожияли воқеалар сабабли хорижга кетиб қолишга мажбур бўлган ўзбеклар ҳам бемалол Республиканинг фуқароси бўлишлари мумкин. Ўзбекистон ҳудуди ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир ҳудуд эканлигини эътиборга олиб, Республика ўзбеклар қаерда яшамасин, уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим;

- озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида фаол қатнашиш;

- бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яқкаҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш. Бирон-та ҳам мафкура мутлақ ҳақиқатни билишга даъво қилиши мумкин эмас. Маънавийлик ва инсонпарварлик, рес-

публика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатлари, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши;

- чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантириш. Айни вақтда ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши кераклиги.

Ижтимоий ва маънавий соҳада:

- инсонпарварлик ғояларига содиқлик. Бу ғояларнинг олий мақсади — инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва кадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи. Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида инсон ҳуқуқларининг Умумий декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, оғишмай қарор топтириш;

- маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш;

- қадимий ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш. Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, Республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданияти ва тилига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

- ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яккаҳоқимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига эга бўлиш, ўзининг диний маросимларини эркин бажо

келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлгон ва риекорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом — ота-боболаримизнинг дини - мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага ҳаж қилишда зарур ёрдам беради;

- ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари — кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш. Энг тараққий этган мамлакатларда инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кенг қўлланади, бунга ниҳоятда муҳим аҳамият берилади, бизнинг шароитимизда эса бу — фуқаролар тотувлигини сақлаб қолиш кафолатидир;

- ҳамма учун маъқул бўладиган сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ўлимини камайтириш, одамлар умрини узайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш. Аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам олиш шакллари эркин танлаш имкониятларини яратиш;

- умуий таълим олиш, касбни ва тегишли махсус тайёргарликдан ўтишни эркин танлашда барчага баравар ҳуқуқ бериш. Янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади. Бунда ўзбек халқининг ва республика ҳудудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур;

- ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитлар яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллиги ва равақ топишини таъминлаб бўлмайди.

Фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий ва конституциявий тузумга эришиш калитидир.

Оила — жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни катта бир оила деб тушуниш мумкин. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндошуруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса, ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидо-корлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гул-

лаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши — биз кўзлаётган олий мақсаддир. Бунга Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.⁶¹

Халқимиз асрлар давомида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт орзусида яшаб келди. Бу гоё халқимизни ўз мустақиллигидан жудо бўлган даврларда ҳам тарк этмади. Бугунги кунда Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги асосий мақсади - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бўлиб, бу гоё миллиятимизнинг азалий орзу-умидлари, интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини ифодалайди. Моддий оламда инсон муайян маконда туғилади ва ҳаёт кечиради, шахс сифатида шаклланади. Ана шу макон унга Ватан саналади. Дилида Ватан туйғуси шаклланмаган, киндик қони тўкилган заминга меҳр туйғуси жўш урмаган кишини чинакам Инсон деб бўлмайди. Шу билан бирга, инсон бахт-саодат учун туғилади. У ана шу бахт-саодатга ўзи туғилиб-ўсаётган Ватанида эришмоқчи орзу қилади. Бу унга ўз бахт-саодатини юрт ривожини, унинг озод ва ободлигини билан уйғун кўришни англатади.

«Озод Ватан», «обод Ватан», «эркин ва фаровон ҳаёт» тушунчалари шу жиҳатдан ўзига хос маъно ва маъмуни касб этади.

Озод Ватан — ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал этиш ҳуқуқини тўла рўёбга чиқара олган миллатнинг яшаш макони бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, нуфузига ва мавқеига эга бўлган мамлакатдир.

Обод Ватан — фуқаролари эркин ва озод, яратувчилик фаолияти билан банд бўлган, тўла ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаровон ҳаёт қуриш иштиёқида яшаётган ҳудуддир.

Эркин ва фаровон ҳаёт — одамларнинг юқори даражадаги моддий ва маънавий неъматларга эркин тарзда,

⁶¹ Қаримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. —Т.: «Ўзбекистон». 1996.

ўзларининг бор қобилиятлари ва имкониятлари эвазига эришишидир.

Мустақиллик миллий қадриятлар, маданият ва анъаналарни, маънавийтни тиклаб, одамларимиз қалбида миллий гурур ва ифтихор ҳамда ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришга замин яратди. Шунингдек, мустақиллигимизнинг ўзига хос мафқурасига айланган миллий ғоя минг йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган миллатимиз маънавияти сарчашмаларидан, бутун инсоният тўплаган тажриба ва қадриятлардан озиқ олади. Шу боисдан ушбу ғоянинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтиш жоиз.

Миллий ғоя ва маънавий қадриятлар

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг, шу жумладан, миллий ғоя ва миллий маънавий қадриятларнинг моҳиятини очиб бериш учун қуйидагиларга аниқлик киритиш: тушунчанинг таърифи (дефиницияси); тушунчанинг тавсифи (характеристикаси); миллий маънавий қадриятларнинг мазмуни; уларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши (эволюцияси); ижтимоий мақсади ва вазифалари (функциялари); тузилиши (структураси); амал қилиш усул ва воситалари (технологияси); шакллари ва кўринишлари таснифи (классификацияси) ва ниҳоят, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига таъсирини билиш лозим.

«Қадрият» тушунчаси — жуда кенг тушунча. Унинг бир қисми — маънавий қадриятлардир. Миллий маънавий қадриятлар — «миллийлик», «маънавият» ва «қадрият» тушунчалари кесишган нуқтада жамланган ижтимоий ҳодисаларни ўз ичига олади.

«Миллий маънавий қадриятлар» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: муайян миллат вакиллари учун зарур ва аҳамиятли, азиз ва ардоқли бўлган, манфаати ва мақсадларига хизмат қиладиган маънавий бойликлар, амаллар ва тамойиллар, ғоялар ва меъёрлар миллий маънавий қадриятлардир.

Ҳар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихор манбаига айланган дурдоналардир. Масалан, қирғиз халқи «Манас» достони билан, мисрликлар қадимий пирамидалари, французлар Париждаги Лувр саройи, ўзбеклар Самарқанду Бухоро ва Хива билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан бир қаторда, уларнинг урф-одат ва маросимлари, маданий муносабат ва ахлоқий ғазилатлари ҳам маънавий қадриятлар тизимига киради. Булар халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, ёш авлодни тарбиялашда, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди.

Миллий маънавий қадриятларда халқнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабати, ички табиати ва турмуш тарзи ўз ифодасини топади. Буларда миллатнинг руҳий олами ва тафаккур тарзи, орзу-умидлари ва идеаллари, виждони ва ор-номуси акс этади.

Миллий қадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ушбу қадриятлар воситасида турли ҳодиса ва ҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русумларга баҳо берилади. Ёш авлоднинг ҳаётий мўлжаллари, «замона қаҳрамони» ҳақидаги тасаввурлари ҳам маънавий қадриятлардан келиб чиқиб шаклланади.

Миллий маънавий қадриятлар — ижобий ахлоқий сифатларни такомиллаштириш, давлат ва миллат ривожига тўғаноқ бўладиган салбий иллатларни бартараф этиш омилдир.

Миллий ғоя ва маънавий қадриятлар орасида узвий алоқадорлик, ўзаро таъсир мавжуд бўлиб, бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

биринчидан, миллий қадриятлар миллий ғоя учун маънавий негиз, манба бўлиб хизмат қилади;

иккинчидан, миллий ғоя қадриятларни бойитиш, янада юксак босқичга кўтариш, одамлар онги ва қалбига миллий қадриятларни сингдириш омили бўлиб ҳисобланади;

учинчидан, миллий ғоя халқнинг туб манфаатлари нуқтаи назаридан мавжуд маънавий қадриятларга баҳо беради, ижобий жиҳатларни ривожлантириш, салбий ҳолатларни инкор этишнинг маънавий мезони бўлиб майдонга чиқади.⁶²

Юксак маънавият — келажак пойдевори

Ислом Каримов

Маънавият, қадриятлар ва миллий ғоя — жамият ҳаётининг жуда мураккаб ва серқирра, ўзаро узвий алоқадорликда бўлган соҳаларидир.

Маънавият миллий қадриятлар ва истиқлол ғоялари алоҳида олинган ҳар бир шахс ҳаётида ҳам, жамиятдаги турли гуруҳ ва қатламлар фаолиятида ҳам, умуман инсоният тараққиётида ҳам катта аҳамиятга эга. Миллат ва давлат тараққиётининг маълум даврларида маънавият ва миллий ғоя энг долзарб, ҳал қилувчи омил бўлиб майдонга чиқади.

Ўзбекистон истиқлолининг асосчиси Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини белгиловчи миллий маънавий қадриятлар масаласига жуда катта эътибор қаратилди. Халқимиз маънавиятини юксалтиришнинг илмий-назарий, фундаментал концепцияси ишлаб чиқилди.

Айни пайтда, буюк келажакни яратиш йўлида халқни бирлаштириб, яқдил қила оладиган, бунёдкорлик ишларига сафарбар этиб, руҳий таянч бўла оладиган миллий ғояни шакллантириш муаммоси юртбошимиз Ислом Каримовнинг диққат-эътиборидан бир дақиқа ҳам четда қолмади.

«Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қиладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган

⁶² Қаранг: Эргашев И. ва бошқалар. Миллий ғоя ва мафкура. Дарслик. —Т.: ЎзМУ. 2009.

миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкура-сиз яшамаган ва яшай олмайди».⁶³

Бинобарин, маънавият, қадрият ва миллий ғоя — халқнинг бугунги ҳаёти учун ҳам, эртанги истиқболи учун ҳам беқиёс аҳамиятга эга бўлган маънавий-ижтимоий соҳалардир.

Миллий ўзликни англаш айнан маънавий қадриятларни ўзлаштириш, ўз халқининг тарихи, маданий меросини ўрганиш, бугунги ҳолати ва эртанги истиқболини аниқ тасаввур этишдан бошланади. Ҳар бир инсоннинг меҳнати, фаолияти, ҳаётий мақсадлари маълум бир қадриятларга эришиш, моддий ва маънавий бойликларга эга бўлишга йўналтирилган бўлади.

Миллий маънавий қадриятлар кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистондаги тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ё урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш буларнинг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалишини кўрсатади.

Мисол учун, «Авесто»ни олайлик. Бундан 2700 йил муқаддам ўн икки минг мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган бу асар пайдо бўлиши учун ундан аввал ҳам камида неча минг йиллик давр ўтганлиги, теран ҳаётий тажриба ва ҳикматлар тўпланганлиги шубҳасиз. Бу асар юксак маданий ҳаёт, фалсафа ва фан, хаттотлик ва муштарийлик ривожланиши натижасида яратилганлиги учун ҳам шу пайтгача ўз қимматини йўқотмади.

Даврлар ўтиши билан миллий маънавий қадриятлар ҳам ўзгариб, ривожланиб, янгиланиб, бойиб боради. Замон руҳига ва тараққиёт талабларига мос келмай қолган меъёр ва талаблар инкор этилади. Янгича тасаввур ва ёндашувлар, фазилат ва одатлар ҳаётга кириб келади. Бунга кундалик ҳаётимиздан, турмуш тарзи — кийиниш, овқатланиш, тўй-ҳашамларни ўтказиш ва бошқалардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

⁶³ Қаримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, 5-6-бетлар.

Инсониятнинг охириги ярим миғ йиллик умри давомида жаҳон бозори пайдо бўлди, иқтисодиёт ва маданиятларнинг ўзаро таъсири кучайди. XXI аср бошига келиб ахборот технологиялари туфайли глобаллашув жараёни янги босқичга кўтарилди. Бу шароитда миллий қадриятларга четдан бўладиган таъсир беқиёс даражада зўрайди. Бу таъсир, бир томондан, миллий маданиятларнинг бойиши, қадриятларнинг қайта баҳоланиши ва юксалишига, иккинчи томондан эса, миллатнинг руҳияти ва қадриятига ёт бўлган одат ва ҳаракатларнинг кириб келишига сабаб бўлди.

И.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий маънавий қадриятларни юксалтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бир тузумдан бошқасига ўтиш даврида аҳолининг руҳияти ва қадриятларида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Ўз умрини яшаб бўлган гоёлар ва мафкуравий ақидалар, замонга мос келмайдиган муносабат ва фазилатлар ўрнини янгилари билан тўлдириш осонликча кечмайди. Шуларни ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, миллий ўзликни сақлаш, тарихий хотирани тиклаш, келажакка комил ишонч ҳиссини уйғотиш учун маънавият, миллий маънавий қадриятлар беқиёс аҳамиятга эга.

«Миллий маънавий мерос ва қадриятлар» тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркиби қуйидагилардан иборат:

- тарихий мерос ва тарихий хотира;
- маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий қўлёзмалар;
- илму фан ютуқлари ва фалсафий тафаккур дурдоналари;
- санъат ва миллий адабиёт асарлари;
- ахлоқий фазилатлар;
- диний қадриятлар;
- урф-одат, анъана ва маросимлар;
- маърифат, таълим-тарбия ва ҳоказолар.

Миллий маънавий қадриятлар тизимида тарихий мерос ва тарихий хотира муҳим ўрин тутди. Маънавиятни юксалтириш ва халқнинг руҳини кўтаришда тарихий мерос ҳамда тарихий хотиранинг жуда катта аҳамияти бор. Тарихни ҳаққоний ўрганиш, ундан сабоқлар чиқариш лозим.

Ўзбек халқи жаҳон маданияти ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган миллатлар қаторидан фахрли ўринни эгаллайди. Маданий ёдгорликлар, меъморчилик санъати намуналари, қадимий қўлёзмалар — миллий маънавиятнинг бебаҳо дурдоналари, халқимиз учун энг қадри ва муқаддас бўлган бойликлардир. Буларни авайлаб-асраш, келажак авлодларга етказиш маънавият соҳасидаги энг долзарб вазифадир.

Илм-фан ва унинг ютуқлари — миллий ёки ҳудудий чегарадан чиқадиган, бутун жаҳон эътироф этадиган, умуминсониятга хизмат қиладиган бойликдир. Бироқ олимнинг ижоди ва унинг илмий кашфиёти, аввало, унинг миллати ва Ватанини дунёга танитади, миллий қадриятни жами башариятнинг ютуғига айлантиради.

Миллийлик, халқнинг руҳияти ва маънавияти, айниқса, санъат ва адабиёт ривожига ёрқин ифодаланади. Эзгулик ва покликни, инсонийлик ва ҳаққонийликни куйлаган буюк асарлар, қайси жанрда ёки қайси тилда яратилишидан қатъий назар, жаҳонга танилади, пировардида яна шу миллатнинг халқаро нуфузини юксалтиради.

Миллий маънавий қадриятлар тизимида ахлоқий сифатлар, диний қадриятлар муносиб ўрин эгаллайди ва миллий ўзликни англашнинг муҳим шартини, омили сифатида намоён бўлади. Ахлоқий ва диний қадриятлар аксари ҳолларда ўзаро боғлиқ бўлиб, жамиятнинг маънавий юксалишида, ёш авлод тарбиясида бирдек муҳим аҳамиятга эга.

Шуларни ҳисобга олиб, Президент Ислам Каримов «Туркистон-Пресс» агентлиги мухбирининг саволларига жавоб берар экан, маданий, маънавий, ахлоқий қадри-

ятларни сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга етказишда диннинг беқиёс хизмати борлигини уқтиради: «Диний кадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлимизни йўқотамиз»⁶⁴, деб таъкидлайди.

Ҳар бир халқ, миллат яратган маънавий кадриятлар, унинг дунёга қараши ва ҳаётга муносабати, ўзига хос бетакрор хусусиятлари, айниқса, урф-одат ва маросимларда тўлақонли намоён бўлади. Маросимчилик бир қатор ижтимоий функцияларни бажаради, миллий ўзликни сақлашда, ёшларни тарбиялашда, муайян ғояларни руҳиятга сингдиришда катта аҳамият касб этади.

Тарбия ва таълимнинг миллий хусусиятлари ҳам маънавий кадриятлар тизимида ўз ўрнига эга. Халқнинг келажаги ёшларга боғлиқ эканлиги қанчалик ҳақиқат бўлса, буларни миллий руҳни тарбиялаш зарурати ҳам умум-эътироф этилгандир. Миллий тарбия халқнинг ўз-ўзини сақлаш ва истиқболни таъминлаш омилидир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавий кадриятларнинг ҳар бир таркибий қисми халқнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Миллий ғоя — миллат тафаккурининг маҳсули, ижтимоий онгнинг юқори даражадаги шакли, халқ фалсафасининг ўзагидир.

Турли халқларнинг миллий ғояси уларнинг мақсад-муддаолари, орзу-умиди ва ишонч-эътиқодини ифодалайди, айти пайтда, муайян тамойил ва негизларга асосланиб ривожланади. Тарих сабоқлари гувоҳлик беришича, ўткинчи манфаат ва ғализ ниятларга таянган, ўзга халқлар ва юртларга тажовуз қилишни, босқинчиликни кўзлаган ёвуз ғоя ҳамда мафкуралар миллат ҳамда давлатларни таназзулга дучор этган. Фақат эзгу ғоялар ва

⁶⁴ Қаримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-ж. —Т.: «Ўзбекистон», 1999, 349-355-б.

юксак қадриятлар негизида шаклланган миллий ғоялар халқларни тараққиётга элтган.

Ўзбекистон халқининг миллий ғояси умуминсоний ва миллий қадриятларга таянади. Буларнинг бири иккинчисини инкор этмайди.

«Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» рисо-ласида қуйидаги миллий хусусиятлар қайд этилган:

- халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;

- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;

- ота-она, маҳалла-қўй, умуман жамоатга юксак ҳур-мат-эътибор;

- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;

- каттага — ҳурмат, кичикка — иззат;

- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадий-лигининг рамзи - аёл зотига эҳтиром;

- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;

- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо».⁶⁵

Ўзбек миллий қадриятлари инсон ва миллат ҳаёти-нини барча жабҳаларида намоён бўлади. Миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, орномус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби бетакрор фазилатлар, халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўнгиллилик хусусиятларини тавсифлаш орқали уларни бутун қадрият даража-сида ўринга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тарихи мобайнида оила, оилавий муносабатлар жуда катта тараққиёт йўли-ни босиб ўтди. Турли даврлар буларга ўз таъсирини ўтказ-ди. Моҳияти бир бўлса-да, турли халқларда оилавий муносабатлар турли хил шаклларда намоён бўлди.

Ўзбек оилаларида уч-тўрт, ҳатто беш авлод вакил-лари (яъни, бобо-бувилар, ота-оналар, фарзандлар, не-варалар ва чеваралар) ўзаро аҳилликда, баҳамжиҳат

⁶⁵ Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. —Т.: Ўзбекистон, 2001 49-бет.

умр кечирадилар. Хар бир бўғиннинг ўз бурчи ва масъулияти, ўз эрки ва мавқеи бор.

Истиқлолимизни қўлга киритган илк кунлардан бошлаб, биз миллий ғоямизнинг энг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиш ва ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда ижтимоий фанлар соҳасидаги етакчи олимлар, сиёсатшунос ва иқтисодчилар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз эътиборини ана шу муҳим масалага қаратдик. Халқимизнинг асрий орзуси, кўзлаган юксак мақсадларимизга етишнинг асосий омили — авваламбор, мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканидан келиб чиққан ҳолда, миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини ҳам ана шундай мезонлар негизида белгилашни вазифа қилиб қўйдик ва бу борада бир қанча эътиборга лойиқ ишларни амалга оширдик.

Айни пайтда ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон талаблари, жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

Бутун инсоният тарихи, халқимизнинг неча минг йиллик ўтмиши аччиқ сабоқ ва хулосалар асосида бир ҳақиқатни исботлаб бермоқда. Яъни, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови — бу тинчлик ва осойишталикдир. Бежиз эмаски, юртимиздаги қайси хонадонга кирманг, қандай йиғин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда, ёшу қари, эркагу аёл — барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо қиламиз.

Маълумки, инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқла-

ридан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади.

Миллий гоёмизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва тараққиётини ўзимизга тасаввур қиламиз.

Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтихори юксак бўлади.

Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу, ўз навбатида, ҳар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Ва ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараққий топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига кўтарилишидан манфаатдор бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, бу икки тушунча — Ватан равнақи ва фаровонлик масаласи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини тушуниш қийин эмас.

Ана шундай мантиқий хулосадан келиб чиққан ҳолда, «халқ фаровонлиги» деган эзгу тушунчани ҳам миллий гоёмизнинг негизини ташкил этадиган тамойиллар қаторига қўйишимиз табиийдир.

Нега деганда, бу дунёда ҳар бир одам тўқ ва бадавлат ҳаёт кечириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уйли-жойли қилиш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг пировард мақсади — одамларимизнинг ана шундай орзу-умидларини рўёбга

чиқариш, халқимизга ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат экани ҳақида тақридан гапиришнинг ҳожати йўқ.

Бу мақсадга эришиш учун юртимизда барча асослар — табиий бойликлар, унумдор ер, катта иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда ана шу фаровон ҳаётни ўз кучи, ўз ақл-заковати билан барпо этишга қодир бўлган меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий ғоямизга қайси томондан таъриф ва баҳо бермайлик, халқимизни бирлаштирадиган бу олий мақсадлар асрлар давомида унинг юрагидан, қалбидан жой олиб келган орзу-армон ва эзгу интилишлар билан чамбарчас боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа — ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига кўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, биз фуқаролар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, «миллий ғоя» деган сўз фақат бир миллатга мансуб бўлиб қолмасдан, мана шу табаррук диёримиз — Ўзбекистон тупроғида яшаётган, уни ўз она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир.

Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш, авваламбор, жамиятимиз ва шу жами-

ят аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарashiдаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур. Шу ўринда бир фикрни алоҳида урғу бериб айтишни жоиз деб биламан.

Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ гоёмиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

3-мавзу: Глобаллашув ва ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси

XXI аср бошларига келиб, дунё мамлакатлари ўрта-сидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Ҳаттоки, халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман, деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпроқ тушиб қолиши мумкин. Бундай ғайриихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни тан олиш керак — бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан ҳам шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу маънода, глобаллашув ҳаёт суръатларининг беқийёс даражада тезлашуви демакдир.⁶⁶

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаяётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг

⁶⁶ Қаримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. 111-бет.

иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаетган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чуқур ўрганмай туриб унга мослашиш, керак бўлганда, унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимига бошқарувсиз қайиқни топшириб қўйиш билан баробар бўлади.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаетган тадқиқотларни кузатиш бу соҳадаги ишлар эндигина бошланаётганидан дарак беради. Глобаллашув миллий маънавиятга ҳам таъсир ўтказди. Ҳар қандай сиёсат, жумладан, иқтисодий сиёсат ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосга эга бўлгандагина муваффақият келтиришини назарда тутсак, бу масалада олимларимиз сиёсатчиларимизга етарли даражада кўмак беришларини эътироф этишга тўғри келади. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасак, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ҳамда таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараёни чуқурроқ таҳлил этиш орқали сиёсатчиларнинг тўғри йўл танлаши ва қарорлар қабул қилиши учун имконият яратиш мумкин.

Глобаллашув турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир.

Мазкур атаманинг мазмун-моҳияти хусусида баҳс-мунозара давом этаётган, бу борада ягона умумий қараш шаклланмаган бўлса-да, лекин гуманитар илмнинг тур-

ли соҳаларида, чунончи ижтимоий фанларда муайян концепция ва ёндашувлар мавжуд.⁶⁷

Дунёнинг мафкуравий манзараси деганда, жамият тараққиёти қонунлари, унинг ривожланиш тенденцияларини муайян ижтимоий гуруҳ, этник бирликлар, сиёсий кучларнинг ўзига хос манфаатларидан келиб чиқиб талқин қилиш ва унга асосланган ҳолда инсоният истиқболлини белгилашга қаратилган мафкуравий тизимлар мажмуи тушунилади.

Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида олиб бориладиган ҳаракатлар доимий такомиллашиб, қўлланадиган усул ва воситалар мукаммаллашиб борганини кўрсатади. Бугунги кунда эса ушбу воситаларнинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичлари янада мураккаб характер касб этмоқда.

Инсоният тўплаган уруш қуроллари бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлаш даражасига етди. Шундай бўлса-да, кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги даврида турли сиёсий кучлар ва ҳаракатларнинг мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилиши оқибатида мутлақо янгича сифатга эга бўлган жараёнлар ҳам кузатилмоқда. Бу ўз ривожланиш тарихига эга дунёнинг мафкуравий манзарасининг бугунги кундаги ўзига хос хусусиятларини белгилаб бермоқда.

Кишилик жамияти тараққиётининг илк даврларида деярли барча халқларда мифология универсал характерга эга бўлган бўлса-да, бир томондан, ўзига хос хусусиятларга эга ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг айрича манфаатлари ифодаси бўлган мафкуравий тизимлар шаклланмагани, иккинчи томондан, Ер юзининг турли нуқталари ўртасидаги алоқалар ривожланмагани, кишилик жамияти ягона организмни ташкил этмагани учун дунёнинг яхлит мафкуравий манзараси ҳақида гапириш мумкин эмас.⁶⁸

⁶⁷ Умаров Б. Глобаллашува зиддиятлари. —Т.: «Маънавият», 2006. 8-бет.

⁶⁸ Қаранг: Эргашев И. Миллий истиқлол ғояси ва раҳбар фаолияти. —Т.: «Akademija», 2007.

Халқлар, давлатлар ўртасидаги ижтимоий алоқалар кучсиз бўлган бир даврда монотеистик динларнинг юзага келиши, уларнинг ўз ҳукмронлигини ўрнатиш йўлида олиб борган кураши натижасида дунёнинг диний қарашлар устувор бўлган илк мафкуравий манзараси шаклланди.

Жаҳон динлари тарқалган ҳудудлар нисбатан барқарорлашган (тўғрироғи, муайян диний таълимотларни ёйиш учун олиб борилган урушлар асосан тўхтаган) бир шароитда дунёда иқтисодий ҳукмронлик учун курашнинг бошланиши, илмий билимларнинг ривожланиши, халқлар, давлатлар ўртасидаги алоқалар қамровининг кенгайиши диннинг ғоявий регуляторлик ролининг аста-секин пасайишига олиб келди.

Қисқа вақт давомида алоҳида мавқега талабгорлик қилган нацизмни инобатга олмаганда, асосан, социалистик ва буржуа мафкуралари орасида борган кураш эса (“учинчи йўл”га даъвогарлик қилганлар ҳам аслида у ёки бу даражада уларнинг таъсири остида эди) дунёнинг мафкуравий манзараси ривожига янги босқични бошлаб берди. У ҳукмронлик учун курашда ғоявий омилнинг ўрни ва аҳамияти янада ошганини кўрсатиш баробарида глобал конфронтация асосига қурилган мафкуравий манзаранинг шаклланишига олиб келди.

Ушбу мафкуралар ўртасидаги кураш барҳам топган ҳозирги даврда эса ўзига хос хусусиятларга эга дунёнинг янги мафкуравий манзараси қарор топмоқда.

Бугунги кунда аксарият давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, ижтимоий, сиёсий, этник, конфессионал тотувлик ва бағрикенглик ғоялари устувор.

Шундай бўлса-да, инсоният истиқболини белгилашда универсалликка даъвогарлик қилаётган ва трансмиллий характерга эга ғоявий қарашлар дунёнинг мафкуравий манзараси мазмунини белгилаб беришда устуворликка интилаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

“Рамзий зўравонлик орқали амалга оширилаётган маданий глобаллаштириш (уни ғарблаштириш деб атаса ҳам бўлади) аслида шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг сохталашishi, ҳаттоки узилишига олиб келиши мумкин, чунки ўзга маданият тушунчалари (рамзлари) инсонни шакллантирувчи, уни тўлақонли шахсга айлантирувчи ўз маданий илдизларидан, қадриятлари тизимидан айиради”.⁶⁹

Кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги даврида “турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда, — деб ёзади Президентимиз. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб тўқнашувлар, оммавий қиргинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда”.⁷⁰

Инсон онги ва қалби учун кураш янги сифатий хусусият касб этган бир даврда, эътиқод умумийлигига асосланиш (масалан, панисломизм), этник бирликка урғу бериш (масалан, панславизм, пантуркизм, панэронизм) ва ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маконда яшаш натижасида юзага келган боғлиқликни рўқач қилиш асосида (масалан, пансоветизм) якка мафкуралар ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар кузатилаётганини таъкидлаш зарур.

Дунёнинг мафкуравий манзарасига хос моҳиятни чуқурроқ ва теранроқ англаш инсон онги ҳамда қалби учун олиб борилаётган тинимсиз курашнинг асл мақсадларини тўғри тушуниб етишга, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка таҳдид солувчи

⁶⁹ Сандов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. —Т.: «Akademiya», 2008. 66-бет.

⁷⁰ Қаранг: Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-ж. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.

ғояларнинг олдини олишга қаратилган тегишли маърифий ишларни изчил ва тизимли ташкил этишга хизмат қилади.

Шовинизм мафкура ва амалиёт сифатида. Инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф туғдирувчи мафкура шаклларида бири шовинизмдир. Шовинизм миллатчилиكنинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиётидир.

Бундай қарашларнинг тарихи узоқ бўлса-да, илмий тушунча сифатида «шовинизм» атамаси француз ёзувчилари ака-ука И. ва Т. Коньярларнинг «Уч рангли кокарда» номли комедиясининг қахрамонларидан бири, ўзининг агрессив миллатчилиги билан ажралиб турадиган Никола Шовен номи билан боғлиқ ҳолда, XIX асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлганини қайд этиш лозим.

Наполеоннинг босқинчилик урушлари фахрийси бўлган, «буюк Франция»ни яратгани учун императорга сажда қилиш руҳида тарбияланган, ўта миллатчи бўлган бу реал шахс ушбу бадиий образнинг прототипи ҳисобланади.

Шовинизм бошқа миллатларнинг жаҳон тарихида туганган ўрни, бугунги кундаги мавқеи ҳамда маънавий-маданий ҳаётининг ўзига хос томонларини менсимасликка интилишида яққол кўринади. Шовинизм кўп сонли халқларнинг кўп миллатли давлат доирасида, шунингдек, уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатишга уринишида ҳам намоён бўлади.

Бугунги кунда шовинизм ғоялари билан қуролланган, турли мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий куч ва ҳаракатларнинг асл мақсади ёшларимизнинг онги ҳамда қалбини эгаллашдан иборат.

Ана шу сабабдан ёшларда шовинизм ва миллатчилик ғояларига қарши миллатпарварлик, маърифатпарварлик, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ғояларига содиқликни тарбиялаш ниҳоятда муҳим.

Шовинизмнинг ўзига хос кўриниши буюк давлатчилик шовинизмидир. У бир давлатнинг бошқа давлат ёки давлатлар устидан сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган назария ҳамда амалиёт сифатида ўзлигини намоён қилади.

Хусусан, XIX аср охиридан бошлаб Россия империясининг ҳукмрон доиралари бошқа халқларга, жумладан, Марказий Осиё халқларига нисбатан ана шундай сиёсат олиб борди. Буюк давлатчилик шовинизми сиёсати Австро-Венгрия империяси, Туркия султонлигида ҳам кучли бўлган. Германия фашизми немисларнинг «олий» ирқлигини ва жаҳондаги барча халқлар устидан ҳукмрон бўлиши кераклигини асослашга қаратилган ғояни ишлаб чиқиб, унга мос амалиёт олиб боришга ҳаракат қилди. Урушдан кейинги даврларда ҳам бир қанча мамлакатлар буюк давлатчилик сиёсатини хилма-хил кўринишда олиб бормоқда.

Буюк давлатчилик шовинизмини муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади.

Бир сўз билан айтганда, буюк давлатчилик шовинизми гайриилмий ва гайриинсоний характерга эга. У, ўз моҳиятига кўра, миллий тенгсизликни оқлаш, тарғиб-ташвиқ қилиш ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклидир.

Тарихга назар ташласак, буюк давлатлар мақомига эга бўлган айрим мамлакатлар кўпгина минтақаларни ўзларининг “ҳаётий манфаатлари” ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт колониал сиёсат юритганига ишонч ҳосил қиламиз. Босиб олинган ҳудудларнинг табиий, ҳом ашё ресурсларидан фойдаланиш, моддий ва маънавий ютуқларини ўзлаштириш уларга улкан ва қудратли давлатга айланишга имконият яратди. Бунинг оқибати ўлароқ,

Ўз атрофидаги мамлакатлар ва халқлар билан муносабатда устунликка даъвогарлик, ўзини улар ичида таноҳо, ягона деб билиш, инсоният тақдири ва халқлар келажagini белгилашда алоҳида мавқега талабгорликнинг ифодаси бўлган мумтозлик мафқураси тарих саҳнига чиқди. Унинг давлат сиёсати асосини ташкил қилиши эса, бутун бир минтақаларнинг вайрон бўлиши, қўплаб халқларнинг қарам қилинишига олиб келган қонли урушларни келтириб чиқарган.

Тарих, афсуски, мумтозлик мафқураси авлоддан-авлодга ўтиб, ўзига хос тафаккур тарзи ва психологиясининг шаклланишига, миллатлар ва давлатлараро муносабатларда янгидан-янги қалтис вазиятлар, низоларнинг келиб чиқишига хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Воқелик иқтисодий имкониятлари заифлашган, социал беқарорлик, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдиридан ўзининг тор гуруҳий манфаатларини устун қўядиган, ҳокимиятга даъвогарлик қилишда ўзаро келиша олмаётган сиёсий кучларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ҳамда маънавий-руҳий парокандалик ва эртанги кунга ишончсизлик ҳукмрон бўлган мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми нишонига айланишини кўрсатиб турибди.

Буюк давлатчилик шовинизмининг хавфи бундай позицияда турган кучлар, давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий салоҳиятининг катталигидагина эмас, балки ахборот орқали ва мафқуравий йўл билан тазйиқ кўрсатиш имкониятларининг кенглигида, улар қўлидаги ғоявий таъсир ўтказиш восита ва механизмларининг хилма-хиллигидадир.

Буюк давлатчилик шовинизми ҳаминша куч ишлатишга, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафқуравий тазйиққа, зўравонликка асослангани учун ҳам миллатлар ва давлатлараро муносабатларда ишончсизлик ҳамда душманлик кайфиятларининг чуқур илдиз отишига сабаб бўлади.

Шовинизмнинг салбий оқибатлари фақат шу билангина чегараланмайди, у ҳаминша авторитар тузумлар ўрнатилиши ва мустаҳкамланишини рағбатлантиради,

шафқатсиз диктатурага олиб боради. Чунки, бўйсундирилган ва қарам халқларнигина эмас, балки бир қисми муқаррар равишда бундай сиёсий йўлга қарши чиқадиган ўз аҳолисини ҳам бошқача шароитда итоаткорликда сақлаб туриш мумкин бўлмайди. Охир-оқибатда давлат ички зиддиятлар бўҳронига дучор бўлиб, ҳалокатга юз тутади. Бир сўз билан айтганда, ўзгаларни қарам қилган халқлар, давлатларнинг ўзлари ҳам ҳеч қачон озод ва эркин бўла олмайди. Бироқ бу тажрибадан дунёдаги айрим сиёсий доиралар ва кучлар ҳали ҳам етарли сабоқ чиқара олмаганини жаҳоннинг айрим ҳудудларидаги воқеалар кўрсатиб турибди.

Буюк давлатчилик шовинизми ҳам жаҳолатнинг бир кўриниши. Унга қарши маърифат билан курашиш мумкин. Бунда, айниқса, халқаро ҳамжамият, жумладан, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган ҳар бир давлат билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш яхши омил бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар тўқнашмайдиган, балки улар бир-бирига ижобий таъсир этиб, бир-бирини бойитадиган маконга айланади.

Ақидапарастлик: моҳият ва шакллар. Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта.

Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин. Масалан, ислом динини қурол қилиб олган ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъи назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларнинг ягона халифалик остида, содда қилиб айтганда, диний асосда сиёсий бирлашуви ғоясини илгари сурадилар. Улар ўз қарашларини аксарият ҳолларда диний-маънавий заминдаги уйғунлик мамлакатларнинг иқтисодий, маданий-

маърифий, илмий-техник соҳалардаги ҳамкорлиги, улар салоҳиятининг бирлашиши тараққиётга йўл очади деган “беозор” шаклда тақдим этишга ҳаракат қиладилар.

Аммо жиддий эътибор берилса, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ёки уни йўқотиш ҳисобига ягона ислом давлати тузишни кўзлаётганлари маълум бўлади. Шу билан бирга, мусулмон халифалигини тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлимизни англашга йўл қўймаслигини яширадилар.

Бу ғояни сингдириш йўлидаги ҳаракатларда эса бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга алоҳида урғу берадилар. Бундай кучлар шу йўл билан тарихимиз, тилимиз, бетакрор маданиятимиз, жаҳон халқлари ўртасидаги ўзига хос ўрнимиз, ўз тараққиёт йўлимиз борлигини инкор этишга ҳаракат қиладилар.

Ақидапарастлик халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан ҳам боғлашни таъкидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли экани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига, баъзан “цивилизациялар тўқнашуви” деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда дунёда диний-экстремистик характердаги секта ва ҳаракатлар, уларнинг инсон онги ва қалби учун кураш йўлидаги фаолиятининг жонланиши кузатишмоқда. Хусусан, оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, биргина Россиянинг ўзида “Богородичий центр”, “Церковь объединения”, “Церковь Иисуса”, “Церковь Нового Завета”, “Белое братство”, “Божественный орден Первого Ангела” каби ўнлаб диний секталар ноқонуний равишда фаолият олиб бормоқда.

Улар аҳолининг диний билимлари камлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан қўрқитиш ҳамда асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар орасида иш олиб бориб, ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бундай секталарга асос солган “авлиё”лар ўз издош-

ларини алдаш йўли билан уларнинг мол-мулкларига эгаллик қилишга уринмоқдалар.

Яширин фаолият олиб бориши, секта ичида бўлаётган воқеаларнинг кўпчиликка ошкора бўлиб қолмаслигининг қаттиқ назорат қилиниши натижасида улар фаолиятидан жамоатчилик беҳабар қолмоқда.

Угандадаги “Охират куни” сектаси бошлиқларининг фаолияти бунга мисол бўла олади. Охиратни 1999 йилнинг 31 декабрига “белгилаган” ушбу секта раҳбарлари ўз тарафдорларини мол-мулкларини сотиш, тушган маблағни уларга беришга, шу йўл билан гуноҳлардан фориғ бўлишга чақирган. Қиёматнинг 2001 йил 1 январга “кўчирилиши” секта раҳбарларига нисбатан шубҳа уйғонишига олиб келган. Секта ичида бўлиниш бошланганидан сўнграҳбарлар Канунгу қишлоғида 500 дан ортиқ ўз тарафдорларини алдаб бир жойга тўплаб, устларидан ёпиб бинога ўт қўйиб юборишган. Оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, тезкор тадбирларни ўтказган полиция яна тўрт жойда оммавий қабрларни тошган. Умуман бу сектанинг қурбонлари 1000 ортиқ бўлгани қайд қилинган.

Очлик, урушлар, оммавий касалликларнинг тарқалиши бундай секталарнинг кенг ёйилишига сабаб бўлмоқда. Охират кунини башорат «қилувчи» бундай секталар қаторига 1992 йилда Хитойда Лю Хунчжи томонидан тузилган ва 2 миллиондан ортиқ тарафдори бўлган “Фалуньгун” сектасини ҳам киритиш мумкин. Лю Хунчжи фақат ўзинигина заминни ҳалокатдан, кишиларни қийинчиликлардан қутқарувчи, жисмоний ва маънавий етукликка бошловчи, гуноҳлардан фориғ қилишга қодир деб ҳисоблайди. Жаннат фақат унинг тарафдорларигагина насиб қилармиш. Ушбу таълимотда ҳам охират билан кўрқитиш асосий ўрин эгаллайди. Маълумотларга кўра, Лю Хунчжи таълимотига эргашиш натижасида 1400 дан ортиқ киши ҳалок бўлган, юзлаб одамлар руҳий касалликка чалинган.

“Культ сатаны” деб аталадиган секта ҳам кенг тарқалган. Айрим маълумотларга кўра, ўта хавфли бўлган

бу сектанинг Россияда 100000 та, Ер юзида 5 миллиондан ортиқ тарафдорлари бор.

Дунёнинг мафкуравий манзарасида этник заминда шаклланган гоёвий қарашларнинг ўрни. Ҳозирги кунда тил, маданият, урф-одатлардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонни юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга уринмоқда. Панславизм, пантуркизм, панэронизм каби гоёлар шулар жумласидан.

Панславизм славян халқларини этник заминда бирлаштириш гоёсини илгари суради. Манбаларда, унинг XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Чехия, Хорватия, Сербия ва Черногорияда ривож топгани қайд этилади. Бу даврда славян халқларидан фақат Россиягина ўз давлатчилигига эга эди. Панславизм мафкурасининг тарих сахнига чиқиши Россия ёрдамига таянган ҳолда мустақилликка интилишнинг ҳосиласи эди.

Кейинчалик у Россиянинг муайян доиралари томонидан славян халқларининг бошқа халқларга нисбатан устунлиги, Россиянинг эса славян халқлари ўртасида алоҳида ва ўзига хос ўринга эга эканини ифодаловчи кўриниш олди. Бундай қарашлар “славянофиллар” оқими вакиллари томонидан ривожлантирилган эди. Бугунги кунда панславизм очиқ-ойдин кўринмаса-да, конкрет масалаларни, минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал қилишда, геостратегик мақсадларни белгилашда “биродар” мамлакатларга ўзаро ён босишлик ҳолларида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги даврда панславизмни ягона ва мустаҳкам мафкуравий йўналиш деб бўлмайди. Югославиянинг парчаланиб кетиши оқибатида Болқон минтақасида юзага келган низолар буни очиқ-ойдин кўрсатди. Можарога тортилган халқларнинг барчаси славянлар бўлгани учун диний мансублик биринчи ўринга чиқди. Хусусан, право-

слав бўлган серблар, католик бўлган хорватлар, мусулмон бўлган боснияликларга ўз диний эътиқодларидан келиб чиққан ҳолда бошқа-бошқа мамлакатларнинг хайрихоҳлик билан қарагани фикримизга далил бўла олади.

Аммо бу панславизмнинг тарих саҳнидан тушиб кетганини билдирмайди. Ҳар 5 йилда бир марта бўладиган Славян конгресслари ҳам бундай ғояларни унутишга ҳали вақт эрталигини кўрсатади.

Лисоний яқинлик асосида халқларни бирлаштиришни тарғиб қилувчи бошқа кўринишдаги ғоявий қарашлар тизимининг келиб чиқиши ҳам жаҳон саҳнида юзага келган кескин ўзгаришлар билан боғлиқ. Хусусан, барча туркий халқлар ягона давлат остида бирлаштирилиши лозимлиги ҳақидаги ғояларни ҳам айрим туркий халқлар ўртасида кейинги икки аср чегарасида содир бўлган маънавий уйғонишнинг ўзига хос натижаси, деб баҳолаш мумкин. У XIX аср охири ва XX аср бошларида давлатлар ўртасида юзага кела бошлаган иттифоқлар олдида ожиз қолмаслик, туркий халқларнинг ўзлигини йўқотишига йўл қўймасликка интилишнинг ғоявий ифодаси сифатида шаклланди.

Туркий халқларнинг лисоний бирлиги ҳақидаги ғоя объектив ҳақиқат. Аммо туркий халқлар тарихан турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатлар доирасида ҳаёт кечирганлар. Бу ҳол улар ҳаётида бир-биридан кескин фарқ қилувчи жиҳатлар ва хусусиятларни келтириб чиқарган. Шунингдек, диннинг турли халқлар маънавияти, маданияти ва руҳияти ривожига роли катта эканини, туркий халқлар ичида мусулмонлар, насронийлар, буддавийлар борлигини инобатга оладиган бўлсак, лисоний бирликни мутлақлаштириш ўринсизлигини англаб етиш мумкин.

Айни пайтда, бу ғоя моҳиятан ягона давлатга уюшиш, тўғрироғи, муайян давлат раҳбарлиги ва раҳнамолиги остида барча туркий халқларнинг бирлашувини асосий мақсад сифатида белгилайди. Бундай ёндашув охир-оқибатда, бир томондан, туркий халқлар ичидаги бирор халқнинг гегемонлигини асослаш, иккинчи томондан, муайян

халқларнинг миллий суверенитетини тан олмаслик, рад этишни келтириб чиқаради.

Лисоний бирликка таянган ҳолда уларнинг халқларнинг маънавий-маърифий бирлигини таъминлаш байроғи остида тақдим этилаётган ғояларнинг бошқа кўринишлари ортида ҳам аслида шундай пировард мақсад яширинганини ёддан чиқармаслик лозим.

Ирқчилик мафкураси, унинг қайтадан жонланишини келтириб чиқараётган омиллар. Бизга тарих сахнидан тушиб кетгандай туюлган, лекин ғайриинсоний моҳиятга эга неофашизм ва ирқчиликдек мафкуралар янгидан бош кўтармоқда.

Жаҳоннинг турли нуқталаридан ривожланган мамлакатларга кўчиб келишнинг кучайиб бориши бу давлатларнинг туб аҳолиси, айниқса, ёшлари орасида ирқчилик ғояларининг янгидан ёйилишини келтириб чиқармоқда.

Мутахассислар Ер юзининг турли нуқталарида диний экстремистик ташкилотлар томонидан кўпурувчилик ҳаракатлари давом этаётгани бунга таъсир ўтказётганини қайд қилишмоқда. Бундай хавф мавжудлигини қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. «Евробарометр» маълумотларига кўра, швецияликларнинг 18%и, италияликларнинг 30%и, нидерландияликларнинг 31%и, британияликларнинг 32%и, французларнинг 48%и бошқа дин ва маданият вакилларини бутунлай ёқтирмайди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Шарқий Германия (собиқ ГДР) ҳудудида яшаётган ҳар 2 ёшнинг бири, ғарбий немис ёшларининг эса 35 фоизи нацизм ўзининг ижобий томонларига эга эди, деб ҳисоблайди.

Оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, Шарқий германияликларнинг 46 фоизи, ғарбий германияликларнинг 40 фоизи Германияда чет элликлар ҳаддан ташқари кўп деб ҳисоблаши ҳам бундай ғоялар тарқалиши учун етарли замин мавжудлигини англатади.

Испанлар эса, ўзларини қийновчи муаммолар ичида ишсизлик ва терроризмдан кейин учинчи ўринда айнан

иммигрантларнинг кўпайиб бораётганини қайд этишлари бундай қарашларнинг Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам илдиз отиб бораётганини кўрсатади. Умуман олганда, мутахассислар фикрича, Европа Иттифоқига кировчи давлатлар аҳолисининг учдан бири ўзини муайян даражада ирқчи деб ҳисоблайди.

Далиллар бундай жараёнлар Россияда ҳам жонланиб бораётганини кўрсатмоқда. Россия пойтахтида «Белые бульдоги» ва «Лефортовский фронт» гуруҳларининг кўшилиши натижасида ташкил топган «Объединенные бригады 88», шунингдек, «Русский кулак» деб номланган ташкилотларнинг фаолияти мисол бўла олади.

Мазкур мисоллар ирқчилик ва унинг замирида юзада келаётган ксенофобия, зўравонлик нақадар кенгайиб бораётганини яна бир бор исботлайди.

Глобализм ва аксилглобализм

Ҳозирги замон глобаллашуви жараёни ўта мураккаб жараён. Унинг турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказаетган таъсири туфайли бир-бирига нисбатан рақобатда бўлган икки гуруҳ: глобалистлар ва аксилглобалистлар гуруҳлари вужудга келди.

Глобаллашув тарафдорлари глобалистлар деб аталади. Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва бизнесменлар кўпроқ учрайди. Глобаллашув мухолифлари эса аксилглобалистлар номини олиб, улар сўл кучлар, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотининг вакилларидан ибрат. МДХ ҳудудида аксилглобалистлар Россия Федерациясида фаол ҳаракат қилиб, турли анжуман, семинарлар ўтказишмоқда.

XX аср ўрталарида глобаллашувнинг институционаллашуви, яъни ташкиллашуви кучайгандан сўнг бу жараён шиддатли тус олди. Институционаллашувнинг кучайганини Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараққиёти ва

тикланиш банки ташкилотларининг вужудга келгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Глобаллашувнинг тезлашиши ва кучайишига жавоб сифатида аксилглобалистларнинг фаолияти ҳам кучайди. Улар глобаллашувнинг фақат салбий оқибатларига эмас, умуман унинг ўзига ҳам қарши чиқа бошладилар. Масалан, россиялик файласуф ва ёзувчи А.Зиновьев “Аксилглобализм векторлари” номли анжуманда сўзлаган нутқида шундай дейди: “Глобаллашув янги жаҳон урушидир. У янги типдаги жаҳон уруши. Бу урушда тирик қолишнинг қаршилиқ кўрсатишдан бошқа йўлини кўрмаяпман. Фақат қаршилиқ!” — деган эди.

“Аксилглобализм векторлари” анжуманидаги яна бир маърузачи А. Паршев эса глобаллашувга қўйидагича таъриф беради: “Аслида глобаллашувнинг асосий мазмуни бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг кўшимча қийматини, дунёдаги асосий заҳираларини ўзлаштиришдан иборат”.

Албатта, бу фикрга турлича муносабат билдирилиши мумкин. “Глобаллашув”ни фақат салбий ҳодиса сифатида баҳолаш ва унга қарши туриш ижтимоий ҳаётдаги турли табиий, ижтимоий боғлиқликларни инкор этишга олиб келиши мумкин. Глобаллашув жараёни “мафкуралаштириш”дан, унинг мақсадларидан холи бўлиши керак.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, глобализм тарафдорлари ҳам, душманлари ҳам асосий эътиборни иқтисодиёт соҳасига қаратишмоқда. Глобаллашувнинг маънавий ятга таъсири ва маънавий глобаллашув масалалари социология, фалсафа, маданий антропология фанларида етарли даражада ўз ифодасини топиши керак.

Глобаллашув ва миллий маънавият

Глобаллашувнинг энг асосий жиҳатлари ва йўналишларини ҳам қамраб олиш бир мунча мураккаб. Шунинг учун мазкур бўлимда унинг миллий маънавиятга ўткази-

ётган ва ўтказиши мумкин бўлган таъсири ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Мисол учун маънавиятни бир уйдаги нарсаларга қиёслаймиз. Ташқаридан кираётган шамол уларни тўзғитиб юбориши мумкин. Худди шунингдек, бизга ёт гоёлар, оқим ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир кўрсатиши табиий. Четдан келаётган мафкуравий таъсирга қарши ҳимоя чоралари кўришдан аввал қайсиларини маъқуллаш, қайсиларини рад этиш кераклигини аниқлаш лозим. Ҳозирги кунда бирорта ҳам миллий маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан тўла ихоталанган бўлса. Ҳатто, Австралия чакалакзорлари, Африка саванналари ва Жанубий Америка чангалзорларида яшаётган қабилалар ҳам кўшни қabila ва замонавий тамаддун таъсирини ўзида ҳис қилиб туради. Қолаверса, тарихни таҳлил қилиш бошқа халқлар маънавиятидан баҳраманд бўлган халқлар маънавияти юксакликларга кўтарилигидан гувоҳлик беради.

Ўрта Осиё халқлари маданияти ва маънавияти Шарқ ҳамда Ғарбни туташтирган карвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Муҳими шундаки, халқимиз Ғарб ва Шарқ маънавиятининг ижобий томонларини ўзлаштириб унга ижодий ёндашиб, янги чўққиларга кўтаришди. Бу фикрнинг тасдиғини маънавиятнинг таркиби бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам кўриш мумкин, нафақат Ватанимиз, балки умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Масалан, Абу Райҳон Беруний Хитой ва Ҳиндистон, Юнонистон ва Рим фалсафаси, табиий фанларни чуқур ўзлаштирган. У Ҳиндистонда бўлган вақтида ҳинд фани ва маданиятини ўрганар экан, қадимги манбаларни ўрганиш учун қадимги ҳинд тили - санскритни билиш лозимлигини англайди. Натижада аллома қисқа фурсатда бу тилни ҳам чуқур ўзлаштириб олади. Сўнгра қадимги ҳинд маданияти ва фанини

асл манбалардан ўргана бошлайди. У шунингдек, юнон ва Рим маданияти ҳамда фанини ўрганиш учун юнон, лотин ва қадимги яҳудий тилларини ҳам ўзлаштириб олади.

Жаҳон маданияти тарихида чуқур из қолдирган Абу Наср Форобий ҳам ўнлаб тилларни билгани учун ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Энг муҳим жиҳати шундаки, ўша буюк аждодларимиз жаҳон халқлари маънавиятини ўрганибгина қолмай, балки уларни чуқур таҳлил қилиб, оламшумул кашфиётлар қилишган.

Аждодларимиз тарихи жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан қараш, уни терак ўрганиш, ижодий ривожлантириш орқалигина маънавият чўққисига эришиш мумкинлигидан гувоҳлик беради. Бизга таъсир ўтказаётган ёки таъсир ўтказмоқчи бўлаётган ғояларнинг қай бирини қабул қилиш ва қай бирини рад этиш лозимлигини аниқлаш учун уларни жиддий таҳлил қилиш лозим.

Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқин қўшниларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида бойиб борди. XX аср бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти билан унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида фарқ бор.

XX аср бошида ўзбек адабиётида драматургия жанри шаклланмаган эди. Демак, миллий театр санъати тўғрисида сўз ҳам юритиш мумкин эмас. Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат сингари маърифатпарварларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли драматургия шакллана бошлади ва театр санъати вужудга келди. Ўша пайтларда театр санъатини ўзбек миллати учун ёт, бегона ғоя деб эълон қилганлар ҳам бўлди. Драматургия ва театрни рад қилиш фақат танқид билан чегараланмаган. Санъатнинг бу турларини олиб киришга ҳаракат қилаётганларни масхаралаш, ҳатто сазойи қилиш ўзларини миллий маънавият ҳимоячилари деювчилар томонидан амалга оширилган эди. Ҳамма нарса учун олий ҳакам ҳисобланадиган вақт эса, театр санъати миллий руҳиятимиз ва маъна-

виятимизга ёт деювчиларнинг ўзлари миллий маънавият ривожига гов бўлганини кўрсатди. Ҳозирги кунда театр миллий маънавиятимизнинг узвий қисмига айланган.

Миллий кийимлар ҳам миллий қадриятлардан бири.

Тарихимиз илм-фан, дин, санъат соҳасида алломалари бутун дунёга донг таратганидан, демакки, жаҳон дунё маънавиятига катта таъсир ўтказганидан гувоҳлик беради. Абу Наср Форобий жаҳон фалсафаси ривожига сезиларли ҳисса қўшган бўлса, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замаҳшарий, Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз жаҳон фанини янги поғоналарга кўтаришди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбан, Аҳмад Яссавийлар эса ҳадис, калом, фикҳ илмлари ва тасаввуфда порлоқ юлдузлар ҳисобланишади. Амир Темур ва Мирзо Бобурнинг ҳарбий санъати нақадар юксаклигини бутун жаҳон эътироф этади.

Шўролар даврида миллий қадриятларимизни дунёга ёйиш у ёқда турсин, қатто ўз юртимизда қадрлаш учун ҳам йўл берилмади, кўпгина қадриятларимиз тошталди. Мустақилликдан қадриятларимизни тиклаш тарғиб қилиш имконига эга бўлдик. Ўзбек миллий курашини дунёга ёйиш бўйича қилинган ишлар, дунёнинг кўпчилилик мамлакатларида ўзбек кураши федерацияларининг тузилиши бунинг яққол мисоли.

Бугун дунё Ўзбекистонни миллий-маданий мероси, бой тарихи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарининг умуминсоний гоёлар билан мужассамлиги, санъат ва архитектура, фан ва маданият соҳасида эришаётган ютуқлари орқали ҳам кашф этмоқда. Демак, биз глобаллашув жараёнида пассив қабул қилувчи томонгина бўлмай, фаол тарғиб қилувчиларга ҳам айланишимиз мумкин.

Глобаллашув ва миллий гоёга эҳтиёж

Миллий маънавиятимиз ва маънавий ўзлигимизни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун миллий истиқлол гоёсидан самарали ва кучлироқ восита йўқ. Шу борада миллий

истиклол гоёсининг миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш каби муҳим функцияси ҳам мавжуд. Миллий истиқлол гоёси ана шу функцияни бажариши учун эса ёшлар ва аҳоли онгида фақат билим, тасаввур сифатида эмас, ишонч ва эътиқод сифатида ҳам шаклланиши лозим.

Миллий истиқлол гоёсининг шакллантирилиши ва унинг ўқувчилар, талабалар, кенг аҳоли томонидан ўрганишга киришилиши мамлакатимиз маънавий тараққиётида алоҳида босқични ташкил қилади. Аслида миллий истиқлол гоёсининг негизлари чуқур. У халқимизнинг миллий маданий меросидан, эзгу гоёларидан озикланади. Лекин, бу гоёни ёшлар ва аҳоли онгига сингдириш учун муайян пойдевор зарур. Яъни, аввало, миллий қадриятларни, миллий маънавиятни тиклаш, миллий гурурни уйғотиш, бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол гоёси томир отиши ва гуркираб ривожланиши учун замин тайёрлаш лозим эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан буён ўтган давр ичида маънавият соҳасида улкан назарий, маърифий ва амалий ишлар бажарилди. Маънавият ва маърифат кенгашлари тузилди, юзлаб мақола ва рисоалар нашр этилди, тадқиқотлар ўтказилди, таълим тўғрисида миллий дастур қабул қилинди. Хуллас, миллий истиқлол гоёсини кенг тарғиб қилиш учун замин яратилди.

Миллий истиқлол гоёсини тарғиб қилишда, бизнингча, баъзан бир томонламаликка йўл қўйилмоқда. Бу гоёни тарғиб қилишда иштирок этаётган мураббий ва ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг чиқишларида, мақола ва рисоаларида маърифатчилик билан чекланиш кўзга ташланмоқда. Ҳолбуки, маънавиятни ривожлантиришда асосий ёндашув маърифий ёндашув бўлса ҳам миллий истиқлол гоёсини тарғиб қилишда бу билан чекланиб бўлмайди. Бу ҳол миллий истиқлол гоёсининг хусусиятлари билан боғлиқ.

Миллий гоё жамиятни жипслаштирувчи, уни ижтимоий тараққиёт қўндаланг қўяётган масалаларни ҳал қилишга, четдан бўлаётган гоёвий, маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган кучдир. Жаҳондаги глобал-

лашув жараёнлари ана шу ғояга бўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради. Аслини олганда, глобаллашув жараёни бўлмаса, миллий ғояга ҳам эҳтиёж ошмас эди. Чунки, глобаллашув бўлмаганда ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривож топарди. Ташқи таъсир ва таҳдиднинг йўқлиги эса миллий ғояга эҳтиёжни ҳам долзарблаштирмас эди.

Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти шундаки, у одамлар онгида, хотирасида ғоялигича қолмай, амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи носоғлом мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади.

Миллий истиқлол ғояси ва шахс эътиқоди

Миллий истиқлол ғоясининг ҳаётимизга сингиб кетишини таъминлаш учун ғоялар амалий ҳаракатларга айланиши жараёнини синчиклаб ўрганиш лозим. Зеро, ғоя бевосита амалиётга, амалиёт дастурига айланиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу жараён қандай юз беради? деган саволларга жавоб топиш зарур.

Замонавий психология, ижтимоий психология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар нуқтаи назаридан бу саволга тўлиқ “айланмайди” деб жавоб бериш керак. Чунки инсон онгида, миёсида ўнлаб, юзлаб, ҳаттоки минглаб ғоялар бўлади. Уларнинг барчаси амалиётга айланавермайди. Чунки, алоҳида инсон онгида айна бир пайтнинг ўзида ўнлаб турли хил, жумладан, диний, ахлоқий, сиёсий, илмий, бадий ва бошқа ғоялар бўлиши табиий. Улар бир-бирларини тўлдириши, баъзан бир-бирига мос келмаслиги ҳам мумкин. Шахс бу ғоялардан энг зарурларини, энг тўғри, деб билганларини ҳаётга татбиқ қилади ёки унга амал қилади. Ана шу танлаш, яъни ғоянинг амалиётга ўтишидаги муҳим босқични тўла ва чуқурроқ англаш учун танлаш мезонларини аниқлаб олиш зарур.

Гояларни саралашда шахс фойдаланадиган муҳим мезонлардан бири, саралаб олинаётган гоянинг ёки мақсаднинг шахс, миллат, халқ ёки жамият манфаатларига, эҳтиёжларига, қурилмаларига, эътиқодига мослигидир. Бу ҳодисалар, яъни манфаатлар, эҳтиёжлар, эътиқодлар ва уларнинг гоялар билан ўзаро алоқадорлиги мураккаб. Бунинг устига бу муаммо жаҳон фанида ҳам кам ўрганилган. Мамлакатимиз психолог олимлари бу муаммо устида энди бош қотира бошладилар.

Муаммонинг мураккаблигини ҳисобга олиб биз унинг фақат бир жиҳати, яъни гоялар ва эътиқод алоқадорлиги тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Эътиқод шахс онгида жуда муҳим ўрин тутаяди, инсоннинг ҳаёт йўналиши, ҳаёт тарзи, интилишлари унинг шахсий эътиқоди билан белгиланади.

Инсон онгига йўл топаётган гоялар ҳам мана шу эътиқод чигиригидан ўтказилади. Эътиқодга мос келмайдиган гоялар рад этилади. Лекин гоя ва эътиқод алоқадорлиги фақат бир томонлама жараён эмас. Уларнинг алоқадорлиги фақатгина эътиқоднинг назоратчилиги, гояларни элақдан ўтказиши билан чекланмайди. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, инсон онгига кириб келаётган гоя ундаги эътиқодни мустаҳкамлайди ёки бўшаштиради, баъзан эса шу гоянинг ўзи эътиқодга айланади.

Мустақиллик қўлга киритилгач, мамлакатимизда кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар бошланди. Ислоҳот ижтимоий руҳият соҳасида ҳам амалга оширилади. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа одамларни мустақил фикрлашга ўргатиш эди. Бунинг учун эса уларни собиқ шўролар тузуми қолипларидан, боқимандалик, ўзибўларчилик кайфиятидан, ёт ва бегона гояларга бўлган эътиқоддан халос қилиш керак эди. Бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилди, бу жараён мамлакатимизда миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва тамойиллари шаклланиши билан якунловчи паллага кирди. Чунки, табиатда бўлмагани сингари инсон онгида ҳам мутлақ бўшлиқ бўлмайди. Собиқ тоталитар тузум сарқитларини инсон он-

гидан супуриб ташлаш учун кучли маънавий қурол керак. Бундай қурол вазифасини фақат миллий истиқлол ғояси бажариши мумкин. Чунки, ҳаётбахш ғоя билан қуролланмай туриб, эски ғоялар таъсиридан тўла қутилиш мумкин эмас. Шуниси ҳам борки, миллий истиқлол ғоясидан жамият аъзоларининг кўпчилиги хабардор бўлиши эски тузум сарқитларини супуриб ташлаш учун кифоя қилмайди. Миллий истиқлол ғояси ишонч ва эътиқодга айлангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Жамиятда ғоянинг эътиқодга айланиши унинг амалиётга ўтишидаги муҳим босқичдир. Шахс эътиқодига айланган ғояни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қила бошлайди. Эътиқод қанчалик кучли бўлса, уни амалга ошириш учун шахс шунчалик эҳтирос билан ҳаракат қилади. Кучли эътиқод йўлида шахс билимини, кучини, бойлигини, ҳатто ҳаётини ҳам аямайди. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. АҚШ президентларидан бири Т.Жефферсон “Озодлик шундай дарахтки, у баъзан одам қони билан суғориб туришларини талаб қилади”, деганда худди шундай эътиқодли одамларнинг озодликни ҳимоя қилиш йўлида ўз жонидан кечишга ҳам тайёр туришларини назарда тутган эди. Юртимиз тарихида озодлик дарахтини ўз қони билан суғорган ёки суғоришга тайёр турган қаҳрамонлар кўп бўлган. Ўғизхон, Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо сингари шахслар шулар жумласидандир. Улар эътиқодлари туфайли озодлик, юрт мустақиллиги йўлида бутун куч-ғайратларини, зарур бўлганда жонларини ҳам аямадилар.

Мустақилликни ҳам озодликка ўхшатиш мумкин. Улар эгизак. Мустақилликсиз озодлик бўлмайди ва, аксинча, озодликсиз мустақилликка эришиб бўлмайди. Мустақилликни ҳимоя қилиш учун жон фидо қилишга тайёр ўғлонлар бўлиши керак. Мустақиллик дарахти гуллаб-яшнаши учун унинг пойига кўпроқ тер тўкиш керак. Ватан ўнгиликлари қанчалик кўп меҳнат қилиб тер тўксалар, мустақиллик дарахти, унинг илдизлари, илдизлари орасидаги

Ўқтомир - миллий истиқлол ғояси шунчалик барқ уриб ривожланади. Лекин фақат маърифат билан қаноатланилса, нари борганда истиқлол ғоясини изоҳлаб, тушунтириб бериш мумкин, изоҳлаш ва тушунтириш йўли билан эса одамларнинг фақат фикрига, хотирасига таъсир ўтказиш мумкин. Миллий истиқлол ғоясини яхши тушуниб олган талаба ёки ўқувчи имтиҳонда “аъло” ёки “яхши” баҳо олиши мумкин, лекин унда бу ғояга эътиқод шаклланмаган бўлса, бу билимни у тезда унутади. Эътиқод шаклланиши учун фақат билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Эътиқод, хусусан, ғоявий эътиқод билим ва ҳис-туйғунинг ҳосиласидир. Ғоявий эътиқоднинг отаси билим бўлса, онаси ҳис-туйғудир. Улардан бири бўлмаса, ғоявий эътиқод ҳам бўлмайди. Шу хусусияти билан ғоявий эътиқод эътиқоднинг бошқа турларидан, айтайлик, диний эътиқоддан фарқ қилади. Диний эътиқод шаклланиши учун дин арконлари тўғрисида чуқур билим бўлиши шарт эмас, диндорларнинг кўпчилигида ана шундай чуқур диний билим йўқ, лекин уларнинг талай қисмидаги эътиқод билимдон уламоларнинг эътиқодидан кучлироқ бўлиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, диний эътиқод билимни инкор қилмайди, лекин унда эҳтирос устуворлик қилади. Дин бўйича жуда кўп билимга эга бўлган одамнинг эътиқоди суст ва аксинча, оз билимга эга бўлган одам кучлироқ эътиқодга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун илм, маърифат билан бирга унга амал қилиш муҳим. У эътиқодни мустаҳкамлайди.

Илмига амал қилмаган мулладан бешак,

Афзалдир устига китоб ортилган эшак,

деганда Шайх Саъдий билимдон, лекин эътиқодсиз муллаларни назарда тутган эди.

Миллий истиқлол ғоясининг моҳиятига монанд тарзда уни ёшлар ва аҳоли онгига сингдириш бўйича олиб борилаётган ишлар маърифийлик билан чекланмай, эътиқодни шакллантириш учун амалиётга йўналтирилиши муҳим. Бунинг учун эса эътиқоднинг ўзига хос хусусиятла-

ри, унинг шаклланишидаги босқичлар, мураккабликларни ёдда тутиш зарур.

Миллий истиқлол ғояси ишонч ва эътиқодни ҳамда унга амал қилиб ёндаша бошлаган кишилар фаолиятида самара беради. Ишонч ва эътиқоднинг мустақкамлиги кишиларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларига, маданий мероси, урф-одатлари, анъаналари, тили, тарихини ҳурмат қилиши, унга бўлган эътиқоди ва садоқати орқали намоён бўлади. Шунда у миллатни глобаллашув жараёни билан боғлиқ бўлган айрим таҳдидлардан сақлайди.

Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя

Инсоннинг камолоти, унинг тафаккури, амалий фаолияти муомала муносабатида намоён бўлади. Тилга таъриф берганда, аввало, алоқа воситаси деб айтамыз. Бу тилнинг бир хусусияти, яъни жамиятда инсонларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирини тушуниши, фикр, истак, мақсадларини баён этиш қуроли эканига ишора. Бироқ тилнинг вазифаси бундан-да кенг — тил жамиятнинг жипселовчи, муайян халқ, миллатни бирлаштирувчи куч, айни вақтда тарихни бугун боғлайдиган восита. Ёзма обидалар, буюк илмий ва адабий асарлар тил орқали бизгача етиб келган ва яна тил орқали келажак авлодга узатилади. Таълим-тарбиянинг авлодлараро эстафетаси ҳам тил туфайли амалга ошади. Тил руҳиятимиз, маънавиятимизни характерлайди, шунингдек, миллий ғоянинг инсон шахсида мужассамлашувида тилнинг ўрни беқиёс. Инсон учун азиз неъматлардан бири унинг она тилидир. Айнан тил миллий муҳит яратишга қодир. Айнан тил Ватан, эл, улус, миллат деган тушунчаларга алоҳида мазмун юклайди, бу тушунчаларни конкретлаштиради. Шу боис она тилимизда янграган қўшиқ руҳимизни кўтариб, юрагимиз қаърига етиб боради. Зеро, аждодларимиз сўзни илоҳий қудратга эга деб билганлар. Шундай экан, ана шу ҳолатни, яъни ягона муштарак ғоянинг мазмун-моҳия-

тини очиб бериш, унинг мафкура даражасига кўтарилиши, ҳар икки тушунча бир-бирига яқинми ёхуд фарқи борми деган саволларни ёритиш лозим. Зеро Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.”⁷¹

“Ғоя” сўзи арабча “ғоят” сўзининг бир шакли. У, аслида, ниҳоя, интиҳо, охир, поён, шунингдек, орзу, мақсад, ният, мурод, режа маъноларини ҳам билдиради. Ўзбек тилида, асосан, кейинги маъноларида ишлатилади. Бунда унинг бир ишни ниҳоясига етказиш, орзу-мақсадга эришиш маъноларидан келиб чиқилган.

Ғоя илмий ғоя ва ижтимоий ғояга бўлинади. Маълумки, илмий ғоя табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги янги билимларга асосланади. Ижтимоий ғоя эса илмий ғоядан одамларни уюштириш, жамият ҳаётига бевосита таъсир ўткази олиш хусусияти билан фарқланади. Ўз ўрнида ижтимоий ғоя ҳам иккига — эзгуликка қаратилган ижобий ва ёмонликка йўналтирилган салбий ғоялардан иборат бўлади.

Ғоя - муайян рўёлик (хаёлий образ) ҳақидаги фикр ёки тасаввур. Шу маънода у фалсафа, психология, социал ва гуманитар фанларда қўлланади. Ғоянинг асоси ҳисобланган тушунчанинг баъзи фалсафий йўналишларга оид маъноси ҳам бор, бу ҳолда ғоя деб рўёликнинг прообразига айтилади. Санъат ва фанда ғоя деб асарнинг бош фикри ёки назария ёхуд кашфиётнинг умумий принципига айтилади. Умуман олганда, ғоя — ўй ёки ўйнинг таркибий қисми. Бу маънода “ғоя” тушунчаси муаллифлик ҳуқуқини бошқариш соҳасида қўлланади.

⁷¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. 119-бет.

Ғоя ҳаёт билан боғланмаса, тажрибадан ўтмаса, амалга ошириш имкони бўлмаса, ўз аҳамияти, долзарблигини йўқотади. Тажриба натижалари ғояда умумлашади ва билим шаклига айланади. Ғоя фақат мавжуд ҳолатнигина ифодаламайди, балки ривожланиш тамойилларини кўрсатади, келажакни ваъда қилиб, унга ундайди. Зеро, ғоя амалиётга жорий қилинадиган билимлар мажмуи. Ғоянинг кучи ва таъсири унинг воқеликка қанчалик мос келиш-келмаслигига боғлиқ.

Ғояда ҳаёт, воқелик бундан кейин қай тарзда ўзгариши ҳақида кўрсатма, кўзланган мақсад мужассам, шу туфайли у йўналтирувчи кучга эга. Жамият ўз ривожидан ғояга муҳтож экан, демак ғоясиз жамият йўқ. Фақат икки жиҳатни ёддан чиқармаслик керак. Биринчиси — жамиятда эзгу ғоялар устунлик қилмаса, ёвуз ғоялар бош кўтараверади. Иккинчиси — агар жамиятда жамият аъзоларининг манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилиш, йўналтириш, амалга оширишга қаратилган ғоялар ўртага ташланиб, жорий этилмаса, шак-шубҳасиз ўзгалар манфаатини кўзлайдиган ғоялар кириб кела бошлайди.⁷²

Инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам ғоялар муҳим ўрин тутаяди. Шу маънода, инсоният тарихи ғоялар тарихидир.

Хўш, ғоя нима, нега унга катта эътибор ва аҳамият берилади? Маълумки, ҳар қандай миллат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян тамойил ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишларини кўзлаб ҳаракат қилади. Бинобарин, улар муайян мафкурага таянади.

Мафкура нима, у қандай ғоялар асосида шаклланади, жамиятни қай тарзда ҳаракатга келтиради? Нега айрим мафкуралар баъзи миллатларнинг юксалишига сабаб бўлса, айримлари бутун-бутун халқларни инқироз ва таназулга дучор этади?

⁷² Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). —Т.: "Akademiya", 2007.

Маълумки, инсон ақл-заковати, иймон-эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади.

Инсон онгли мавжудот. Онгни икки қисмга бўлиш мумкин: биринчиси, инсоннинг руҳий олами; иккинчиси — фикрий олам, яъни тафаккур олами. Руҳий олам (бу соҳани руҳшунослик илми — психология тадқиқ этади) ўз таркибига сезгилар, идрок, тасаввур, кечинма, ҳис-ҳаяжон, диққат, хотира ва бошқаларни қамраб олади. Тафаккурнинг мантикий шаклларига тушунча, ҳукм ва хулоса киради (буларни «Мантиқ» фани ўрганади).

Фалсафанинг олтин қоидаларидан бири тил ва тафаккур бирлигидир. Тилнинг бирламчи маҳсули сўз бўлгани каби, тафаккурнинг дастлабки шакли тушунчадир. Тушунчалар бир ёки бир неча сўзлар билан ифодаланади, аммо ҳар қандай сўз ҳам тушунча бўла олмайди. Сўзлар воситасида англа-тилган фикр гап деб аталишини яхши биламиз.

Инсон тафаккур ва воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоя ва таълимотлар яратади. Бинобарин, ғоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсули. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўлиши мумкин.

Илмий адабиётларда “ғоя”, “мафкура”, “идея”, “идеология” тушунчалари ишлатилади. Идея ва идеология кўпроқ Ғарб давлатлари ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. “Идея” сўзи юнон тилидаги “idea” сўзидан олинган бўлиб, “идеология” сўзи учун ўзак ҳисобланади ва “тушунча” ёхуд “фикр” маъносини англатади. Идеология (idea — ғоя, тушунча, logos — таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

– ғояларнинг мазмун-моҳият, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа ҳисобланади;

– муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи шундаки, булар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон (ва жамият) руҳиятига, унинг туб қатламларига сингиб боради. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Ғоя моҳиятан ижтимоий характерга эга. Муайян ғоялар, одатда, алоҳида шахс онгида шаклланади, кейинчалик жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва миллатлар орасида ёйилади. Ёш авлод жамиятдаги мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида, янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.

Ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси ва интиҳоси бўлади. Ғоялар ҳам ўз «умри»га эга. Улар ҳам маълум макон ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз «умри»ни яшаб, жозибача кучи ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланиши ҳам мумкин. Ғоянинг энг муҳим хусусияти — инсон ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган куч эканида.

Ғоя деб, инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган улугвор фикрга айтилади. Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади.

Маълумки, тафаккурнинг маҳсули сифатида ғоя теварак оламни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари — илм-фан, дин, фалсафа, санъат, бадиий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ муайян ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Айтиш мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг ўз ғоялари мавжуд бўлади.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир неча турларга ажратиш мумкин. Масалан:

- диний ғоялар;
- илмий ғоялар;
- фалсафий ғоялар;
- бадий ғоялар;
- ижтимоий-сиёсий ғоялар;
- миллий ғоялар;
- умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Диний ғоялар деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний иймон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи ақидаларга айтилади.

Ибтидоий динлар ҳар бир нарсанинг жонли экани, жоннинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ҳодисаларнинг илоҳий қувватга эгалиги тўғрисидаги қарашларга асосланган эди. Масалан, ҳиндларнинг диний тасавурларига кўра, жон кўчиб юради, бу ҳаётда у инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошқа жонзотга ўтиши мумкин.

Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган политеизм динлари вақти келиб монотеистик — яккахудолик ғояси асосидаги динларга ўз ўрнини бўшатиб берган.

Яккахудолик ғояси миллий динларда (масалан, иудаизмда), айниқса, жаҳон динлари — христианлик ва исломда ўз ифодасини топган. Хусусан, ислом динида Аллоҳнинг ягоналиги ғояси асосида унинг барча ақидалари, рукнлари, талаб ва мажбуриятлари шаклланган.

Илмий ғоялар — фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари (принциплари), устувор қоидаларини ташкил қиладиган илмий фикрлардир.

Ғояларнинг «ҳаёти», уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, бошқа ғоялар билан ўзаро муносабати, кураши ва ниҳоят, эскирган ғояларнинг янгилари билан алмашилиши, айниқса, илмий ғоялар мисолида яққол намоён бўлади.

Қадимги юнон файласуфлари табиий жисмларнинг энг кичик, бўлинмайдиган зарраси деб, «атом» тушунчасини

киритган эди. Птолемей-Аристотелдан тортиб, Ўрта аср Улугбек астрономиясигача дунёнинг марказини Ер деб ҳисоблаб келганлар; Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор илмий ғояларига асосланган эди.

Илм-фан тараққиёти атомнинг бўлинишини, коинот маркази Ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар билан исботлади; квант механикаси, ирсият назарияси ва бошқа кўплаб кашфиётлар қилинди.

Дунёга А.Эйнштейн, Н.Бор, Ф.Резерфорд, М.С. Кюри ва бошқаларнинг номларини машҳур қилган ядро физикаси соҳасидаги кашфиётлар ҳам илмий ғоялар асосига қурилган. XX асрда инсоният ниҳоятда кўп илмий ғояларни амалиётга айлантирди. Космик ракеталар, компьютер ва уяли телефонлар, телевидение ва бошқа соҳалардаги ютуқлар бунга ёрқин мисол бўлади.

Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиз. Бу жараёнда амалиёт тасдиқламаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади.

Фалсафий ғоялар ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилик жамиятининг тараққиёти мобайнида мавжуд билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади.

Инсоният тарихида турли халқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуф ва илоҳиётчилари турфа ғоялар яратганлар (сиз улар билан фалсафа тарихини ўрганиш пайтида батафсил танишгансиз). Аммо фалсафий ғоялар ҳақида гап кетганда, жаҳон фалсафий фикри ривожига беқиёс ҳисса қўшган ўзбек мутафаккирлари яратган меросни ёдга олмаслик мумкин эмас.

Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, Ибн Синонинг тана ва руҳ муносабатига оид, Алишер Навоийнинг

адолат ва инсонийлик борасидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунасидир.

Бадиий ғоялар — адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан қўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлар. Улар ҳаётдан олинди, бадиий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. Адабий қаҳрамонларни севиш, уларга эргашиш ҳоллари ҳам ана шу асосда рўй беради.

Бадиий тасвир воситалари катта кучга эга. Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс руҳиятига таъсир ўтказишда, одамларни ҳаракат ва жунбушга келтиришда бадиий адабиёт ва санъатнинг аҳамияти беқиёс. Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, халқнинг онги ва қалбига сингдиришда улар муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар ҳар бир халқ, умуман, башариятнинг орзу-умидлари, мақсад-муддаоларини, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни ифодалайди. Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидан. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган.

Озодлик ғояси — мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қуллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган ғоядир.

Маълумки, тушунча нарса, ҳодисаларнинг ва буюмларнинг энг муҳим ҳамда умумий томонларини инсон онгида абстракт (мавҳум) ифодаланишидир. Демак, биз тушунчада муҳим бўлмаган нарсалар хоссасида унинг умумий томонларига эътибор қаратамиз. Масалан, соат ҳар қандай шаклдаги механизм кўринишидан қатъи назар, вақтни кўрсатишини биламиз. Бу — энг муҳими. Бу мисолни келтиришдан мақсад, ғоянинг таркибий элементи (қисми)ни кўрсатиб, уни таққослашдан иборат. Ҳар қандай ғоя ўзида уч ҳолатни, яъни сўз — тушунча — мазмунни мужассамлаштиради. Сўз тилнинг маъносини ифодаловчи элемент

ҳисобланиб, у бир маъноли ёки кўп маъноли бўлиши мумкин. Сўз маълум жиҳатдан лексик-грамматик нутқ бирлиги ҳисобланиб, тушунча учун база вазифасини ўтайди. Зеро, сўз, сўз қадрига алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас.

Масалан, қадимги Юнонистонда у “logos” — “мантиқ”, “маъно”, “мазмун” тушунчалари билан уйғунлашиб кетган. Сўз рус тилида “слово”, форс-тожик тилида “сухан”, “гуфтан” тарзида ифодаланиб, тушунча ва мазмуннинг ички қобиғи маъзи, моҳиятини ташкил этади. Демак, сўз тушунча мазмунида ўз ифодасини топиб, ғоянинг таркибий қисмини тўлдиради. Маълумки, сўз айтилган, талаффуз қилинган тил бирлигидир. Сўз қадри ҳақида ҳазрат Навоий шундай деган эди:

Яхши сўз кўнгишларни азёр дурур, ёр айлар,

Ёмони кўнгишларни гирифтор айлар.

Дарҳақиқат, ғояни ифодаламоқчи бўлган шахс тўғри сўзни, тўғри тушунчани танлаб, унинг мазмунини ифодалаши лозим. Зеро, қадимий “Авесто” ғоялари, таркибий қисми, мазмун-моҳияти эзгу фикр “эзгу сўз, эзгу амал”, — буларнинг ҳаммаси шу ғояни белгилаб беради. Яхши сўз қадри дс имо қадрланган, зеро, ундан инсон дили яйраган, ҳаётга муҳаббат уйғонган.⁷³

Ҳикоя

Бир донишманд шоҳ ҳузурига икки киши келиб, биз ҳикмат айтгувчилармиз, дейишибди.

— Айтинглар, яхши ҳикматли сўзга мукофот бериларди, — дебди шоҳ.

Биринчи киши дебди:

— Яхши хулқли, яхши ҳунарли, яхши ниятли бўл, токи одамлар сени абадул-абад яхшилик билан эслаб юришсин.

Иккинчи киши айтибди:

— Яхшилар қаторида бўлай десанг, дилингга ёмон ният

⁷³ Кўчқоров В. Миллий тикланиш ва ўзликни англаш. Илмий оммабоп рисола.—Т.: 2004.

тугма, ёмонлик қилма, ёмонлар билан юрма, ҳаётда ёмон ном қолдирма.

Ушбу ҳикоядан хулоса шуки, яхшилик албатта яхшиликка йўллаши ва бунда буюк сўзнинг қудрати намоён бўлади.

Инсоннинг ақлли бўлиши маълум шаклланишга эга. Ҳар қандай ақлий билишнинг таркибий қисми тушунча, ҳукм, хулосадан иборат.

Маълумки, ҳар қандай жамият ижобий тараққиётини таъминлаш учун ўз аъзолари тафаккурида эзгу ният, эртанги кунга ишонч, тарихий тажрибалардан хулоса чиқариб, келажак режаларини белгилаш, эзгу мақсадлар доирасида тараққиётни таъминлашга ҳисса қўшиш каби хусусиятларни мужассамлаштиришга интилади. Бу ҳислатлар инсоннинг шахс сифатидаги камолини таъминлаш билан бир қаторда, жамият тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутати.

Ғоя дунёқарашнинг таркибий қисми сифатида узоқ шаклланиш жараёнига эга. Агар тарихийлик нуқтаи назаридан масалага ёндашсак, улар муайян воқелик, шахслар, тарихий ўзгаришлар билан боғлиқ эканлигини кўра-миз. Антик дунё маданияти тарихидан бошлаб токи илмий-фалсафий дунёқарашгача бўлган давр турли сўқмоқлардан ўтган. Бу давр мобайнида қанча-қанча буюк алломалар, файласуфлар бебаҳо, битмас-туганмас ғояларни мерос қилиб қолдиришган. Шундай экан, бугунги эркинлик, мустақиллик давр талаби ҳам бу ғояларни чуқур ўрганишни, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдиришни тақозо этади.

Демак, ғояларни шакллантирувчи сўзларнинг мазмуни қандай бўлишига қараб, кишилар онгида ижтимоий фикр ҳосил қилинади, яхшилик ва ёмонлик мазмунига чуқурроқ етиб борилади. ижобий ғоялар асосида ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий йўналишидан келиб чиқиб, ўз мафқураси шаклланади.

Миллий ғоя — миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат

қиладиган ижтимоий ғоя шаклидир. Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида миллий ғояга таъриф бериб, шундай таъкидлайди: “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.”⁷⁴

Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, миллий ғоямининг энг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиш ва ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Шу мақсаддаги етук олимлар, сиёсатшунос ва иқтисодчилар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз эътиборини шу масалага қаратдик. Халқимизнинг асрий орзуси, кўзланган юксак мақсадларимизга етишишнинг асосий омили — мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканидан келиб чиққан ҳолда, миллий ғоямининг маъно-мазмунини ҳам ана шундай мезонлар негизида белгилашни вазифа қилиб қўйдик ва бу борада бир қанча эътиборга лойиқ ишларни амалга оширдик”⁷⁵.

Инсоният тарихи бирон-бир жамиятнинг эзгу ғоялар ва мафқурасиз ривожлана олмаслигини тасдиқламоқда. Ғоя ҳар бир жамият ижтимоий-сиёсий тараққиётини таъминловчи омил сифатида муҳим аҳамиятга эга. Аждодларимиз ўз этнотарихий тараққиёт босқичларида жамият аъзолари тафаккурига эзгуликка ва бунёдкорликка чорловчи ғояларни сингдириб келишганки, буни маънавий мерос ҳам тасдиқлайди. Аждодларимиз эрамиздан олдинги даврларда эътиқод қилиб келган Зардуштийлик динининг «Авесто» китобидаги ғоявий концепция — «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал», мисоли фикримизнинг ёрқин

⁷⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: “Маънавият”, 2008. 71-б.

⁷⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. 71-72-бет.

далилидир. Аждодларимиз ўз этнотарихий тараққиёти-ни гоёларсиз тасаввур эта олмай, замондошларини му-айян эзгу мақсад атрофида бирлашиб, келажакка инти-лиш лозимлигини уқтириб келишган. Буни қадимги тур-кий ёзма ёдгорликлар, Ўрхун-Енисей ёдгорликлари, Култегин ва Билга хоқон ёдгорликлари мисолида кўриш мумкин. Айниқса, ислом дини шароитида аждодларимиз тафаккур бойликлари, анъана ва урф-одатларидаги ижоб-бий хислатларни ушбу тинчликпарвар дин таркибига синг-дириб юбордики, бугунги кунда биз эътиқод қиладиган ислом динининг мўътадил мазҳаби бошқа ўлкалардаги исломий мазҳаблардан қисман фарқ қилиб, унда миллий менталитетимизнинг ижобий қирралари мужассам.

Миллий гоё моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс этти-ради. Ўз даврида (1941- 1945 йилларда) фашистлар бо-сиб олган Францияда “қаршилиқ кўрсатиш” гоёсининг Миллий гоё даражасига кўтарилгани ва унинг озод этили-ши билан ўз аҳамиятини йўқотгани фикримизга далил бўла олади. Муайян гоёнинг миллий гоё сифатида май-донга чиқиши миллатнинг ўтмиши, бугунги ҳолати билан бевосита боғлиқ. Зеро, ана шу икки негизга таянган ҳол-дагина у миллатнинг қисқа ёки узоқ вақтда эришиши ло-зим бўлган мақсад-муддаолари ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши мумкин. Миллий гоё охир-оқибатда озми-кўпми даражада инсоният тақдирига таъсир қилади. Шу маънода, ҳар қандай Миллий гоёда умуминсоний моҳият мавжуд бўлади. Аниқ бир миллат ёки инсоният учун аҳами-ятли бўлган гоёлар ҳам бор. Айтайлик, “миллий яраш” гоёси фуқаролар уруши кетаётган давлат учун ҳаётий мазмунга эга бўлса, “манфаатли ҳамкорлик” гоёси дунё-нинг барча мамлакатлари учун бирдек аҳамиятли. Ҳар бир халқ ўз тарихининг бурилиш нуқталарида, аввало, маф-кура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос ўқ, бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган иж-

тимойй ғояни шакллантириш муаммосини ҳал қилади. Айнан шундай пайтда аҳоли турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи мафкураларнинг шаклланишига шароит туғилиши мумкин. Шундай экан, миллат, жамиятнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ислохотлар ўз аҳамиятини йўқотади, мустақиллик йўлида ғов пайдо бўлади. Баъзи собиқ иттифоқ давлатларида жамиятнинг бир-бирига қарама-қарши турувчи кучларга бўлиниб кетгани ёки айрим қўшни мамлакатларда маҳаллийчилик заминада жамиятни бўлиб юборишга уринишлар бўлаётгани ҳам катта сабоқ бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон халқи ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсадини қўйди. Бу бизга ёт ва бегона ғоя тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол, комил инсонларни вояга етказиш, бу йўлда ғоявий, мафкуравий бўшлиқ бўлинишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол ғоясини шакллантиришни тақозо этди. Бугунги кунда ана шу натижаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш ҳам фарз, ҳам қарз-дир. Бунинг йўли жамиятнинг барча қатламлари, ҳар бир аъзоси учун бирдай қадрли бўлган миллий ғоя ва мафкурага асосланишдир. Мустақилликнинг илк йилидаёқ Ўзбекистон халқи ўз миллий ғояси негизларига таянган ҳолда ривожланиш йўлини танлади. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, уларни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Мустақиллик туфайли мамлакатимиз халқи ўзига хос йўлни танлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бу халқимизнинг маънавий мероси, қадриятларини қайта тиклаш имкониятини берди.

2. Ҳар қандай давлат, жамият, халқ мақсадсиз яшай олмайди. У ривожланиш учун маънавий асосларни бел-

гилаб олиши зарур. Бу мақсад халқнинг миллий-маънавий ғояларида акс этган бўлиб, миллий истиқдол ғоясини ўрганиш заруриятга айланди.

3. Кишилик жамияти тараққиётида турли ғоялар, ҳуқуқронлик қилиб келган ғоявий мақсадлар туфайли ҳар хил салбий оқибатларни юзага келтирган. Ана шу ғоя билан ғоянинг, мақсад билан мақсаднинг, фикр билан фикрнинг фарқини билиш учун миллий ғояни ўрганиш лозим.

4. Шахс, инсон, ижтимоий гуруҳ, қатлам, халқ, миллат, давлат мақсади, орзу-интилиши, қарашлари бири-биридан фарқ қилганидек, унинг қандай мақсад ва ғоя эканлигига қараб баҳо берилади.

5. Айрим зарарли ғоялар маълум миллат, халқнинг мақсад, интилишларини ҳисобга олмасдан ўз ғояларини «сингдиришга» уринади, бундай ёт ёки ёвуз ғоялардан огоҳ бўлиш учун миллий ғояни ўрганиш ҳаётий заруратдир.

6. Бугунги кунда дунёда мафкуравий кураш, инсон онги ва қалби учун кураш кетар экан, айрим ёт ғоялар ёшларни ўзига ром қилиб, ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётганлари боисдан ҳам миллий ғояни ўрганиш заруриятга айланди. «Келажаги буюк давлат»ни барпо этиш миллий ғояни сингдириш орқали амалга оширилади.

Президентимиз Ислам Каримов бу борада: «Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғоялар хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда»,⁷⁶ — деган эди.

Миллий ғоя мамлакатимизда эркин, ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш-

⁷⁶ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-ж. —Т.: "Ўзбекистон", 2001.

да зарурий аҳамиятга эга бўлиб, уни жамиятимиз аъзолари онгига сингдиришда маданий-маърифий муассасаларнинг ўрни бекиёс. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарориде таъкидланганидек: «Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда».⁷⁷ Ушбу қарор:

1. Миллий ғоя тарғиботига асосий эътибор қаратиб, бунинг учун маданий-маърифий муассасалар фаолиятини ушбу мақсад сари тўлиқ йўналтиришни тақозо этади.

2. Миллий ғояда белгиланган концептуал мақсадлар фақатгина бажарилиши лозим бўлган топшириқ бўлмасдан, у бугунги ва келажак ҳаётимизнинг маъно-мазмунини белгилаб берувчи дастурий ҳужжат бўлиб, жамиятимиз аъзолари онгида ўзликни англаш хислатларини ҳам сингдирадигани, ушбу жиҳат миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашда муҳим омилдир.

3. Ёшларни миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаб, улар онги ва қалбида Ватанга садоқат, халққа муҳаббат туйғуларини ўстиришни, бунинг учун маданий-маърифий муассасалар фаолиятдан унумли фойдаланиш лозимлигини тақозо этади.

4. Мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий қадриятларларимизга таянишни, шу билан бирга, миллий бирлик ва ватанпарварлик хислатларини ривожлантирувчи қадриятлар тарғиботини маданий-маърифий муассасалар орқали амалга ошириш.

5. Миллий ғоядаги бош мақсад — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришда миллий қадриятлари-

⁷⁷ // «Халқ сўзи», 2006 йил 26 август.

мизнинг илғор намуналаридан фойдаланишни, бунинг тарғиботида маданий-маърифий муассасалар фаолиятига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди.

Шунингдек, миллий ғоя — тараққиётимизни белгилайдиган муҳим концептуал йўналишларни жамиятимиз аъзолари олдига қўйганлиги билан ижобий моҳият касб этувчи умуммиллий дастур, шунингдек, ўзликимизни англашда ҳам асосий омил сифатида жамиятимиз аъзолари кундалик фаолиятининг ажралмас қисмига айланаётганлиги қувонарлидир. Жамият аъзоларини бунёдкорлик ва эзгулик мақсадлари йўлида бирлаштириб, улар фаолиятини миллий ғояда белгилаб берилган концептуал вазифаларни амалга оширишга йўналтириш жамиятда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда муҳимдир.

Ўзбекистон жамиятида тараққиётимизнинг ривожини таъминлаш мақсадида илгари сурилган миллий ғоя фуқаролар фаолиятини эзгу мақсад сари йўналтирувчи концептуал дастур сифатида ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутиб, ўзликимизни англаб, жамиятнинг ижтимоий-маънавий ривожини таъминлаш йўлида фаолиятимизни йўналтирувчи дастурдир. Юртбошимизнинг: «Биз ўз олдимизга буюк мақсадларни қўйган эканмиз, шу марраларга етиб бориш, шу даражага кўтарилиш учун нима қилишимиз, қандай шартни бажаришимиз кераклигини ҳам тўғри англаб олишимиз лозим»,⁷⁸ — деган фикрлари келажак тараққиётимиз учун бугунги кунда аниқ мақсадларни белгилаб, ушбу мақсаднинг амалий ечимини таъминлаш учун оқилона йўл тутишимизни чуқур идрок қилишимизни тақозо этади. Маълумки, ғоя, яъни мақсад доимо амалиётдан илгари юради. Аввал муайян ғоя жамият аъзоларининг умумий мақсади сифатида илгари сурилиб, сўнг ушбу мақсадни бажариш учун амалий фаолият бошланади. Шу жиҳатдан ҳам миллий ғоя ўзликимизни англаб ижтимоий тараққиёт ва барқарорликни таъ-

⁷⁸ Қаримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-ж. -Т.: "Ўзбекистон", 2004. 135-б.

минлашимиз йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қиладики, ушбу ишлар тарғибини амалга оширишда маданий-маърифий муассасалар муҳим ўрин тутади.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда миллий ғоянинг концептуал асосларига таяниш қуйидаги жиҳатларнинг устувор мавқе касб этишини таъминлайди:

1. Ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда маънавий жараёнларнинг таҳлилида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида тобора мустақкам ўрин тутаётган миллий ғоянинг бунёдкорлик мақсади ҳамда миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлигига асосланганлигига таяниш зарур аҳамиятга эга.

2. Жамият тараққиётининг ғоя ва мафкуралар билан узвий алоқадорлиги, бугунги глобаллашув шароитида вайронкор ғояларнинг таҳдиди кўзга ташланаётган бир пайтда, бунёдкор ғоялар тарғибининг зарурийлигига урғу бериш муҳим.

3. Жамиятда умумий фуқаровий бирлик ва тотувликни, миллий ва диний бағрикенгликни таъминлашни тарғиб этишда миллий ғояда белгилаб берилган асосларга таяниш ижобий натижа бериши шубҳасиз.

4. Ёшларда ғоявий иммунитет ривожиди, жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда, миллий мустақиллик асосларини мустақкамлашда, қолаверса озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришда миллий ғоя асосларига таяниш зарур.

5. Миллий маънавий мерос, қадриятлар тарғибиди, ёшларда ўзликни англашни ривожлантиришда, уларда миллий ғурур, ор-номус, ватанпарварлик ва халқпарварлик жиҳатларининг устуворлигини таъминлашда муҳим.

Умуминсоний ғоялар умуминсоний характерга эга қадриятларни, маънавий тамойилларни ўз ичига олади. Масалан, экологик муаммоларни бартараф этиш глобал тус олган касалликлар, урушлар ва бошқа муаммоларга қарши қаратилган умуминсоний чора-тадбирлар, келишувлар.

Таъкидлаш лозимки, мустақил фикр — инсоннинг дунё-

қараши ва ақлий салоҳияти, сиёсий тизим мафқурасининг йўналтирилиши асосида шаклланадиган тушунча саналади. Мустақил фикр инсонга дастлаб оиладан бошлаб шакллантирилади. Шахсининг улғая бориши натижасида у ижтимоий институтлар томонидан сиёсий тизимдаги мавжуд барқарор имконият ва мафқура орқали тўлиқ шакллантирилади.

Мустақил фикр “миллий онг”, “миллий ўзликни англаш”, “миллий ғурур”, “миллий маънавият” тушунчалари воситасида шаклланади. Чунки, мазкур тушунчалар мустақил фикрнинг ривожланишига таъсир этувчи муҳим омилдир. Ҳар бир жамият ўз аъзолари онгида мустақил фикрни шакллантиришдан манфаатдор бўлади. Мустақил фикрли шахслар ўзи яшаётган жамият билан фаол ижтимоий-сиёсий муносабатга қираша олади. Бундай шахслар ўзининг жамият олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини теран англаб, уни амалга оширишга лаёқатли бўлади.

Мустақил фикр индивидлар, гуруҳлар ва жамиятнинг бутун аъзоларига хос хусусият саналади. Жамиятда мустақил фикрли шахсларнинг кўпайиши унинг тараққиётига хизмат қилади. Мустақил фикрга эга одам ўз дунёқараши, ақлий салоҳияти ва сиёсий тизимдаги мавжуд мафқуравий йўналиш орқали жамиятнинг асосий мақсадини чуқур англаб, ўз фаолиятини шу асосда йўналтиради. Бундай шахс теварак атрофидаги ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга нисбатан онгли муносабат билдиради. У ҳар бир ҳаракатини мулоҳаза ёрдамида амалга оширишга ўрганади. Мустақил фикрга эга шахсни турли мақсадларда ўз измига бўйсундириш мумкин бўлмайди. Чунки, у ўзининг қатъий ҳаётий позицияси ва сиёсий мушоҳадасига эга, фикр қарамлиги у учун ёт.

Мустақил фикрли шахсларни тарбиялашда, асосан, ижтимоий институтларнинг ўрни беқиёс. Сабаби теран тафаккур ва кенг дунёқараш ҳамда жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлардан мунтазам равишда хабардорлик мустақил фикрни шакллантириши тайин. Унда таълим ва тарбиянинг ўрни янада катта. Жамият аъзоларининг мазкур мақ-

сад йўлидаги ҳамжиҳатлиги эса муаммонинг ечимини тезлаштириши шубҳасиз. Ўзбекистон сиёсатининг устувор стратегик йўналишларидан бири сифатида ҳам мустақил фикрли шахсларни тарбиялаш белгиланганлиги бежиз эмас.

Мустақил миллий тафаккур миллий онгнинг ақлий фаолият, амалиёт борасида намоён бўлишидир. Мустақил ижодий тафаккур ҳам маънавий камолотнинг асосий белгисидир. Миллий манфаатларни англаб етиш, ҳимоя қилиш ва уларни амалга ошириш йўлларини ўйлаш миллий мустақиллик тафаккурининг асосий жиҳати ҳисобланади. Ёшларда мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор, гурур бўлмас экан, уларда фидокорлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби хислатлар ҳам ривожланмайди.

Маълумки, янгича тафаккурнинг шаклланишида гоё ва фикрнинг ўрни катта. Зеро, янги тафаккур — оламга ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур кўзи билан қарашни, виждон уйғоқлиги, фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқни, фидойилликни, ўзини буюк мақсадлар сари сафарбар этиб, эзгуликни кундалик фаолият мезонига айлантира олишни англатади. Истиқлолга эришганимиздан кейин кишилар онгида халқимизнинг, юртимизнинг улуғ тарихи ва бетакрор маданияти билан, шу муқаддас заминда яшаётганимиз билан фахрланиш туйғуси ортиб бормоқда. Янгича тафаккур фаровон келажак, муносиб ҳаёт, мустақил давлатчилик ва адолатли жамият барпо этиш каби улуғвор мақсадга эришиш йўлида халқимизнинг руҳини кўтарадиган миллий мафкура асосида шаклланимоқда. И.А.Каримов таъкидлаганидек, “бизда «аввало иқтисод, кейин сиёсат» деган тушунча бор. Лекин иқтисодни англаш, тўғри бошқариш учун нима керак? Сиёсат керак, ақл-заковат керак, маънавият керак”. Шу боис ислохотларнинг дастлабки босқичида миллий кадриятларни тиклаш, одамлар тафаккуридаги қуллик кишинини йўқотиш, уларда ўзларига ишончни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Албатта, ислохотлар

— янгича тафаккур, янгича изланишлар меваси. Бироқ ҳар қандай ислоҳот ҳам, аввало, инсон манфаатига, унинг ҳаёт синовидан ўтган тажрибасига ва янги жамиятнинг эҳтиёжларига асосланиши лозим. Тубдан янгиланиш даврида анъаналарга таяниб иш тутиш, улардан янги ўзгаришларга мос ҳолда оқилона фойдаланиш ислоҳотларнинг изчил ва собитқадамлик билан амалга ошишига ҳамда жамият барқарорлигига хизмат қилади. Жамиятни демократиялаштиришнинг иккинчи муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатларининг бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқ. Шу маънода, халқимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришининг аҳамияти беқиёс. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон том маънода озод ва эркин бўла олмайди. Тараққиёт тақдирини маънан етук одамлар қал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан уйғун ҳолда ривожланиб бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир. Шунинг учун янгича тафаккур деганда: 1) Ўзбекитоннинг бугуни ва эртаси ҳақида қайғуриш; 2) шахснинг халқ ва Ватан кадр-қиммати, ор-номуси ва манфаатларини англаши, уни ҳимоя қилиши; 3) юксак гоълар, кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди, бор имконияти, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этиш назарда тутилади.

Янги инсонни вояга етказиш — замонавий демократик жамият, янги давлат қуришнинг муҳим омили

Янги инсонни вояга етказиш замонавий демократик жамият — янги давлат, яъни ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим омили ҳисобланади. Янги инсон дегани мус-

тақиллик тафаккурига эга, мустақилликни мустақкамлаш, асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшадиган, миллий ғоя негизда фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ инсонни тушуниш мумкин. Янги инсонни вояга етказиш орқали янги авлод кадрлари шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу ҳақда шундай дейди: “Ўз-ўзидан аёнки, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлида мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.”⁷⁹

Ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида бу соҳада катта ютуқларга эришилди: юртимизда ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёж асосий масалага бўлган эди. Шу мақсаддан келиб чиққан қолда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Ўз мазмун-моҳиятига кўра, ушбу дастур 12 йиллик таълимга ўтишни, узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратишни кўзда тутган. Дастур умумтаълим мактабларидаги тўққиз йиллик ўрта таълимни, академик лецей ва коллежлардаги уч йиллик касбга тайёрлаш тизимини ўз ичига олади. Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган академик лицейлар ёшларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича олий маълумот олиш учун янада чуқур билим эгаллаш, коллежлар эса махсус фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир битгирувчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин топиш учун 2-3 мутахассислик бўйича ўрта малакали касб эгаллаш имконини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 2009

⁷⁹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.— Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 25-бет.

йилгача мактаб таълимини ривожлантириш давлат умум-миллий дастури ҳам амалга оширилмоқда.

Миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида 1 минг 140 тага яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 4 минг 680 тадан зиёд умумтаълим мактаблари янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди. Улар замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди.

Янги миллий таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги дарсликлар ва махсус ўқув қўлланмалари яратиш орқали таълим жараёнининг мазмуни тубдан такомиллаштирилди. Ихтисослашган олий ўқув юртларида академик лицей ва коллежлар учун замон талабларига жавоб берадиган янги тоифадаги ўқитувчилар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

Ўтган йиллар мобайнида ўқув юртларини замонавий, ҳар томонлама жиҳозлаш учун 5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланди.

Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистон миллий Фанлар академиясига эга бўлиб, унинг таркибида илмий-техник салоҳиятга эга бўлган 43 та академик институт муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Табиий ва аниқ фанларнинг ядро физикаси, иссиқлик физикаси, астрофизика, гелиоматериалшунослик, биология, микробиология, кимё ва табиий бирикмалар кимёси, сейсмология йўналишларида ва бошқа кўплаб соҳаларда истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятги шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.⁸⁰

⁸⁰ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 25-27 бет.

Янги инсонни вояга етказишга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ҳамда гарови деб билишган. Албатта, таълим-тарбия — онг маҳсули, у онг даражаси ва ривожини белгилайдиган, яъни янги инсонни шакллантирадиган ҳамда бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизими ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, янги инсонни вояга етказиб бўлмайди.

Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир.

Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Бунинг учун ҳар бир ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга комил инсонлар этиб вояга етказиш - таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Янги инсон тарбиясида таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Бу ҳақда фикр юритганда, Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё

саодат — ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслаш ўринли. Бу ҳикматли ибора асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Бизга собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган маориф тизимининг энг номаъқул томони шунда эдики, унда ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ҳамда эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Олий ўқув юрти битирувчиларининг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ совет тизими ва сохта гоёларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўрин эгаллар эди. Кўп ҳолларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қилди.

Аксарият ёшлар ҳақиқий билим олиш мақсадида эмас, дипломли бўлиш илинжида институтларга киришар эди.

Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларида-ноқ мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини ислоҳ қилишга катта зарурат сезилади, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш жараёнида бу соҳада узоқ йиллар мобайнида талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатди. Шунинг учун ҳам бу мураккаб, масъулиятли, аммо кечиктириб бўлмайдиган иш қадам-бақадам, изчиллик билан бажарилди.

Дарҳақиқат, истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрнаётган, икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоеън этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шу орзуинтилишларимиз ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Миллий гоёда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш, авваламбор, жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида урғу бериб айтишни жоиз деб биламан.

Бизнинг энг улуг мақсадимиз, энг улуг гоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, келажак сари дадил қадам ташлаш.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, куч-гайратимиз ана шу улугвор мақсадни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халқимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган, бир тану бир жон қиладиган миллий гояннинг асл мазмуни-моҳияти ҳам аслида — шу.

Жамиятнинг янгиланиши ва янги инсон

Бутунги кунда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи долзарб аҳамиятга эга.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқ.

Шу боисдан ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз куч ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси биз учун доимий масалага айланди.

Аввало, миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган.

Бизнинг вазифамиз шу хазинани кўз қорачигидек асраш ва янада бойитиш.

Сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқод эркинлигини таъминлашимиз керак. Биз одамларнинг маънавий тарбиясини ўйлаб, тинчлик ва хайрли ишларни кўзлаб ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлашимиз, уларни руҳлантириб туришимиз лозим. Шунингдек, маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз, инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр каби маданият ўчоқларини кўпайтиришимиз зарур.

Айниқса, олимлар ва ижодкорларга эътиборни кучайтириш керак. Чунки маънавий бойликларни айнан шулар яратади. Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолияти учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш масъул ташкилотлар раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир.

Яна бир долзарб вазифа — ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласидир. Зеро, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгалари. Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз маданий бойликларимиздан тўла баҳраманд бўлиши керак. Лекин бу борада қилиниши лозим бўлган ишларимиз ҳам бор.

Истеъдодли ёшларимизнинг ўз соҳаларида етук инсонлар бўлиб етишиши учун тегишли шарт-шароитлар ҳали батамом яратилгани йўқ.

Биз буюк келажагимизни ўйлаб, уларга ғамхўрлик қилишимиз керак. Жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қиладиган турли тажовузкорлик кўринишларига қатъий қарши туришимиз муҳим.

Баркамол янги инсон тарбияси — миллий юксалиш омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов "...биз бугунги кунда бутун дунёда ўзбек модели си-

фатида тан олинган тараққиёт моделини ишлаб чиқдик. Бу моделнинг асосий тамойиллари, яъни иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принциплари барчамизга яхши аён”⁸¹.

Демак, Ўзбекистон мустақиллиги, унинг келажаги биздан бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган дунёга мувофиқ иш юритиш, жаҳон ҳамжамиятида топган муносиб ўрнимизни мустаҳкамлашни талаб этади. Бу жараён ўз-ўзидан жамиятни демократлаштириш йўлида давом этаётган ислоҳотларга оғишмай амал қилишни тақозо қилади.

Европада “Маърифатчилик асри” деб ном олган XVIII аср зиёлилари ҳам янги авлод тарбиясини таълим тизимини тубдан ислоҳ этишдан бошладилар. Француз файласуфи Жан Жак Руссонинг “Эмиль ёки тарбия” асари ҳануз ўз қимматини сақлаб қолмоқда. Маърифатпарварлар санъат, адабиёт, театрда тарбия воситаси, янги тафаккур мураббийсини кўрдилар. XVIII асрнинг «Фикр дунёни бошқаради» ибораси энг кўп такрорланадиган иборага айланди. Бу давр мутафаккирлари келажакни белгилаб берувчи, дунёни бошқаришга қодир бўлган ана шундай фикрчи, тафаккурни шакллантириш учун курашдилар.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислоҳ Каримов “буюк тарбиячи” деб атаган тарих масаланинг бошқа жиҳатидан ҳам сабоқ беради. Замон билан ҳисоблашмаслик, замонга мувофиқ одамларни тарбиялаш ишига эътиборсизлик мамлакатни, халқни таназзулга етаклайди. Жумладан, XVI-XVII асрларда дунёнинг энг қудратли салтанатларидан бири бўлган Усмонли империяси XVIII асрга келиб, замон билан ҳисоблашмай қўйгани учун тараққиётдан орқада қолиб заифлашди, бўлиниб кетиш хавфи остида қолди. Фақатгина тезлик билан кўрилган чоратадбирлар мамлакатни бу хавфдан асраб қолди. Аввало, таълим-тарбияга эътибор қаратилди ва таълим тизими тубдан ислоҳ этилди Туркистон ўлкасининг XIX аср ик-

⁸¹ И.Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008, 103-бет

кинчи ярмида мустамлакачилик балосига йўлиққанининг сабаби ҳам шунда. Шунинг учун истиқлолимиз қахрамонлари — жадид миллатпарварлари ҳам юрт ва халқнинг келажаги қайғусида ишни мактаб ислохотларидан бошладилар. Даврнинг ёрқин сиймоларидан бири — Маҳмуд-хўжа Бехбудий жадид зиёлиларнинг умумий фикрларини лўнда ифодалаб: “Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари ила ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққийи ривожига ижтиҳод қилурлар”, — дея таъкидлаган. Таълим-тарбия ишларига умрини бахшида этган Абдулла Авлоний эса миллатнинг «саломат соҳили»га чиқишининг воситасини қуйидагича кўрди:

“Ёшларимиздан маданиятга лойиқ равишда ўқуб, диний ва маданий кишилар ҳозирланса, тарбия таълимга моҳир олим ва олима, адиб ва адибаларимиз етушса, мактаб ва мадрасаларимиз мунтазам ва тартиблик бўлса, зироат, саноат ва тижорат ишларига моҳир кишилар етушуб, замонага мувофиқ равишда иш юритилса, - кутубхоналар ва қироатхоналар очилса, ширкатлар (товаришиство) барпо қилинса, юқоридаги дейдигимиз каби, халқимиз орасидан замонага лойиқ улум ва фунундан бохабар уламоларимиз кўпайса, оч ва ялонғоч кишиларимизнинг маишатларини тузутмак учун ҳаракат қилинса, ўқутилса, ахлоқ ва одоб ўргатилса, шул вақтда эскинча орасидан чиқуб, ҳақиқий маданият бўстониға юзлангон ҳамда маданият тўлқунларидан қутулиб, соҳили саломатға чиқгон бўлур эдук”⁸².

Президент Ислон Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузаларида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишларининг бири сифатида “Барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва

⁸² Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдик. 2-жилд. - Т.: “Маънавият”, 1998, 219-220-бет.

самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир”, -дея алоҳида таъкидлади. Бу, аввало, “фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш”⁸³ ни талаб этади.

Босиб ўтган йўлимизга назар ташласак, кўриш қийин эмаски, тараққиётимизнинг ҳар бир босқичида бажариш лозим бўлган вазифалар мазмунан бойиб, чуқурлашиб бораётган ислохотларнинг заминида инсон омили, баркамол авлод тарбияси масаласи турибди.

Маълумки, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш учун, аввало, инсонлар онгида туб ўзгаришлар юз бериши зарур. Зеро, кишилар тафаккурини банд этган эски андозалардан, тор қолиплардан, ўз умрини яшаб бўлган ақидалардан халос этмай туриб, янги давр, тарихий тараққиёт билан боғлиқ янги муаммоларни ҳал этиб бўлмайди.

Президент И.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида мустақил тараққиётимизга хавф солаётган ташқи ҳамда ички таҳдидлар, уларни олдини олиш йўллари ҳақида батафсил фикр юритиб, маънавий қадриятлар ҳамда миллий ўзликни англашнинг аҳамиятига алоҳида урғу бериб: “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”⁸⁴, - дея алоҳида таъкидлади.

Маълумки, “комил инсон”, “баркамол авлод” тушунчалари алоҳида мазмун касб этади. Хўш, бугунги кунда, мустақил Ўзбекистон шароитида «баркамол авлод» деганда қандай авлодни тушунамиз? Мамлакатимиз кела-

⁸³ Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. - Т.: Ўзбекистон, 2003, 33-б.

⁸⁴ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-ж. - Т.: Ўзбекистон, 1998, 125-бет.

жагини, миллий юксалишимизни белгилайдиган авлод қандай сифатларга эга бўлиши лозим?

Ҳамонки, Ўзбекистон мустақиллигига, юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга қаратилган барча ислохотларнинг самарасини йўқ қилишга, юртимизда қарор топган тинч-осуда ҳаётни издан чиқаришга ҳаракат қилаётган кучлар бор экан, “одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазият” сақланиб қолмоқда экан, бугунги комил авлод, аввало, ана шу ички ва ташқи таҳдидларга тўсиқ бўлишга қодир, маънавий жиҳатдан мукамал, ўзлигини англаган, иймон-эътиқоди мустақкам, муқаддас қадриятларни ўзига сингирган, иродаси бақувват бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Россиянинг «Независимая газета»си мухбирига берган интервьюсида айрим Ғарб давлатларининг ноҳолис хатти-ҳаракатлари, халқаро террорчилик хавфи ва уларга қарши кураш хусусида гапириб, Украина ва Грузияда содир бўлган «бахмал инқилоб»ларни тайёрлашда Ғарбнинг таъсири ҳақидаги саволга жавоб бериб, Ғарбнинг таъсиридан кўра ички омилга диққатни жалб этди. Президент Ўзбекистонда Украина ёки Грузия сценарийси такрорланиши мумкин эмаслигини таъкидлаб: “Нега деганда, улар (фуқароларимиз) энди бир пайтлар СССР Олий Совети халқ депутатлари съездларида беписандлик билан “тил-забони йўқ, қиёфасиз кўпчилик”, деб аталган одамлар эмас Улар бугун ўз мамлакатада, ўз юрти учун, келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятни чуқур ҳис қилиб яшаётган инсонлардир...”,⁸⁵ — деди.

Ватан равнақи, юрт тинчлигини, ўз тақдирини бутун жамият, ҳатто, бутун инсоният тақдирига дахлдорлигини чуқур ҳис этган, асрлар синовидан ўтиб, инсонлик моҳиятини ўзида мужассам этган маънавий қадриятлар онгу қалбига сингган, ўз фикри ва салоҳиятини эркин

⁸⁵ И.А. Каримов. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.

хамда фаол намоён эта оладиган, юксак ахлоқ-одобли, маърифатли шахсларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мавлоно Мир Алишер Навоий ёзмишлар:

*«Хукамо ҳам дедилар, шахли тенгиз, хайли ариқ
Ул ачигдур бу ачиг, ул чучук ўлса бу чучук».*

Ҳазрат Навоий наздидаги шоҳни давлат рамзи деб олсак, халқнинг, ҳар бир фуқаронинг давлат ҳолатини белгилаши аён бўлади. Агар Ариқ - дарё, яъни халқ табиати аччиқ бўлса, яъни маънан баркамол бўлмаса, турли иллатлардан фориг бўлмаса, унинг сувлари қуйилган денгиз, яъни давлат ҳам аччиқ, яъни унда адолат, меҳр-шафқат, эзгулик бўлмайди ва аксинча.

Замонавий билимлар билан қуролланмаган, билим ва тафаккур дунёси кенг кишиларсиз Ўзбекистоннинг келажagini, жаҳон ҳамжамиятидаги мустақкам ўрнини тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун баркамол авлодни етиштиришнинг бош воситаси бўлган таълим тизимини ислоҳ этиш жараёнида миллий таълим мазмуни ва сифатини замон талаблари даражасига кўтариш билан бир қаторда, тараққий топган давлатлардаги ўқув марказларига бориб ўқишларига, профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малакаларини оширишларига ҳамда таълим соҳаси билан боғлиқ хорижий маблағ ва грантларни республикага жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Аммо масаланинг яна бир жиҳати бор. XX аср файласуфларидан бири: “Маънавият билан уйғунлашмаган билим ёввойи одам қўлидаги чўқморга айланади”, — деган эди. Демак, Президент И.Каримов таъбири билан айтганда, “Демократик кадриятларнинг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси” бўлишга қодир инсонгина чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган комил шахсга айланади. Эркин фикрлайдиган, ўзининг қатъий нуқтаи назарига эга бўлган, юксак маънавиятли шахс ёт бузғунчи ғояларга нисбатан иммунитет ҳосил қилиши ва эгаллаган билимларини эзгу ишларга, юрт равнақига йўналтириши лозим.

Фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз онги ва қалбида ғоявий иммунитетни шакллантириш, уларни миллий истиқлол ғоясидек қудратли восита билан қуроллантириш борасида талай ишлар амалга оширилди. Лекин уларнинг кўлами қанчалик кенг бўлмасин, хотиржамликка берилиш нотўғри. Чунки жаҳонда ва минтақамизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, таркиб топган ижтимоий ва маънавий ҳолат ғоявий ва сиёсий рақибларимизга дунё жамоатчилиги олдида ўзларини “афғор омма манфаатларини кўзлаб иш юритувчи қандайдир идеал сиёсий ҳаракат сифатида намоён этиш имкониятини яратиш эҳтимоли ошиб бормоқда”. Улар илгари сураётган ғояларнинг давлатлар ва миллатлар ўз ниятларига сиртдан ўхшашлиги баъзи узоқни кўролмайдиган оми кишиларни қарамоғига илинтирмоқда. Жумладан, Президентимиз И.Каримов бу ҳақда шундай дейди: “Сир эмас, бизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ҳар доим ҳам олижаноб ниятларни кўзлайвермайди. Айтайлик, “XXI аср лидерлари” каби мавзуларда ўтказилаётган семинарларда улар иқтидорли ёшларни “танлашда ҳокимиятга ёрдам” беради, бироқ бунда улар, энг аввало, ўз манфаатларини кўзлашади. Сўнгра чет элга мунтазам сафарлар уюштирилади, уларда турли симпозиум ва семинарлар давомида бу одамларнинг онгига ғоят усталик билан таъсир ўтказилади. Шу тариқа ўзларини “дунё фуқаролари” деб атайдиган кишилар тоифаси тайёрланади... Бу ҳозирги воқелигимизда “оддий одамлар сари ўн қадам”, деб аталади. Жуда зўр. Кейинчалик ана шу гўзал ибора пайдо бўлган мамлакатнинг уч нафар фуқароси Тошкентда портлашлар уюштиради”.⁸⁶

Бир карашда “демократия” ва “золим” бир-бири билан боғланмайдиган тушунчалар бўлиб туюлади. Аммо, бугунги кунда демократия тантана қилган айрим давлатларнинг ашаддий террорчиларга, ҳатто “Ҳизб-ут-таҳрир” каби террорчи ва қотилларни етказиб бераётган

⁸⁶ Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан дамкорлик йўли. 11-ж. -Т.: Ўзбекистон, 2003, 34-6.

ташкilotларга бошпана берганлиги, “инсон ҳуқуқлари”, “сўз эркинлиги” каби демократик қадриятлар ҳақида сафсата сотиб, уларни ҳимоясига олаётгани, улар ортида реал хавфга ишора борлигини кўриш мумкин. Яна бир ачинарли томони шундаки, айрим яқин кўшниларимиз экстремистик гуруҳларнинг пайдо бўлишини “демократия тақчиллиги билан” боғлашга уринмоқда.

Бунга Президентимиз И.Каримов ўз муносабатини, асосли норозилигини билдириб, юқорида тилга олинган интервьюсида шундай деди: “Қозоғистон МХКнинг юқори мартабали вакилларида бири баёнот беришича, бу одамлар — “шаҳидлар”, экстремистлар, улар Қозоғистонга эмас, айнан Ўзбекистонга қарши иш кўрмоқда. Гўёки бунинг сабаби — Қозоғистонда эътиқод эркинлиги ва барча демократик меъёрлар амал қилмоқда, шу боис ашаддий жангариларнинг бу мамлакатга қарши даъвоси йўқ эмиш”⁸⁷.

Бундай далиллар ёшларнинг комиллик даражаси хусусида гап борганда, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва давлат, жамият, халқ олдидаги бурчларини таниган ҳамда “ҳуқуқий маданият” соҳиби бўлишлари лозимлигини аён этади. Ҳазрат Алишер Навоий сўзлари билан айтганда:

*“Иш эрур улким, ўзи они қилур,
Ҳикмат улким, ҳам ўзи билур”.*

Яъни, биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатнинг таянчи бўлган қонун устуворлигига риоя этиш мажбуриятга эмас, фазилатга айланмоғи лозим. Бунинг учун одамларни, энг аввало, ёшларни демократияга ўргатиш зарур, токи киши шахсий жавобгарлик ҳиссини туйсин, ахлоқ меъёрларига риоя этиш унинг учун ички зауратга айлансин.

Ният, сўз ва иш бирлиги ҳар қандай ҳаракатнинг самарасини белгилайди. Бугунги ёшлар эртага мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини ўз қўлига оладиган, бутунги ниятларимизни эртага рўёбга чиқарадиган кишилар. Улар ҳар томонлама етук бўлишлари, шу жумла-

⁸⁷ Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. - /Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.

дан, жисмонан соғлом бўлишлари муҳим. Миллат кела-жаги ҳақида қайгурган Абдулла Авлоний ҳам фарзанд тарбияси ҳақида фикр юритар экан, тарбия жараёнини уч қисмга бўлган: “бадан тарбияси”, “фикр тарбияси”, ва “ахлоқ тарбияси”. Авлоний “бадан тарбияси”ни биринчи ўринга қўйгани бежиз эмас, зеро: “Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда, ибодатларинда камчилик қилурлар. Маишатимизни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлидур... Агар жисм тозаллик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур”⁸⁸.

Юртимизда ёшларни нафақат руҳий баркамол авлод қилиб тарбиялашга, балки жисмонан соғлом бўлиб ўсишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, “Раҳм-шафқат, соғломлаштириш ва спорт республика жамғармаси”, “Соғлом авлод учун” ноҳукумат хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги фармонлар эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди. Унда асосий диққат-эътибор жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш ва бунинг учун шарт-шароит яратишга қаратилди. Болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия

⁸⁸ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдик. 2-ж. —Т.: “Маънавият”, 1998, 38-39-б.

ва спорт билан шуғулланишига оммавий жалб этиш умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси ва 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажралмас қисми деб белгилаб қўйилди.

Ўқувчи ва талабалар учун уч босқичли спорт ўйинлари — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод» ва “Универсиада”лар тобора кенгроқ кўлам касб этмоқда. Ёшларнинг барча қатламларини жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг бундай узлуксиз тизими жаҳон тажрибасида ҳали кузатилмаган. Бунга илк маротаба Ўзбекистонда асос солинди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллат, ватан, халқ истиқболи йўлида амалга оширилаётган ислохотларни, рўёбга чиқарадиган авлод ҳар томонлама етук бўлмоғи керак. Бунинг учун ёшларга миллий ўзлигини англатиш, уларнинг қалби ва онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, замонавий билимлар билан қуроолантириш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан чиниқтириш лозим. Ана шундай баркамол авлодга мансуб янги инсон эл-юртимизнинг фаровон ва бахтли келажагини ҳал қилишдек катта масъулият билан боғлиқ замонавий демократик жамият, янги давлатни куришда шарафли ишни адо этишга қодир бўлади.

4-мавзу: Диннинг ибтидоий шакллари: тотемизм, анимизм, сеҳргарлик, фетишизм

Қадимги аждодларимизнинг дастлабки диний тушунчалари маънавий ҳаёт ибтидоий шаклларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу 40 минг йил аввал юз берган *сапиентация* жараёни тугаллангач, яъни онгли, фикрлай оладиган, маълум даражада таҳлил қиладиган, аниқ (мавҳум эмас) вазиятни идрок этадиган, амалий тажрибага эга кишилар ўзларининг анча қолоқ аждодларини сиқиб чиқариб, ер юзиде тарқала бошлаган даврга тегишли. Биринчи сапиент (онг-

ли) одамнинг жисмоний, физиологик хусусиятлари, асаб, эндокрин ва бошқа тизими олдинги аجدодлариникига қараганда анча ривожланган эди. Бу фарқлар онгли одам ҳаётий фаолиятидагина эмас, унинг фикрлаш даражаси, мавҳум воқеа-ҳодисаларни идрок этиш қобилияти, кучли ҳис-ҳаяжон, ҳаёлотга берилишида ҳам намоён бўлган.

Билим захираларининг бениҳоя камлиги, фавқулудда нарсалардан кўрқиб, табиат кучлари олдидаги заифлик сапиент — онгли одамнинг оламга таъсир ўтказаяётган ғайритабиий кучлар, ҳомий руҳлар, хоҳлаган нарса билан борлиқ ўртасидаги сирли ришталар ҳақидаги дастлабки тасаввурлари пайдо бўлган. Бу ришталар бора-бора бутпарастлик, руҳларга сифиниш, сеҳргарлик, “фетишизм” (жонсиз нарсаларга топиниш) тарзидаги диний тушунчаларни келтириб чиқарган.

Тотемизм — уруғ жамоалари сифинадиган тотем (белги) ҳайвон, ўсимлик, тош ва шу кабилар уларнинг тасаввурида яқин қариндошлари рамзи деб қаралади. Қондош жамоа аъзолари инсонлар ва уларнинг тотемлари — ярми одам ярми ҳайвон, ярми одам ярми ўсимлик, турли ҳаёлий жонзотларнинг хусусиятларига эга бўлган аجدодларидан тарқалганига ишонган. Ҳар бир қондош гуруҳ ёки жамоа, одатда, ўз белгисининг номи билан аталган ва уни муқаддас ҳисоблаган.

Ҳар бир тотем бир гуруҳ ёки жамоани иккинчисидан фарқлаш, ажратишга хизмат қилган. Бу жамоалар асрлар давомида амал қилиб келинган урф-одат, тартиб-қоидаларга эга бўлиб, ўша одату қоидалар фақат шу маълум жамоа аъзоларигагина мансуб бўлган.

Тотемизм билан бирга тақиқ (табу) одати ҳам мавжуд эди. Масалан, жинс ва ёшга хос тақиқ жамоани қатъий белгилаб қўйилган никоҳ табақаларига ажратиб қўйган. У билан яқин қариндошлар ўртасида жинсий алоқа ўрнатилган ёки никоҳ қилиш тақиқлаб қўйилган. Қабила бошлиғи, жангчилар, аёллар, болалар истеъмол қиладиган овқатлар ҳам тақиқловчи ҳисобланган. Баъзи тақиқлар

хонадон ёки оиланинг дахлсизлигини ифодаласа, баъзилари ўликни кўмиш қоидалари, айрим жамоа аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берган. Ҳар бир тақиқ ниҳоятда қатъий бўлган ва унга амал қилмаслик жиноят ҳисобланган. Қабила бошлиғига тегишли баъзи нарсалар, жумладан, у ейдиган овқат бошқалар учун тақиқланган. Тақиқда белгилаб қўйилган нарсаларни одамлар муқаддас билган, уни бузганлар ўлимга маҳкум этилган. Ибтидоий шаклда турмуш кечириб, қадимги урф-одат, қоидаларга амал қиладиган қабилалар ҳозир ҳам мавжуд. Масалан, бир маълумотга кўра, Янги Зеландияда қабила бошлиқларидан бири овқатланиб бўлгач, қабила аъзоларидан бири билмасдан ўша овқат қолдиқларини еб қўяди. Бу овқатнинг қабила бошлиғи учунгина мўлжаллангани ва бошқалар учун тақиқланганлигини билгач, унинг қорнига чидаб бўлмас даражада қаттиқ оғриқ киради, томирлари тортишади ва оғир қийноқлардан сўнг жон беради. Биргина тақиқ аломати унинг иродасини букиб қўйган, танасининг яшовчанлигини сусайтирган, қаршилиқ кўрсатиш имкониятини йўққа чиқарган, ўлимни дилига солган.

Шундай қилиб, кишилиқ жамияти шаклланишининг дастлабки босқичларида тотемизм диннинг асосий вазифалари — тикловчилик, бошқарувчилик, меъёрий назорат вазифаларини ўтаган.

Анимизм — руҳларнинг борлигига ишониш, табиат кучлари, ҳайвонлар, ўсимликлар ва жонсиз нарсаларни жонли деб тасаввур қилиш. Аждодларимиз уларни ақлли, ҳар қандай ишга қодир ва ғайритабиий қудратга эга деб билган. Диннинг бу ибтидоий тури узоқ ўтмишда, қабила жамоалари ҳали шаклланмаган даврларда пайдо бўлган.

Ибтидоий одамлар уларнинг ҳаёт-мамоти билан боғлиқ бўлган осмон ва ер, қуёш ва ой, ёмғир ва шамол, момақалдиروق ва чакмоқ каби табиатнинг қудратли кучларинигина эмас, ер сатҳининг айрим бўлаклари — тоғ ва дарёлар, қир-адирлар ва ўрмонларни ҳам илоҳийлаштирган. Чунки улар руҳларнинг худди ўша ерларда яшашига ишонган ва уларнинг қўнглини овлаб, ўзларига оғди-

риб олмоқчи бўлган. Ҳатто айрим кўримсиз дарахт, катта тош бўлаги ёки кичик бир ҳовузча ҳам ибтидоий аждодларимиз назарида жонли, «ақл»ли бўлган, ҳиссиётли ва ҳар қандай ишга лаёқатли, фойдали ёки зарарли бўлган. Шунинг учун ҳам уларнинг барчасига қурбонликлар келтирилган, улар шаънига турли урф-одатлар, маросимлар, байрамлар ўтказилган.

Шундай қилиб, анимистик ва тотемистик эътиқод ва улар билан боғлиқ маросимлар ибтидоий жамоа ҳаётида бир бутун, ажралмас, яхлит қарашлар мажмуини ташкил қилган.

Сеҳргарлик. Бу ҳам моддий натижага эришиш мақсадида ғайритабиий кучларга таъсир ўтказишни кўзлайдиган таомил, урф-одатлар йиғиндиси. Одатда, сеҳргарлик билан махсус одамлар — кўпинча аёл афсунгарлар ва шомонлар шуғулланган. Кўп ҳолларда улар асабий, тажанг, жазаваги бўлиб, руҳлар билан муомалага кириша олишига, уларга жамоанинг хоҳиш-истакларини етказишга самимий ишонган. Мулоқот жараёнида шомон бир нарсаларни ўзича ғўнғирлаб куйлайди, рақсга тушади, сакрайди, ногора чалади, қўнғироқларни жингирлатиб, жазавага тушади. Агар бу маросим кўпчилик ўртасида бажарилса, унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турган томошабинлар ҳам жазавага тушган. Шундан кейин шомон кўпинча ҳушдан кетади, ҳеч нарса кўрмайди ва эшитмайди. Худди шу онда улар руҳлар билан мулоқотга киришаётган ҳисобланади.

Умуман олганда, сеҳргарлик инсон психологиясига таъсир этиш бўлиб, у жамият эҳтиёжлари туфайли юзага келади ва диний онгни шакллантиришда муҳим ўрин тутган.

Фетишизм — нарсаларни муқаддаслаштириб, шу орқали воқеа-ҳодисалар ривожига таъсир эта олиш, айрим нарсаларнинг сеҳр қувватига ишониш. Ибтидоий халқлар тушқунликка тушган ҳолатларда жонсиз нарсаларни худо ўрнида кўриб, ғайритабиий хусусиятга эга эканига ишонган ва уларга топинган.

Фетишизм — бутпарастликнинг ўзгинаси. Одамлар

мақсадларига эришиш учун ёғоч, лой ва бошқа нарсалардан ясалган бут (идол)ларга сиғинган, тумор тақиб юрган (бу ҳолни ҳозир ҳам кузатиш мумкин). Уларнинг назарида, бутлар аجدодлар руҳий оламга хос гайритабиий қудратга эга. Бу ерда ҳам асосий «ижрочи» сеҳргаршомонлар, коҳинлар, муъбадлар бўлган.

Бутпарастлик ибтидоий халқ диний тасаввурини шакллантириш жараёнидаги энг сўнгги босқич бўлган. Унинг асл моҳияти шундан иборат эдики, улкан имкониятлар, мутлақо эркин ҳаракатлар ва сеҳрли қудратга эга гайритабиийлик олами ҳақиқий (реал) қадимги одам ҳаётининг ажралмас ва асосий қисми ҳисобланган. Худди шу қудрат табиат ва жамият қонунларини бошқариб туради, шунинг учун уларга эътибор тўғри турмуш кечирай, озиқ-овқатим етарли бўлсин, доим кимнингдир ҳимоясида турай деган жамоанинг муқаддас бурчи бўлган.

Ибтидоий одамнинг оғир, муаммоларга тўла ҳаёти, диний урф-одат ва тасаввурлари оғзаки ижод намуналари бўлган қадимий ривоятларда акс этган.

Ривоят ва афсоналардан иборат оғзаки бадиий ижод ҳамма замонларда халқларнинг маънавий ҳаёти ва диний тасаввурлари билан боғлиқ бўлган. Ваҳоланки, ибтидоий одам маънавий ҳаётининг асоси унинг тотем (белги), ўлиб кетган яқинларининг руҳини эъзозлаш, оламни руҳий тасаввур этиш, тумор ва бутларни сеҳрли кучга қодир деб билиш экан, мифологияда (афсона, ривоятлар тўплами ва улар ҳақидаги фан) ҳар қандай муъжиза ярата оладиган илоҳийлаштирилган қаҳрамонлар ва зоантропоморф (одамга хос психик хусусиятларни, нарсалар, жониворлар ва табиат ҳодисаларига ҳам хос деб билиш, уларни одамга ўхшатиш) аждодлар маънавиятида марказий ўринни эгаллайди.

Ибтидоий мифологияда космогоник сюжетлар, яъни ер ва осмон, қуёш ва ой, ўсимлик ва ҳайвонот ҳамда одамнинг яратилиши ҳақидаги ривоятлар катта ўрин олган. Борлиқ ва йўқлик, ҳаёт ва ўлим, табиат ва маданият ўртасидаги алоқалар мифологияда ёрқин ифодасини топган.

Асосий мифологик тасаввурлар, диний маросим ва улар билан боғлиқ ривоятларни таҳлил қилиш инсоният тарихининг энг қадимги босқичлари, ибтидоий одам ҳаёти ва турмушидаги қонуниятларни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

5-мавзу: Миллий динлар: яҳудийлик, ҳиндуийлик, конфуцийлик, даосизм ва бошқалар

Миллий динлар — маълум миллатга хос бўлиб, бошқа миллат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлардир. Булар яҳудийлик (яҳудий миллатига хос), ҳиндуийлик (ҳиндларга хос), конфуцийлик (хитой миллатига хос), синтоизм (японларга хос) миллий динларидир.

Яҳудийлик

Жаҳон маданияти тарихида машҳур бўлган ва яққал худолукка асосланган (монотеистик) учта диний тизим (иудаизм, христианлик, ислом) бир-бири билан узвий боғланган, бири иккинчисини тўлдиради ва учаласи ҳам Яқин Шарқ ҳудудида пайдо бўлган. Улардан дастлабкиси — қадимги яҳудийлар дини иудаизмдир. Бу дин тўғрисида жилд-жилд китоблар ва сон-саноқсиз мақолалар ёзилган. Таълимоти ва урф-одатлари, бой тарихий-маданий анъаналари билан муқаддас матнларда аксини топган ушбу дин тадқиқотчилар томонидан изчил ўрганилган.

Қадимги яҳудийлар тарихи ва динининг шаклланиш жараёни, асосан, Тавротда (Тора), яна ҳам аниқроғи — қадимий Аҳднинг беш китоби: “Борлиқ”, “Чиқиш”, “Ловий”, “Сонлар”, “Иккинчи” шариатда тўлиқ акс этган. Иудаизмнинг талқинига кўра, худо Тавротни пайғамбар Мусо (а.с.)га ваҳий қилган. Шунинг учун у кўпинча «Мусо қонунлари» деб ҳам юритилади. Унинг таркибига кирган муқаддас ёзувлар оғзаки тарзда милоддан аввалги XI-VI асрларда вужудга келган. Таврот матнлари ва умуман қадимги Аҳд анъаналарига кўра, мил.ав. II минг йиллик-

да яҳудийлар Арабистон ва Фаластиндаги уларга яқин бўлган кўп семит қабилалари каби кўпхудоликни (*поли-теистик*) тарғиб қилган, яъни улар турли худо ва руҳларга сиғинган. Ҳар бир йирик этник жамоанинг ўз худоси бўлган ва унга ёрдам сўраб мурожаат қилганлар. Ана шу худолардан бири Яхве (Яҳё) эди. У яҳудий қабилаларидан бирининг ҳомийси ва илоҳий аждоди ҳисобланган.

Кейинроқ Яхвега сиғиниш оммавий тус олиб, у биринчи ўринга чиқади. Яҳудийларнинг пайгамбар аждоди Авраам (исломда Иброҳим), унинг ўғли Исаак (Исҳоқ), унинг ўғли Иаков (Ёқуб), унинг 12 нафар ўғли (улардан 12 та яҳудий авлоди ажралиб чиқади. Улардан бири Юсуф - тўғри йўлдан борувчи тақводор ҳақидаги ривоятларда кейинчалик яккахудолик моҳият касб этади: уларнинг ҳаммаси ягона худо Яхвенинг кўрсатмаларига амал қилади. Пайгамбар ва биринчи яҳудий қонунчиси Моисей (Мусо а.с.) Яхвенинг кўрсатмаси бўйича ўз халқини Мисрдан олиб чиқади. Мўъжизавий ҳаракатлар билан денгиз сувини қочириб, унинг тубидан йўл очиб беради. Худди шу Моисей Яхвенинг буйруғи билан 10 машҳур васиятини қолдирган:

1. Мен сенинг Эгангман. Сенинг Парвардигорингман. Менинг олдимда сен бошқа худоларга талпинма.

2. Мендан бошқа илоҳга сажда қилма.

3. Бекордан Тангрингнинг номи билан қасам ичма.

4. Шанбани ёдингда тут, уни муқаддас бил.

5. Эгамиз умримни зиёда қилсин десанг, ота-онангни ҳурмат қил.

6. Одам ўлдирма.

7. Зино қилма.

8. Ўғирлик қилма.

9. Ёлгон гувоҳлик берма.

10. Яқинларингнинг уйига кўз олайтирма; яқинларингнинг хотини, ё қули, ё ҳўкизи, ё эшаги — ҳеч нарсасига эгалик қилишни хоҳлама.

Инжил ва унинг дастлабки - Аҳд қисмида яҳудо динининг қадимги яҳудийлар ҳаёти ва тақдири билан чамбарчас боғланган тарихи ва назарияси тўлалигича акс этган.

Яҳудийларнинг урф-одат ва байрамлари. Бу халқ одатда уйда ва синагогда ибодат қилади. Синагогнинг шарқ томонида сандиқ туради. Шкафда эса — Таврот. Унинг ёнида раввиннинг ваъз айтадиган минбари. Синагогда аёллар алоҳида ибодат қилади. Дуоларни ҳамма биргаликда, баланд овоз чиқариб ўқийди.

Яҳудийлар чўчқа, қуён, қўштуёқли ва яхлит туёқли ҳайвонлар, туя ва ўлимтиқхўр қушлар гўштини истеъмол қилмайди.

Уларнинг энг оммавий байрами Пасха. У Миср қуллигидан халос бўлган кун сифатида нишонланади. Яҳудийлар бу байрамдан кейинги 7 кун давомида мацу — ҳамиртуруш ва тузсиз нон ейди. Бу яҳудийларга Моисей бошлиқ аждодларининг қандай қийинчиликларни бошдан кечирганини эслатиб туради. Пасха ҳар йили апрель ойининг ўрталарида нишонланади. Бундан ташқари яна бир қанча байрамлар бор. Пасха тугагандан 50 кун кейин деҳқонларнинг Шабуот байрами нишонланади. Сентябрьнинг охири октябрнинг бошида Рош-Ашона — Янги йил, 9 сентябрда — Йом-Кипур — тозариш, покланиш байрами нишонланади.

“Инжил”да баён этилган тарихий воқеалар, ҳикоялар, диний ва ҳаётий мазмундаги ҳикматларни бефарқ ўқиб бўлмайди. Улар нафақат юксак бадий савияси, балки қимматлилиги, маълумотлари таъсирчанлиги ва тарбиявий аҳамияти билан ҳам ажралиб туради. Ундаги битта камчилик Аллоҳга шерик қўшишларидир. Масалан, авлиё Луко ваъзларига қулоқ тутамиз:

«Душманларингизни севинглар, сиздан нафратланганга яхшилик қилинглар. Сизга қарғиш ёғдирганга дуолар ўқинг. Сизга озор берганлар учун ибодат қилинглар. Бир чакканга урганга иккинчисини ҳам тут. Тўнингни олгандан кўйлагингни ҳам аямагил. Сендан сўраган ҳар кимсга бер, сеникини олгандан қайтариб беришни талаб қилма.

Одамлар сизларга қандай муомала қилишларини иста-сангизлар, сиз ҳам уларга шундай муомалада бўлинг... Душманларингизни севинг, яхшилик қилинг, ҳеч нарса таъма қилмай қарз беринг. Шунда буюк мукофот олиб, Таолонинг ўғиллари бўласизлар. Чунки унинг ўзи ҳам ношукурлар билан ёмон ниятлиларга нисбатан меҳрибон-ку. Шундай қилиб, Отангиз [худо] раҳмдил бўлгани каби, сизлар ҳам раҳмдил бўлинглар [Луко, 6:27-36].

Бу ва бошқа муқаддас ёзувларни ўқиганингизда ҳайратланмай қолмайсиз. Қадимдан бизгача сақланиб келган ҳикматларда инсон ва жамият ҳаётининг ҳамма жиҳатлари акс этган: яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва газаб, ҳаёт ва ўлим, меҳнатқашлик ва ялқовлик, ватан ва хориж, қувонч ва гам-алам, бахт ва бахтсизлик, яхши кунларга умид, жисмоний ва маънавий гўзаллик ва ҳоказо.

Эзгулик фариштасининг авлиё Товит ва унинг ўғли Товийга қилган насиҳати — «Яхшилик қилинг, шунда ёмонлик сизга таъсир қилмайди» — ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Сулаймон (а.с.)нинг машҳур «Ҳикматлар китоби»даги доҳиёна ҳаётий кузатишлари донишмандлик белгисидир: «Ўғлим, сўзларимни унутма, амрларимни юрагингда сақла. Улар умрингга умр қўшади, ҳаётинг тинч бўлади, Отанг насиҳатларига қулоқ сол, онанг ўғитларини рад этма, чунки улар бошингга гўзал гулчамбар, бўйнингга маржондайди».

Сулаймон пайғамбар ҳикматлари сиз билан бизни, меҳнатнинг таги роҳат дегандек, тиришқоқликка чорлайди, дангасалик, ялқовликнинг ёмон оқибатлари ҳақида огоҳлантиради. У насиҳат қилади:

*Эй танбал, чумолиларга бир қара,
Уларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб доно бўл.*

*Уларнинг на раҳбари,
На назоратчиси, на ҳукмдори бор.*

*Лекин улар ёзда озик тўплайди,
Ўрим пайтида эса дон-дун йигишади.*

Сен-чи, танбал, қачонгача ухлайсан?

Қачон ўрнингдан турасан?

*«Бироз ухлай, бир мизгиб олай,
Ёнбошлаб бирпас дам олай», — дейсан.*

*Шунинг учун қашшоқлик йўлтўсардек,
Мухтожлик эса қароқчидек устингга келади...*

*Олти нарса Эгамизга нафратли,
Етти нарса жирканчдир. Булар:*

*Манманлик нигоҳи, ёлгончи тил,
Бегуноҳ қонни тўқувчи қўллар,*

*Ёмон ниятли юрак,
Ёвузликка югурадиган оёқлар.*

*Ёлгон гапирадиган сохта гувоҳ,
Ака-укалар орасига нифоқ солувчилардир.*

31 бобдан иборат ана шу кичик рисолада 900 дан ортиқ ҳикмат дурдоналари жамланган. Улар инсонни меҳнатни севиш, ялқовликдан ҳазар қилиш, виждони ва ўз обрўсини эҳтиёт қилишга чорлайди. Ёлгончи ва икки юзламачи бўлма, дейди Пайғамбар. Билимли ва саводхон бўлиш, ҳалим, юмшоқ кўнгил, тартиб-интизомли, камтар, адолатли, доно, самимий, инсонпарвар бўлишга ундайди. Дангасалик, худбинлик, рашк, хасислик, қўрқоқлик, бетаинлик, мағрурлик, бағритошлик, мақтанчоқлик, айёрлик ва ҳоказо хусусиятлар аёвсиз фош этилади.

Ҳиндуийлик

Ҳиндистонда браҳманлик дини билан буддавийлик дини ўртасида кураш браҳманликнинг Ҳиндистондаги каставий (табақаланиш тизими) тузумни сақлаб қолишга интилиши билан бошланган. Бу вазифанинг урдасидан чиқилса, браҳманликнинг бутун аҳоли устидан ҳукмронлиги сақланган бўларди. Бироқ, бу вазифани эски браҳманлик динини сақлаб қолиш билан бажариб бўлмаслигини браҳманлар яхши биларди. Олдинга қўйилган вазифанинг урдасидан чиқмоқ учун омма орасида таъсири камайиб бораётган браҳманлик динини ислоҳ қилиш, унинг маросим, урф-одатлари-

ни бажариш тартибини демократлаштириш зарур эди. Шундай қилиб, брахманлик динини ислоҳ қилиш бошланди. Ислоҳ бошланиши билан брахманлар дини тарихида янги давр — ҳиндуийлик даври бошланди. Эндиликда бу диннинг маросимлари халққа яқин бўлиб қолди.

Ислоҳотлар кишиларнинг эътиборини ўзига тортадиган, буддавийлик динининг ибодатхоналаридан ҳам улкан ибодатхоналарни қуришдан бошланди. Энди одамлар ибодатхоналарга келиб, бевосита ўзлари диний маросимларни бажо келтирар эдилар.

Авваллари худолар самовий тарзда акс эттирилганлиги учун улар бир қадар одамлардан узоқроқ эди. Энди худолар одамларга ўхшатиб тасвирлана бошланди. Уларнинг тасвирлари ибодатхоналарга осиб қўйиладиган бўлди.

Шундай қилиб, аввал самовий бўлган худолар эндиликда халқ худолари бўлиб, улар ерда ҳам ўз таъсирларига эга бўлдилар. Одамлар энди бемалол, бевосита худолар билан мулоқотда бўла олар эди.

Айни пайтда, ҳиндуийликда бутпарастлик, қадимги диний тасаввурлар, масалан, сувни (айниқса, Ганг дарёсини), ҳайвонларни муқаддас билувчи хилма-хил маросимлар, урф-одатлар сақланиб қолди. Биргина мисол келтирамиз. Ҳиндлар сувга шундай эътиқод қўйган эдиларки, уларнинг фикрича, Ганг дарёсининг суви ҳар қандай гуноҳ иш қилган одамнинг ҳам гуноҳини ювишга қодир эди.

Ҳиндуийликка эътиқод қилувчи ҳинд Ганг қирғоғида ўлишни ўзи учун энг улуг бахт деб ҳисоблаган. Шундай қилиб, милоднинг I минг йиллиги ўрталарида ҳиндуийлик дини вужудга келди.

VIII асрдан бошлаб Ҳиндистонда Ислом дини тарқала бошлаганда, бу динни қабул қилмаганлар шартли равишда «ҳиндлар» деб атала бошлаган. Ислоҳ қилинган брахманлик эса «ҳиндуийлик» номи билан кейинчалик илмий адабиётга кирган. Ҳиндуийликда аввалги динларнинг кўп унсурлари сақланиб қолган. Масалан, муқаддас ҳайвонлар, табиат ҳодисаларига, аждодлар руҳига сиғиниш ва ҳоказо.

Ҳиндуийлик ягона черков ташкилотига эга эмас. Унинг пайдо бўлишини бирор конкрет асосчининг номи билан боғламайдилар. У динда турли секталар тузиш ва диний қоидаларни турлича талқин этиш ҳам мумкин. Буларнинг бари ҳиндуийликнинг аслида ягона дин бўлмай қолишига олиб келган. Бу дин амалда турли динлар йиғиндисидан иборат диндир.

Барча ҳиндуийлар бажариши мажбурий бўлган талаблар жуда камдир. Булар бор-йўғи: Веданинг муқаддаслигини таъ олиш (Муқаддас китоб), руҳнинг абадийлиги, жоннинг кўчиб юриши, касталарнинг худо томонидан яратилганлиги.

Ҳиндуийликдаги хилма-хиллик ва тарқоқлик асрлар давомида Ҳиндистоннинг тарихий тараққиётига салбий таъсир кўрсатиб келди, яъни бу ҳол ҳиндларнинг Ҳиндистон миқёсида жипслашувини таъминламади. Охиروқибатда бу омил чет эл босқинчиларига қарши курашда ҳиндларни бирдамликка олиб келмади. Бу эса Ҳиндистоннинг осонгина мустамлакага айланиб қолишини олдиндан белгилаб берган сабаблардан бири бўлди.

Ҳиндуийлик айни пайтда диний-фалсафий қарашларнинг мураккаб комплекси ҳамда қонун-қоидалар йиғиндисидан ташкил топган бўлиб, улар одамнинг туғилганидан то ўлгунига қадар бўлган барча ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. Унинг ақидавий таълимоти ва маросимлари «Муқаддас китоб» — «Веда»да ўз аксини топган.

Бу дин буддавийликка қарама-қарши ўлароқ, қадимги Ҳиндистоннинг ижтимоий ҳаётига хос бўлган табақаланиш тизимини (каста) мустаҳкамлайди. Улар, асосан, 4 кастага бўлинган эдилар:

1. Брахманлар (руҳонийлар); 2. Кшатрийлар (ҳарбийлар); 3. Вайшийлар (савдогарлар, ҳунармандлар); 4. Шудрийлар (паст табақалар).

Одамларнинг ҳаётда тўртта мақсади бўлади, деб таълим беради ҳиндуийлик. Булар: а) драхма (диний, оилавий ва ижтимоий ишларни адо этиш); артха (моддий бойликлар топиш ва ундан тўғри фойдаланиш); в) кама (ҳаётий

интилишлар, биринчи галда севги ҳиссини қондириш); г) мокша (қайта туғилиш занжиридан халос бўлиш).

Ҳиндуийлик кўпхудолик динидир. Жумладан, брахманликнинг Браҳма, Шива, Вишну, Индра каби худолари унда ҳам сақланиб қолган.

Ҳиндуийлик таълимотига кўра, олам, ҳаётнинг ҳамма шакллари Браҳма яратган. Бироқ, Браҳма бу динда уч “худо”нинг номигагина бошлиғи. Ҳозир Браҳмага сифиниш деярли йўқ. Ҳиндуийлар асосий иккита бошқа “худо”га — Вишну ва Шивага сифинадилар.

Ҳиндуийлик таълимотига кўра, олам маълум давр ичида яшайди. Оламнинг ҳар бир яшаш даври 4 миллиард 320 миллион йилга тенг. Бу давр ичида юксак тараққиёт сўниб емирилиш содир бўлади, деб тарғиб қилинади.

Ҳиндуийликда жаннат ва дўзах тушунчалари ҳам бор. Бу диннинг ақидаларига кўра, одамзод яратилишидаёқ ижтимоий жиҳатдан тенгсиз яратилган, шунинг учун бу тенгсизликни реал ҳаётда тугатишнинг иложи йўқ, унга таъсир этишга ҳеч қандай куч қодир эмас. Инсон руҳи абадийлиги учун у ўлган жасаддан янги туғилган инсон танасига кўчиб юради, дейилади. Ниҳоят, инсон ўз ҳаётида нимаики ёмонлик, шаккоклик қилса, оқибатсиз қолмайди, унинг жазосини нариги дунёда тортади. Ҳиндуийликда асосий худолар ҳисобланган Вишну ва Шивага сифиниш учун қурилган ибодатхоналар Ҳиндистоннинг деярли барча вилоятларида мавжуд. Қурбонликлар ва назру ниёзлар шу ибодатхоналарга олиб келинади.

Диндорлар худолардан нажот сўрайдилар. Ибодатхона тўрида хушбўй ҳид тарқатадиган гиёҳ тутатиб қўйилади, идишларда гуллар туради. Ҳиндуийликка кўра мурда кўмилмайди, куйдирилади. Муқаддас ҳисобланган Ганг соҳилларига тумонат халқ йиғилади. Агар вафот этган ҳинд Ганг дарёси ёқасида куйдирилса, у шубҳасиз жаннатга кетади. Кишилар дафн маросимидан қайтишларида Ганг сувидан идишларга олиб келадилар ва мархумнинг дафн маросимига ўз вақтида етиб кела олмаган ақинларига сувдан улашадилар.

Ҳиндуийлик ҳамма вақт бошқа динларга мурасали динлиги билан ажралиб турган. Бу дин айна пайтда бошқа халқлар, қабилалар, миллатларнинг динларидаги зарур деб ҳисобланган томонларни ўз таълимотига синдира олиш хусусиятига ҳам эга диндир. Бунинг учун ўзларига қўшилишни истаган қабиланинг асосий сажда қилувчи нарсаларини Вишну ёки Шиванинг тасвири деб эълон қилиб қўя қолиш кифоядир.

Бироқ, ҳиндуийликда якка шахсларнинг бошқа диндан ўтишларига йўл қўйилмас эди. Бунга кастачилик (табақаланиш тизими) тўғрисидаги таълимот тўсқинлик қиларди. Ҳиндуийлик динига ўтишнинг шарти — бу динга ўтишни истаган одамнинг Ҳиндистонда мавжуд бўлган 4 кастанинг муқаррар бирортасига мансуб бўлиши эди. Ана шу шартнинг таълимотига айлантирилганлиги туфайли ҳиндуийлик жаҳон динига айлана олмади.

Бугунги Ҳиндистон аҳолисининг 83 фоизи шу динга эътиқод қилади. Ҳиндуийлик жаҳон динига айланмаган бўлса-да, нима сабабдан унга эътиқод қилувчилар Ҳиндистонда кўп? Бунинг сабаби шуки, бу дин таълимотига кўра, ибодат қилишда ҳинд миллатидаги барча одамлар, шу жумладан, аҳолининг энг мазлум қатламлари ҳам иштирок эта олади. Охират ҳаёти ҳақидаги таълимотда эса имтиёзсизларга диний таскин берувчи жиҳатлар кучайтирилган. Бу дин жамаиятдаги барча табақаларнинг исталган вакили, шу жумладан, энг қашшоқ чорикори ҳам яхши сифат билан қайта туғилиш истиқболига эга, деб таълим беради.

Ҳиндуийлик, шунингдек, Непал, Шри-Ланка, Бангладеш ва бошқа мамлакатларда ҳам қисман тарқалган.

Конфуций

Буюк хитой файласуфи ва педагоги Кун-цзи — Конфуцийнинг (551–479)нинг диний таълимоти, асосан, одоб-ахлоқ дини сифатида шаклланди. Конфуций “инсонийлик” тушунчасини кенг маънода талқин қилиб, унга кам-

тарлик, адолатпешалик, оғир-босиқлик, обрў-эътибор-лилик, очиқ кўнгиллилик ва бошқа хусусиятларни киритади. Инсонпарвар кишида масъулият ҳисси (яъни «И») юқори бўлади. Масъулият ёки бурч, Кун-цзининг таъкидлашича, инсонпарвар кишининг ўз бўйнига эзгу ният ва амалларни бажариш бўйича олган ахлоқий мажбуриятидир. Масъулият ҳисси деганда манфаат кўриш эмас, билим ва олий ахлоқ қоидалари тушунилади. Шунинг учун у: «Олижаноб киши бурч ва масъулият тўғрисида ўйлайди, пасткашлар манфаат кўриш ҳақида қайғуради», деб таълим беради. «И» тушунчасига фалсафий билим олишга интилиш, ўқиш-ўрганиш масъулияти, қадимги аждодлар донишмандлигига эришишни киритади. Конфуций садоқат ва самимийлик, одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмаслик, урф-одатлар ва маросимларга риоя қилиш каби тушунчаларни юқоридагилар қаторига қўшади.

Бу қоидаларга амал қилиш олижаноб инсоннинг бурчи. Конфуцийнинг «Луньюй» деб аталган ҳикматлар тўпламида олижаноб инсонни диёнатли ва самимий, қалби пок, очиқ кўнгил ва довюрак, зийрак ва идрокли, сўзлари бамаъни, саъй-ҳаракатларида эҳтиёткор киши деб таърифлайди. Бундай одам иккиланганда шошилмайди, газаби келганда ўйлаб иш қилади, фойда келтирувчи ишга қўл урса виждонли бўлишни ўйлайди; у ёшлик, навқиронлик пайтида — ҳасадгўй, етуклик даврида — жанжалкаш, қариган чоғида қурумсоқ, хасис бўлмаслиги лозим. Юксак ахлоқли одам бутун борлигини олий мақсад йўлида, инсонга хизмат қилишга ва ҳақиқатни топishга бахшида этади.

Конфуций аждодлар: ўликлар ва тириклар ҳурматини жойига қўйишни уқтиради («Инжил»даги «чти отца и матерью свою» оятини эсланг). Фарзандларнинг ота-оналарига нисбатан мурувватли бўлиш ҳақидаги таълимотни Конфуций инсонийликнинг асоси деб белгилайди. Унингча, барча, айниқса, саводли, маълумотли, одамий, олийҳиммат бўлишга интилаётган кишилар обрў-эътиборли фарзандлардир.

Инсонийликнинг моҳияти, Конфуций яратган муқаддас китобларда талқин қилинишича, қоидадагидек ота-онасига хизмат қилиш, қоидадагидек уларни охирги манзилига элтиш, қоидадагидек қурбонликлар қилишдан иборат. Бу қоидаларга кўра, одобли фарзанд умр бўйи ота-онаси хизматида бўлади, уларга гамхўрлик қилади, кўнглини топишга интилади, парвариш қилади, уларнинг саломатлиги ва манфаати йўлида ҳамма нарсага тайёр туради. Ҳар қандай шароитда уларнинг ҳурматини жойига қўяди. Фарзандларнинг ота-онасига иззат-икром кўрсатиши Хитой давлатининг ҳамма ерида қонундек тан олинди, ҳаётий қоидага айланди, инсонийлик намуналари эса таҳсину тақлидларга лойиқ деб топилди. Қуйидаги мисоллар бу фикрларнинг тўлиқ тасдиқлайди:

Очликдан жон таслим қилаётган онасини боқиб мақсадида ўғлини сотган камбағал томорқасида олтинга тўла хумча топиб олибди. Унда «Сендаги сяо (одамийлик) учун» деган ёзув бор экан;

саккиз яшар бола ёз кечалари унга хархаша қилаётган пашшаларни ҳам ҳайдамайди — майли, чақса чақаверсин, ҳайдасам, қочиб ота-онамга қўнади ва уларни безовта қилади, дейди;

қаҳатчилик йили одобли ўғил танасидан бир парча этни кесиб оғир касал ётган отасига қайнатма пишириб берди;

олижаноб Хань императори Вэнь-ди уч йилдан буён касал ётган онасининг бошида бўлди, ўзи унга овқат пишириб берди, онаси ичадиган дориларни аввал ўзи тотиб кўрарди.

Бу каби ҳикоялар болалиқдан аждодлар, ота-оналарни деб ўзини қурбон қилишгача тайёр одобли фарзандларни тарбиялашга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, Конфуцийнинг «Шуцзин», «Шицзин» ҳамда «Луньюй» китобларидаги ҳикमतлар оғзаки тарзда ҳамма ёққа тарқалиб кетади. Уларни саводдилар ҳам, саводсизлар ҳам, болалар ҳам, кексалар ҳам билган. Конфуцийнинг тарафдорлари (шогирдлари) ҳикमतларни тушунарли талқин қилиб берар ва улар ҳикматли сўз тарзида оммавий тус олиб кетар эди.

Конфуций таълимоти моҳиятан дин бўлмаса ҳам ундан юқорироқ маъно касб этарди. У ҳам сиёсат, ҳам маъмурият тизими, ҳам иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг муҳим калити, Хитой ҳаёт тарзининг асоси, Хитой жамиятининг ташкилий тамойилидир.

2500 йил давомида бу таълимот хитойликларнинг ақли, онги, ҳиссиётини шакллантириб, уларнинг эътиқоди, руҳияти, хулқи, фикрлаши, нутқи, тафаккури, турмуш ва ҳаёт тарзига таъсир этиб келмоқда. Шу маънода, бу таълимот дунёвий динларнинг баъзи томонларидан устун бўлса бўладики, асло қолишмайди.

Буюк Муаллим. Файласуф ва дин ислоҳотчиси, Хитойдаги ахлоқий-сиёсий таълимот асосчиси Конфуцийни Қадимги Хитой ва бутун дунёда шундай деб атайдилар.

«Ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма. Ана шунда давлатда ҳам, оилада ҳам ўзингга нисбатан ёмонлик сезмайсан». Бу сўзлар бир умр Конфуцийнинг шиори ва ҳаётий қонуни бўлиб келган. Ушбу ҳикматда буюк инсонпарвар олимнинг «одамларни севиш», «очиқ қўнғиллилик ва раҳмдиллик» бош ғоялари ётади. Кўриб турибмизки, бу ҳикмат милоддан милодга, асрдан асрга, авлоддан авлодга деярли ўзгаришсиз ўтиб келяпти. Ундаги ғоя ва фикрни келгуси авлодларга ҳам етказиш уларда ҳам муқобил ўзгаришлар юз беришига олиб келади.

Тўғри, ҳар бир жамиятда илғор кучлар билан бирга жаҳолатпарастлар ҳам бўлади. «Бошқалар учун сочимнинг бир толасини ҳам юлмайман» дейишади ўша жоҳиллар. Ёмонлик қилиш инсон табиатида бор нарса, деб таъкидлайди конфуцийчилар. Одам ўз устида муттасил ишласагина у эзгулик сари юз тутади. Қоидалар ва мусиқа — инсон табиатидаги ёмонликни енгиш ёки йўқотиш воситаси, инсоннинг бутун фаолиятини бошқариш ва унда маънавий муштаракликни тарбиялаш қуролидир.

Буюк Муаллимнинг олтин қоидаларига риоя қилиш ҳамма вақт жамиятга фақат фойда келтирган. Бугун ах-

лоқсизликни ташвиқ қилаётган порнографик фильм ва расмлар, ўта бақироқ ва шиддаткор рок-муסיқа анъанавий мумтоз санъат намуналарини сиқиб чиқаришга уринаётган пайтда, айрим мухолиф тарафлар ёшларни тўғри йўлдан урмоқчи бўлаётганида Конфуций қоидаларини эслаш жуда ўринли. Улар:

Қоидага кирмаса қарама!

Қоидага сигмаса эшитма!

Қоидада бўлмаса гапирма!

Қоидадан четга чиқма!

Бу қоидалар одамлар хулқи, хатти-ҳаракати, жамиятдаги бурчи, масъулиятини бошқариб туради. Шу билан бирга, улар давлат бошқарувининг қонуни ҳамдир. Улар шунчаки ўйлаб чиқарилган, кашф этилган уйдирма эмас. Бу — ҳаёт тақозо этган ҳақиқатдир.

Конфуций қоидаларининг туб моҳияти нимада? Бугун, ХХІ асрда, қоидалар гоysi қандай аҳамиятга эга? Мана, ўзингиз баҳо беринг:

1. Ёшлар ота-оналарига нисбатан иззат-ҳурматда, оғаниларига садоқатли, меҳрибон, камтар ва ростгўй бўлса, одамларни севса — бу билан у ўзидаги инсонийликка яқинлашади.

2. Одамда унинг феъл-атвори, эҳтирос кучлилик қилса — ёввойилик бўлади; билимлилик ва маданиятлилик билан келса — олимлик юз беради.

3. Одамнинг табиий хусусиятлари ва маданиятлилиги бирикса — олий даражадаги инсон юзага келади.

4. Ўқиса-ю ўйламаса — жоҳиллик, ўйласа-ю ўқимаса — хавф.

5. Гапириш керак бўлганда гапирмаса — одамларни йўқотади. Гапириш керак бўлмаганда гапирса — сўзларни йўқотади. Донишманд одамларни йўқотмайди, у сўзларни йўқотади.

6. Энг бемаза овқат ейиш, фақат сув ичиш, қўлингни бошинг остига қўйиб ухлашинг мумкин — шунда ҳам қувонч бўлиши мумкин. Аммо ўзингни қоидадагидек тутмасанг бойлигинг ҳам, машҳурлигинг ҳам — бамисоли ўткинчи булут.

Қандай қилиб давлатни тўғри бошқариш мумкин деган саволга Конфуций бундай жавоб беради:

Бешта ажойиб нарсани ёдда тутиш ва тўртта ёмонликдан кечиш керак, яъни:

- марҳаматли бўлиш ва ҳаддан ошмаслик;
- ишлашга мажбур қилиш, аммо норози қилмаслик;
- хоҳлаш, аммо қизганмаслик;
- руҳияти кенг бўлиш, аммо мағрурланмаслик;
- кучли бўлиш, аммо бераҳм бўлмаслик

Тўртта ёмонлик қайси?

- йўл-йўриқ кўрсатмай ўлдириш — бағритошлик;
- огоҳлантирмай туриб натижага кўра ҳукм чиқариш — қонунсизлик;
- кўрсатма бермай муддатга улгуртириш — юлғичлик;
- одамларга бера туриб хасислик қилиш — ҳокимият одамлари шундай.

Конфуцийнинг ҳукм чиқариш ва давлатни бошқариш санъати тўғрисидаги ибратли сўзлари ҳозиргача долзарблигини йўқотмаган. Масалан, унинг уқтиришича, «Ҳар ким ўз вазифасини сидқи дилдан бажарсин. Ҳукмдор — давлатни бошқарсин, ҳунарманд ўз ҳунари билан шуғуллансин, ота оталик бурчини адо этсин, ўғил ўғиллигини. Агар бу оддий ҳаёт қонуни издан чиқса, давлат ичидан чирий бошлайди. Тартибсизлик бошланади, ўзаро ҳурмат йўқолади. Мамлакатда душманлик, уруш-жанжал, фитна авж олади. Кичкина чақмоқтошдан чиққан учқундан катта ёнғин юз беради».

Барча ёмонликларнинг ибтидосини Конфуций инсон шахсининг камол топмаганлигида кўради. Уни камолотга эриштириш учун, буюк мутафаккирнинг фикрича, билим бериш, маълумотли, заковатли, ахлоқий маданиятли қилиш зарур. Буларга эса изчил саъй-ҳаракатлар, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиш орқали эришилади.

Даосизм

Даосизм — аслида фалсафий таълимот бўлиб, у миллоддан аввалги IV-III асрларда Хитойда пайдо бўлган. Унинг асосида миллоддан аввалги II асрда даосизм дини шаклланди.

Даосизмнинг фалсафий принциплари «Дао Дэцзин» китобида баён этилган. Бу асар ўтмишдаги ярим афсонавий Хитой донишманди Лао-Цзи қаламига мансубдир. Бу китоб ғалати ва жумбоқли афоризмлар, ҳикматли сўзлар тўпламидан иборат.

Асарнинг асосий тушунчаси «дао» (йўл) бўлиб, у оламнинг моҳияти ва бош сабаби, дунёнинг турли-туманлиги манбаи, барча нарсаларнинг онаси деб тушунилган. Бу, гўё қандайдир йўл бўлиб, атрофни ўраб олган олам ва барча кишилар шу йўл билан бориши лозим. «Дао» диний мазмун касб этган йўлгина бўлиб қолмай, айти пайтда, у ҳаёт тарзи, усули, принциплари ҳам эди.

Даосизм фалсафасида материализм ҳамда стихияли диалектика унсурлари ҳам бўлган. Масалан, «дао» сўзини материалистик нуқтаи назардан талқин этганда, у табиат, объектив олам деб ҳам тушунилади. Лао-Цзининг айрим издошлари «дао»ни худди ана шу мазмунда тушунганлар.

Лао-Цзи фалсафасида ўзига хос стихияли диалектик унсурлар қуйидаги фикрларда кўзга ташланади:

- борлиқ ва йўқликдан ҳамма нарса келиб чиққан;
- мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган нарсалардан — ҳаракат;
- узун ва қисқадан — шакл;
- юқорилар ўзларига қуйиларни буйсундирадилар;
- баланд овоз паст овоз билан биргаликда уйғунликни вужудга келтиради;
- аввал вужудга келган нарса кейингисини ўзига буйсундиради;
- мукамал бўлмаган нарсалардан бир бутунлик ҳосил бўлади;

— қийшиқдан — тўғрилиқ; паст-баландликдан — те-
кислик; эскидан янги келиб чиқади;

— бирор нарса сиқилар экан — у албатта, кейинча-
лик кенгайди;

— нимадир кучсизланар экан — у кейинчалиқ кучаяди;

— нимадир йўқ қилиб юборилар экан — кейин у қайта
тикланади ва ҳоказо.

Лао-Цзи ўз диалектиказини қарама-қаршилиқларнинг
кураши маъносида эмас, балки уларни мурасага келти-
риш маъносида тушунган.

Даосизм таълимотидаги ажабтовурлик шундан ибо-
ратки, у кишиларни ҳаракатсизликка, фаолиятсизлик-
ка даъват этади. Шунинг учун ҳам даосизмда табиатда-
ги, ҳаётдаги бирор нарса ни ўзгартиришга қаратилган ҳар
қандай ҳаракат, уриниш, фаолият қораланган.

Лао-Цзи ҳар қандай билимни ёвузлик билан тенг ҳисоб-
лаган. Шунинг учун ҳам даосизм таълимотида қуйидаги
ғалати сўзлар бор эди:

— кимда-ким ҳар қандай билимдан озод бўлса, у ҳеч
қачон касал бўлмайди;

— кимда-ким ўзининг борлиғини теран билса, у нодон
бўлиб қолади;

— билим йўқ, мана, нима учун мен ҳеч нарса билмай-
ман.

Биз юқорида Лао-Цзи таълимотида одамларни фаоли-
ятсизликка ундовчи ғоялар ҳам борлиғини таъкидлаган эдик.
Бу унинг қуйидаги сўзларида ўз ифодазини топган эди:

— ҳамма фаолиятсиз бўлса, ҳеч нарса билан шуғул-
ланмаса, ер юзида тўла хотиржамлик ҳукм суради;

— мен ҳеч нарса билан шуғулланмас эканман, бу халқ
учун яхшидир; қачонки мен хотиржам эканман, демак,
мен халқни адолатли қилган бўламан; қачонки мен би-
рор-бир янги нарсага ҳаракат қилмас эканман, демак,
халқ бой бўлади.

Лао-Цзи халқ орасида подшо ҳокимиятини жуда юқори
қўйган. Унинг фикрича, дао улуғ, осмон улуғ, ер улуғ, подшо

улуғ. Демак, Ер юзида 4 улуғлик борким, улардан бири подшодир. Лао-Цзи фикрича, бундай подшо муқаддас ва фаолиятсиз дохий эди. Лао-Цзи ўз давридаги давлат ҳокимиятини тан олмаган, уни инкор этган. Шунинг учун ҳам у: «Бу давлат ҳокимияти мавжудлиги туфайли халқ оч-яланғочдир, давлат солиқлари жуда улкан ва оғирдир. Бу нарса халқ кулфатининг сабабидир», деб ёзган эди.

У ўз фикрини давом эттириб: «Асосий фазилат, ҳиммат — қаноат қилмоқдир. Осмонга хизмат қилмоқ ва одамларни бошқармоқ учун, яхшиси, қаноат қилмоқлик зарур. Қаноат қилмоқлик — ахлоқий муқаммалликка эришишнинг биринчи поғонасидир», деб ҳам ёзган.

Лао-Цзи бу фикрларни бекорга айтмаган эди. Бу таълимот маълум бир ижтимоий қатламнинг — мавжуд тартибларни сақлаб қолишга уринаётган патриархал коҳинларнинг манфаатини ифодалар эди.

Лао-Цзининг ўзи у даврда давлат хизматида эди (архив ишларини бошқарди), лекин кейинчалик у мамлакатда содир бўлаётган тартибсизликлардан норози бўлиб давлат хизматидан кетган. Демак, Лао-Цзи давлат ишларига таъсир кўрсата олмаган. Бунинг сабаби, унинг таълимотида давлат ишларига аралашмаслик ғоясининг мавжудлигида эди. Унинг таълимоти эса, юқорида айтганимиздек, милоддан аввалги II асрда вужудга келган даосизм динининг асоси бўлиб хизмат қилган.

Даосизм динида уч худо — Шан-Ди, Лао-Цзи ҳамда дунёнинг яратувчиси Пант-Гу бошчилигида худолар пантеони шаклланган. Шан-Ди осмон худоси, олий руҳ, қудрат ва осмон ўғиллари бўлган императорларнинг отаси ҳисобланарди. Даосизм дини ўз ибодатхоналарига, муқаддас китобларига, диний хизматни бажарувчи руҳонийларига эга.

Бу диннинг дивий ташкилоти иерархия принципига асосланган. Иерархиянинг бошида олий руҳоний (патриарх) — Тянь-Ши (самовий устоз) туради. Унинг сулоласи милоднинг II асрида вужудга кела бошлаган. Олий руҳон

ний оилавий турмуш қура олар эди. У ўз диндорлари орасида жуда катта обрўга эга бўлган. Бу диннинг бошқа руҳонийлари ҳам оилавий турмуш қура олган. Айни пайтда бу динда роҳиблар ҳам мавжуддир.

V аср бошига келиб, даосизм диний таълимоти ва маросимлари расмийлашган, у давлат динига айланган. Бироқ, унинг замирида жуда кўп секталар вужудга келганки, улар илоҳиёт масалалари, ақидалар, маросимларни мустақил талқин этишлари, диндорлар бурчларига турлича қарашлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Даосизм мухлислари орасида дунёдан мутлақо юз ўтирган зоҳидлар ҳам, олий ҳузур-ҳаловатга эришиш учун бу дунё неъматларидан воз кечиш шарт эмас деб биладиган диндорлар ҳам бор.

Даосизм руҳонийлари шахснинг ахлоқий ўз-ўзини тақомиллаштириш ғоясини тарғиб қилиб, диндорларга узоқ умр кўришга эришишнинг муайян усулини ҳам таклиф этадилар. Бу усуллар — парҳез, жисмоний машқлар тизими ва бошқаларни ўз ичига олади. Айни вақтда улар «ёвуз руҳлар»ни ҳайдаш, фол очиш билан шуғулланадилар.

Даосизм таълимоти шаклланган пайтда ижобий характерга эга эди. Кейинчалик, у ўзининг бу хусусиятини йўқотган. Нега? Бу динда дунёда 4 улугликдан бири подшодир деб ҳисобланишини биз юқорида айтиб ўтган эдик. Шунинг учун ҳам бу диннинг V асрда давлат динига айлангани бежиз эмас. У Хитой императорлари манфаатига мос эди.

Лао-Цзи, яъни инсон ҳам бу динда худо даражасига кўтарилган. Императорларга худди шу нарса керак эди. Бундан ташқари, бош худо — Шан-Ди, юқорида айтганимиздек, «Осмон ўғиллари» бўлмиш императорларнинг отаси эди. Шундай қилиб, бу дин ҳукмдор синфнинг манфаатига мослаштирилди, уларга хизмат қила бошлади. Бу билан ўзининг прогрессивлик характерини йўқотди. Қолаверса, бу дин эскиликни қаттиқ ҳимоя қиладиган, баъзи ҳолларда таркидунёчиликни тарғиб этадиган дин бўлганлиги учун ҳам унинг тарафдорлари бора-бора камайган.

Синтоизм

Синтоизм (шинтоизм ҳам дейилади) — японларнинг анъанавий миллий дини. У милодий VI-VII асрларда шаклланган. Японларнинг эски анъанавий дини, буддавийлик пайдо бўлгунга қадар ва у Японияга ҳам ёйила бошлаганида, аниқ бир ном билан номланмаган эди. Эндиликда у буддавийликка қарама-қарши ўлароқ, каминомити (сўзма-сўз таржима қилинганда «худо йўли»; япончада синто, хитойчада шинто — «йўл»; деган маънони англатади) деб атала бошлади. Шундай қилиб, синтоизм — «худо йўли» деган маънони англатади.

Синтоизмда буддавийликнинг таъсири жуда кучли. Буддавийлар ибодатхонасига тақлид қилинган ҳолда синтоизм динининг ибодатхоналари ҳам қурила бошланган. Синтоистлар худоларнинг тасвирини ясай бошладилар. Буддавийлар жасадни ёқиш маросимини киритдилар (Японияда мурда кўмилар эди).

Шундай қилиб, икки диннинг яқинлашуви рўй бера бошлади. Буддавийлар ибодатхоналари ичкарасида синтоистлар худолари учун бурчак ташкил этилди. Бу худолар ками деб аталар эди. Баъзан бу камилар ҳатто буддавийлар худолари билан тенглаштирилди. Айни пайт-да, синтоистлар худолари пантеонлари сафи буддавийлар худолари билан тўлдирилди.

IX асрда иккала дин руҳонийлари биргаликда яшаш — рёбу-синто (икки бирлик) модулини ишлаб чиқдилар. Унга кўра, бу икки дин ягона дин сифатида қўшилиб кетиши кўзда тутилди. Шундай қилиб, Японияда соф буддавий ёки соф синтоист жуда кам қолди.

Шундай бўлса-да, улар ўртасидаги рақобатга тўла барҳам беришга муваффақ бўлинмади. Масалан, синтоизм ибодатхоналарида Буддага оид сўзларни айтиш ман этилган эди.

XII асрнинг охирида Японияда ҳарбий-феодал аристократия мамлакатда давлат ҳокимиятини тўла ўз қўлларига олдилар. Императорга эса фақат диний вазифалар-

нигина қолдирдилар. Гарчанд, император (микадо) ҳамон муқаддас зот, худо Аматерасунинг авлоди деб ҳисобланса-да, у энди аслида ҳар қандай реал ҳокимиятдан маҳрум бўлди, барча дунёвий ишлардан четлатиб қўйилди. Шундай қилиб, мамлакатда бир неча аср давомида феодал анархияси ҳукм сурди. Аристократик уруғ-жамоалар ўртасида ўзаро урушлар бошланди.

XVI асрда айрим йирик феодал хонадонлар ҳатто христианликдан мадад олишга умид боғлаб католик миссионерлари билан яқинлашиб, ўз тарафдорлари орасида христиан динини қабул қилиш зарурлигини тарғиб эта бошладилар.

Бироқ, XVI аср охирида Японияни яна ягона давлатга бирлаштирган Хидаёси хонадони, кейинчалик Токугава хонадони христианларни таъқиб этдилар, миссионерларни Япониядан ҳайдадилар.

Токугава жамоасидан чиққан Сёгунлар японларнинг чет элликлар билан яқинлашувини ман эта бошладилар. Айти пайтда улар хитой-корейс таъсиридан қутулмоқ учун ўз ҳаракатларида японларнинг эски анъаналарига суяндилар.

Сёгунларнинг бу ҳаракати муваффақиятли чиқишига буддавий руҳонийларининг феодал хонадонларининг ўзаро ички урушларига аралашушлари оқибатида халқ орасида обрўларини маълум даражада тўкиб қўйганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

1867-1868 йиллардаги Мейдзи ислоҳоти натижасида Японияда императорнинг дунёвий ҳокимияти тикланиши ва эски феодал аслзодаларнинг ҳукмронлиги тугатилиши оқибатида синтоизмнинг тўла расмий дин эканлиги тан олинди. Бу табиий ҳол эди, чунки синтоизм император ҳокимиятининг илоҳийлигини тарғиб этадиган дин эди.

Император ҳатто буддавийликни бутунлай ман этиб, синтоизмни ягона дин деб эълон қилишга уринди. Бироқ, император бу ниятни амалга ошира олмади. Чунки бу пайтга келганда, буддавийлик дини ҳам японлар ҳаётига чуқур сингишга улгурган эди.

Синтоизмни ягона динга айлантириш мумкин бўлма-

ганидан сўнг, ҳукмрон доиралар бу икки динни бир-биридан ажратиб юбориш мақсадида синтоистлар ибодатхонасидан буддавийлар динига оид тасвирлар, буюмларнинг чиқариб ташланишига эришдилар. Бироқ, бу икки динни тўла равишда бир-биридан ажратишнинг улдасидан чиқа олмадилар. Шундан сўнг, 1869 йилда Японияда диний эътиқод эркинлиги эълон қилинди.

Энди ҳаётий маросимлар (масалан, чақалоққа дуо ўқиш, никоҳ)ни синтоистлар ибодатхонасида, дафн этиш, хотирлаш маросимларини эса буддавийлар ибодатхонасида ўтказиш расмга айланди. Барибир синтоизм Иккинчи жаҳон уруши охиригача расмий давлат дини деб саналиб келинди.

Синтоизм буддавийликка нисбатан ўз ақидаларининг соддалиги билан фарқ қилади. Синтоизм таълимотининг асосини — император ҳокимиятининг илоҳийлиги тўғрисидаги ақида ташкил этади. Император (микадо) — худо Аматерасунинг авлоди. Шунинг учун ҳам, ҳар бир япон императорининг муқаддас хоҳиши олдида бош эгишга мажбур. Император саройи — муқаддас жойдир. Вафот этган императорларнинг қабри ҳам муқаддас жойдир. Энг муҳим умумдавлат ва диний байрамлар императорларни хотирлаш кунлари билан боғлиқ эди.

Синтоизмда конфуцийчиликдагига ўхшаш аждодларнинг оила-уруғ култи катта роль ўйнайди. Вафот этган ҳар бир одам камига (барча руҳ ва худоларнинг умумий номи) айланади, деб таълим беради синтоизм.

Оиланинг, уруғнинг бошлиғи ҳар куни ибодат қилади ва қурбонлик келтиради. Ҳар бир японнинг уйида оилавий меҳроб борки, ундаги кичкина шкафчага вафот этган оила аъзоларининг номлари ёзилган тахтача қўйиб борилади.

Синтоизмдаги асосий худолар Аматерасу (куёш худоси), Сусаново (бўрон худоси), Инари (деҳқончилик ҳомийси)лардир. Синтоизм худолари пантеонлари қаторидан Япония императорлари ҳам жой олганлар. Шунингдек, бу динда муқаддас жойлар, айниқса тоғлар, Фудзияма вулқони алоҳида эъзозланади. Синтоизм ибодатхоналари буддавийлик ибодатхоналаридан ўзининг соддалиги

билан ажралиб туради. Синтоист руҳонийлари — каннушлар — ўз мансабларини мерос қолдирадилар, айна пайтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, синтоист руҳонийлари бир вақтнинг ўзида бирор мансабни ҳам эгаллайдилар.

Синтоизм маросимини бажариш жуда осон. Бу дуо сўзларини ўқиш ва гуруч, сабзавот, балиқ кабиларни қурбонлик қилишдан иборатдир, холос.

Синтоизмда озодалик масаласи ниҳоятда катта ўрин тутади. Бирор-бир тоза бўмаган нарса асло муқаддас жойларга ташланмаслиги қаттиқ талаб этилади. Тоза бўлмаган ишга қўл урган одам, албатта, покланиш маросимларини бажармоғи лозим. Ҳар йили 2 мартаба — 30 июнь ва 31 декабрда Японияда умумхалқ покланиш тадбирлари ўтказилади. Синтоизмда энг нопок нарса — қондир.

Бу диннинг этикаси ҳам жуда оддий. Ундаги энг муҳим ахлоқий бурч — императорга сўзсиз итоат этмоқлик. Японлар ўз динларидаги бундай оддийликни, ўзларининг табиатан ахлоқли эканликлари билан изоҳлайдилар. Шунинг учун ҳам, улар бизга алоҳида диний-ахлоқий қоидаларнинг, ман этилган нарсаларнинг кераги йўқ, деб биладилар.

Синтоизм дини ўзининг бутун борлиги билан Ер юзидаги ҳаётга қаратилган дин. Бу динда нариги дунё масалаларига қизиқиш ҳам жуда кам. Шунинг учун ҳам бу диннинг моҳияти — Японияда тарихан вужудга келган ижтимоий-сиёсий тузумни диний жиҳатдан ёритиб беришдан иборат бўлган.

1945 йилгача ана шундай эди. Япониянинг Иккинчи жаҳон урушида енгилиши бу расмий диннинг асосларига путур етказди. 1945 йилнинг декабрида синтоизм дини давлатдан ажратилди. 1946 йилнинг 1 январидан император ўз ҳокимиятининг илоҳийлиги тўғрисидаги ва япон халқининг бошқа халқлардан устунлиги тўғрисидаги аввалги давлат доктринасини қораловчи хатини эълон қилди.

Бугунги Японияда диндорлик анъанавий маросимларни, асосан, уй шароитида ижро этишда намоён бўлади. Оммавий диний тадбирлар эса қўпчиликни ўзига жалб этса-да, у қизиқарли томоша ва вақтни чоғ этиш восита-

си сифатида нишонланади, холос. Японияда диний фанатизм, шунингдек, диний қарама-қаршиликлар йўқ. Булар минг йиллаб давом этган ижтимоий-иқтисодий ҳаёт асосларининг тубдан янгиланганлиги натижасидир.

6-мавзу: Жаҳон динлари: буддавийлик, христианлик, ислом

Жаҳон динлари — дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва ирқидан қатъи назар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динлар. Унга буддизм, христианлик ва ислом дини киради.

Буддавийлик

Буддавийлик — дунёдаги йирик динларнинг энг қадимийларидан бири, у мил. ав. VI-V асрларда Ҳиндистонда вужудга келган. Бу динга эътиқод қилувчилар, асосан, Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатлари: Шри Ланка, Ҳиндистон, Непал, Бутан, Хитой, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Комбоджа, Бирма, Таиланд, Лаосда ва қисман Европа ва Америка қитъаларида, Россия Федерациясининг Тува, Бурятия, Қалмиқия республикаларида истиқомат қилади.

Ҳозирги кунда эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан буддавийлик христианлик, ислом ва ҳиндуизмдан сўнг тўртинчи ўринни эгаллайди. Буддистларнинг сони тахминан 800-900 млн. атрофида бўлиб, улардан 1 млн. га яқини роҳиблардир.

Буддавийлик диний-фалсафий таълимот сифатида бундан 2500 йил аввал Ҳиндистонда вужудга келиб, унда кўплаб диний манбалар ва диний йўналишлар мавжуд. Буддавийлик турли миллий ва диний анъаналар билан келишувчанлиги сабабли кўп миллатлар томонидан кенг қабул қилинган, у ҳаётнинг барча соҳалари: диний, маданий, сиёсий ва иқтисодий қатламларига кириб борган.

Буддавийликни дин ёки фалсафа, мафкура ёки маданият қоидалари тўплами ёхуд ҳаёт тарзи деб баҳолаш мумкин.

Ҳозирги вақтда бу динга эътиқод қилиб келаётган Шарқ мамлакатларидаги буддавийлик таълимотини ўрганиш у ердаги сиёсий-иқтисодий, маънавий маданиятни тушунишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу давлатларда ушбу динга эътиқод қилувчилар назарида буддавийликнинг қоида ва анъаналари марказий ҳукумат қонунларидан кўра устунроқ экани унинг салоҳияти ва имкониятларидан дарак беради.

Буддавийлик асосчисининг шахси. Буддавийлик тарихи тадқиқотчилари мавжуд манбалар асосида бу оқим асосчиси реал тарихий шахс бўлганини таъкидлайдилар. Бу таълимотга оид адабиётларда у Сиддхартқа, Гаутама (Готама), Шакаямуни, Будда, Тадхагата, Джина, Бхагаван каби исмлар билан зикр этилади. Бу исмлар маънолари қуйидагича: Сиддхартқа — шахсий исм, Гаутама — уруғ номи, Шакаямуни — «Шакия қабиласидан чиққан донишманд», Будда — «нурланган», Тадхагата — «шундай келиб, шундай кетган», Джина — «Ғолиб», Бхагаван — «тантана қилувчи». Улар ичида энг машҳури «Будда» бўлгани боис ушбу динга буддавийлик номи берилган.

Бизгача Будданинг бир неча таржимаи ҳоли етиб келган: «Махавосту» — милоднинг II асрида ёзилган, «Лалитавистара» — милоднинг II-III асрларида юзага келган, «Буддхачарита» — буддавий файласуфлардан бири Ашвагхоша томонидан милоднинг I-II асрларида яратилган, «Ниданакатха» — милоднинг I асрида ёзилган ва «Абнихишкрамансутра». Мазкур биографияларда Будданинг қайси йилларда яшагани турлича берилган. Уларда мил. ав. IX-III асрлар оралиғидаги ҳар хил муддатлар кўрсатилади. Расмий ҳисобга кўра, Бутама-Будда мил. ав. 623 йилда туғилиб, 544 йилда вафот этган. Бироқ кўпчилик тадқиқотчилар у мил. ав. 564 йилда таваллуд топиб, 483 йилда вафот этган деб ҳисоблайди. Баъзи манбаларда 560 ва 480 саналари ҳам келтириладилар. Айтиш жоизки, юқорида зикр қилинган биогра-

фияларда Будданинг ҳақиқий ҳаёти билан у ҳақидаги афсоналар ўзаро қоришиб кетган.

Сиддхартха Шакия қабиласининг подшоҳларидан бири — Шуддходананинг ўғли эди. Унинг саройи Ҳимолай тоғлари этагида Капилавасти деган шаҳарда жойлашган (ҳозирги Непал ҳудудида). Онаси — малика Майя. Подшоҳ ўғлини орзу-ҳаваслар оғушида тарбиялаб, уни ҳеч бир камчиликсиз вояга етказди. Сиддхартха улғайиб, қўшни ҳукмдорлардан бирининг қизи — Яшадхарага уйланади ва ўғил кўриб, унга Рахула деб исм қўяди.

Ҳеч бир қийинчилик ва камчилик кўрмай ўсган Сиддхартха бир куни иттифоқо бир кекса чол, бир бемор ҳамда оғир машаққат тортаётган роҳибни учратади, бир кишининг эса вафотига гувоҳ бўлади. Бундан қаттиқ таъсирланган шаҳзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўлларини излаш учун саройни тарк этади. Бу вақтда у 30 ёшда эди. У бешта роҳиб билан қишлоқмақишлоқ кезиб юради. Аммо бир нарсага — бу йўл уни ўз олдига қўйган мақсад, яъни инсониятни азоб-уқубатдан қутқариш сари олиб бормаслигига амин бўлган Сиддхартха роҳиблар жамоасидан ажралади.

Бирқанча вақт чангалзор ўрмонларда кезиб, ҳориб чарчагач, бир дарахтнинг тагида дам олиш учун ўтиради, ва ўзича, то ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликка аҳд қилади. Бу ўтиришнинг 49-куни унинг қалбидан «Сен ҳақиқатни топдинг» деган садо келади. Шу пайтда унинг кўз ўнгида бутун борлиқ намоён бўлади. У ҳамма жойда шошилиш, қаёққадир интилишни кўради: ҳеч бир жойда осудалик йўқ эди. Ҳаёт ниҳоясиз узоқликни кўзлаб ўтиб кетаётган эди. Инсон ақли етмас бир куч. Тришна — яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчанинг тинчини бузар, ҳалок қилар ва яна қайта яратар эди. Худди шу онда Будда кимга қарши курашиш кераклигини англаб этади. Шушу, у Будда — нурланган, у тагида ўтирган дарахт эса — нурланган дарахт (ботха) деб атала бошлайди.

Будда биринчи даъватини Варанаси яқинидаги Риши-

патана боғида ўзининг беш роҳиб дўстларига қилади ва улар Будданинг биринчи шогирдлари бўлади.

Шу кундан бошлаб, Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб, янги-янги издошлар ортиради. Будда 40 йил мобайнида Ҳиндистоннинг турли жойларида бўлади, одамларга ўз ғояларини етказди, сингдиради ва 80 ёшида Куштнагара деган жойда дунёдан ўтади. Унинг жасади, ҳинд удумига кўра, куйдирилиб, хоки 8 та буддавийлар жамоасига бўлиб юборилади ва ҳар бир жамоа уни дафн этган жойида ибодатхона (*ступа*) барпо этади.

Будданинг ҳаёти ҳақида турли асотирлар пайдо бўлади. Уларда айтилишича, Будда кўп йиллар давомида ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 58 марта шох, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товук, 8 марта гоз, 6 марта фил, шунингдек, балиқ, қурбақа, каламуш, кўён қиёфаларида қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгиланган.

Сўнги марта инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун худолар уни инсон қиёфасида яратган экан. Бу афсоналарнинг баъзиларида ер юзида Гаутамага қадар 6 та будда ўтгани ҳақида ҳикоя қилинади. Шунинг учун буддавийликнинг баъзи муқаддас жойларида 7 та ибодатхона барпо этилган. 7 та Бодха дарахти ўтқазилган. Баъзи афсоналар 24 та Будда авлоди ўтган деса, баъзилари минглаб буддалар ўтган деб даъво қилади.

Таълимоти. Буддавийлик қадимий ҳинд диний-фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, ўзига хос назарий ва амалий ғоя ва қарашларга йўғрилган диний тизимдир. Будда янги диний қонун-қоидалар, расм-русумлар ишлаб чиқмаган, балки ҳар бир инсон туғилиш ва ўлим машаққатларидан қутулиши учун амал қилиши лозим бўлган бир неча кўрсатмаларни ишлаб чиққан, холос. Унинг таълимоти инсоннинг хаёлида, ишларида ва ўзини тутишида самимий олижаноблик ғоясини илгари суради. У ведалардаги гуноҳсизлик таълимотини ин-

кор қилади, ҳайвонларни ваҳшиёна қурбон қилишни қоралайди, *варна* (каста) тизимини ва ундаги руҳонийларнинг бошқалардан устунлигини инкор этади.

Будда «Яратувчи олий куч»нинг борлигига шубҳа ва ишончсизлик билдирган. Унинг фикрича, энг муҳими инсоннинг шахсий камолоти ва эзгу турмуш тарзидир.

Будда таълимотининг асосида «ҳаёт — бу азоб-уқубат» ва «нажот йўли мавжуд» деган ғоялар ётади. Буддавийлик таълимотига кўра, инсон ўзига хос мавжудот бўлиб туғилади, ўзини-ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу ғоялар Будданинг илк даъватида таъбир этилган тўрт ҳақиқатда ўз ифодасини топган.

Биринчи ҳақиқат — «азоб-уқубат мавжуддир». Ҳар бир тирик жон уни бошидан кечиради, шунинг учун ҳар қандай дунёвий ҳаёт — қийноқ, азоб-уқубатдир. Туғилиш — қийноқ, касаллик — азоб, ўлим — кулфат, қийинчиликка дуч келиш — машаққат, айрилиқ — эзилиш, орзу-ҳавасга етолмаслик — уқубат. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқлик. Ҳеч бир нарса бесабаб яралмайди. Лекин ҳар бир ҳодиса ёки ҳаракатнинг бирламчи сабабини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун буддавийлик дунёни шу ҳолича қабул қилишга чакиради. Буддавийлик таълимотига кўра, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса, у хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, дҳармалардан (элемент) ташкил топган. Улар, ўз хусусиятига кўра, ҳаракатсиз бўлиб, дҳармаларни қўзғатувчи куч инсоннинг ҳаёллари ва сўзларидир. Объектив ҳақиқат бу доимий равишда ўзгариб турувчи дҳармалар оқимидир. Ҳаракатдаги дҳармалар ўз мавжудлигининг беш шакли — тана, сезги, ҳис-туйғу, ҳаракат, англашни яратади. Мазкур беш шакл инсоннинг мазмун-моҳиятида намоён бўлади. Инсон улар ёрдамида яшайди, борлиқ билан алоқада бўлади, яхши ёки ёмон ишларни бажаради. Беш элементнинг ўзаро мавжудлиги инсоннинг ўлими билан барҳам топади. Инсонни ташкил қилувчи беш шакл (скандх), ўз навбатида, яна қайта туғилади. Янги тананинг хусусиятлари асос бўлувчи беш натижани беради: фаолият, гумроҳлик, хоҳиш,

истак ва меъёр. Бу жараён «хаёт гилдираги»ни ташкил қилади. «Хаёт гилдираги»да доимий равишда айланиб, инсон абадий қийноққа дучор бўлади.

Иккинчи ҳақиқат — «қийноқларнинг сабаблари мавжуддир». Инсон моддий нарсалар ёки маънавий қадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди ҳамда доимо уларга эга бўлишга интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб боради. Яхши ёки ёмон ниятлардан тузилган ҳаёт дарёси орзулар ва интилишлар сабабли келажак ҳаёт учун карма ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, қайтадан қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Аксарият буддавийлар фикрича, Буддадан кейин ҳеч ким нирвана ҳолатига эриша олмаган.

Учинчи ҳақиқат — «қийноқларни тугатиш мумкин». Яхши ёки ёмон ниятлардан, интилишлардан бутунлай узилиш нирвана ҳолатига олиб боради. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтабди. Буддавийлар фикрича, нирвана ҳолати «хаёт гилдираги»дан ташқарига чиқиш, «мен» деган фикрдан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғуларини тўлиқ тугатиш демакдир.

Тўртинчи ҳақиқат — «қийноқлардан қутулиш йўли мавжуддир». Бу йўл саккизта нарсага амал қилиш, тўғри тушуниш, тўғри ҳаракат қилиш, тўғри муомалада бўлиш, фикрни тўғри жамлашдир. Бу йўлдан борган инсон Будда йўлини тутади.

Буддавийлик таълимоти, асосан, уч қисмдан иборат: 1) ахлоқ; 2) медитация; 3) донишмандлик.

1. **Ахлоқ нормалари** — «Панча шила» (Будданинг беш насиҳати):

- 1) қотилликдан сақланиш;
- 2) ўғирликдан сақланиш;
- 3) гумроҳликдан сақланиш;
- 4) ёлгон, қалбаки нарсалардан сақланиш;
- 5) маст қилувчи нарсалардан сақланиш.

2. **Медитация.**

- 1) тўғри тушуниш (тўғри эътиқод қилиш) — Будда-

нинг биринчи даъватида сўз юритилган тўрт ҳақиқатни билиш ва унга ишониш;

2) тўғри ният қилиш — дунёвий лаззат-ҳаловатлардан халос бўлишга, кераксиз фикрлар ва бошқаларга зарар етказиб қўйишдан сақланишга интилиш;

3) ўзини тўғри тутиш — ўзиники бўлмаган нарсага кўз олайтирмаслик, ортиқча ҳиссиётга берилмаслик;

4) тўғри англаш — ўз танаси ва руҳига ўзини йўқотиб қўймайдиган даражада назоратда бўлиш ҳамда бунда эҳтирослар ва изтиробларга чек қўйиш;

5) тўғри ҳаракат қилиш — ўзидаги ёмон туйғуларни жиловлаш ҳамда эзгу туйғулар ва ҳаракатларни ривожлантириш;

6) тўғри ҳаёт кечириш — номаъқул ҳаёт тарзидан сақланиш;

7) тўғри фикр юритиш — камолотнинг тўрт босқичини кетма-кет босиб ўтиш;

8) тўғри гапириш — ёлғондан, тухматдан, ҳақоратдан ва бефойда гаплардан сақланиш.

3. Донишмандлик — бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушунишдан иборат.

Юқорида кўрсатилган уч амалиёт босқичини ўтаган инсон охир-оқибат олий саодатга, яъни нирвана ҳолатига эришади. “Нирвана” сўзининг луғавий маъноси — ўчиш, сўниш. Унда ҳаётнинг ҳар қандай кўринишига интилиш йўқолади.

Тарқалиши. Ушбу таълимнинг ёйилишида буддавийлар жамоаларининг (сангха) роли катта бўлган. Улар йилнинг об-ҳавоси яхши бўлган тўққиз ойида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, аҳолини бу динга даъват қилиб юрганлар. Фақатгина муссон ёмғирлари тинмай қуйган уч ойдагина ўз ибодатхоналарида медитация билан шуғулланган.

Мил. ав. 273-232 йилларда ҳукмронлик қилган император Ашока даврида буддавийлик кенг ҳудудларга жадал тарқалади. У буддист монахларга (роҳиблар), уларнинг Ҳиндистон билан чегарадош давлатларга қилган мис-

сионерлик ҳаракатларига хайрихоҳлик билдиради. Буддист миссионерлари ўз эътиқоидида маҳкам туриб, юмшоқлик ва келишувчанлик билан ҳаракат қилади.

Буддавийлик жамоалари бегона дин, маданият ва урф-одатлар устун бўлган шароитларда асрлар мобайнида ўзларини сақлаб қолиш, фурсат келганда, уларга ўз таъсирларини ўтказиш қобилиятига эгадирлар. Уларнинг бу хусусиятлари Ҳиндистонда мусулмон ҳукмдорлари даврида, Шри Ланкада португаллар, голландлар ва инглизлар мустамлакаси даврида, Хитой ва Япония конфуцийчилари даврида мазкур ҳудудларга буддавийликнинг ёйилишида яққол намоён бўлади.

Буддавийлик милоднинг I асрида Хитой, IV асрда — Корея, VI асрда — Япония, VII асрда — Тибет, XIII-XVI асрларда — Монголия, XVII-XVIII асрларда — Бурятия ва Тува, XIX-XX асрларда эса Америка ва Европа қитъаларига кириб борган.

Буддавийлик бошқа худоларга сиғинишни тақиқламайди. Будда ибодат қилиш инсонга вақтинча тасалли бериши мумкин, бироқ улар нирвана ҳолатига олиб бормайди, деб таълим берган. Шу сабабли буддавийлик таълимоти турли жойларда ёйилиши билан улар ибодат қилиб келган илоҳлар ёки улуғланган шахслар тимсоли ибодатхоналарни эгаллаган.

Масалан, Ҳиндистоннинг буддавийликка мансуб илоҳлари дунёни яратувчи Брахма, чақмоқ ва момақалдироқ худоси Индра, ҳунармандчилар ҳомийси Хатиману, Тибетда қаҳрамон Басер тимсоли, Мўғулистонда Чингизхон каби миллий қаҳрамонлар буддавийликнинг илоҳий тимсолига айланди. Бироқ, улар нирвана ҳолатига олиб бормайди. Фақатгина Будда нирванага бошлай олади ва шу йўсинда инсонни азоблардан халос этади.

Манбалари. Буддавийлик таълимоти бир қатор китоблар шаклига келтирилган тўпламларда баён қилинган. Улардан энг асосийси - Трипитака (ёки Типитака — «уч сават» маъносини англатади). У уч қисмдан иборат бўлгани учун шундай деб аталган. Бу манбанинг қўлёзма нусхаси Шри

Ланкада сақланиб қолган. У милоднинг бошларида китоб шаклига келтирилган. Унда Будда тарғиботининг ҳақиқий баёни ҳисобланган сутра матнлари — Сутра-питака, роҳиблик ахлоқи, хонақоҳлар низомларига бағишланган виная матнлари — Виная-питака, буддавийликнинг фалсафий ва психологик муаммоларини баён қилиб беришга бағишланган абхидхарма матнлари — Абхидхарма-питака ўрин олган. Кейинчалик шаклланган санскрит, хитой, тибет, кхмер ва япон тилларидаги буддавийликка оид адабиётлар анча кенг тарқалган, аммо уларнинг илк буддавийлик тарихи учун аҳамияти озроқ. Будда ҳаётига тегишли ривоятларнинг асосийси “Трипитака”да жамланган.

Хитойга кириб келиши. Буддавийликнинг Махаяна йўналиши Хитойга I асрда кириб келган. III-VI асрларда буддавийлик Хитой ҳудудида кенг тарқалди. Бу вақтда пойтахт яқинидаги Лояна ҳамда Чанани каби шаҳарларда 180га яқин буддавийлик ибодатхоналари ҳамда диний марказлари фаолият юритган.

Махаянанинг шаклланишида Кушон давлати ҳам муҳим аҳамият касб этган. Айнан Кушон давлатидан, аynиқса, Канишканинг тўрт қурултойидан сўнг буддавийликнинг Махаяна йўналиши Марказий Осиё давлат ва шаҳарларига тарқала бошлаган. Буюк Ипак Йўли орқали илк буддавий тарғиботчилар мил. ав. II асрдаёқ Хитойга келган эди. Буддавийликнинг Хитойга кириб келиши ҳақида кейинчалик кўплаб ривоят ва асотирлар пайдо бўлди. Бироқ Хитой манбаларида ҳам, диний ривоятларда ҳам Хитойдаги биринчи буддавийлар ҳақида бирор бир аниқ маълумот мавжуд эмас. Илк даврга тааллуқли маълумотлардан бири - император Мин-Дининг туши ҳақидаги ривоят ҳисобланади. Унга кўра, Мин-Ди тушида олтиндан ясалган бир бут кўрган. У Будданинг тимсоли эканини маслаҳатчиси Фуидан сўраб билгач, милоднинг 60-йилларида буддавийлик асосчиси ва унинг таълимоти бўйича диний матнлар келтириш учун Ҳиндистонга элчилар юборган. Шундан сўнг Хитойга Ҳиндистон-

дан бир неча буддавийлик тарғиботчилари келиб, улар учун махсус қурилган «Баймаси»га («Оқ от ибодатхонаси») жойлашган.

Буддавийликнинг хитойлашуви ва тарқалиш жараёнини ўрганиш қийин ва мураккаб илмий масаладир. Чунки буддавийлик Хитой ҳудудида ёйилиши жараёнида ўзига хос янги шакл касб этган. IV-V асрларда буддавийлик катта муваффақиятга эриша бошлади. Ушбу таълимот ўлканинг жанубий вилоятларига янада кенгроқ ёйилади. IV асрнинг ўрталарига келиб Хитойда аёллар ибодатхоналари, аёл монахлар ва тингловчилар пайдо бўлган. Шу асрнинг охирига бориб, подшоҳлар буддавийлик ибодатхоналарига доимий равишда катта миқдорда хайриялар берадиган бўлган. Бу даврда Шарқий Цзин давлатининг ўзидагина 1786 та сангха, 24 минг монах мавжуд бўлган. Хусусан, император Сяюу-Ди 381 йили биринчи бўлиб ўзини буддист деб эълон қилади. У саройида ибодатхона қурдириб, унга монах келтиришни буюради. Ляо сулоласидан бўлган У-Ди ҳокимлиги даврида (502–549) буддавийлик мамлакат жанубида расмий дин сифатида тан олинади.

Буддавийлик мил. ав. биринчи минг йиллик охириларида Марказий Осиёни ўз ичига олган Кушон империясига кириб келади. Бизнинг диёримизда олиб борилган археологик қазилмалар асносида Ўратепа, Далварзинтепа, Қува, Зартепа, Қоровултепа, Айритом мавзеларидан топилган Шақямунни санамлари, ҳайвон ҳайкалчалари, рамзий ғилдираклар ва ступа қолдиқларидан Кушон империясида буддавийликка катта аҳамият берилганини аңлаш мумкин.

Оқимлари. Хинаяна буддавийликнинг асосий йўналишларидан биридир. “Хинаяна” сўзи «кичик арава» маъносини аңлатиб, у диний йўналиш сифатида мил. ав. I асрда шаклланган. Бироқ унинг асосий қоидалари анча аввал, жумладан, “Трипитака”да баён қилинган.

Хинаяна таълимотига кўра, дҳармалар табиатини ўрганишга ва нирванага маънавий йўл билан эришилади. Бу

йўл жуда оғир, шу сабабли монахларгина нирвана ҳолатига етиши мумкин. Кейинчалик Хинаянада мураккаб ва дабдабали ибодатлар (масалан, «Будда тишига сифиниш»), буддавийликнинг муқаддас жойларига оммавий зиёратлар жорий қилинган. Бу йўналиш Шарқий Ҳиндистон, Шри Ланка, Ҳиндихитой давлатларида тарқалган.

Махаяна Хинаяна билан бир қаторда буддавийликдаги иккинчи асосий йўналиш бўлиб, у руҳий камолот аҳдига риоя этувчи, худога илтижо қилувчи роҳибларга инъомлар бериб ёрдам кўрсатувчи ҳар қандай оддий диндор нажот топиши мумкин, деган таълимотга асосланади. Унга кўра, Будда танаси жонзотларни азобдан қутқариш учун турли махлуқотлар шаклига кириши ва ҳаёт занжирининг барча вакиллари уни ўрганиши, англаши мумкин. Бу нарса чексиз Будда рамзларининг, худоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Худоларга ишонишнинг бу йўли барча учун мумкин бўлгани сабабли у «катта арава» номини олган.

Цзинту йўналиши Хитойда вужудга келган ва кейинчалик Японияга тарқалган. Унга Хуэй-Юань асос солган. V-VII асрларда унинг шогирдлари бу йўналишни ривожлантирганлар. Шунингдек, ушбу йўналиш Хитой буддавийлигида сезиларли мавқега эга бўлган ва расман эътироф этилган.

Хитойшунос олимларнинг таъкидлашича, Цзинту йўналиши даосизм, ҳатто Қадимги Хитой «синизм»и таъсирида шаклланган.

Тяньтай ёки **Тендай** йўналиши. Бу ном шундай деб аталган ибодатхона номи билан боғлиқ. Мазкур йўналишнинг илк ва кўзга кўринган вакилларида бири монах Чжи-И бўлган. Чжи-И таълимотига кўра, бу дунёдаги ҳамма нарса ҳақиқий эмас, улар фақат бўшлиқдан иборат бўлиб, вақтинчалик мавжуддир. Мана шу асосга биноан у хулоса қиладики, оламдаги барча нарса ёлғиз мазмундадир. Будда ҳатто майда кум заррачаларида ҳам мавжуд бўлиши ва охирида эса ҳар бир инсоннинг ҳаёти Будда ҳаётининг бир қисми бўлиши мумкин.

Ушбу таълимотни Чжань-Жань (711-782) мактабининг 9-патриархи ривожлантириб, шундай хулосага келди: Будда ҳамма жойда, ҳамма нарсада, ҳаттоки жонсиз нарсаларда ҳам мавжуд бўлиб, Табиатнинг ҳар бир бўлагиде акс этади.

Тяньтай йўналиши ўз тарафдорлари орасида катта обрўга эга бўлган ва XIV асрга қадар мавжуд бўлган. Хитойда, юқоридагилардан ташқари, кўплаб майда секталар ҳам вужудга келган. Улар орасида мамлакат тарихида муҳим аҳамият касб этган «Чань» ва «Тантризм» йўналишларини алоҳида қайд этиш ўринли.

Тантризм Ҳиндистонда биринчи минг йиллик ўрталарида вужудга келиб, кейинчалик Хитойга ҳам тарқалган. Буддавийликнинг ушбу йўналиши VIII асрга келиб жуда тараққий топади. Бунга мазкур йўналишнинг уч машҳур намояндаси Ҳиндистондан келиб фаолият олиб боргани сабаб бўлади. Аммо тантризм мустақил ҳамда таъсирчан йўналиш сифатида Хитойда узоқ вақт сақланиб қолмади.

Чань-буддавийлик. Мазкур йўналишнинг номи санскрит тилидаги «дхиана» (медитация, фикрни жамлаш) сўзидан келиб чиққан. Ҳиндистонда вужудга келган дхиана буддавийлик мактаби тарафдорлари вақти-вақти билан ташқи оламдан узилиб, ҳаётнинг абадий ташвишлардан четланиш ва фикрни бир нуқтага жамлаш таълимотини илгари сурганлар. Бунда, жазаво ҳолатига тушиш орқали ҳақиқатга эришиш дхиананинг олий мақсади ҳисобланади.

Дхиана таълимотининг Хитойдаги илк намояндалари Дао-Ань ҳамда Хуэй-Юаньлар бўлган. Улар дхиана сутраларини хитой тилига таржима қилиб, медитацияни малиётга жорий қилган. Медитация амалиёти энг шуҳрат қозонган даврига Хитойда бирмунча кечроқ эришилди. Бу ҳол «Чань» сектасининг муваффақиятлари билан боғлиқ. Бироқ шуни айтиш керакки, Чань медитацияси ҳинд дхианасидаги медитациянинг оддий такрори, айнан ривожланган шакли эмас. Олимларнинг тадқиқотлари

шуни кўрсатадики, мазкур таълимот ҳинд буддавийлигига қарама-қарши таълимот сифатида вужудга келган. Дарҳақиқат, Чань йўналиши буддавийликнинг бошқа оқимларига қараганда кўпроқ Хитойга ҳосроқ. Унинг асосий ғояси қуйидагича: киши туманли, хира *нирванага* интилиши зарур эмас, келажак ҳақида қайғуриш қачонлардир Бодхисатва ёки Буддага айланиши учунгина ўзини ҳамма нарсадан маҳрум қилиши бефойда. Инсон айна вақтда, шу онда яшамоғи, ҳаёт бериши мумкин бўлган нарсалардан имкон қадар кўпроқ баҳраманд бўлмоғи лозим.

Ламаизм — буддавийликнинг асосий йўналишларидан бири. У тибет тилида «лама» — «энг улуг» деган маънони англатади. Мазкур диний йўналиш раҳбари Лама деб аталади.

Ламаизм Тибетда VII-XIV асрларда тибетликларнинг қадимий дини Бон-По (шаманизмнинг бир тури) унсурларини қабул қилган Махаяна ва Тантризм асосида вужудга келиб, ҳозирги вақтда тибетликларнинг асосий дини ҳисобланади. У бир неча фирқа ва мазҳабларга бўлинади. Ламаизм XVI аср охиридан мўғуллар, XVI аср бошларидан Россия ҳудудида яшовчи бурятлар, туваликлар ва қалмиқлар орасида ҳам тарқалади. Буддавийликнинг барча ақидаларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат ламалар ёрдамида нажот топади. Ламаларсиз нирванага етишиш у ёқда турсин, киши бу дунёга қайтиб келишда ҳам ҳеч нарсага эриша олмайди, деб таъкидланади.

Ламаизмнинг анъанавий қонунлашган асоси «Канжур» (108 жилдли) ва «Танжур» (225 жилдли) номли муқаддас китобларда баён қилинган. Бу динда дабдабали ибодатлар, театрлаштирилган муқаддас томошалар — мистериялар, кўпгина маиший расм-русумлар, худоларнинг ғазабини, ёвуз руҳлар зиёнини қайтариш учун қилинадиган хатти-ҳаракатлар, дуо ва афсунлар бор. Ламаизмга кўра, ламаларга ва дунёвий ҳокимларга сўзсиз бўйсунуш асосий фазилат саналади. Масалан, бурят ламалари рус подшоҳларини — аватара, яъни маъбуда Цаган-Дараэхэнинг ердаги тимсоли деб эълон қилган.

Ламаизм таълимотига кўра, одам ўлдириш, ўғирлик, ёлгончилик, тухмат, гийбат, бекорчи сўзлаш, очкўзлик, кек сақлаш, зино қилиш — ўта оғир гуноҳ саналади. Гуноҳ қилишдан ўзини тийиш инсоннинг қайта туғилишига яхши имконият яратади.

Ламаизм йўналишининг олий диний раҳнамоси Далай-Лама саналади. У туғилган мавжудотларнинг энг улуғи, бодхисатва Авалакитешваранинг ердаги кўриниши, тирик худо ҳисобланади. “Далай” сўзи — тибет тилида «денгиз» маъносини англатади. Далай-Лама «денгиздек улуғ лама» деганидир. Бу унвон 1391 йилда жорий қилинган. Биринчи Далай-Лама Биндуидуб (1391- 1475) бўлган. Ҳозирги кунда Далай-Лама XIV Лозондантизэнжанцо-Игвант ҳисобланади. У 1935 йилда туғилган. Унинг ўлими билан ерда янги Далай-Лама пайдо бўлади. Олий ламалардан ташкил қилинган ҳайъат унинг ўлиmidан сўнг бир йил мобайнида янги туғилган гўдаклар орасидан янги Далай-Ламани қидириб топади. Шундан сўнг гўдак монастырда тарбияланади. У вояга етгунга қадар унинг вази-фасини регент — муваққат вакил бажариб туради.

Ламаизм диний ҳаётининг марказини монастырь ташкил қилади. У ерда Далай-Лама, Ламалар диний уюшмаси, роҳиблар, талабалар фаолият олиб боради.

Христианлик

Пайдо бўлиши. Христианлик буддизм ва ислом динлари қаторида жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири ҳисобланади. Ушбу дин тарафдорларининг миқдори бошқа динларга қараганда энг кўп бўлиб, бу кўрсаткич дунё аҳолисининг деярли учдан бирини (тақрибан 28 фоизи) ташкил этади.

Христианлик, асосан, Европа, Америка, Австралия ҳамда қисман Африка ва Осиё қитъаларида тарқалган.

Христианлик милоднинг бошида Рим империясининг шарқий қисмида жойлашган Фаластин ерларида вужудга келган. Исо Масих (Иисус Христос), “Библия”да кел-

тирилишича, христианлик таълимотининг асосчиси бўлиб, у Рим империяси ташкил топганининг 747 йили Фаластиннинг Назарет қишлоғида бокира қиз Марямдан Худонинг амри билан дунёга келади. Янги эранинг бошланиши ҳам Исо Масихнинг дунёга келиши билан боғлиқ.

Милоднинг бошларида яҳудийлар ҳокимиятнинг уч табақаси билан боғлиқ оғир тушқунликни бошдан кечирар эди. Бир томондан, Рим императори ва унинг жойлардаги ноиблари, иккинчи томондан, Фаластин подшоҳи Ирод Антипа, учинчи томондан эса руҳонийлар халқни турли солиқлар ва мажбуриятлар билан қўмиб ташлаган эди. Худди шу даврда яҳудийлар ўртасида кутилаётган халоскорнинг келиши яқинлашиб қолгани ҳақида хабар тарқатувчилар пайдо бўлади. Улар халқни кутилаётган халоскор келишига тайёрлаш учун чиққан эди. Шунда Исо Масих яҳудийликни ислоҳ қилиш ва уни турли хурфотлардан тозалаш гояси билан чиқиб, христиан динига асос солади. Яҳудийлар Исони ва унинг издошларини Фаластиндан қувғин қилади. Исо 33 ёшида фитначиликда айбланиб, қатл этишга ҳукм қилинади.

Исонинг тарихи хусусида диний ва диний бўлмаган манбалар орасида ихтилоф мавжуд: христиан манбаларида Исонинг ўзи худо бўла туриб, инсониятнинг гуноҳларини ўзига олиш учун одам қиёфасида туғилгани, унинг ҳаёт тарзи, инсонлар билан мулоқоти ҳақидаги маълумотлар қайд этилса, диний бўлмаган манбаларда Исо номи учрамаганини назарда тутиб, у тарихий эмас, балки афсонавий шахс деб ҳисобловчилар ҳам бор.

Исо номига қўшиб айтиладиган “Масих” ибораси қадимий яҳудий тили — ивритдаги мешиах сўзидан олинган бўлиб, «силанган» ёки «сийланган» маъноларини беради. Юнон тилида бу сўз «христос» шаклига эга. Бу диннинг «христианлик» ёки «масихийлик» деб аталиши ҳам шу сўзлар билан боғлиқ. Бундан ташқари, христианликни Исо Масихнинг туғилган қишлоғи — Назарет билан боғлаб, назрония деб ҳам атаганлар. Кейинчалик бу ном насрония шаклини олган.

Исо Масих ўз таълимотини 12 ўқувчиси апостоллар (ҳаворийлар)га ўргатади. Улар Исонинг вафотидан кейин устозининг таълимотини ҳар бири алоҳида-алоҳида тарз-да китоб шаклига келтиради. Бу китоблар Библиянинг «Янги Аҳд» қисмини ташкил этади.

Христианлик таълимоти. Манбаларнинг хабар беришича, христианлик яҳудий муҳотида юзага келган. Шу боис христианликнинг шаклланишида яҳудийликнинг таъсири салмоқли бўлгани шубҳасиз. Христианликнинг асосий ғояси — Исонинг одамзоднинг халоскори — «мессия» экани яҳудийликда мавжуд бўлиб, охиратга яқин келиши кутилаётган халоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиққан.

Кейинчалик бу таълимот Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки хил — одам ва худо моҳияти ҳақида «гуноҳни ювиш», яъни Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланади. Христианлик ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳ — уч юзлик худо (Trinity) тўғрисидаги таълимотни, жаннат, дўзах, охират, Исонинг қайтиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Христиан жамоасининг шаклланиши, ақидаларининг тартибга солиниши, черков муносабатларининг ишлаб чиқилиши, диний табақалар тизимининг вужудга келиши милоднинг IV аср бошларида, яъни 324 йили христианлик Рим империясида давлат дини деб эълон қилинганидан сўнг амалга оширилади.

325 йили тарихда биринчи марта Рим императори Лициния империя ҳудудидаги христиан жамоаларини ўзаро келиштириш ва тартибга солиш мақсадида Никея шаҳрида I Бутун Олам Христиан Соборини (ўтказилган 21 собордан биринчиси) чақиради. Бу соборда «эътиқод тимсоли»нинг (Credo) дастлабки таҳрири қабул қилинган, Пасхани байрам қилиш вақти белгиланган, арийчилик қораланган (Арий Александрия шаҳридан чиққан руҳоний; 318 йилда ўғил-худо ва ота-худонинг ягона моҳияти ҳақидаги черков таълимотига қарши чиқиб, Исони илоҳий хусусиятлари ва шон-шухрати жиҳатидан ота-

худодан кейин туради, чунки ота-худо азалий ва абадий, Исони у яратган деб тарғиб қилган). 20 та канон, жумладан, Александрия, Рим, Антиохия, Қуддус митрополитларининг имтиёзлари тўғрисидаги қондани ишлаб чиққан. 381 йили Константинополда II Бутун Олам Христиан Собори бўлиб ўтади. Бу соборда Никеяда қабул қилинган «эътиқод тимсоли»га аниқлик киритиш, арийчилар, евномийчилар, фотинианлар, савелианлар каби адашган фирқалар билан курашиш масалалари кўрилган. II Жаҳон собори *троица* (Trinity) ҳақидаги қондани ишлаб чиққан ва «эътиқод тимсоли»ни қонунлаштирган. Константинополь патриархи Рим патриархи каби барча бошқа епископларга нисбатан имтиёзларга эга деган қондани киритган. Бу соборда қабул қилинган «эътиқод тимсоли» 12 қисмда ифодаланди:

- биринчи қисмда оламини яратган Худо ҳақида;
- иккинчи қисмда насронийликда Худонинг ўгли ҳисобланган Исус Христосга имон келтириш ҳақида;
- учинчи қисмда илоҳий мужассамлашув ҳақида сўз юритилиб, унга кўра, Исо Худо бўла туриб, бокира Биби Марямдан туғилган ва инсон қиёфасига кирганлиги ҳақида;
- тўртинчи қисмда Исонинг азоб-уқубатлари ва ўлими ҳақида сўз боради. Бу гуноҳларнинг кечирилиши ҳақидаги ақидадир. Бунда Исонинг тортган азоблари ва ўлими туфайли Худо томонидан инсониятнинг барча гуноҳлари кечирилади деб эътиқод қилиниши ҳақида;
- бешинчи қисмда Исонинг хочга михланганидан сўнг уч кун ўтиб, қайта тирилгани ҳақида;
- олтинчи қисмда Исонинг меърожи ҳақида;
- еттинчи қисмда Исонинг нузули (иккинчи маротаба ерга қайтиши) ҳақида;
- саккизинчи қисмда Муқаддас Руҳга имон келтирмоқ борасида;
- тўққизинчи қисмда черковга муносабат ҳақида;
- ўнинчи қисмда чўқинтиришнинг гуноҳлардан фориғ қилиши ҳақида;

– ўн биринчи қисмда ўлганларнинг оммавий тирилиши ҳақида;

– ўн иккинчи қисмда абадий ҳаёт ҳақида сўз юритилади.

Христианликнинг бундан кейинги фалсафий ва назарий ривожда авлиё Августиннинг таълимоти катта аҳамият касб этган. V аср бўсағасида у диннинг билимдан афзал эканини тарғиб қила бошлади. Унинг таълимотига кўра, борлиқ инсон ақли билишга ожизлик қиладиган ҳодисадир, чунки унинг ортида улуғ ва қудратли Яратувчининг иродаси яширинган.

Августиннинг тақдир ҳақидаги таълимотида айтилишича, Худога имон келтирган ҳар бир киши нажот топганлар сафидан ўрин эгаллаши мумкин, чунки имон тақдир тақозосидир.

Христианликдаги оқимлар. Христиан черковининг Католик ва Православ (ортодокс) черковларига ажралиб кетиши Рим папаси ва Истамбул патриархининг христиан оламида етакчилик учун олиб борган рақобати оқибатида вужудга келди. Ажралиш жараёни Рим империясининг ғарбий ва шарқий тафовутлари ўсиб чуқурлашиб бораётган асрлардаёқ бошланган эди. 867 йиллар орасида папа Николай ва Истамбул патриархи Фетий орасида узил-кесил ажралиш рўй берди ва бу ажралиш 1054 йили расман тан олинди.

XVI аср бошларида католицизмдан бир неча Европа черковлари ажралиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракати вужудга келади, унинг доирасида лютеранлик, баптизм, англиканлик ва кальвинизм черковлари шаклланади. Булар бир черковнинг асосий маросимлари жиҳатидан ўзига хос жиҳатларга эга бўлиши билан бир қаторда, бир неча йўналишлар, мазҳаблар ва оқимларга бўлинади.

Православ (ортодокс) оқими. Православ оқими христианликнинг уч асосий йўналишидан бири ўлароқ, тарихан унинг шарқий шохобчаси сифатида шаклланади. Бу

оқим, асосан, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида тарқалган. «Православ» атамаси юнонча «ортодоксия» сўзидан олинган бўлиб, илк давр христиан ёзувчилари асарларида учрайди. Православиянинг ёзма манбалари Византияда шаклланади, чунки бу йўналиш у ердаги ҳукмрон дин эди.

Муқаддас китоб бўлмиш “Инжил” ва муқаддас ўғитлар, IV-VIII асрлардаги етти бутхона соборларининг қарорлари, шунингдек, Афанасий Александрийский, Василий Великий, Григорий Богослов, Иоанн Дамаскин, Иоанн Златоуст каби йирик черков руҳонийларининг асарлари ушбу оқим таълимотининг асоси деб тан олинган.

Христианликнинг шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 16 мустақил (автокефал) черков: Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Поляк, Чехия, Словакия, Рус ва Америка черковлари вужудга келган. Бу черковлардан энг каттаси Рус православ черкови (РПЧ, бошқа расмий номи Москва патриархати) бўлиб, унга 19 минг черков ва 127 епархия бирлашган. Улардан 150 дан ортиқ черков ва 5 епархия чет элда фаолият олиб боради.

Православ оқимида сирли расм-русумлар муҳим ўрин эгаллайди. Черков таълимотига кўра, бундай пайтларда Худо томонидан диндорларга алоҳида савоблар нозил бўлади.

Чўқинтириш сирли ҳодисаси (таинство). Бунда диндор ўз танасини уч марта сувга ботириши, Худо-отани, ўғилни ва Муқаддас Рухни чақириши билан руҳан туғилади, покланади.

Баданга миро суркаш ҳам сирли бўлиб, бунда диндорга Муқаддас Рухнинг руҳий ҳаётга қайтарувчи ва чиқтирувчи эҳсонлари улашилади.

Покланиш сири. Унда диндор нон ва вино кўринишида ўз баданида Исо қонини абадий ҳаётга тайёрлайди.

Надомат сири шундаки, диндор ўз гуноҳларини дин

пешвоси олдида тан олади, дин пешвоси эса унинг гуноҳларини Исо номидан кечиради.

Рухонийлик сири муайян шахсни рухоний даражасига кўтариш учун епископ қўлини ўша шахс баданига тегизиши (ёки елкасига қўйиши) орқали амалга оширилади.

Никоҳ сири. Бунда келин-куёв турмуш қуриш, фарзанд кўриш ва уни тарбиялашга оқ фотиҳа олади.

Бадани елей билан ишқалаш сирида Худонинг рухий ва жисмоний заифликларни тузатувчи лутфу марҳаматидан умид қилинади.

Православ черкови байрамлар ва диний маросимларга алоҳида аҳамият беради. Пасхадан сўнг православ динининг ўн икки кунлик ўн икки муҳим байрами бошланади. Улар:

1. Биби Марямнинг туғилиши (Рождество Божьей матери).

2. Исонинг хочини тиклаш (Воздвижение креста Господня).

3. Биби Марямнинг ибодатхонага кириши (Введение во храм Пресвятой Богородицы).

4. Исонинг туғилиши (Рождество Христово).

5. Исони чўқинтириш (Крещение Господня).

6. Олқишлаш (Сретение).

7. Хушхабарнинг нозил бўлиши (Благовещение).

8. Исонинг Қуддусга кириши (Вход Господня в Иерусалим) — пасха постидан 6 ҳафта кейинги якшанба.

9. Исонинг қайта тирилиши (Воскресенье Христово) — Пасха, баҳорги кеча ва кундуз тенглиги ҳамда ой тўлишган биринчи якшанба;

10. Исонинг осмонга кўтарилиши (Вознесение Иисуса) — Пасхадан 39 кун кейин;

11. Муқаддас Рухнинг тушиши (Сошествие Святого духа — Троицин День);

12. Исо қиёфасининг ўзгариши (Преображение) — 6 августда.

Черков йили эски ҳисобга мувофиқ 1 сентябрдан бош-

ланади. 8 сентябрь куни «Рождество Божьей матери» байрами ўтказилади. 12 сентябрь куни «Воздвижение креста Господня» байрами нишонланади. Бу байрам император Ираклий даврида Исо крестининг форслар тутқунидан қайтариб олиб келинишига бағишланади. 21 ноябрь куни «Введение во храм Пресвятой Богородицы» байрами ўтказилади. Бу байрам уч ёшли Марямнинг биринчи руҳоний томонидан Қадимий Аҳд ибодатхонасига олиб кирилганига бағишланади. Ибодатхонага кириш байрамидан бир ҳафта олдин, яъни 15 ноябрда Рождество пости бошланади. Ва ниҳоят, 20 декабрда Рождество байрами киради ва 31 январгача давом этади.

Исонинг чўқинтирилиши (Крещение Господня) байрами 6 январда нишонланади. Бу байрам Исонинг Яхё томонидан чўқинтирилишига бағишланади.

Навбатдаги яна бир йирик байрам Сретение (олқишлаш, кутиб олиш) байрамидир. Бу байрам Исо тугилгач, авлиё Симеон томонидан унинг кутиб олинишига бағишланади.

Буюк байрамлар ичида Пасха биринчи ўринда туради. Пасха — Исонинг ўлганидан сўнг қайта тирилганини нишонлаб ўтказиладиган байрам. Пасханинг тарихи яҳудийликдаги пейзаж байрами билан боғлиқ бўлиб, у яҳудийларнинг Мисрдан қочиб чиқиши ва озодликка эришишининг нишонланишидир. Христианлик яҳудийликдан тўлиқ ажралиб чиққач, Пасха янгича тус олган.

Юқорида санаб ўтилган байрамлар олдидан уларга тайёргарлик сифатида турли муддатли постлар (рўза) ўтказилади. Постнинг моҳияти инсон руҳини тозалаш ва янгилаш, диний ҳаётнинг муҳим воқеаларига тайёргарликдан иборат.

Рус Православининг кўп кунлик постлари (рўзалари) бўлиб, улар тўртта: Пасха олдидан, Пётр ва Павел куни олдидан, Богородица уйқусидан олдин ва Исо тугилган кундан олдин бўладиган постлар. Пасха олдидан бўладиган «Великий пост» 40 кунга чўзилади. Ушбу пост даврида — эски ҳисоб бўйича 25 мартда «Благовещение» байрами

ўтказилади. Пост бошланишидан олти ҳафта ўтгач, якшанба куни христианликнинг ўн иккинчи ёки саккизинчи байрам — «Худонинг Қуддусга кириши» нишонланади.

Библия. “Библия” яҳудийлик ва христианлик динлари таълимотига кўра, Худо томонидан нозил қилинган, асосий диний ақида ва ахлоқ қонунларини ўзида жамлаган муқаддас китоблар мажмуасидир.

У икки қисмдан иборат: «Қадимий Аҳд» (Old Testament) ва «Янги Аҳд» (New Testament).

Яҳудий ва христиан Библиялари (Bible) бир-бирига мос келмайди. Яҳудийларнинг китоби қадимий Исроил ва қадимий яҳудийларнинг диний таълимот ва урф-одатлари асосида мил. ав. XIII асрда ёзилган бўлса, христианларнинг китоби милоднинг бошларида вужудга келган. Яҳудийлар христианларнинг китобини муқаддас китоб сифатида тан олмайди. Христианлар эса яҳудийларнинг китобини муқаддас китоб сифатида тан олади.

«Библия» сўзи грек тилида “biblia” — “китоб”, “ўрам” маъносини англатади. Ҳозирги “Библия” католик нашрларида 72, протестант нашрларида 66 китобдан иборат. Яҳудийларнинг яна бир диний манбаи “Талмуд”нинг хабар беришича, “Қадимий Аҳд”да 24 та китоб бўлиши керак. Қадимий яҳудий тарихчиси Иосиф Флавийнинг айтишича, 22 та китоб бўлиши керак. Протестантлар ва яҳудийлар, Тридент Соборидан кейин (1545-1563) католиклар ҳам “Қадимий Аҳд” таркибига 45 та китобни киритади. Бу сон билан юқорида келтирилган сон ўртасидаги тафовутни кейинчалик баъзи китобларнинг бир неча мустақил китобларга бўлиниб кетгани билан изоҳлаш мумкин. Масалан, «Мусонинг беш китоби» аввал бир бутун бўлиб, кейинчалик бешта мустақил китобга, «Кичик пайғамбарлар китоби» 12 тага ажратиб юборилган.

Христианлар Қадимий Аҳдни «Ривоятлар китоблари», «Таълимотлар китоблари», «Пайғамбар китоблари»га бўлади. Улар Янги Аҳднинг 27 китобини шундай тасниф қилади: «Ривоятлар китоблари»га «Инжил» ва «Ҳаворийлар фаолияти» кирди. «Таълимотлар»га «Ҳаворийлар

мактублари» киради, «Пайгамбарлар китоблари»га «Ваҳий» китоби киради.

“Библия”нинг китоблари бобларга, боблар эса сураларга бўлинади. Унинг ҳозирги қабул қилинган бўлиниши Нентерберия епископи Стефан Лангтон (ваф. 1228 й.) томонидан киритилган. У 1214 йили лотин тилидаги матни бобларга бўлиб чиқади ва бу нарса кейинчалик яҳудий ва юнон тилларидаги матнларга ҳам жорий қилинади. Суралар аввал Сантес Панино (ваф. 1541 й.), кейинчалик 1555 йилларда Роберт Этъенлар томонидан рақамланган.

Инжил. «Инжил» сўзи юнонча «эвангелион» иборасидан келиб чиққан бўлиб, “хушхабар” маъносини англатади. Унда одамзодни қутқарувчи ягона Нажоткор ҳисобланмиш Исо Масихнинг ер юзига юборилгани ҳақида ҳикоя қилинади.

“Инжил” милоднинг биринчи асрида ёзилган, 27 бўлимдан иборат. Инжил Исо Масихни кўриб, уни яқиндан билган, таълимотини синчиклаб ўрганган муаллифлар томонидан ёзилган. Христианликда бу муаллифлар худонинг руҳидан илҳомланиб, айнан худонинг буюрганини Инжилда ёзиб қолдирганлар деб ҳисобланади. Инжилнинг матни ёзиб тугатилгандан кейин ундан кўп нуса кўчирилиб, дунёнинг ҳар тарафига тарқатилган.

Христианликда “Янги Аҳд” таркибига кирган “Инжил” 4 қисмга бўлинади:

Инжилнинг дастлабки 4 китобчаси Исо Масихнинг ҳаёти ва таълимотига бағишланган, улар Матто (Матфей), Марко, Лука, Юҳанно (Иоанн) баён этган Муқаддас хушхабар (Евангелие) деб аталади. Бу 4 китоб муаллифининг ҳар бири Исо Масих шахсияти ва фаолиятининг алоҳида хусусиятларини тасвирлайди, мазкур тўрт китоб ҳам Исонинг йўли ва қайта тирилиши билан яқунланади. Бу Инжил хушхабарининг марказий нуқтаси ҳисобланади.

«Азиз ҳаворийларнинг фаолияти» («Деяния святых апостолов») номли китобчада Исо Масихнинг алоҳида танлаган шогирдлари — ҳаворийларнинг насронийлик динини тарқатиш йўлида қилган ишлари, нутқлари, қуви-

лишлари, христиан жамоаларининг вужудга келиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Павел, Иаков, Петр, Иоанн, Иуда номли ҳаворийларнинг турли мамлакат ва подшоҳларга христианлик динининг ақидаларини баён қилиб йўллаган мактублари ҳам “Инжил”да жамланган.

«Ваҳий» («Откровение») деб номланган китоб худо томонидан авлиё Иоаннга юборилган башорат ҳисобланади. Унда охирзамонда юз берадиган мусибатлар, Исо Масиҳнинг дунёга қайтиши, Яъжуж-Маъжуж, Дажжол, қиёмат, жаннат ва жаҳаннам тасвирланади.

Ислом

Ислом буддавийлик ва христианликдан кейин пайдо бўлган учинчи йирик жаҳоний диндир. У дастлаб Арабистон Ярим Оролида VII аср ўрталарида пайдо бўлган. Ислом динининг асосчиси пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (с.а.в.)дир. Исломгача Арабистонда бутпарастлик, кўпхудолик ҳукм сурган. Бу ибтидоий-қабилачилик даврига хос эди. Ислом манбаларида бу давр жоҳилия даври деб тилга олинади.

«Жоҳилия» сўзи араб тилида «жоҳиллик», «билимсизлик», «нодонлик» маъноларини англатади. Бу сўз Арабистоннинг исломдан олдинги даврига нисбатан ишлатилади. Чунки бу даврда араблар орасида ал-Васанийя - кўпхудолик ҳукм суриб, улар яккахудолик эътиқодидан беҳабар эди. Бундан ташқари, халқнинг камбағал тоифаси орасида қизларни тириклайин кўмиш, майхўрлик ва бошқа ахлоқий бузуқликлар кенг ёйилган эди. Ислом дини пайдо бўлганидан кейин бундай жоҳилона одатларга чек қўйилди ва ундан олдинги давр «жоҳилия даври» деб атала бошланди. Баъзи тадқиқотчилар жоҳилия даври юз эллик - икки юз йил давом этган деган фикрни билдиради. Бироқ, ушбу даврнинг қанча муддат давом этганини аниқлаш жуда мушкул.

Муҳаммад (а.с.) 40 ёшга етганларида милоднинг 610

йили Рамазони шариф ойида Хиро тоғида ул зотга илк ваҳий келган.

Бу вақтда Макка мушрикларининг мусулмонларга таэйиқи ниҳоят даражада кучайиб кетади. Улар Расулллоҳ (с.а.в.)ни ўлдиришга қарор қилади. Шундан сўнг Пайғамбар (а.с.) мусулмонларга Ясрибга (Мадина) ҳижрат қилишни буюрдилар. Улар кетидан ўзлари ҳам жўнадилар. Мана шу воқеа ҳижрат дейилиб, ислом тарихи шундан бошланади (622 й.).

Мадина даврида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) етакчилигидаги ислом жамоаси яқин давлатлар орасида тузилажак кучли бир давлатнинг вазифаларини бажариб, турли араб қабилаларининг ва бир-бирига қарам бўлган қабилалар иттифоқларининг ўзаро душманлигини йўқотишга, улар ўртасида яқин ва узоқ муддатли сулҳ шартномаларини тузишга киришган эди.

«Ислом» сўзи арабчада «Аллоҳга ўзини топшириш», «итоат этиш», «таслим бўлиш», «бўйсунуш» маъносини англатади. Исломнинг асосий манбаси бўлмиш “Қуръони карим” VII асрда нозил этилган бўлса-да, ислом таълимотига кўра, бу дин ер юзида инсоният пайдо бўлибдики, бутун башариятга нозил қилинган. Муҳаммад (а.с.) аввалги пайғамбарлар ишини давом эттирган, улар динини қайта тиклаган, қиёмат олдидан юборилган охириги пайғамбар - Набий ва Расул деб тан олинади.

Ислом дунёда кенг тарқалган жаҳон динларидан бири. Осиё қитъасидаги Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия каби давлатлар, Арабистон ярим ороли, Иордания, Сурия, Африка қитъасидаги Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср Араб Республикаси, Сомали сингари мамлакатлар халқлари, Эфиопия, Судан, Малайзия, Индонезия халқлари, Ливан, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Филиппин аҳолисининг маълум бир қисми, Европа қитъасида эса Болқон ярим сролида яшовчи халқларнинг бир бўлаги исломга эътиқод қилади. Ислом Марказий Осиё, Кавказорти ва Шимолий Кавказ, Волгабўйи, Фарбий Сибирь ва бошқа минтақаларда яшовчи аҳолининг муайян қисми онги,

дунёқараши, эътиқоди ва ушбу халқлар турмуш тарзига таъсир этиб келмоқда. Ер юзида исломга эътиқод қилувчилар, яъни мусулмонлар қарийб 1,5 миллиардга етади.

XIX аср дастлабки йилларидан ислом дини тарқалган мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида катта тарихий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгараётган янги шароитларга диний-фалсафий, ҳуқуқий меъёрларнинг XIX аср ярмидан бошланган мослашув фанда «Исломиёи ислохотлар» номини олди. Лекин бу жараён ҳаддан ташқари чўзилиб кетди ва кўпгина зиддиятли ҳолларни келтириб чиқарди. Мисол тариқасида панисломизм ва мусулмон жамоаларининг бошқа конфессиялардан ажратиш ғоясини келтириш мумкин.

XX асрга келиб дунёда ислом омилининг таъсири кучайди. Бу ҳол бир томондан, дунёда бу динга эътиқод қилувчилар сонининг кўпайиб бораётгани, иккинчи томондан, турли расмий ва норасмий исломий ташкилотлар фаолиятининг кучайиши билан изоҳланади. Ушбу жараён XIX аср охирида ислом оламида фаоллашган диний ислохотчилик ҳаракатлари билан боғлиқдир. XX аср охири - XXI аср бошида бу ҳаракатларнинг турли кўринишда давом этишини ислом оламидаги энг йирик давлатлар: Миср, Саудия Арабистони, Эрон ва Осиёдаги бошқа ислом дини кенг тарқалган мамлакатлардаги ҳолатлар мисолида кўриш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Миср Араб Республикаси билан мамлакатимиз ўртасида дўстона алоқалар янада мустаҳкамланиб бормоқда. Юртимиз дунёга юз тутган бир пайтда бошқа давлатлар қатори Миср Араб Республикаси билан ҳам дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда Миср элчихонаси очилди. 1995 йил 1 сентябри — Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллик байрами нишонлаган куни Қоҳирада Ўзбекистон элчихонасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Саудия Арабистони — ислом муқаддас ерларининг ватани бўлиб, мустақил ислом давлатидир. Давлат дини —

ислом, мамлакат конституцияси — Аллоҳнинг китоби ва пайгамбар суннатидир. Мамлакатни бошқариш шакли — монархия. Унинг негизида «адолат, тенглик ва кенгаш» деган сўзлар ётади. Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий асосини хусусий мулк, бойлик (сармоя) ва меҳнат ташкил қилади. Давлат хусусий мулкнинг дахлсизлигига кафолат беради, ижтимоий таъминот тизимини қўллаб-қувватлайди ва хайрия ишларига катта эътибор беради.

Исломнинг асосий шиори — «Ла илаҳа, иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ», яъни Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули, элчисидир, деган маънони англатади. Исломиё китобларда айтилишича, Аллоҳ еттинчи осмондаги тахтида, ўзининг пок ва файзли фаришталари қуршовида ўтиради ва оламни бошқаради.

Муҳаммад пайгамбар (с.а.в.) — буюк диний, ахлоқий ва ижтимоий ислохотчи. Инсоният тарихи оддий бир саводсиз чўпон, савдогар тарихан бениҳоя қисқа муддат — 20 йил ичида мисли кўрилмаган буюк маънавий ўзгариш қилган шахсни билмайди.

Ислом таълимотига кўра, инсон ўлимидан кейин ҳам унинг руҳи яшашда давом этади. Мусулмонлар қиёмат кунида марҳумларнинг руҳлари тирик одамлар руҳи билан баб-баравар ўз ҳаётлигида амалга оширган ишлари учун жавоб беришига ишонади. Мусулмонлар ҳар бир инсоннинг қисмати у дунёга келишидан олдин белгилаб қўйилганинига ҳам имон келтиради.

Мусулмонлар ўз умри давомида исломнинг беш устуни — 5 та асосий бурчни адо этиши лозим. Булар:

1. “Ла илаҳа, иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ”, деб Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули, элчиси эканини эътироф этиш.

2. Кунда 5 марта намоз ўқиш.

3. Рамазон ойида рўза тутиш.

4. Йилда бир марта закот бериш.

5. Шароит тақозо этса умрида бир марта ҳаж қилиб, Каъбани зиёрат қилиши лозим.

Араблар, илгарилари яҳудийлар ва насронийлар каби

кўп ва турли худоларга эътиқод қилиб келган. Муҳаммад (с.а.в.) яҳудийлар ва насронийларнинг ягона Худосини якка ёлғиз ва ҳақиқий худо деб эълон қилади. Макка аҳлини кўп худоликдан воз кечиб, ягона Аллоҳга эътиқод қилишлари учун кўп саъй-ҳаракатлар қилади. Унинг фикрича, халқ ягона худо ва мустаҳкам эътиқодга эга бўлсагина, қудратли ва улуғ бўлади. Араблар дастлаб янги худони тан олмай, унга қаршилиқлар кўрсатади. Жангу жадаллар, қабила-лар ўртасида нифоқлар бошланади. Муҳаммад (с.а.в.) шаҳарни тарк этишга мажбур бўлади, аммо маълум вақт ўтгач, катта куч тўплаб, қайтиб келади. Унинг шахсияти ҳамда ваъзаларининг оламшумул аҳамияти шунда эдики, у ўзигача маълум бўлган динлардан VII аср бошларидаги айнан Арабистон шароитида жуда зарур бўлган — ягона худо байроғи остида бирлаштиришга муваффақ бўлади. У ўз саҳобалари ва янги мусулмонларни ҳар куни намоз ўқиш, Аллоҳ билан юзлашиш, рўза тутиш, камбағал, ночорларга ёрдам бериш учун закот тўлашга (умумий мол-мулкнинг тахминан 2,5 фоизи ҳажмида) чақиради.

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг биринчи саҳобалари ва издошлари ҳам ниҳоятда унга садоқатли эди. Улар қаторида биринчи муслима аёллардан — Хадича онамиз, пайғамбар (с.а.в.)нинг амакиваччаси ва куёви — ҳазрат Али, яқин кишилари Абу Бакр, Умар ва бошқа сафдошларини айтиш мумкин. Саҳобалар Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамбар эканлигига камоли эътиқод билан ишонар ва ислом қонунларини мустаҳкамлашда унга кўмак берар эди.

Муҳаммад (с.а.в.) ўз саҳобалари билан бирга ислом дини асослари, низомларини жамиятга тарғиб қилади.

Кўпхудолик кучайган ва бундан манфаатдор (зиёратга келувчилардан пул ишлайдиган) одамлар яшаган бу даврда ягона, туғмаган ва туғилмаган Аллоҳга ибодат қилиш даъвати пайғамбар (с.а.в.) қабиладошлари орасида кескин зиддиятларни келтириб чиқаргани бугун барчага аён. Шунга қарамасдан, Расулulloҳ (с.а.в.) ислом аҳкомлари ва мусулмонларнинг бурчларини барқарорлаштиришга қатъий бел боғлайди.

Ислом мусулмонларнинг маданий анъаналари оилавий ҳаёт меъёрларига ўз ижобий таъсирини ўтказмай қолмади. Бу ҳол аёллар ҳақ-ҳуқуқи юксалиши, судхўрлик ва ёлгончилик, ўғирлик қилмаслик, чўчка гўшти емаслик, маст қилувчи ичимлик ичмаслик каби тақиқлашда намоён бўлади.

Муҳаммад пайгамбар (с.а.в.) VII асрда араблар энг кўп эҳтиёж сезган нарсани рўёбга чиқарди: у зот тарқоқ халқни бирлаштирди, уларнинг жипслигини мустаҳкамловчи ягона, яхлит, қудратли таълимот яратди. Пайгамбар (с.а.в.)нинг вафотидан кейин барча араб қабилалари исломни қабул қилади, кейинчалик у бутун Шарқ мамлакатларига, жумладан, Ўрта Осиёга ва Ғарбга, хусусан, Испаниягача тарқалади.

“Қуръони Карим” — ислом динининг асосий китоби бўлиб, 114 боб — сурадан иборат. “Қуръон” «Фотиҳа» (очғич) сураси билан бошланиб, «Ан-Нос» (одамлар) сураси билан тугайди. Суралар оятлардан ташкил топган. «Оят» сўзи «аломат», «белги», «муқаддас калом» маъноларини англатади. Энг катта сура - «Бақара» (сигир) сураси 286 оятдан иборат. «Уммул-Китоб»нинг тўртдан бир қисми турли пайгамбарларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Уларнинг кўпчилиги Инжилда ҳам қайд этилган: Нух (Ной), Иброҳим (Авраам), Исҳоқ (Исаак), Ёқуб (Иаков), Юсуф (Иосиф), Айюб (Иов), Довуд (Давид), Сулаймон (Соломон), Илёс (Илья), Исо (Иисус), Мусо (Моисей), Биби Марям (Мария).

Бошқа динлардаги (насронийлик, яҳудийлик) қиёмат куни, ҳур қизларга тўла жаннат ҳақидаги тасаввурлар, дўзах, шайтон, жинлар ва бошқалар тўғрисидаги бир қанча тасвирлар ҳам “Қуръон”да акс этган. “Қуръон” биринчи марта халифа Усмон томонидан тартиб ва тасниф этилиб, китоб қилинган.

Муқаддас китобда ислом таълимотига оид асосий мавзулар сифатида намоз, закот, садақа, рўза, ҳаж, ота-она ва қариндошларга яхшилик қилиш, оила ва никоҳ, мерос ва бошқа молиявий муносабатлар, адолатли ҳукм

чиқариш, одоб, ахлоқ, насиҳат, шукроналик ва бошқа жуда кўп масалалар ягона Аллоҳ номидан баён қилинган. Шу жиҳатдан “Қуръон”ни “Илоҳий қомус” деб аташ лозим.

Исломда Қуръони Каримдан кейин Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг сўзлари (ҳадислар), ул зот ҳақидаги ривоят ва хабарлар муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Шариат қонунлари, диний руҳ ва аҳкомлар шу икки манба асосида ишлаб чиқилган. Ҳадисларни йиғиш, «саҳиҳ»ларини (тўғри) аниқлаб жамлашда юртдошларимиз Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ва Имом Исо Термизийларнинг хизмати беқиёс бўлган. Бугун Бутун ислом дунёси бу улуғ зотларни шарафлаб тилга олади.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган баркамол авлодни шакллантириш ва тарбиялаш дастурига кўра, ёшларни ақл-заковатли, маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш масаласи устувор аҳамиятга эга масалалардан саналади. Бу дастурни амалга оширишда бошқа жаҳоний динлар қаторида ислом динининг ҳам аҳамияти чексиз. Ислом инсонларни яхшилиқ қилишга, эзгуликка чорлайди. «Аллоҳга яна бир «илоҳ»ни кўша кўрманг! Акс ҳолда қораланувчи ва махрум бўлиб қолурсиз!» [17:22] деб ислом динини пок сақлаш, унга садоқатли бўлишга чақириб, иккиюзламачилик, эътиқодини ўзгартириш, динини сотиш каби иллатларни қоралайди. Зикр этилган «Ал-Исро» сурасидан инсон ахлоқини тарбиялаш, уни маънавий юксалтиришга қаратилган яна бир неча оятни келтирамиз:

Раббингиз Унинг ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилиқ қилишни амр этди. (Эй, инсон,) агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингизда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!

Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода): «Эй, Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, сен ҳам уларга раҳм қилгин»,— деб айт!

(Эй, инсонлар,) Раббингиз дилларингиздаги нарсаларингизни (сир) яхши билувчидир. Агар сизлар солиҳ бўлсангизлар, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир.

Кариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эхсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг!

Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига ўта ношукр эди [17:23-27].

Сир эмас, бугун одамлар “тирикчилик” деб моддий дунё ортидан қувмасдан онгига ва қалбига ҳам маънавий озик берса — илоҳий китобни ўқиб турса, фойдадан холи бўлмас эди. Қуръони Каримда ҳаридорларни алдамаган савдогарлар дўзах азобларидан халос этилади, деб бежиз айтилмаган. Ўша тижоратчилар идоралари пештоқига, савдо расталарига қуйидаги илоҳий сўзлар ёзиб қўйилса, уни ўқиган ва амал қилганлар гуноҳдан қутулган бўлар эди.

“Мутоффифун” сурасидан:

1. (Ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой!

2. Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қоладиган кимсалардир.

3. Улар қайта тирилувчи эканликларини ўйламайдиларми?

4. Улуғ кун (қиёматда) –

5. Одамлар (бутун) оламлар Парвардигори ҳузурида тик турадиган (ҳисоб-китоб берадиган) кунда?..

6. Сўнгра, албатта, улар дўзахда тобланувчидирлар. Айни шу мавзу «**Шуаро**» сурасида ҳам жуда тушунарли, лўнда ва ифодали баён этилган.

Ўлчовни тўла ўлчанглар ва (одамларга) зиён етказувчилардан бўлманглар!

Шунингдек, тўғри тарози билан тортинглар!

Одамларга нарсаларни камайтириб берманглар ва ер юзида бузгунчилик тарқатиб юрманглар.

Шу соҳада Аллоҳдан қўрқадиган, диёнатли инсонлар тарихда кўп бўлган. Чунончи, ҳанафий мазҳабининг асосчиси Имом Аъзамни олайлик.

Имом Аъзам (702-772) — ислом оламидаги уламолар ичида Буюк Имом унвонига сазовор бўлган улуғ муҳаддис. У савдо-сотик ишлари билан ҳам шуғулланган. Бир куни у узоқ сафарга қарвон ҳозирлайди. Туяларга энг сифатли ва ўртача — икки турдаги газлама юклайди ва одамларига уларни сифатига қараб, икки хил нархда сотишни буюради. Савдогарлар молларни яхши нархда — 30 минг кумуш тангага пуллаб, хурсанд ҳолда хўжайинининг олдига қайтиб келади. Имомнинг «Моллар сифатига яраша икки хил нархда сотилдими?» деган сўроғига савдогарлар газлама баланд нархда сотилгани ва бундан харидорлар рози бўлганини айтади. Одамларининг гапга кирмаганидан хафа бўлган имом 32 минг танганинг ҳаммасини Аллоҳ номига қурбон қилади ва савдогарларга қарата шундай дейди: «Аммо бу яхшилик учун мен Аллоҳнинг марҳаматига эришиш ниятим йўқ. Сизлар газламаларни сотишда одамларни алдагансиз. Энди мен сизлар билан ишламайман».

Имомнинг қандай харидор бўлгани ҳам эътиборга лойиқ. Бир куни имом келин сарпо харид қилиш учун бозорга боради. Газламафуруш маҳсулот учун 100 танга сўрайди. Тижорат ишларида қўзи пишган Имом Аъзам молнинг баҳоси анча қимматлигини биларди. Шунинг учун у агар мол эгаси газламани қимматроқ, ҳақиқий нархига сотса, харид қилишини айтади. Савдогар 200 танга сўрайди. Бу ҳам маҳсулот сифатига лойиқ баҳодан анча кам эди. Имом бозордаги нархнаво бўйича назорат юритувчи оқсоқолни чақиртиради. У газламанинг ҳақиқий нархи 500 танга эканини айтади. Шундан кейингина имом газламани харид қилиб олади.

Яна бир воқеа. Бир куни Имом бозорда ўғирланган қўйларнинг гўшти сотилаётганини эшитиб қолади. Шу куниёқ бир чўпоннинг олдига бориб, «Битта қўй ўртача неча йил яшайди? деб сўрайди. «Етти йил», деган жавобни эшитиб, шунча вақт мобайнида қўй гўшти емаган экан.

Демак, дин, жумладан, ислом ҳақиқат сабогини беради, одамларни яхшиликни англаш ва яхшилик қилишга ундайди. Бу сабоқ нафақат тарихий шахслар ҳаёти мисолида, балки муқаддас Китоб орқали ҳам бизга етиб келган. Ислом Аллоҳ каломини тушуниш ва унга амал қилишга асосланади. Шунинг учун барчамиз маънавий бой ва баркамол бўлишимиз, Тангри таоло сўзларининг маъносини тўғри уқиб, уларни кундалик ҳаётимиз дастурига айлантиришимиз зарур.

Келинг, “**Бақара**” сурасидаги қуйидаги оятларни ўзимизга сингдиришга уриниб кўрайлик, шояд Аллоҳ қалбимизни эзгулик нури билан тўлғазса!

148. Хайрли ишларда ўзиб кетингиз.

177. Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларга буриб, (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўрган молдан қариндошларга, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва келишилган аҳдларига вафо қилувчилар, шунингдек, оғир-енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилувчилар яхши кишилардир. Айнан ўшалар (имонларида) содиқдирлар ва айнан ўшалар тақводордирлар.

195. [Эҳсон қилувчи саҳий кишиларнинг Аллоҳга маҳбублиги ҳақида] Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз қўлларингиз (бахиллик қилиш) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради.

261. Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдик. У ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга янада кўпайтириб (савоб) беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдондир. Ҳадиси шарифда: «Бирни берганга юзни бераман, юзни берганга мингни бераман» деган Аллоҳнинг ваъдаси келтирилади.

262. Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, кейинчалик берган нарсалари кетидан миннат ва озор етказмайдиган кишилар учун Парвардигорларидан мукофот бордир. Уларга хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар.

Биз бу ўринда 114 та суранинг фақат биттасидан бир неча оятни келтирдик, холос. Биз — бу “беш кунлик дунё” аҳли — кўпинча ўзимизнинг инсоний бурчимизни унутиб қўямиз. Аллоҳдан бизни ҳафа қилганларга жазо беришини сўраймиз. Шундай ҳолатларда сабр-тоқат қилиб, «Раъд» сурасидаги қуйидаги оятларга эътибор қилайлик:

22. Парвардигорларининг «юзини» истаб, (турли машаққатларга) сабр қилиб, намозларини тўкис адо этган ва биз ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошкора эҳсон қилган ҳамда ёмонликка яхшилик қайтарадиган зотлар — айнан ўшалар учун охират диёри (бордир).

23. (У абадий) туриладиган жаннатлар бўлиб, (улар) у жойларга ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат солиҳлар (банда) билан бирга кирурлар. Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар (бир) эшикдан фаришталар кириб (дерлар):

24. (Аллоҳ йўлида турли машаққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлмай. Охират диёри нақадар яхши!

25. ...Ер юзида бузгунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) лаънат бўлур ва улар учун нохуш диёр (жаҳаннам) бордир.

Муқаддас китобимизда донишмандликнинг бундай дурдоналари жуда кўп. Масалан, “Қуръони Карим”нинг янги ўзбекча таржимасида одоб, ахлоқ, насихат мавзусига оид 250 га яқин оят борлиги фикримиз далилидир. Ота-она ва қариндошларга яхшилик қилиш ҳақида 20 дан ортиқ оятда муқаддас калима келтирилган.

Қуръондаги барча оятлар тўғри тушуниш ва ёдда сақлаш учун осон шаклда баён этилган. Шунинг учун уни рус тилига ўгирган таржимонлар оятларни шеър (стих) деб аташади. Америкалик исломшунос Пиксол “Қуръони Карим”ни қироат қилишга эътибор бериб, ёзади: «Бу

муқаддас Китобни аслида (таржимасиз, оригиналида) ўқисангиз, унинг бу дунёда йўқ гўзаллигидан бениҳоя хузур қиласиз. Бу шундай гаройиб симфония, мислсиз муסיқаки, у тингловчининг ҳам жазавасини кўзгаб, кўз ёшини селдай оқизади» (Pickthall. The Meaning of the Glorious Koran. –New York: Mentor).

Қуйида буюк ислом уламоларининг билим тўғрисидаги фикрларини келтирамиз. Сиз уларнинг мағзини чақиб, асл моҳиятини аниқлаб, талқин қилиб беришга ҳаракат қилинг.

Муҳаммад (с.а.в.) айтган эканлар:

- Бир олимнинг мажлисида қатнашиш минг ракаат намоз ўқишдан, мингта касални зиёрат қилишдан, мингта жанозада қатнашишдан афзал.

Шунда саҳобалар:

- Қуръон ўқишдан ҳамми, эй Расулуллоҳ? — деб сўрашибди.

- Қуръоннинг нафи ҳам фақат илм билан-ку! — деган эканлар Муҳаммад алайҳис-салом.

Муҳаммад Ғаззолий (1059-1111)

«Ихйайи улуми-д-дин»

Расули акрам яна айтган эканлар:

- Эй Абу Зарр, Аллоҳ Китобидан (Қуръон) эрталаб битта оятни ўқиб чиқиш юз ракаат намоздан афзал.

* * *

Жони узилай деб турган Абу Бакр Хоразмийдан:

- Кўнглингиз нима тусайди? — деб сўрасалар:

- Китобларнинг ҳошияларини бир кўриб чиқсам...— деган экан.

* * *

Одамлар 4 тоифага бўлинади:

1. Билишини билади. Булар олимлар. Уларга эргашинг.
2. Билишлари керак бўлган нарсани билмаслигини билади. У ҳозир уйқуда. Уни уйғотиб қўйинг.

3. Билмаслигини билади ва билмайди. Унга етакчи керак. Унга ҳақиқат йўлини кўрсатинг.

4. Билмайди ва билмаслигини ҳам билмайди. У нодон. Ундан нарироқ юрган маъкул.

Махмуд Замаҳшарий (1074-1144)

«Рабийъу-л-аброр ва нусусу-л ахбор»

Муҳаммад с.а.в. айтибдилар:

- Тунда бир соат илм ўрганиш туни билан тоат-ибодат қилишдан афзалроқдир.

Абу Муҳаммад ад-Доримий «Сунан»

Пайғамбар Довуд алайҳиссалом айтган экан:

- Илм истаган кишига айтинг, қўлига темирдан таёқ олиб, оёғига темирдан кавуш кийиб олсин-да, таёғи синиб, кавуши ейилиб кетгунча илм изласин.

* * *

Пайғамбар с.а.в. айтибдилар:

- Бир соат олинган билим жойнамоз устидаги бедорликдан афзал, бир кунда олинган билим эса уч ой тutilган рўзадан яхшироқдир.

* * *

Пайғамбари с.а.в. айтган эканлар:

- Илм олиш — Аллоҳ наздида намоз, рўза, ҳаж ва Аллоҳ таоло йўлида қилинган жиҳоддан афзалроқдир.

Абу Бакр ас-Суютий

7-мавзу: Тасаввуф таълимоти

Тасаввуф таълимоти пайғамбарлардан мерос қолган. Ҳар бир улуғ пайғамбар ўз қалбини Аллоҳнинг зикри билан пок этиб, унинг буйруқларини бекаму кўст бажарган ва ҳалол меҳнат ила ризқ топишни ўз бурчи деб билган. Жумладан, Одам алайҳиссалом деҳқончилик, Идрис алайҳиссалом темирчилик, Мусо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар чўпонлик қилганлар. Кейинчалик Муҳаммад алайҳиссалом тижорат билан шуғулланганлар.

Пайғамбарлардан мерос бу қадрият валийлик мақомига эришган аҳли уламо томонидан муносиб давом эттирилган. Тасаввуф шайхлари халқнинг маънавий раҳбарлари, руҳоний мураббийлар сифатида майдонга чиқди.

Тасаввуф Шарқ маънавияти тарихида муҳим ўрин эгаллаб келган тадрижий тараққиётга эга бир таълимот

бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёяди. Гап шундаки, ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлиниш юз беради, айниқса, халифа Усмон разйаллоҳу анҳу замонларида бойликка ружу қўйиш, қимматбаҳо тухфалар билан қариндош-уруғлар, яқин дўст-биродарларни сийлаш расм бўлади. Уммавия халифалиги даврига келиб эса, сарой ҳашамлари, даб-дабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, хазина тўплаш авж олди. Яъни диний машғулотлар, Худо йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади. Бу ҳол диний амрларни адо этишни ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар орасида ҳадис тўпловчи муҳаддислар, илгаридан қашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар ҳам бор эди. Буларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очиқ курашга отланган бўлсалар, иккинчи қисми эса, қаноат ва зуҳдни («зуҳд» сўзидан «зоҳид» сўзи келиб чиққан) асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва сарватдорлар, бойлар ахлоқига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик ғоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашганлар, сурункали тоат-ибодат билан шуғулланганлар.

Куфа, Бағдод, Басра шаҳарларида таркидунё қилган зоҳидлар кўп эди, айтиш керакки, уларнинг обрў-эътибори ҳам халқ орасида катта бўлган. Ҳасан Басрий (642-728) каби йирик суфийлар аслида зоҳид кишилар эдилар, шунинг учун бу зотларнинг номи шайхлар ва суфийлар ҳақидаги тазкираларда зоҳид сифатида тилга олинади, баъзи муаллифлар эса уларни суфийлар қаторига қўшмаганлар ҳам.

Бунинг боиси шуки, зоҳидлар узлат ва тақвони пеша этган бўлишларига қарамай, ишқ ва ирфон (илоҳий маърифат)дан беҳабар кишилар эдилар. Улар фалсафий мушоҳадакорлик, ажзу иродат билан маънавий-ахлоқий ка-

молот сари интилиш, валилик, каромат-мўъжизалар кўрсатиш каби хислатларга эга эмасдилар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш, Куръони Каримда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди. Сўфийлар назарида эса жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам тамаънинг бир кўринишидир. Ҳолбуки, сўфий учун на дунёдан ва на охиратдан тамаъ бўлмаслиги керак. Ягона истак бу - Худонинг дийдоридир, холос.

Машҳур сўфий аёл Робия Адавия (714-801) Аллоҳга муножотларида нола қилиб айтар экан: «Эй Парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаннатинг тамаъида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан кўрқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида куйдир - минг-минг розиман! Аммо агар Сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма!»

Аллоҳ таолога қуруқ, кўр-кўрона мутеликнинг ҳожати йўқ. Худо газабидан кўрқибгина амри маъруфни бажариш садоқат белгиси эмас, балки риёдир. Шунинг учун сўфийлар: Аллоҳни жон-дилдан севиш, Унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафсу ҳирс ғуборидан поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ васлига етишиши ва бундан лаззатланиш ғоясини кенг тарғиб қилдилар. Инсон руҳи илоҳийдир ва, демак, асосий мақсад - илоҳий оламга бориб қўшилмоқдир, дедилар.

Шу тариқа, дунёдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, «бир назар билан тупроқни кимё этадиган» (Ҳофиз Шерозий) зеҳну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мутафаккирлар, файласуфлардан ажралиб турадиган, шариат илмини сув қилиб ичган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдики, уларни руҳ кишилари деб атардилар. Бундай одамларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хориқулудда (одатдан ташқари) сўзлари ва ишлари атрофдагиларни ҳайратга солар, баъзиларининг ғайбдан башорат берувчи кароматлари, сирли фаолиятлари ақллар-

ни лол қолдирарди. Уларни аҳлуллох, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, дарвеш, қаландар, фақир деган номлар билан тилга олардилар. Аммо бу тоифага нисбатан кўпроқ «суфий» номи қўлланилган, чунки ушбу сўзнинг маъноси анча кенг бўлиб, бошқа тушунча ва ата-маларни ўз ичига сиғдирарди.

Хўш, «суфий» сўзи қаердан пайдо бўлган? Бу ҳақда бир неча хил қарашлар бор. Баъзилар бу сўз «саф» сўзидан келиб чиққан дейдилар, чунки суфий Илоҳ йўлига кирганларнинг биринчи сафида турувчидир. Баъзи олимлар уни «суффа» сўзидан ҳосил бўлган деб айтадилар: асҳоби суффа ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликларидаёқ тарки дунё қилган тақводор кишилар бўлиб, суфийлар шуларга тақлид қиладилар, деб тушунтирадилар. Яна бир гуруҳ олимлар “суфий” сўзи «сафо» сўзидан келиб чиққан, чунки бу тоифанинг қалби сидқу сафо офтобидай порлаб туради, деганлар. Яна баъзилар суфий «суфух» сўзидан ясалган, суфух — бирор-бир нарсанинг хулосасидир, бу жамоа халқнинг хулосаси бўлганлиги сабабли уларни суфий деганлар, деб ёзадилар. “Суфий” сўзи «соф» сўзидан чиққан дегувчилар ҳам бор. Абу Райҳон Беруний бўлса «суф», яъни файласуф сўзининг охириги қисмидан ясалган деб кўрсатади. Аммо кўпчилик “суфий” сўзи арабча «суф» сўзидан ҳосил бўлган, деган фикрни билдирадилар. «Суф» сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган матодир. Суфийлар кўп ҳолларда жун чакмон ёки қўй терисидан тикилган пўстин кийиб юришни одат қилганлари учун уларни жун кийимлилар (форсчаси “пашминапўш”), яъни суфий деб юритганлар. Бизнингча, шу кейинги этимологик маъно ҳақиқатга яқинроқдир, зеро, “суфий” сўзининг «суф» сўзидан ясалиши араб тили қонун-қоидаларига мос келади.

Агар «суф» сўзидан “суфий” сўзи ясалган бўлса, ўз навбатида, «суфий»дан, «тасаввуф», «мустасуф», «мутассуф», «мутасаввиф» сўзлари ҳосил бўлган. Мустасуф ўзини суфийларга ўхшатиб, тақлид қилиб юрадиган, аммо

асл мақсади амал-мансаб, молу мулкка интилишдан иборат кишиларга нисбатан ишлатилган сўз бўлса, мутассуф тариқат ва ҳақиқатда муайян манзилларни эгаллаган, бироқ суфий даражасига кўтарила олмаган кишилардир. Қалбан суфиёна ғояларга мойил, тасаввуфни эътиқод — маслак қилиб олган, лекин тариқат амалиётини ўтамаган, расман суфий бўлмаган одамлар эса мутасаввиф ҳисобланганлар. Суфийларнинг ўзини ҳам Хусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» номли асарида уч гуруҳга ажратган: муоширлар, мутарасмлар, муҳаққиқлар. Муоширлар — тариқат аҳлининг мухлислари. Улар дарвешларга муҳаббат билан қарайдилар, дарвешлар суҳбатида иштирак эгадилар, уларнинг хизматларини бажарадилар ва савобга ўзларини шерик деб биладилар. «Мутарасм» сўзининг маъноси “расму русумга эргашувчи” демак, аммо мутарасмлар дарвешларнинг одатларига зоҳиран тақлид қилсаларда, ботинан ҳол талабгоридирлар ва шу тоифага ихлослари туфайли файздан баҳраманддирлар.

Муҳаққиқлар — Ҳаққа етганлар, уларни олий мартабали суфийлар деб таърифлаш мумкин. Ҳақиқий авлиёлар, шайху муршидлар шулар ичидан етишиб чиққан. Бу ўринда муҳаққиқ суфийларнинг нажиб сифатлари хусусида тўхтаб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Авалло шуни таъкидлаш керакки, чин суфий ўзликдан ва фоний дунёдан кечган ва Ҳақ бақосида ўзлигини қайта топган зот бўлиб, суратда банда-ю, маънида озод кишидир. Сурат - ташқи кўринишда банда бўлиш - жисманани Илоҳ тоатига бағишлаш бўлса, маънида озодлик-ботинни барча алоқалардан тозалаб, руҳни ҳур ва пок сақлаш демак. Сўфийга ҳеч бир нарса ва ҳеч бир киши қарам бўлмаслиги; унинг ўзи ҳам ҳеч бир нарсанинг ва ҳеч бир одамнинг қарами бўлмаслиги керак. Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидай:

*Ҳечи мо нею ҳечи мо кам не,
Аз пайи ҳеч-ҳечи мо гам не,
Жанда бар пушту пушт-гўристон,
Рўзе ки мирем ҳеч мотам не.*

Маъноси: Ҳеч нарсамиз бўлмаганлиги учун ҳеч камимиз йўқ, ўша «ҳеч», яъни нарса кетидан қувиб, ҳам ҳам чекмаймиз. Эғнимизда — жанда, орқамизда — гўристон, биз вафот этган кун ҳеч бир мотамнинг кераги йўқ.

Суфийнинг озодлиги деганда тасаввуф аҳли солиқнинг башарий сифатлардан мутлақ қутулиши ва илоҳий фақр сифати бўлмиш пок руҳ кўринишида истиғно олами — Тангри таоло оламининг заруратлари бепоёнлигини тўлиқ (куллан) идрок этишини англаганлар. Суфий яна «сирри соф, ақли етук, муҳаббат аҳлига дил боғлаган» (Кошифий) бўлиши, нафасидан бедардлар қалби бедор бўлмоғи керак. Суфийлар руҳоният билан суҳбат қурадиган, кайҳону фалак асроридан мужда келтирадиган, фақрни ихтиёрий равишда бўйинга олиб, табиий ахлоқни тарк эта бориб, илоҳий ахлоқни касб этувчи, эзгулик йўлида жонини фидо қилувчидирлар, улар борлиқ ва йўқлик, замон ва макондан хориж, азалу абадни бирлаштирган мукаррам зотдирлар.

Бундай кароматли инсонларни халқ азиз авлиё, қудсий нафасли кишилар сифатида алоҳида эъзозлаган. Бу зотлар атрофдагилар онги ва шуурига қаттиқ таъсир ўтказганлар ва маънавият султонлари бўлиб майдонга чиққанлар. Уларнинг сўзи ва ҳаракати, хислати ва ахлоқи ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилган. Жаҳоннинг бутунлиги, ободонлик ва осойишталик Парвардигор файзини етказувчи шу табаррук зотларнинг дуоси, хайрли ишларига вобаста деб қаралган. Шу аснода авлиё-анбиёнинг меросхўри — давомчиси деган ақида шаклланган. Яъни, гарчи Пайгамбари охирзамон Муҳаммад салаллоҳу алайҳи васалламдан кейин Пайгамбар келмаса-да, аммо қутби киром валийлар ҳар замонда пайдо бўлиб, халқни ислом ҳақиқатларига ҳидоят этадилар, тўғри йўлга бошлайдилар. Чунончи, улуғ шоир Хусрав Деҳлавий ўз пири Низомиддин Авлиёни шундай кишилардан деб таъриф этади ва «Матлаъул анвор» достонида бундай ёзади:

*Нури жаҳон аз қадами авлиёст,
Жони назар дар жасади тўтиёст.*

(Кўзнинг равшанлиги тўтиё вужудида бўлганидай, жаҳоннинг нури авлиё қадамидандир).

Алишер Навоий ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдураҳмон Жомийни гарчи Хусрав Дехлавий каби пайгамбар давомчиси деб атамаса-да, лекин уларни «муршиди офоқ», «кошифи асрори Илоҳ», барча ишлардан хабардор кароматли ва пок ниятли зотлар сифатида таъриф-тавсиф этади. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд:

*Мулки жаҳон мазраи дехқони ул,
Балки жаҳон мулки ниғаҳбони ул.*

*Йўқ, мамоликка ниғаҳбон бўлиб,
Барча салотин уза султон бўлиб...*

*Ҳақ сўзин элга қилурда адо,
Тенг кўруниб олида шоҳу гадо.
(«Ҳайрат ул-аброр»дан)*

Бу фақат шоирларнинг ҳаяжонли таъриф-тавсифи эмас, албатта. Буни ўрта асрлар кишисининг тафаккур тарзи ва дунёқарashi ифодаси деб билмоқ керак. Сўфий ва дарвешлар ҳақиқатан ҳам катта нуфуз ва обрўга эга эдилар. Муқтадир шайхларгина эмас, қаландарлар, эшонлар, мажзуб «девоналар», оддий дарвешларни ҳам одамлар ҳурмат қилганлар. Шунинг натижаси ўлароқ, дарвешчилик ҳаракати кенг қулоч ёйган, хонақо удумлари шаклланиб, дарвешлар алоҳида бир тоифа — табақа сифатида жамиятда муҳим ўрин эгаллаган.

Бироқ бу бирданига юзага келган ҳаракат эмас, айтиб ўтганимиздай, тасаввуф ва дарвешлик ҳаракати узоқ тадрижий тарихга эга. Олимлар тасаввуф тарихини дастлаб икки даврга ажратадилар: биринчи — зоҳидлик даври, иккинчиси - орифлик ва ошиқлик даври. Сўфийларнинг ўзини ҳам ориф сўфийлар, зоҳид сўфийлар, ринд сўфийлар, фақир сўфийлар, файласуф сўфийларга ажратиш мумкин.

Зоҳидлик даври сўфийлари (чунончи: Иброҳим Адҳам, Ҳасан Басрий, Абуҳошим Кувфий ва бошқалар) тақво ва парҳезкорликни бош мақсад деб билган бўлсалар, кейинги давр сўфийлари тафаккурий-шуурий ривожланиш — яъни дунёни ва Илоҳни билиш, танишни асосий мақсад деб ҳисоблаганлар. Биринчи даврни тасаввуфнинг ибтидоий даври («аввалги давр») сифатида тилга оладилар. Орифлик даври деб атаганимиз иккинчи давр ҳам (бу IX аср ўрталаридан бошланади) бир неча босқичларга эга. Чунончи, IX-X асрлар — хонақоҳларнинг пайдо бўлиши, тариқат русумларининг шаклланиш даври. XI-XII асрлар — тасаввуф мактаблари, силсилаларнинг таркиб топиш даври. Бунда Миср, Бағдод, Басра, Бухоро, Нишопур, Термиз, Балх шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим ўрин эгаллаган. Натижада, Миср, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ ва Туркистон мактаблари шуҳрат топган.

XIII аср охири - XIV аср бошлари тасаввуф тарихида алоҳида бир маҳсулдор даврдир. Бу даврга келиб, тасаввуф ҳам назарий-илмий, ҳам амалий ҳаракатчилик нуқтаи назаридан ўзининг юксак чўққисига кўтарилган эди. Тасаввуф адабиётининг ривожланиши ҳам шу даврга тўғри келади. Айниқса, Нажмиддин Кубро (1145-1221), Муҳйиддин Ибн Арабий (1165-1240), Яҳъё Сухравардий (1155-1191) сингари мутафаккир шайхлар, Фаридиддин Аттор (ваф. 1220), Аҳмад Яссавий (ваф. 1166), Жалолиддин Румий (1207-1273) каби улуг суфий шоирлар тасаввуф илмининг доирасини кенгайттирдилар, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитдилар. Агар IX-XI асрларда тавҳид асосларини чуқурлаштиришга катта эътибор берилиб, тасаввуфнинг “фано” ва “бақо” каби тушунчалари, Ҳаққа восил бўлиш майли шиддат билан тарғиб қилинган бўлса, XIII аср ўрталаридан бошлаб, тафаккурий-аҳлий йўналиш етакчилик қила бошлади. Бу фалсафий оқим тасавуф тарихида «вахдатул вужуд» номи билан шуҳрат топди. Суфийлар энди коинот тузилиши, одамларнинг хусусиятлари, олам ва одам муносабатлари, ко-

мил инсон тушунчалари билан бош қотирадиган бўлдилар. Натижада, Ибн Арабий ва Жалолоддин Румий каби зотларнинг асарларида бутун бир фалсафий тизим ўз ифодасини топди, улар илоҳий кашфу каромат, руҳий-психологик ҳолатлар, ботиний латифликлар билан бирга реал инсоний ҳаёт ҳақида ҳам кўп ажойиб фикрларни баён этдилар. Шундай қилиб, тасаввуф Шарқ фикрий тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўз ичига қамраб олиб, уни ривожлантирди, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмларини бирлаштирди, илоҳий илмлар билан дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилди. Натижада, тасаввуф Шарқ кишисининг тафаккур тарзи ва ахлоқ меъёрини белгилайдиган ҳодисага айланиб қолди.

Тасаввуф тарихига назар ташлар эканмиз, ислом динидаги мазҳаблар, қарашлар хилма-хиллиги суфийлар ҳаёти ва дунёқарашига ҳам таъсир этиб турганини кўрамиз. Хусусан, сунний ва шиа мазҳаблари орасидаги кураш сезиларли из қолдирган. Эрон олимлари, жумладан, «Тасаввуф истилоҳлари шаҳри» (Техрон, 1347 ҳижрий йили) номли қомус муаллифи Сайид Гуҳарин тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва қарор топишида шиа мазҳаби қарашларининг таъсири борлигини таъкидлайди. Бошқа бир қатор олимлар юнон фалсафаси, қадимги зардуштийлар, ҳинд фалсафий-асотирий қарашларининг ролини кўрсатадилар. Тасаввуф амалиёти ва фалсафасида бу булоқларнинг самарали таъсири бўлиши мумкин. Бу ерда бош-қа нарсани таъкидламоқ керак: биринчидан, исломий тасаввуф ўзи ўзлаштирган жамики нарсаларини ислом руҳида қайта ишлаб, шариатга мувофиқлаштирган. Иккинчидан, биз айтмоқчи бўлган фикр шуки, шиа ва сунний мазҳаблари орасидаги кураш тасаввуф силсилалари йўналишларини белгилаган. Чунончи, тайфурия, суҳравардия, хулулия, фирдавсия каби силсилалар кўпроқ шиачиликка мойил бўлсалар, яссавия, қодирия, нақшбандия сулуқлари сунний мазҳабида мустаҳкам турган тариқатлар эди. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг асосий жидду жаҳди

ҳам тасаввуф ва тариқатни сунний мазҳабига мослаштириш, уни шиачиликка хос жаҳру самоғлардан тозалашдан иборат бўлган. Натижада, нақшбандия сунний мазҳабли аҳоли орасида чуқур ёйилган.

Аmmo Нажмиддин Кубро асослаган кубравия силсила-сида шиа ва сунний мазҳабидаги кишилар бирга таълим олардилар. Чунки улуг шайхнинг ўзлари мазҳаб ва маслакларга эътибор қилмаган. Нажмиддин Кубро вафотидан кейин эса шогирдларининг бир қисми сунний тариқатига (Сайфиддин Бохарзий каби), бир қисми эса шиа асосидаги тариқатларга (Саъдиддин Ҳамавий каби) қўшилиб кетганлар.

Шу каби Жалолоиддин Румий номи билан боғлиқ бўлган мавлавия мазҳаби ҳам сунний йўналишдаги тариқат бўлсада, лекин диний ва мазҳабий айирмалар уларда у қадар аҳамиятли бўлмаган. Бугина эмас, Румий умуман динларнинг ўзини ҳам бир-биридан устун қўймай, уларни Оллоҳ сари олиб борадиган турли йўллар деб қараган.

Тасаввуф тарихи ҳақида гапирар эканмиз, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанддан кейинги даврни ҳам баҳолашимиз лозим бўлади. XV-XVI асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда нақшбандия тўла тантана қилиб, гуллаган давр бўлди. Айниқса, Хожа Аҳрор Валийнинг амалий ва Маҳдуми Аъзам — Аҳмад Хожагоннинг илмий фаолиятлари туфайли нақшбандия мустаҳкамланди, нуфузи ошди ва Ҳиндистон, Арабистон ерларига етиб борди, Туркияга тарқалди.

Нақшбандиядан кейин тасаввуф тарихида бошқа силсила вужудга келган эмас. Эрон ва Ҳиндистонда айрим янги тариқатлар шаклланган, лекин улар шохобчалар бўлиб, тасаввуф учун янги назарий ва амалий йўналиш бермади. Умуман XV асрдан кейин тасаввуфнинг назарий-фалсафий жиҳати сўна бошлади. Маҳдуми Аъзам рисолалари нақшбандия ақидаларини шарҳлаш ва чуқурлаштиришдан иборатдир. Ҳиндистонда бир қадар тафаккурий силжиш бўлган. Жумладан, «вахдатуш шуҳуд», «вахдати мавжуд» оқимларини янги фалсафий оқимлар деб қараш мумкин. Мирзо Бедил ижодига бу қарашларнинг таъсири бор. Яъни унда барча илмларни инсон

шаҳси билан боғлаш, инсон ва унинг руҳини тадқиқ этишга уриниши бўлган. Бироқ, барибир XV асрдан кейинги даврда илгари тўпланган тажрибани ўзлаштириш, таъвил, шарҳу тафсир қилиш ва тарғиб этиш билан шуғулланилди. Шунинг учун энг тоза ва журъатли фикрларни биз IX-XIII асрларда яшаган суфийларда учратамиз. Тасаввуфнинг классик даври ҳам шу даврдир.

Тасаввуф ғояларининг сарчашмалари устида баҳс бўлганидай, биринчи суфийлар ким эди, деган саволга ҳам турли хил жавоблар мавжуд. Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» асарида («Мерос» нашриёти, 1994) келтириладиким, биринчи суфий Одам алайҳиссаломнинг фарзандларидан бири Шиш деган киши эди. У оқ пўстин кийиб юргани учун шу номни олган. Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида биринчи суфий сифатида ҳазрати Пайгамбаримизнинг замондоши ва муҳибби, ғойибона дўсти яманлик Увайс Қараний тилга олинди. Лекин Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳотул унс» асарида биринчи марта эл орасида суфий лақаби билан шуҳрат қозонган киши Абуҳошим Қуфий эканлиги айтилган. Уни Абулҳошим ас-Суфий ал-Қуфий ҳам дейдилар. Жомийнинг ёзишича, Абуҳошим Суфёни Саврий деган бошқа бир атоқли дарвеш билан замондош бўлган экан. Суфёни Саврий ҳижрий 191 (милодий 807) йилда оламдан ўтган. Абуҳошим эса Гуҳариннинг маълумотига қараганда, 788 йилда вафот этган («Шаҳри истилоҳоти тасаввуф», I жилд. Муқаддима, 55-бет). Суфёни Саврий дейди: «Мен Абуҳошимни кўрганимга қадар суфий нима эканини билмас эдим ва унгача ҳам зуҳд ва муомала ва вараъда, таваккул тариқи ва муҳаббат тариқида собит бузургворлар бор эдилар, лекин аввал кишигим уни суфий деб атадилар ул эди ва унгача бирор кишини бу ном билан атамаган эдилар» («Нафаҳотул унс», Тошканд, 1913, 27-бет).

«Абуҳошим насроний роҳиблар каби узун жун кийим кийиб юрар ва ҳамиша тақво билан кун ўтказарди» (Гуҳарин, кўрсатилган асар, 53-бет). Сайид Содиқ Гуҳарин бундан ташқари, Жобир бин Ҳаён (822 йилда вафот эт-

ган) ва Абдак Суфий (821 йилда вафот этган)ларни ҳам дастлабки суфийлар сифатида тилга олади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, тасаввуф аҳли Чор ёри узом Абу Бакр Сиддиқ ва Расулуллоҳнинг яқин саҳобаларидан Салмон Форсий ҳамда Имом Жаъфар Содикни суфийлик ва валийлик хислати кўринган улуг инсонлар сифатида эҳтиром билан тилга оладилар. Мазкур зотлар жувонмардларнинг пирлари сифатида ҳам зикр этилади. Бежиз эмаски, кўп суфийлар ўз шажараларини шу уч зоти шарафга ёхуд уларнинг бирови воситасида Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга олиб бориб боғлайдилар. Чунончи, «Назмул силсила» асари муаллифи Васлий Самарқандий (XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган) ургутлик Эшон Валихон силсиласини ёзар экан, у кишининг суфийлик нисбатини қуйидагича белгилаб чиқади: ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдан Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳуга, ул кишидан Салмон Форсийга, ул жанобдан Имом Жаъфари Қосим розийаллоҳу анҳуга, ул жанобдан Имом Жаъфар Содикқа, ул жанобдан Султон Абуязид Бистомийга, ул жанобдан Абулҳасан Харақонийга, ул жанобдан Хожа Али Формадийга, ул жанобдан Хожа Юсуф Ҳамадонийга, ул жанобдан Хожа Ориф Рефгарийга, ул жанобдан Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийга, ул жанобдан Хожа Али Ромитанийга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийга, ул жанобдан Сайид Амир Кулолга, ул Жанобдан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Алоуддин Атторга, ул жанобдан Яъқуби Чархийга, ул жанобдан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Зоҳидга, ул жанобдан Хожа Дарवेशга, ул жанобдан Хожа Амкангийга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Боқийбиллоҳга, ул жанобдан Хожа Аҳмад Форуқ - Имом Раббонийга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Саидга, ул жанобдан Хожа Абдулаҳадга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Обидга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Мусохонга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Сиддиққа, ул жанобдан Мавлоно Ҳусайнга, ул жанобдан Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳимга, ул жанобдан ҳазрати Эшон Хожа

Валихонга суфийлик нисбати ўтиб келган. Демак, нақшбандия силсиласи Салмон Форсий ва Абу Бакр Сиддиқ разий-аллоҳу анҳумалар орқали Пайғамбаримиз (с.а.в.)га олиб бориб уланган.

Шу зайдда, тасаввуф тарихи ислом тарихи билан бирга ривожланиб, ислом маданияти ва маърифатига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Агар дастлабки пайтларда Куфа, Басра ва Бағдод шаҳарларида саноқли даражада зоҳид суфийлар яшаган бўлса, бора-бора мусулмон оламида шайху машойихлар, суфий дарвешлар, қаландарларнинг сони кўпайди, юқорида айтганимиздай бу ўзига хос бир ҳаракатга айланди. Биргина Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳотул унс минал ҳазаротул қудс» номли китобида 664 та шайху суфийнинг номи зикр этилади. Бу XV асргача яшаб ўтган атоқли суфийлар тазкираси, ваҳоланки улардан кўпларининг номи Жомий китобида зикр этилмаган, Навоий уларнинг бир қисмини «Насойим ул — муҳаббат» асарига киритган. Шулардан юздан ортиқроғи Туронзаминда етишиб чиққан бузургворлар ҳисобланади. XV асрдан кейин ҳам яна қанча азизу авлиё яшаб ўтганлар. Ҳозир ҳам орамизда шундай улуғ инсонлар мавжуд.

Тасаввуфда турли йўналишлар, яъни зоҳидона тасаввуф, орифона тасаввуф, ошиқона ва риндона тасаввуф оқимлари бўлгани каби суфийлар ҳам турли қарашларга эга бўлган ҳар хил табиатли кишилар эдилар. Улар орасида зоҳидлар, муътадил орифлар, исёнкор ошиқлар, мажзуб девоналар, дарбадар қаландарлар, донишманд файласуфларни кўрамыз.

«Мавлоно Жалолиддин, унинг ҳаёти, фалсафаси, асарлари» номли китоб муаллифи, туркиялик олим Абдулбоқий Гўпёнарли суфийларнинг саккиз тоифасини ажратиб кўрсатади. Чунончи:

1. Ҳаёт ва дунё лаззатларига қаттиқ боғланган суфийлар. Улар гуноҳу савоб, исён ва ахборни арзимас, ортиқча деб биладилар. Шаръий амрлар жамият интизоми учундир, бизга у тааллуқли эмас, биз завқу ҳол кишиларимиз, тақводан халосмиз деб ўйлайдилар.

2. Коинотни Парвардигор зоти олами тажаллисининг сурати деб биладиган суфийлар. Улар дунёни нақш ва ранглардан деб билиб, бутун оламни эса Парвардигорнинг зотидан иборат деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Мутлақ Илоҳ дунё суратида тажаллий этибдур ва моҳият Унинг ўзидир. Ошиқ ва Маъшук ҳам Удир, демак, ҳақиқий қибла ҳам Унинг Ўзидир.

3. Ҳамма нарсани Мутлоқ Илоҳ тажаллиси деб билиб, Исога ўхшаб фикр юритадиган ва ўнг юзинга шапати-ласалар, чап юзингни ҳам тут, деган ақидани олға сура-диганлар. Улар зулмга эътироз билдирмайдилар, аммо мазлумларга иложи борича илтифот кўрсатадилар. Улар учун дунё ва унинг ишлари маънисиз, арзимас, инсон бурчини Илоҳни танишдан иборат деб биладилар.

4. Фалсафани, ақлни рад этувчи сўфийлар. Улар хаёл оламига фарқ бўлиб, лоҳут оламидан сўз айтадилар, ўтмишдан ва келажакдан каромат қиладилар. «Ер юзи-дан хабарлари йўқ, аммо осмонни қадамлаб кезиб чиқ-қандай гапирадилар. Оёқлари остидаги қудуқни билмай-дилар, лекин сайёралар сайрию самовий ажойиботлар-дан сўзлайдилар» (Гўпёнарли, ўша китоб, 292-бет).

5. Ўз тасарруфларида фалсафа ва ҳикматни рад эт-моқчи бўлган, лекин аслида суфиёна ақидаларни фалса-фий мушоҳадалар билан синовдан ўтказган, омухта эт-ган суфийлар. Булар орада қолганликлари учун шарият аҳли томонидан ҳам, тариқат аҳли томонидан ҳам мало-матга учраганлар.

6. Тасаввуфнинг нозик ҳақиқатлари, фалсафа ва ҳик-мат билан можароларини сезган ҳолда, аммо шариятдан кўнгил узолмайдиган суфийлар. Улар тариқат одобини шарият аҳкомига сингдириб юборишга интиладилар ва тавҳид илмида мутаассиблар билан бир хил эътиқодда бўлишга уринадилар.

7. Шундай суфийлар ҳам бўлганки, ўзларини замон Пай-ғамбари, кўкдан тушган Маҳди деб эълон қилганлар. Замо-на охир бўлгани, охират ва дунё бирлашгани ҳақида ха-бар берадилар, ўзларини Оллоҳ зотининг ердаги кўриниши,

Буюк адолат даврининг асосчиси деб таништирадилар. Бундай уринишлар тарихда қонли фожеалар билан тугаган.

8. Аросатда, зиддиятлар ичида қолган суфийнамо кишилар ҳам бўлган. Улар на тоза мусулмон, на бутунлай ғайри иймондирлар. Дардлари ичларида, ёниб, қийналиб юрадилар. Бирор динга ёки мазҳабга боғланмайдилар. Аммо уларнинг ботиний олами ниҳоятда бой. Улар ботинларини беркитиб сир сақлаб юрадилар. Уларнинг аъмоли ва сўзларига диққат қилсангиз, зиддиятни кўрасиз. Барча ҳолларда Аллоҳга бандаликни бажо келтирадилар ва айни ҳолда сурату сийратлар, расму русумларни писанд қилмайдилар, ахлоқу илмлари билан барчадан устунликларини намоён этадилар, заковат ва қобилиятлари ҳайратланарлидир...

Тасаввуф ғояларининг тарқалиши, дарвешчилик ҳаракатининг ривож топишига турли пирлар, атоқли шайхларнинг номи билан боғлиқ тариқатларнинг аҳамияти катта бўлган. Тариқат (ёки сулук — йўллар) бир-биридан, аввало, юқорида айтганимиз, исломдаги икки мазҳаб — шиа ёки суннага рағбати билан, иккинчидан, шариатга муносабати билан, учинчидан, муайян тариқат тарқалган аҳолининг қадимий тасаввур-одатлари, маданий даражаси билан ва, ниҳоят, тўртинчидан ҳар бир пири муршиднинг тарбия усули, маъқул деб ҳисоблаган руҳий-маънавий таъсир воситалари билан ўзаро фарқланган. Масалан, Месопотамия ва Эрон, Ҳуросонда тафаккурий-фалсафий йўналиш, Туркия, Африка мамлакатлари, қисман Ҳиндистонда шариатга зич боғланган йўналиш, Мовароуннаҳрда ҳам фалсафий, ҳам шариат измидаги йўналишлар биргаликда ёйилган. Тариқатларнинг сони элликтадан ортиқ. Чунончи, тайфурия, заҳабия, ҳуруфия, ҳалложия, шозалия, жунайдия, суҳравардия, сафария, қодирия, неъматуллоҳия, чиштия, низомия, бектошия, нурбахшия, мавлавия, маломатия, қаландария, маъруфия, фирдавсия, нурия, қушайрия, халватия, адҳамия, аҳмадия ва ҳоказо.

Булардан тайфурия (Тайфур Боязид Бистомий номи билан боғлиқ), ҳакимия (Ҳаким Термизий номи билан боғлиқ), ҳалложия (Мансур Ҳалложга нисбат берилади), суҳравардия (Яҳё Суҳравардий номи билан боғланган) оқимлар кўпроқ назарий томонлари билан маълум. Чунки Бистомий, Ҳаким Термизий, Жунайд Бағдодий ёки Яҳё Суҳравардий махсус хонақо тариқатини тузиб, солик тарбияси билан шуғулланмаганлар. Уларнинг тарафдорлари бор, холос.

Қаландария, маломатия каби оқимлар эса бирор шайх номи билан боғлиқ бўлмаган, алоҳида йўналишлардир.

Марказий Осиёда қуйидаги тариқатлар қадимдан кенг тарқалган: **қодирия**, **яссавия**, **кубравия** ва **нақшбандия** (ёки «хожагон»).

Қодирия тариқати эронлик шайх Абдулқодир Гилоний (1077-1166) номи билан асосланган. У, асосан, Бағдодда яшаб, кароматлар кўрсатиш, илму риёзат билан машҳур бўлган. Сунний мазҳабидадир. Абулқодир Гилоний Жунайд Бағдодийнинг «сахв» (хушёрлик) концепциясини ривожлантирган, у муридлари орасида «Буюк мададкор» (Ғавсул аъзам) номи билан машҳур бўлган. Унинг тариқати ҳозирги Арабистон мамлакатлари, Туркия ва Ўзбекистонда тарқалган. Абдулқодир Гилоний Мовароуннаҳрда бўлган эмас, аммо шунга қарамай унинг тариқатининг Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё томонларда ихлосмандлари ва издошлари бор.

Яссавия. Мазкур тариқат асосчиси Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи халифаси, Туркистон шайх ул-машойихи Хожа Аҳмад Яссавий ҳисобланади. Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Хожа Абдуллоҳ Ғиждувоний таълимоти негизида шаклланган яссавияда “ислом қонун-қоидалари (шариат), тасаввуф маслағи (тариқат), ишқи илоҳий (маърифат), Аллоҳ висолига эришиш (ҳақиқат) кенг тарғиб этилган.”

Яссавия — улуғ шайх ва шоир Хожа Аҳмад Яссавий (вафоти 1166 йил) асослаган тариқат. Шунинг айтиши керакки, яссавия билан нақшбандиянинг илдизи Хожа Яъқуб Юсуф Ҳамадонийга (1048-1140) бориб тақалади.

Аҳмад Яссавий илк устози Арслонбобдан хирқа кийиб, тасаввуф йўлига киргач, Бухорога бориб Ҳамадонийдан тариқат таълимини олади. Абдухолиқ Ғиждувоний билан бирга Ҳамадонийнинг энг ишонган халифасига айланади. Ҳамадоний вафот этгач, унинг ўрнига учинчи бўлиб шайхлик мақомига кўтарилади, аммо кўп ўтмай Бухородаги ишларини биродари Абдухолиқ Ғиждувонийга топшириб, ўз ватани Туркистонга қайтади ва бу ерда янги тариқатни таъсис этади. Унинг кўп сонли муридлари туркий халқлар орасида юриб, тасаввуф ғояларини ёйганлар. Яссавий овоз чиқариб зикр айтиш («зикри жаҳрия») ва кароматлар кўрсатиб мурид тарбиялаш, қилватда суҳбат қилишни йўлга қўйган. Унинг ўзидан кейинги силсиласини қуйидаги шайхлар давом эттирганлар: Сўфи Муҳаммад Донишманд, Сулаймон Боқиргоний, Мансур бин Арслон бобо, Луқмон Паранда, Абдумалик Тожхожа, Исҳоқ бобо, Занги ота бин Абдумалик, Саид Хоразмий, Халил ота, Хожа Бектош Валий, Узун Ҳасан, Садр Хожа, Бадр Хожа, Аҳмад Саййид, Камол Иқоний, Ҳазрати Башир ва бошқалардир.

Яссавия тариқати ҳозирги Марказий Осиё, Туркия ва Россия худудларида тарқалган.

Қубравия. Мовароуннаҳр заминида 13-аср бошларида дунёга келган мазкур тариқат асосчиси Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмий — Нажмиддин Қубро (1145-1221)дир.

Саховат, шафқат, таъмадан холи бўлиш ва муҳтожлар ғамига шериклик — жавонмардлик — қубравиянинг бош шиори ҳисобланади. Тавба, зухд, таваккал, қаноат, узлат, зикр, таважжух, сабр, муроқабба, ризо сингари ўн амалий асосга таянганлиги ҳам унинг ғоят кенг тарқалишига замин яратади.

У кишининг исми Аҳмад, отасининг исми Умар бўлиб, Нажмиддин, Қубро, Валитарош, Абулжанноб сўзлари у кишини шарафловчи куня ва лақаблардир.

У киши Миср, Эрон, Ироқ, Шом мамлакатларини кезиб, турли илмларни эгаллаган. Шайх Рўзбеҳон Ваззон,

Бобо Фараж, Шайх Ёсир Аммор, Шайх Исмоил ал Касрийлардан суфийлик сирини эгаллаб, Хоразмга қайтиб, хонақо қурганлар. Жуда кўп муридлари бўлган. У кишининг назари тушган одам, албатта, илоҳий файзу баракот топар экан. Улуғ шайх шогирдларига илоҳий ҳақиқатлар сирини очиш, поклик ва руҳий-маънавий юксалишни таълим берган. Нажмиддин Кубро бир неча китоблар таълиф этган, уларда инсон ва коинот, инсон руҳияти тадқиқ этилади. Ўзига хос тариқат йўли («усули ашъора» - ўнта усул) баён этилади.

Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши жангда қаҳрамонларча курашиб шаҳид бўлган, қабри Кўҳна Урганчдадир.

Нажмиддин Кубронинг силсиласи: Мажиддин Бағдодий, Сайфиддин Бохарзий, Саъдиддин Ҳамавий, Фариддин Аттор, Разиаддин Ахий Лоло, Нажмиддин Доя, Бадриддин Фирдавсий, Нажмиддин Муҳаммад, Садриддин Иброҳим, Азизиддин Насафий, Шайх Камол Жундий, Нуриддин Абдураҳмон Исфаҳоний, Рукниддин Али ад-Давла ас-Симноний.

Кубравия Эрон, Покистон, Африкада тарқалган, фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония каби ўндан ортиқ шохобчалари бор.

Хожагон-нақшбандия. Тамал топи Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) ва Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний (1103-1179) томонидан қўйилган, кейинчалик Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) хизматлари туфайли энг юксак чўққига эришган жаҳоншумул тариқат.

Нақшбандия Бухорои шарифда шаклланган бўлиб, дунёнинг энг кўп тарқалган тариқатидир. Асосчиси — Баҳоуддин Муҳаммад бин Бурҳон бин Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389). «Нақшбанд», «балогардон» ул зоти шарифнинг муборак сифатларидир. Баҳоуддин Нақшбанд силсиласини юқорида келтирдик. Аммо бу бир бўғинидир. Нақшбандиянинг Ҳиндистон, Малазия, Филиппин, Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Россияда яна кўплаб тармоқ силсилалари бор. Ҳатто Фарбий Европа ва АҚШда тари-

қат тарафдорлари бор. Лекин шуни қайд этиш керакки, хорижда яшовчи «нақшбандий»ларнинг бир қисми асл Нақшбанд тариқатидан узоқлашиб қолганлар. Нақшбанд зикри хафий (сокин зикр) тарафдори, у киши суҳбатни тарбиянинг асосий қуролига айлантириб, хилватнишинликни ҳам, самоу рақсни ҳам қабул қилмаганлар. Балки ботиний оламини ривожлантириш, шариатдан узоқлашмасдан суфийлик мақомини эгаллашни талаб қилдилар. Нақшбанд ҳазратлари амал қилган «сафар дар ватан», «хилват дар анжуман», «ҳуш дар дам», «назар дар қадам», «дил ба Ёру даст ба кор» шиорлари одамни ҳам маънавий юксалишга кўмаклашади, ҳам жамиятда баҳамжиҳат яшаб ўзаро бир-бирига ёрдам бериш, меҳнат, бунёдкорлик билан юртни обод қилишга сафарбар этади.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз тариқатида жаҳрий зикр, самоъ ва хилватга кенг ўрин бермай, янгича услуб қўллайди. Суннатга эътибор бериб, бидъату хурофотлардан йироқлашишга аҳамият беради. Ўз муридига: “Фикҳ ва ҳадис илмини ўрган, жоҳил сўфийлардан йироқ бўл, молинг фикҳ китоблари бўлсин, сени мақтасалар гурурланма, маломат қилсалар ранжима, инсонлардан ҳеч нарса тама қилма, футувват аҳлидан бўл ва Ҳақ таоло сенга нима берса халққа эҳсон қил!”, дея насихат қилиши унинг эътиқодида Хуросон “маломатийлик” тушунчаси ва Мовароуннаҳр диний муҳити жамулжам бўлганлигини кўрсатади. Бу уйғунлашиб, кейинчалик хожагон тариқатининг бош хусусияти сифатида давом этади ва тахминан икки асрдан сўнг нақшбандия тариқатига мерос бўлиб ўтди. Абдулхолиқ Ғиждувоний ва издошларининг тасаввуфий дунёқарашини уч асосий тамойилга ажратиб ўрганиш мумкин: исломий қоидаларга асосланиш, аҳли сунна вал жамоа эътиқодига риоя, “маломатийлик” тушунчасига боғлиқлик.

8-мавзу: Мустақиллик ва дин

Ўзбекистон қадимдан диний таълимотлар ривожланган мамлакат бўлиб, исломдан аввал зардуштийлик ва бошқа ўнлаб динлар, мазҳаблар, оқимлар мавжуд бўлиб келган. Ислом ғалаба қилгандан кейин, у нафақат имон-эътиқодимиз бўлиб қолди, балки миллий маънавиятимиз, миллий одатларимизга ҳам чуқур таъсир этди. Ислом тасаввуф кўринишида Марказий Осиёда маънавий ва гоёвий бирлаштирувчи куч сифатида муҳим аҳамият касб этди. Соҳибқирон Амир Темурнинг сарбадорлар билан бирга муғулларга қарши олиб борган курашида ва ундан кейинги марказий давлат тузиш учун олиб борган қизгин фаолиятида сўфийлар фаол иштирок этган. Тарихдан маълумки, Амир Темур ислом динини ўзига хос равишда, мутаассибликдан холи, эркин эътиқод деб тушунган. Унинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига бўлмаган ва бу жиҳатдан у нафақат ўз асри, балки ҳозирги замон кишиси учун ҳам ибратлидир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакат аҳолисининг маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ислом дини равнақига кенг йўл очиб берилди. Шу каби бошқа дин вакиллари ҳам атеистик тарғибот зуғумидан қутулиб, эмин-эркин равишда диний маросимларини ўтказадиган бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон сиёсатини белгилаб берар экан, динга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини қайта-қайта уқтиради. Юртбошимизнинг таъкидлашича, «Дин турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган. Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда катта аҳамиятга эга».⁸⁹

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18, 31, 57, 61-моддаларида инсонлар учун бошқа эрк ва ҳуқуқлар

⁸⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 79-б.

қаторида виждон эркинлиги, динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик эрки кафолатланган. Давлатимиз дин ва виждон эркинлигига катта эътибор бериб, халқимиз руҳиятига мос келадиган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, покиза ахлоқ белгилари бўлган иффат, ҳаё, ҳалоллик, ростгўйлик каби эзгу фазилатларни ривожлантириш, мустақкамлашни асосий вазифа қилиб қўйди. Бундан ташқари, Конституциямизда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан:

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

31-модда. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Асосий қонунимиз Ўзбекистон фуқаросини миллати, ирқи, жинси ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли деб билади, шунингдек, ўз эътиқодини эркин намоён этиш, ибодат қилиш, урф-одат ва миллий анъаналарини давом эттириш ва уларни ҳурмат қилишни кафолатлайди. Конституцияда белгиланган ушбу қоидалар 1998 йилда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонунда янада кенгроқ ифодасини топди.

Ушбу қонуний ҳужжатларда белгиланган қоидалар дунёвий демократик давлатнинг динга муносабатини акс эттиради. Зеро, Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киририлгандан кейин барпо этилган миллий давлат — бу дунёвий характердаги давлатдир. Бунинг маъноси шуки, давлат дин ишларига, дин эса давлат ишларига аралашмайди. Чунки “давлат”, “ҳокимият”, “сиёсат” тushунчалари асл моҳияти билан дунёвий ҳодисадир. Ҳукмронлик, бошқариш ҳам кундалик жараён билан боғлиқ

бўлган секуляр⁹⁰ характерга эга фаолиятдир. Давлат дунёвий тафаккурга асослансагина, у халқ эҳтиёжига мос келади, демократик характер касб этади ва жамиятни уюштирувчи миллий тараққиётга раҳбарлик этувчи фаол органга айлана олади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Конституциясининг 7 ва 12-моддаларига яна бир бор эътиборга қаратишга зарурат тугилади.

Унинг 7-моддасида таъкидланишича, «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир». Бу қоида, биринчидан, ҳокимиятнинг халқ томонидан сайланиши, халқ вакиллари бошқариши (бирор бир подшо ёки сулола эмас), ҳокимиятнинг халққа таяниши ва ҳисоб беришини англатса, иккинчидан, ҳокимият, ҳукм аллақандай осмондан тушадиган, у танлаб олинган, кимгадир абадий тухфа қилинган («Подшоҳ -Аллоҳнинг ердаги сояси» дегандек) нарса эмас, балки халқнинг иродасидан ҳосил бўладиган ва шу иродани ифодалайдиган нарса эканини ҳам англатади. Демак, ҳукм халқнинг ўзиники, ундан ташқарида эмас. Бу — демократия тамойилларига асосланган дунёвий давлатнинг асосий қоидаси, Ўзбекистон давлати бу қоидага оғишмай амал қилмоқда.

12-моддада ўқиймиз: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Бу ҳам дунёвий давлат табиатидан келиб чиқадиган талаб. Чунки бирор-бир мафкура, у хоҳ сиёсий бўлсин, хоҳ диний бўлсин, давлат мафкурасига айланса, демократия бўғилади, тоталитаризм галаба қилади. Диндаги сакрал тафаккур⁹¹ давлат ишлари, жумладан, ҳокимиятни бошқаришда илоҳийликка таянади ва шу боис ҳам жамиятда хилма-хил қарашлар бўлишини, фаол амалиётнинг йўлини тўсади. Сакрал тафаккур ҳокимиятни

⁹⁰ Секуляр — дунёвий тафаккур тарзини билдирувчи фалсафий атама.

⁹¹ Сакрал — муқаддаслик, илоҳий мутлақлик тафаккури.

илоҳийлаштиради. Дунёвий демократик давлатда эса бунга йўл қўйилмайди.

Дин ўз моҳиятига кўра:

- имон-эътиқод;
- шариат, маросим, амаллар мажмуи;
- муқаддаслик (сакрал) тафаккури;
- ахлоқий-маънавий тарбия;
- диний илмларни ўз ичига олади ва муайян тизимга эга тоталитар (мутлоқ) мафкурани ташкил этади.

Динёвий давлат ўз табиатига кўра:

- демократик тамойилларга;
- секуляр (дунёвий) тафаккурга;
- мафкуралар хилма-хиллигига;
- халқ иродасига таянади ва ҳеч бир мафкуранинг мутлақ устунлигига йўл қўймайди.

Буларнинг ҳаммаси ривожланаётган ҳозирги дунёда дунёвийлик асосида давлат қуриш энг оқилона ва тўғри йўл эканини исботлайди.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонуннинг 5-моддасида таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди». Ҳеч бир динга имтиёз ёки чеклашлар берилмайди, деганда давлатнинг бирон-бир дин тарафида туриб, бошқа динларни таъқиб остига олиш тушунилади. Масалан, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлар бўлишига қарамай, Ўзбекистон давлати Исломни қўллаб-қувватлаб, бошқа динларни таҳқирлаётгани йўқ. Агар шундай қилинса, бундай ҳаракат Конституцияга зид, бошқа диндаги фуқаролар ҳуқуқи чекланган бўларди, демократия принциплари бузиларди. Қонунда яна қайд этилади: «Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилот-

ларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди».

Бунда давлат ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатнинг тўрт жиҳати аниқ белгиланган. Булар:

1. Давлат диний ташкилотларга ҳеч бир вазифа юклаб, уни бажаришни талаб қилмайди.

2. Диний ташкилотларнинг қонунга зид бўлмаган ишларига аралашмайди.

3. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди.

4. Давлат диний ташкилотлар фаолиятини, айти вақтда, атеистик тарғибот фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан:

61-модда. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Мазкур моддада «давлат ўз ишини қилсин, дин ўз ишини» (И.Каримов) қондаси мужассам этилган. Агар давлат диний арбоблар ёки диний ташкилотларга бирор-бир вазифа юклаб, уни бажаришни талаб қилганда эди, у ҳолда у дин ишларига аралашган бўларди. Аммо давлат диний ташкилотларнинг ўз маблағини, мулкани ҳимоя қилиш, уларнинг ибодатхоналарини (масжид, черков, сенагог) қўриқлаш, ибодатларни адо этиш, тартиб-интизомни сақлашда диний ташкилотларга қонун асосда қўмаклашади. Айти вақтда, диндорлар ва улар жамоаларининг қонунга зид фаолияти таққиланади, шунингдек, динга зўрлаб даъват қилиш, ўзини улуғлаб, бошқаларни камситиш, таҳқирлаш, бошқа дин вакилларига зулм ўтказиш ман қилинади. Бундай ҳолларда давлат ушбу жараёнга аралашшига мажбурдир, зеро у барча фуқаролар ҳаётининг осойишталиги, ҳар бир инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиши шарт. Давлат, шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларига маблағ ажратмайди. Аслини олган-

да, диний тарғибот ҳам, атеистик тарғибот ҳам ҳаддидан ошса, ножоиз ҳаракатдир. Давлат, шу билан бирга, вояга етмаган болаларни ота-оналари ва васийлари ихтиёрисиз диний таълимга жалб этишни ман этадики, бу ҳам тўғри йўлдир. Зеро, дин нафақат қалб, балки фикр билан қабул қилинадиган таълимот. Кишиларни муайян ёшга етиб, саводи чикқандан кейин маърифий маънода диний таълимотдан хабардор этиш ўринли ва фойдалидир.

Шунда ҳам у ихтиёрий бўлиши жоиз. Зўрлаб диний таълим беришга уринишлар фожеали оқибатларга олиб келади. Умуман, диний адабиётларни мутолаа қилиш ҳам ҳар бир кишининг ихтиёрий иши, буни зўрлаб амалга ошириш қонунга ҳам, ҳаёт ҳақиқатига ҳам тўғри келмайди.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал тадқиқотида, жумладан, бундай дейилади:

«Ҳозирги кунда Республикада 16 диний конфессия уюшмалари фаолият юритмоқда. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

- ҳам диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг, ҳам уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;

- диндан бузгунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш»⁹².

⁹² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. —Т: «Ўзбекистон», 1997. 43-44 бетлар.

Шу боис Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги тўлиқ амал қилмоқда, кишиларнинг диний туйғулари ҳурмат қилиниб, диний ташкилотлар фаолиятига шарт-шароит яратиб беришдан ташқари, уларни таъқиб этиш, маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди. Қолаверса, бу қонуний кафолатлар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқ келади. Бу моддада ҳар бир инсоннинг эркин фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, яна бундай дейилади: «Дин ёки эътиқодга сифиниш эрки фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлиги, тартиби, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиш мумкин»⁹³.

Маълум бўладики, Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар халқаро тамойиллар ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация талабларига тўлиқ мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар ҳам бунга далилдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлигини ҳамма ерда: ишга қабул қилиш, ўқишга кириш, имтиёзлардан фойдаланишида тўлиқ риоя қилинади, бирор-бир расмий ҳужжатда фуқаронинг динга муносабатини кўрсатишга йўл қўйилмайди. Ҳеч кимнинг ҳуқуқи динга муносабатига қараб чекланмайди. Бу қоида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонуннинг 4-моддасида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда бир неча минг масжид, черков ва бошқа диний ибодатгоҳлар фаолият юритмоқда. Ҳар йили бир неча минг киши муқаддас шаҳарлар - Макка ва Мадинага ҳаж сафарига бориб қайтмоқда. Бу сафарларни ташкил этиш, ҳожиларнинг ҳаж амалини адо этиб, эсон-омон ватанига қайтишни таъминлаш давлат зиммасидадир.

⁹³ Ўша асар. 44-б.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин диний байрамлар — Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кенг миқёсда мунтазам нишонланиб келмоқда. Давлат қўмаги билан қадимий обидалар, қадамжолар обод қилиниб, зиёратгоҳ жойларга айлантирилди.

Буларнинг ҳаммаси, маърифий-маданий ишларда диний кадриятларни истифода этиш, дин фалсафасини чуқур ўрганиб, эзгу хулқ, эзгу сўз ва эзгу амал учун интилиш, ёш авлодга ислом ва унинг негизида шаклланган маънавиятни шу тарзда ўзлаштиришни ўргатиш зарурлигини тақозо этади.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида (1998) “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Шу номда қабул қилинган аввалги қонун (1991 ва 1993 й.) Конституция мазмунини тўлиқ акс эттиролмас, республика ҳаётидаги ўзгаришлардан орқада қолган эди. Бундан ташқари, диний ташкилотларнинг фаолиятини қонунга мувофиқлаштириш, давлат органлари билан муносабатларини тартибга келтириш зарурати ҳам пайдо бўлганди. Шу мулоҳазаларга кўра, қонуннинг янги таҳрири анча тўлдирилди, кенгайди ва унинг моддалари батафсил ва тушунарли қилиб баён этилди.

Янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун 23 моддадан иборат бўлиб, уларда виждон эркинлиги ҳуқуқи, динга муносабат ва фуқаролик ҳуқуқлари тенглиги, давлатнинг диндан ажратилгани, давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан муносабати, дин ва таълим, диний ташкилотларнинг таърифи ва ҳуқуқлари, диний ўқув юртлари, диний ташкилотларни рўйхатга олиш тартиби, диний урф-одат ва маросимлар, диний ташкилотларнинг мулки, давлат мол-

мулкидан фойдаланиш йўллари нашр ишлари ва диний адабиётларни тарқатиш, диний миссионерлик, муртадлиқ (прозелитизм) каби масалаларга муносабат ўз ифодасини топган. Ушбу моддалар фақат давлатнинг динга муносабатини англамайди, балки жамиятнинг динга муносабатини ҳам ифодалайди. Зеро, қонун диний ташкилотларнинг эркин фаолият юритиши баробарида, айрим ноқонуний гуруҳлар, чунончи, жамият осойишталигига хавф соладиган, мамлакатимиз миллий манфаатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларни чеклашни ҳам назарда тутди. Ушбу қонунга кўра, конституцион тузумни ағдарилганда чоғланган ҳамда жамият тинчлигини хавф остида қолдиришга интилувчи яширин диний ташкилотлар ман этилади, “диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди”.

Шу каби терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган диний ҳаракатлар ва жамоалар фаолияти тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан:

57-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузилиши тақиқланади.

Динга бўлган муносабатдаги муҳим жиҳатлардан бири миссионерлик ва прозелитизмдир. Миссионерлик (даъватчилик) “қайта қуриш” йиллари ва ўтган асрнинг 90-йиллари бошида авж олган эди. Бир томондан, хорижий Шарқ мамлакатларидан келган ислом даъватчилари фаолияти, ваҳҳобийлик оқими тарафдорлари фаоллашган бўлса, иккинчи томондан, бошқа динларнинг даъватчилари ҳам маҳаллий аҳолининг турли қатламлари орасида ташвиқот ишларини кучайтирган эди. Бу ташвиқотчи — даъватчиларнинг ҳар бири ўз динини мақтаб, ўзга динни ҳақ дин эмас, дейиш орқали тарафдор қидиради. Иккинчидан, хориждан келган мусулмон даъватчилари бизнинг анъанавий диндорлик расм-русумлар, миллий одатларни назар-писанд қилмасдан, ўзларида шаклланган одатлар, мазҳабларни ўрнатишга интиларди. Улар назарида, Марказий Осиёда шўро замонида ёппасига ҳамма “дахрий”, “кофир” бўлиб кетган эмиш. Ҳолбуки, халқ ўша дахрийлик мафкураси ҳукм сурган шароитда ҳам ўз имон-эътиқодини сақлаб қолган, аждодлари анъаналарини сақлаб келмоқда эди. Шу боис бундай “даъватчилик” ҳаракати аҳолининг ҳақли норозилигига учради ва тезда йўқотилди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда зикр этилган Қонуннинг 5-моддасида бундай деб ёзилади: “Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади”.

Давлат тизимида ишлайдиган ҳар бир ходим, айниқса, раҳбарлик лавозимини эгаллаган шахслар диний ташкилотлар билан муомала қилиш, муносабатга киришганда, албатта, Конституцияда белгиланган виждон эркинлигига оид моддалар ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни пухта билиши шарт.

Зеро, Қонунда белгиланганидек: “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудларда виждон

эркинлигини ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун қонун бўйича жавобгардирлар”.

Бунинг маъноси шуки, маҳаллий раҳбарлар виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунларнинг амалий жорийлаштиришини таъминлашдан ташқари, бу қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг ҳам олдини олишга масъулдирлар. Маҳаллий раҳбарлар диний ташкилотлар билан бевосита алоқага киришини назарда тутсак, табиий савол туғилиши мумкин: бу ҳол давлат диндан, дин давлатдан ажратилган, деган асосий тамойилимизга зид келмайди-ми? Бу саволга “йўқ” деб жавоб берамиз. Чунки маҳаллий раҳбарлар диний ташкилотлар раҳбарларига бирор-бир юмуш юкламайди, улар олдига талаблар қўймайди, балки, биринчидан, диний ташкилотлар ўз фаолиятини қонун доирасида давом эттиришлари учун шарт-шароит яратади, иккинчидан, диндорлар ҳам жамиятнинг бир қисми, тенг ҳуқуқли фуқаро бўлгани учун уларнинг ҳаёти ҳақида гамхўрлик қилади, учинчидан, диний ташкилотлар билан давлат органлари орасида мувофиқлаштириш вазифасини ўтайди, тўртинчидан, раҳбарлар жамият осойишталиги учун жавобгар бўлгани боис ҳар хил экстремистик гуруҳлар бузғунчилигининг олдини олиши лозим. Яъни маҳаллий раҳбарлар давлат органлари диний ташкилотлар билан муносабатда Конституцияга ва тегишли қонунларга риоя этади.

Албатта, давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотларда қонун ижросини назорат қилиб туриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юклатилган. Бу ҳақда ушбу қонуннинг 6-моддасида маҳсус қайд этилган. Бироқ, Дин ишлари бўйича қўмита маҳаллий давлат органлари билан биргаликда иш олиб борадигани, самарали натижаларга эришилади. Маҳаллий ҳокимият вакиллари диний ташкилотлар билан доимий

алоқада бўлмоғи даркор, чунки турли маърифий-маънавий йиғинлар ўтказиш, ахлоқий тарбия масалалари муҳокамаси, миллий ғояни биргаликда кишилар онгига сингдиришда ҳамкорлик бўлиши фойдалидир.

Диний ташкилотларнинг хорижий мамлакатдаги диндорлар, диний арбоблар ва диний муассасалар билан алоқаси ҳам Дин ишлари бўйича қўмита орқали амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўнлаб хорижий ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Мусулмон мамлакатларидан келган давлат арбоблари, атоқли дин уламолари, сайёҳлар Ўзбекистондаги қадамжо ва зиёратгоҳларни (Имом Бухорий мажмуи, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси, Шоҳи зинда ва бошқалар)ни зиёрат қилар экан, албатта, диний идора ходимлари улар билан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистонга ташриф буюрган меҳмонлар бу ердаги маънавий юксалиш, жумладан, исломий қадриятларнинг эъзозланганини ўз кўзлари билан кўриб, хурсанд бўлмоқда. Нафақат ислом динига оид ташкилотлар, балки бошқа динларга оид ташкилотлар ҳам қонун доирасида бемалол хориждаги диндошлари билан алоқа қилиш имконияти эга бўлмоқда.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, диний ташкилотлар бошқа нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқарувчи ноҳукумат ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилиб келади. Айниқса, маҳаллаларнинг масжидлар билан алоқаси самарали кечмоқда, десак бўлади. Қайд этмоқ жоизки, маҳалладаги аксар оқсоқоллар, кўзга кўринган мўйсафидлар намозхон сифатида масжиднинг қатновчиси, айти вақтда, улар маҳаллаларнинг турли муаммоларни ижобий ҳал қилишда фаол иштирок этади. Маҳаллалардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Аҳоли ана шу тарзда ҳам диний, ҳам дунёвий масалаларни биргаликда ҳал қилиб келмоқда. Бу жамиятимиздаги ижобий ҳодиса, албатта.

Диний муассаса ва ташкилотларга ҳар хил диний жамият ёки жамоалар, диний ўқув юртлари, масжидлар,

черковлар, монастирлар, сенагоглар ва бошқа шунга ўхшаш ибодатхоналар киради. Қонунга кўра, бу ташкилотлар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтмаган диний ташкилот фаолият юритиши мумкин эмас. Диний ташкилот тузиш учун (жумладан янги масжид ёки черков очиш): 1) юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республкаси фуқароси имзолаган ариза; 2) диний ташкилот низоми; 3) таъсис йиғилишининг баённомаси; 4) тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат; 5) диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг низоми; 6) таъсис йиғилиши баённомаси ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши керак.

Диний ташкилотлар бирлашиб, марказий бошқарув органини тузишга ҳақли. Чунончи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Ўзбекистондаги жамики исломий ташкилотларнинг марказий бошқарув органи ҳисобланади. Марказий орган раҳбари (раиси) раёсат томонидан сайланади ва унга муфти унвони берилади.

Қонунга кўра, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республкаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларни рўйхатга олиш эса Қорақалпоғистон Республкаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республкаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистонда таълим диндан ажратилган. Таълим тизимининг бирор бўғинида диний дарслар мажбуран киритилмайди, аммо диндан хабардор бўлишни хоҳлаган одамлар ихтиёрий равишда ўрганиши, диний ўқув юртларига кириб, билимларини ошириши мумкин. Ўзбекистонда бир неча диний ўқув юртлари (мадраса, маҳад, семинарий) фаолият кўрсатмоқда. Диний ўқув юртига кирувчилар ўрта маълумотга эга бўлиши шарт. Диний ўқув юртларини битирганлар диний ташкилотларда хизмат қилади.

Тошкент ислом маҳадини битирган талабаларнинг дипломи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилги Қарори билан бошқа дунёвий олий ўқув юртларининг бакалавриат мақомига тенглаштирилди. Энди улар ўз билимларини янада ошириш имконига эга бўлди. Бу ҳам ҳукуматимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан далолатдир.

Бундан ташқари, Юртбошимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши ҳам ёшларга нисбатан ғамхўрликнинг яна бир ёрқин тимсолидир (2000 й.). Мазкур университет бутунлай янги типдаги ўқув масканидир. Унда диний илмлар билан баробар дунёвий илмлар ҳам ўрганилади. Талабалар Қуръон ва ҳадисларни, калом илми ва тасаввуфни ўрганади. Шу билан бирга, бу даргоҳда фалсафа, иқтисодиёт, тарих, инглиз, араб тиллари, замонавий информатика асосларидан пухта билим олади. Университет қошидаги гимназия ва лицей ҳам шу йўналишда таълим бериб, улуғ аждодларимизнинг ислом илми ривожига қўшган ҳиссасидан бохабар бўлади. Хуллас, бу университетда таҳсил олган талаба замонавий мутахассис бўлиб етишади ва дин асосларини ўзлаштириб, қадимги манбалардан бемалол фойдалана олади.

Кўришиб турибдики, бу борада Президент Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган изчил ва одилона сиёсат ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Биринчидан, демократик жамият қуриш тамойилларига мос равишда динга нисбатан тўғри муносабат белгилаб олинди. Бу сиёсат бозор иқтисодиётининг ҳаётга жорий этилиши, ижтимоий, маънавий-маданий тараққиёт ўзанига батамом мос келади ва давлатнинг дунёвийлик хусусиятини тўла-тўқис таъминлайди.

Иккинчидан, давлатнинг диндан, диннинг давлатдан ажратилгани виждон эркинлиги тамойилига зид эмас. Аксинча, айнан шундай муносабат фуқаролик жамиятига мувофиқ эканини ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқламоқда.

Учинчидан, диний эътиқодни ҳар кимнинг ўз хусусий иши деб эълон қилган давлат айни вақтда фуқаролар

тинчлиги, мамлакат осойишталиги, миллий хавфсизликни таъминлаш учун барча чораларни кўради, жумладан, диндорларни экстремист террористларнинг хуружидан ҳимоя қилади. Бу тамойил диннинг сиёсатлашувига йўл қўймади, сиёсат — дунёвий ҳодиса, дин эса — руҳият тарбияси, маънавий соҳа эканини ажратиб кўрсатади.

Ва ниҳоят, **тўртинчидан**, бундай сиёсат диннинг ўзига ҳам ривожланиш имкониятини яратди, маданий-маърифий диндорлик аҳоли тафаккурида тобора чуқурроқ ўрнашиб боради. Бу яна турли динлар ва мазҳаблар, илмларнинг ўзаро яқинлашуви, улар ўртасида баҳамжиҳатлик муҳитини вужудга келтирадики, бу ҳақда ҳали батафсил сўз юритамиз.

Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари

Миссионерлик (лот. юбориш, топшириқ) — бирор динни ўз юртидаги ёки ўзга юртлардаги гайридинлар ўртасида тарқатиш соҳасидаги черков ташкилотларининг фаолияти. Миссионерлик босқинчилик урушлари даврида мустамлакачи империяларни барпо этиш ва мустаҳкамлашда идеологик экспансия турларидан бири бўлган. Миссионерлар ошкора ёки махфий равишда Америка, Осиё, Африка халқларини забт этишда қатнашганлар. Иезуитлар, францискчилар, бенедиктчилар, доминикочилар ва бошқаларнинг католик жамоалари миссионерлик билан шуғулланганлар. 1622 йилда ташкил топган Диний тарғибот конгрегацияси (1968 йилдан Халқларни Инжилга эътиқод қилдириш конгрегациясига айланган) католик миссионерларга раҳбарлик қилган. Миссионерлар амалда маърифат тарқатиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини монополиялаштириб олганлар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин миссионерлик янги мустамлакачиликни тарғиб қила бошлади. Рим папаси Пий XII нинг «Фидеи Донум» (1957), Иоанн XXIII нинг «Принцепс посторум» (1959), Павел VI нинг «Популорум прогрессию»

(1967) энцикликалари (номалари) миссионерликка бағишланган. II Ватикан соборида (1962-65) миссионерлик масалалари муҳокама қилиниб, у ҳақида декрет тасдиқланган. Миссионерлар Осиё, Африка мамлакатларида католик черковининг нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий руҳоний кадрлар тайёрлашга эътибор бера бошладилар. 1978 йилдаги конклавларда Африкадан 12 кардинал, Осиёдан 9 кардинал иштирок этди. Қатор миссионерлик ташкилотларига эга бўлган протестант черковлари ҳам миссионерлик билан шуғулланади. Протестантларнинг (баптизм, адвентизм ва бошқалар) уюшмалари умумжаҳон руҳонийлиги принципига амал қилиб, ҳар бир диндордан миссионерлик қилишни талаб этади.

Прозелизм (бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар) — жиддий эътибор талаб этадиган масалалардан бўлиб, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга олиб келувчи омиллардандир. Миссионерларнинг ноқонуний фаолияти динлараро ва миллатлараро низолар, туб. миллат вакиллари оилаларидаги келишмовчиликларнинг авж олиши, маҳаллалардаги мусулмон динига мансуб аҳолида бошқа дин вакилларига нисбатан салбий ҳиссиётларнинг шаклланиши каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Республикада фаолият кўрсатаётган ноисломий диний ташкилот вакилларининг миссионерлик ва прозелитизм билан боғлиқ ишларига барҳам бериш учун Адлия вазирлиги ва Дин ишлари бўйича қўмита диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқмоқдалар. Ўзбекистон мусулмонлари идораси маънавий ва моддий эътиборга муҳтож бўлганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида хайрия фаолиятини кучайтириш, масжидларни юқори малакали имомлар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда.

Ёшларда миссионерлик ҳамда турли диний оқимлар таълимоти ҳақида муайян билимни шакллантириш мақсадида бошланғич, ўрта махсус ва олий таълим тизими-

нинг барча босқичларида жаҳондаги динлар, виждон эркинлигига оид халқаро ҳужжатларнинг моҳияти тўғрисида холис маълумот берувчи қўлланмалар яратиб, чоп этилмоқда. Аҳолининг турли миллат ва динга мансуб табақалари, хусусан, ёшлар орасида бағрикенглик руҳидаги мулоқотлар, давра суҳбатлари, баҳслар ва мунозаралар ташкил қилиш, оммавий ахборот воситалари томонидан турли динларнинг тарихи, байрамлари, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни тўғрисида объектив маълумотлар бериб бориш ҳам бугунги кунда миссионерлик билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Миссионерлик жамиятлари — протестант черковларининг бошқа динга мансуб аҳоли ўртасида христианлик ғояларини тарқатиш билан шуғулланадиган ташкилотларидир. Дастлабки ташкилотлардан бири — Лондон миссионерлик жамияти 1795 йилда тузилган. 1797 йилда Англикан черковининг миссионерлик жамияти, 1792 йилда Нидерланд миссионерлик жамияти тузилди, Шимолий Америкада тузилган кичик миссионерлик жамиятлари индеецларни инжиллаштириш билан шуғулланди. 1910 йили Эдинбург (Шотландия) да протестант миссионерларининг халқаро конгресси бўлиб ўтди, унда Буюк Британия, Америка, Европа миссионерлик жамиятларининг ишларини координациялаш масаласи кўрилди. Конгресс Халқаро миссионерлик кенгашини таъсис этди. Фарбий Европанинг кўпчилик мамлакатларида ҳам миссионерлик жамиятлари ташкил топди. 1823 йилда Парижда Инжилни тарқатиш миссионерлик жамияти ташкил этилди. 1815 йилда очилган Базель Инжилни тарқатиш миссионерлик жамияти Ҳиндистон, Хитой, Эронда иш олиб борди. 1824 йилда Берлин миссионерлик жамияти ташкил топди.

Диний миссия — 1) черков талқинида — элчилик, топшириқларни бажариш, муайян динни бошқа диний эътиқоддаги кишилар орасида тарқатиш, 2) миссионерлар қароргоҳи, одатда унинг ҳудудида черков, кичик бутхона ёки масжид, миссионер-монахлар ётоқхонаси, мактаб-интернат жойлашган бўлади. Осиё, Африка ва Ла-

тин Америкаси мамлакатларида иш олиб бораётган кўп сонли миссияларнинг католик черкови ва бошқа христианлик черковлари бор. Мусулмон ташкилотлари ҳам диний миссияга эга.

Миссионерлик, асосан, христианликка нисбатан ишлатилса-да, кейинчалик бошқа динлардаги тарғибот ишларига нисбатан ҳам бу атама қўллана бошлади.

Ҳозирги даврдаги миссионер ташкилотлар. Ҳозирги даврда фаолият олиб бораётган миссионерлик жамиятларидан бири «Шарқдаги нур» («Свет на востоке») миссионерлик иттифоқи бўлиб, у 1974 йилдан бошлаб ўзининг «Дин ва ҳаёт» («Вера и жизнь») номли журналини чиқаради. Мазкур журнал ўқувчиларнинг хайриялари ҳисобидан молиявий таъминланиб, барча хоҳловчиларга юбориб турилади. У йилига олти марта юз мингта атрофида нусхада чоп этилади. Бу журнал Россиянинг Матбуот ва ахборот вазирлиги томонидан расман рўйхатдан ўтказилган. «Дин ва ҳаёт» журнали Россиядан ташқари Белорусия, Германия, Латвия, Литва, Молдова, Украина, Қозғистонда ўзининг марказларига эга.

XIX асрнинг 70-йилларида АҚШда вужудга келган «Иегова шоҳидлари» номли христиан диний ташкилоти ҳам жаҳоннинг турли мамлакатларида ўзининг 95 филиалига эга. Асосан, актив миссионерлик фаолиятини амалга оширувчи бу ташкилот қатъий марказлашган бўлиб, унинг президенти чекланмаган ҳокимиятга эга. Юқоридан пастга кўрсатмалар ва адабиётлар, пастдан юқорига эса, ҳисоботлар ва пуллар юбориб турилади. Иегова шоҳидлари ўзининг матбуот органига эга. («Посбон минора», «Посбонликда», «Уйгон» ва ҳ.к.) Ташкилот адабиётлари жаҳон халқларининг 163 тилида нашр этилади. Биргина «Посбон минора» («Сторожевая башня») журнали 126 тилда чиқади.

Миссионерлик ва қонун. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги қонунан кафолатланган. Ҳар бир фуқаро хоҳлаган динига эътиқод қилиши мумкин. Давлат ва диний ташкилотлар бир-биридан ажратилган. Шу билан

бирга, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик, тотувлик ва дахлсизликни таъминлаш мақсадида прозелитизм (бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар) ва ҳар қандай миссионерлик фаолияти қонунан ман этилган. Ушбу қоида-нинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун олдида жавобгарликка тортиладилар.

Ноанъанавий диний тизимлар. Охирги юз йилликлар ичида, яъни XIX-XX асрларда олдинчилари билан қоришган янги динлар пайдо бўлди.

Улардан бир қанчаси Японияда пайдо бўлган. Ушбу динлардан бири бу — «Тенри»дир. «Тенри» сўзи японча «самовий ақл» деганидир. Унга икки млн. киши эътиқод қилади, у синтоизм асосида XIX асрнинг 30-йилларида вужудга келган. Ҳозирги пайтгача айрим тадқиқотчилар уни синтоистик сектанинг бири деб ҳисоблайдилар.

Бундан ташқари, Кореяда ҳам синкретик дин ва секталар пайдо бўлди. Уларнинг ичида энг қадимги — чхондогё бўлиб, 1860 йилда ташкил топган ва икки ярим млн. тарафдорлари мавжуд. Шунигдек, янги динлар Вьетнамда ҳам бор. Бу каодай (Каодай руҳи номи билан аталган бўлиб, вьетнам тилида «олий қаср» маъносини билдиради) дини бўлиб, 1919 йилда ташкил топган. У буддизм ва христианликнинг қоришуви, конфуцийчилик ва даосизмнинг таъсири остида пайдо бўлиб, унинг тарафдорлари 2 млн. га етади.

Янги динлар фақат Осиё давлатларида эмас, балки Америка ва Европа давлатларида ҳам пайдо бўлди. XX асрнинг ўрталарида АҚШда «саентология» черкови ташкил топди. Ҳозирги вақтда бу йўналишга дунёнинг юздан ортиқ мамлакатида 8 млн. га яқин киши эътиқод қилади. Унинг асосий қарашлари кишиларга изотерик илмлар бериш ва шу орқали одамни руҳий соғломлаштириш ишларида намоён бўлади.

Янги динларга эътиқод қилувчиларнинг умумий сони 112 млн. кишидан ортиқ. Кўпинча «Янги дин» термини бир қатор маргинал протестантик деноминацияларни (мормонлар, мунистлар ва ҳатто иеговистлар ҳам), метабуддист

секталарни (Нитирэн сёсю, Рей ю кай, Риссё косей кай), хиндуий бўлмаган секталарни (Трансцендентал медитация, Ананда марг, Брахма Кумарис, Илоҳий кучнинг топпириги, Халқаро кришнаит жамияти ва ҳ.к.) англатади.

Бобийлик 1844 йилда Мирзо Али Муҳаммад Ризо аш-Шерозий (1819-1850) томонидан шиаликдаги Шайхия фирқаси заминида асос солинган ҳаракатдир.

Баҳойлик Баҳоуллоҳ Мирзо Хусайн Али Нурий (1817-1892) томонидан асос солинган диндир. Баҳоуллоҳ 1852 йилда Ироқда ўзини бобнинг ишини давом эттирувчи, Худодан ваҳий олган Маҳдий деб эълон қилди. 1858 йилда Бағдодда «Китоб-и иқон» («Ишонч китоби») асарини ёзди.

Баҳойлар Эронда сақланган бўлса-да, кейинчалик Европа ва Америкада ҳам ёйилди. Уларнинг асосий марказлари Германия, АҚШ, Панамада жойлашган бўлиб, марказий қароргоҳлари эса Исроилдаги Хайфа шаҳридадир.

1998 йилга келиб дунёнинг турли мамлакатларида баҳойларнинг 175 та миллий ва 17867 та маҳаллий жамоалари фаолият кўрсатаётгани қайд этилган.

Ўзбекистонда диний конфессиялар фаолияти ва диний бағрикенглик

Виждон эркинлигининг қонун асосида мустақамланганлиги фуқаролик жамиятининг муҳим талаби экан, демак, турли динга эътиқод қўйган одамларнинг баҳамжиҳат яшаши, биргаликда меҳнат қилиши, бир-бирига ҳақлик беради, ўзаро ҳурмат-эҳтиромда бўлиши шу жамиятнинг хусусиятига айланиши керак. Бунда фуқаролик туйғуси барча қолган туйғулардан баланд бўлиб, у аҳолининг турли-туман қатламлари, турли қарашдаги кишиларни бирлаштиради. Бошқача айтганда, давлатнинг демократия тамойилларга асосланганлиги, дунёвийлиги диний бағрикенглик (толерантлик) учун имконият яратди, динлараро сабр-тоқатлилик, баҳамжиҳатлик учун шарт-шароит вужудга келтиради. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида таъ-

кидланишича, “Динлараро бағрикенглик хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб гоё ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади”⁹⁴.

Бу ҳол диний бағрикенглик миллий истиқлол гоёсининг асосий тамойилларидан бири эканини англатади. Шўролар тузуми даврида ҳам “виждон” эркинлиги ҳақида гапирлар, ҳатто собиқ Иттифоқ Конституциясида алоҳида модда билан белгилаб қўйилган эди. Аммо тоталитар мафкура ҳеч қандай эркинликни тан олмагани боис зўр бериб атеистик тарғибот олиб борилар, диндорларнинг ўз ибодат маросимларини ўтказишга турли йўллар билан тўсқинлик қилинар, таъқиб-таъйиқ авжида эди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, бу ҳаракатга барҳам берилди, барча дин вакиллари ўзлари хоҳлаганча тоат-ибодатларини эмин-эркин адо этиш имконига эга бўлди. Айни вақтда, динлараро низолар, бир-бирини камситиш, тарафкашлик, мутассибларча мазҳабпарастликка ҳам йўл қўйилмайди. Шу боис Ватанимизда турли диний конфессиялар бемалол фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўн олтига диний конфессия фаолият юритмоқда. Жами 2203 та диний ташкилот, жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, Рим католик черкови, Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон Библия жамияти, 1906 та масжид, 163 та христиан черкови, 8 та яҳудийлар жамоаси, 6 та баҳойлар жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти ва 12 та диний ўқув юрти (1 та ислом маҳади, 10 та мадраса, 1 та православ ва 1 та тўлиқ Инжил христианлари семинариyasi) давлат рўйхатидан ўтган.

Динлараро бағрикенглик билан бирга, ҳар бир дин ичидаги оқим ва мазҳаблар орасидаги бағрикенглик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

⁹⁴ Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 60-б.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрир) Қонуннинг бешинчи моддасида диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик қўллаб-қувватланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига қўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарам-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоида-нинг бузилишига айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Чунки жаҳон динлари ичида кўплаб оқимлар, йўналишлар бор. Масалан, исломнинг ўзида 73 та ҳар хил мазҳаб ва оқимлар фаолият юритади. Чунончи, суннийлик, шиалик, рофизия, исмоилия, жабария, хорижия, қадария, жаҳимия, муржия ва ҳоказо. Булар орасида, айниқса, сунний мазҳабдаги кишилар кўпчиликини ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонларининг аксарият қисми “аҳли сунна ва жамоа” мазҳабига мансуб. Ироқ, Эрон, Йордания, қисман Марказий Осиё мамлакатларида суннийлар билан бирга, шиалар ҳам истиқомат қилади. Бу икки оқим тарафдорлари орасида тарихда бир неча бор қонли тўқнашувлар бўлган. Аммо бу низолар замирида сиёсий мақсадлар, тахт талашини ва ер-мулкка эғалик қилиш иддаолари ётганини унутмаслик керак.

Суннийлар пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) суннати, ислом шариати талабларини бажарувчи кишилардир. Улар Пайгамбар (с.а.в.)дан кейин ҳукмронлик қилган халифалар Абубакр, Умар, Усмон ва Алини бирдек тан олади, уларни пайгамбарнинг “чор ёри”, “хулафои рошидин” (тўғри йўлдан юрган ўринбосарлар) деб эъзозлайди. Аммо шиалар пайгамбардан кейин келган уч халифа — Абубакр, Умар ва Усмонни тан олмайди. Уларнинг фикрича, халифа пайгамбар хонадонидан, яъни Ҳазрат Али бўлиши керак эди, чунки у Муҳаммадга (с.а.в) ҳам куёв, ҳам амакивачча эди. Шунга кўра, шиалар Али тарафдорлари сифатида майдонга чиқади. Алининг тахтдан маҳрум қилиниши, кейин ўлдирилиши, унинг икки ўғли Имом Ҳасан ва Имом Хусайннинг Қарбало урушида қатл этилиши Али тарафдорларини ғазаблантиради. Улар тахтни эгаллаган Уммавийларга (суннийлар) қарши бир неча бор урушиб кўрган бўлса-да, аммо натижага эриша олмаган. Кейинчалик шиаларнинг (шиа — гуруҳ, партия дегани) мазҳаби турли оқимларга бўлиниб кетади.

Суннийлар ҳам фикҳий-шаръий масалалар ечими юзасидан тўртта имом - Имом Абу Ҳанифа (699-767), Имом Молик ибн Анас (713-795), Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (780-855), Имом Муҳаммад Шофеъийга эргашади (ваф. 820). Ўзбекистонда Имом Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам) асослаган ҳанафия мазҳаби кенг тарқалган. Аммо юртимизда бошқа мазҳабларга эргашувчилар, шунингдек, оз сонли бўлса-да, шиалар ҳам яшаб келади.

Христианлик ҳам ўз тараққиёти даврида католиклик, православие, протестантизм йўналишларига, шунингдек, баптистлар адвентистлар, иеговистлар каби оқимларга, ҳамда молоканлик, староверлик (эски удумчилик), духоборлар, мормонлар сингари мазҳаб ва фирқаларга бўлиниб кетган.

Христианликнинг йўналишларидан биринчиси католицизм (юнонча маъноси — “умумжаҳон”, “умумий”, “асосий”) христианликда православие ва протестантизм каби кенг тарқалган асосий йўналишлардан биридир.

Православие бу диндаги уч асосий мазҳабдан иккинчиси.

Ғарбий Рим империяси кулаганидан кейин 1054 йилда христиан дини икки асосий черковга - католик (ғарбий) черковига ва православие (шарқий) черковига бўлиниб кетади. Православие дастлаб Византия империясининг давлат дини бўлган. Константинополь патриархи Рим папасидан ўрناق олиб, бутун православие черковининг раҳбари бўлиб олиш учун курашган. Православие черковидан бири бўлган Русь черкови дастлабки вақтларда Константинополь патриархи томонидан тайинланган. Аммо 1598 йилда Русь митрополитлиги Русь патриархлигига айлантирилган. Москва ва Бутун Русь патриархи деган унвон берилиб, Русь черкови Константинополь черкови билан тенглаштирилган.

Христианликдаги уч асосий мазҳаблардан яна бири протестантизм XVI асрда пайдо бўлган.

1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютеранчи (Лютер-протестантизм назариётчиси) князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга экани тўғрисида қарор қабул қилади. Аммо 1529 йилда II Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилади. Бунга қарши империянинг бир қанча шаҳарлари ва беш нафар князь “протест” - норозилик билдиради. “Протестантизм” атамаси шу сўздан келиб чиққан.

Протестантизм христианликни анча енгиллаштирилган кўринишидир, чунки унда бир қанча расм-русумлар бекор қилиниб, диндорга эркин ибодат қилиш ҳуқуқи берилган.

Баптизм (юнон. “сув билан чўқинтириш”) – протестантикнинг муҳим оқимларидан бири бўлиб, дастлаб англикан черкови таъқибидан Голландияга қочиб борган инглиз муҳожирлари орасида 1609 йилда Голландияда вужудга келган. Баптизм 1612 йилда Англияда, 1639 йилда Шимоллий Америкада пайдо бўлди. 1611 йилда — Амстердам ва Голландияда яшаб турган инглизларнинг диний баённомасида ана шу янги таълимот таърифлаб берилган.

Староверлар, старообрядчество (эски удумлар, эски диний удум, маросим ва урф-одатларга амал қилувчилар) — Рус православ черковининг 17-асрнинг иккинчи ярмида патриарх Никон ўтказган черков ислохотини қабул қилишдан бош тортган диний оқим вакиллари.

XIX асрнинг 70-йиллари Ўрта Осиё минтақасига, православие билан бир қаторда, бошқа оқимларнинг тарафдорлари ҳам кириб кела бошлади. Улар ортидан турли секталарга мансуб диндорлар, масалан, баптистлар, адвентистлар, католиклар ва бошқалар ҳам пайдо бўлди. 1879 йил 27 мартда Россия императорининг махсус қонуни эълон қилинган, бу жараён янада фаоллашади. Россия армияси томонидан Биринчи жаҳон урушида асир олинган немис, поляк, эстон, швед, литвалик, латиш ва бошқа ғарбий европалик аскарларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши улар эътиқод қиладиган дин ёки оқимнинг кириб келишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, европалик асирлар орасида диний жамоалар тузиш ҳамда черковлар пайдо бўлишига олиб келди. Хорижликларнинг бундай фаолияти асримизнинг тахминан 20-30-йилларига қадар давом этди. XX аср бошларига келиб Туркистон генерал-губернаторлигида 6,03 миллион мусулмонга 391 минг православ ёки 5340 масжидга 306 черков тўғри келган. Бундан ташқари, эътиқод жиҳатидан 10,1 минг православ оқимига мансуб старообрядчилар, 8,2 минг лютеранлар, 7,8 минг католиклар, 26 минг яҳудий динига ва 17,1 мингта яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар бўлган.

Православ йўналиши Ўзбекистон ҳудудига Россия орқали кириб келган. 1871 йил 4 майда Россия императори томонидан Тошкентда Туркистон (ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Тошкент) епархиясини очиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Христианликнинг Ўзбекистонда тарқалган оқимларидан бири католицизмдир. Айрим маълумотларга кўра, XIX аср охирларида Тошкентда 2300га яқин католик истиқомат қилган. Ўша вақтда рим католиклари жамоаларига Юстин Пранайтис раҳбарлик қилган. Тошкентда биринчи католик чер-

кови 1917 йилда қуриб битказилган. Ҳозирги вақтда бу бино тарихий обида сифатида қайта таъмирланди.

Ватикан давлати Ўзбекистоннинг мустақиллигини 1992 йил 1 февралда тан олиб, шу йилнинг 17 октябрь куни дипломатик алоқалар ўрнатди. 1994 йил 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ватикан давлатининг нунций элчиси Мариан Олесдан Иоанн-Павел Иккинчининг ишонч ёрлиғини қабул қилди. Шундан сўнг Ватиканнинг Тошкентдаги элчихонаси расман ўз ишини бошлади. М.Олеснинг қароргоҳи Қозоғистоннинг собиқ пойтахти Алматида бўлгани сабабли Тошкентдаги элчихона раҳбарлигини ҳозирги вақтга қадар К.Кукулка бажариб келмоқда.

Юртимизда фаолият олиб бораётган Арман апостол черкови энг қадимий христиан черковларидан бири бўлиб, унинг «Эчмиадзин» журнали ҳамда махсус диний ўқув юрти мавжуд. Киликия католикосати, Қуддус ва Константинополь патриархатликлари, АҚШ, Жанубий Америка, Европа, Яқин, Ўрта ва Узоқ Шарқдаги епархия бошқармалари Эчмиадзин католикосатига бўйсунди.

Кейинги ўн йилликда маҳаллий корейс миллатига мансуб шахслар орасида протестантизм йўналишига қизиқиш ортди. Бунга, бир томондан корейсларнинг ўз қариндош-уруғлари билан дийдор кўришиш ва бошқа мақсадларда Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларга бориб келиши омил бўлди. Хорижда улар маълум бир диний оқим таъсирига тушиб, Ўзбекистондаги яқинларига ҳам мазкур оқим таълимотларини тарғиб қила бошлади. Шунингдек, Жанубий Корея ва АҚШлик корейс миллатига мансуб кишилар ҳам катта моддий маблағга эга бўлган протестантизм йўналиши марказлари ҳисобига маҳаллий корейс миллати вакиллари орасида миссионерлик фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистондаги корейс протестант черковларининг деярли барчасини пятидесятниклик йўналишидагилар ташкил этади. Ибодат тарзлари протестантизмдаги йўналишларда бажариладиган амаллар кабидир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Тўлиқ Инжил христианларининг (пятидесятниклик) илк жамоалари XX аср 20-йиллари охирида Тошкент шаҳрида тузилди.

Евангелчи-лютеранлар Ўзбекистон ҳудудида 1877 йилдан буён фаолият юритиб, 1884 йилдан ибодатларини расман амалга ошириб келган. 1890 йилда меъмор А.Л.Бенуа раҳбарлигида бошланган черков қурилиши 1896 йилнинг декабрь ойига келиб ниҳояланди.

Ўзбекистонда яна бир черков — Новоапостоллик черкови бўлиб, у христиан динининг протестантлик йўналишига мансуб оқимдир. Новоапостол черкови Ўзбекистондаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларида рўйхатдан ўтган. Ўзбекистондаги Новоапостол черковлари Берлин-Бранденбург округи тасарруфидадир. Унинг апостол-президенти — Фриц Шредер.

Ўзбекистонда «Иегова шоҳидлари» протестант йўналишидаги диний ташкилот ҳам фаолият юритмоқда. Мазкур диний сектага 1870 йилда америкалик ишбилармон Ч.Т.Рассель асос солган. Сектанинг маркази Бруклин шаҳрида жойлашган ва 15 аъзодан иборат бўлган «Раҳбар корпорация»га бўйсунди.

Айрим манбалар Ўрта Осиёда Иегова шоҳидларининг XX асрнинг 40-йилларида пайдо бўлгани ҳақида маълумот беради. Ўша даврда улар ўзларини «каналистлар» деб атаб келган.

Староверлар икки асосий йўналишга: **попчилик** ва **попчилик** муҳолифларига бўлинади. Уларнинг ҳар бири яна кўпгина оқимлар, секталар ва уюшмалардан таркиб топган.

Духоборлар (духоборы, духоборцы) — руҳга эътиқод қилувчи христианлар, руҳ учун курашувчилар — эски рус сектантчилиги йўналишларидан бири.

Адвентислар (лотинча: воқеа бўлиш) — протестантизм оқимларидан бири сифатида, 19-асрнинг бошларида АҚШда вужудга келган. Асосчиси — Уильям Миллер (1782-1849).

Иегова шоҳидлари — христианликнинг протестант йўналишидаги диний ташкилот аъзолари. 1931 йилдан унга “Иегова шоҳидлари ташкилоти” деган расмий ном берилган. Ташкилотга Бруклин маркази раҳбарлик қилади.

Шу тариқа, турли дин ва мазҳабларга эътиқод қилувчи, турли миллатга мансуб аҳоли Ўзбекистонда биргаликда яшаб, Ватан озодлиги, тараққиёти ва ободлиги учун ижод ва яратувчи меҳнат билан бандлар. Улар орасида чуқур низоларга олиб келиши мумкин бўлган тортишувлар, тарафкашлик ҳолларини кўрмаймиз. Аксинча, турли дин арбобларининг ўзаро мулоқоти, учрашувлари, ҳаммаси учун умумий бўлган масалаларни муҳокама этишда иштирок этиш динлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу, бир жиҳатдан, давлатимизнинг одилона, тинчликсевар сиёсатининг натижаси бўлса, иккинчи тарафдан, халқимизнинг олижаноблиги, табиатан бағрикенглиги туфайли юзага келган ижобий ҳодисадир.

Сирасини айтганда, ислом динининг мазмун-моҳиятида бағрикенглик ғояси ётади. Бир томондан, соф ислом шариатида тобелик, мусулмонлик ақидаларини мустаҳкам тутишга чақирилса, иккинчи томондан, ўзга дин кишиларига нисбатан бадниятда бўлмаслик, уларнинг эътиқодини ҳурмат қилиш, улар мол-мулки, саломатлигига тажовуз қилмаслик ҳақида Қуръон ва Ҳадиси шарифда кўплаб ўғитлар бор. Маълумки, исломда “аҳли китоб” деган тушунча бор. Бу яҳудийлар ва насронийларга нисбатан айтиладиган сўз. Яъни яҳудийлар ва насронийлар осмоний китоблар ҳисобланган “Таврот”, “Забури” ва “Инжил” эгасидирлар. Бу ҳақда “Қуръон”да кўп оятлар келтирилган. Чунончи, “Бақара” сурасининг 109-оятидан 151-оятигача яҳудийлар ва насронийлар ҳақида сўз боради. Аллоҳ таоло уларнинг манманлиги, ўз динларини афзал деб билиб, исломни тан олмаганларини мазаммат этади. Агар бу оятлар маъносини чуқур мулоҳаза этсак, гап “Таврот” ёки “Инжил”нинг нотўғрилиги ёки ислоҳга муҳтожлиги ҳақида эмас, балки улар билан бирга янги ҳақ дин — ислом зухур этиши ва бу динни, унинг Пайғамба-

рини тан олиш тўғрисида боради. Зеро, Аллоҳ - ягона, у ҳаммага баробар. Бинобарин, “Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда аллоҳнинг “юзи” мавжуддир. Албатта Аллоҳнинг фазли кенг, доно зотдир” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 115-оят). Одамлар қавмлар, миллатлар мазҳабларга ажратилган бўлсалар-да, аммо уларнинг ҳаммасини ҳам Аллоҳ яратган, Аллоҳнинг бандаларидирлар ва албатта Аллоҳга қайтурлар. Шунинг учун тарафкашлик, айирмачилик эмас, Аллоҳ йўлида бирлашиш — энг мақбул ва энг тўғри йўлдир. Мана бу ояти каримага эътибор қилинг: “Яҳудийлар: “Насронийлар ҳеч нарсада йўқ” десалар, насронийлар: “Яҳудийлар ҳеч нарсада йўқ” дейдилар (изоҳ: яъни ҳар икки томон бир-бирининг динини инкор этади), ваҳоланки, улар (ҳар икки тоифа) китоб ўқийдиган (саводхон) эди. Шунингдек, ўқишни билмайдиганлар уларнинг гапига ўхшаш гапни айтадилар. Уларнинг (бу каби) келиша олмаган нарсалари хусусида қиёмат куни Аллоҳ ҳукм қилур” (ўша таржима, 2-113).

Диндорларнинг беҳуда, асосиз тарафкашлиги, бир-бирини камситиши Қуръонда мана шундай танқид қилинган. Бу оятда қўйидаги маънолар мужассам: 1) яҳудийлар ва насронийлар бир-бирининг динини кўр-кўрона инкор этмоқда; 2) бу билан бир-бирини таҳқирламоқда; 3) ҳолбуки, улар орасида саводхон, китоб ўқий оладиган, Таврот ва Инжилдан хабардор одамлар бор; 4) осмоний китобларнинг борлигини била туриб, нега улар бир-бирининг динини инкор этади? 5) саводхонлар шундай қилгандан кейин, табиийки, саводи йўқлар уларга эргашиб гапларини қайтаради; 6) натижада жаҳолат, ноҳақлик оқибатида қавмлар, халқлар орасида адоватга кучаяди.

Аллоҳ таоло ўз бандаларини ана шундай адоватдан огоҳлантиради, ақлсизларча тортишувлар гирдобига тушишдан асрайди.

Исломда эса, юқорида айтганимиздек, “Таврот”, “Забур”, “Инжил” осмоний китоблар сифатида эътироф эти-

лишидан ташқари, улардаги қатор тарихий қисса ва ривоятлар “Қуръон”да ҳам тилга олинади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ислом дини ғалабаси учун курашган ва бунга раҳнамолик қилган инсон. Аммо ул зот ҳеч қачон ўзга дин кишиларини таҳқирлаган эмаслар. Аксинча, турли эътиқоддаги барча одамлар билан хушмуомалада бўлиб, саҳобалардан ҳам шуни талаб қилганлар. Масалан, саҳоба Усомадан (р.а.) шундай ривоят қилинади: “Расули акрам (с.а.в.) бир кун бир мажлис (ўтирган) жамоа қошидин ўтдиларки, анда ҳар қисм одамлар, яъни мусулмонлар ва мушриклар ва бутпарастлар ва яҳудлар бор эрдилар. Жаноб пайғамбар аларга салом бердилар)”⁹⁵.

Шу боис ислом ғалаба қилгандан кейин ҳам мусулмон мамлакатларида турли дин вакиллари истиқомат қилиб келган, улар савдо-сотик, ҳунармандчилик, меъморчилик билан шуғулланган, ҳар бир диннинг ўз ибодатхонаси бўлган, диний маросимларни ўтказишга ҳалақит берилмаган. Христианлар, яҳудийлар орасидан ислом маданиятига ҳисса қўшган олимлар, табиблар, таржимонлар етишиб чиққан (чунончи, машҳур файласуф Монсе бен Майманид каби). Мусулмонлар орасида эса Таврот ва Инжилни ўрганган кишилар кўп бўлган. Масалан 12-асрда яшаган суфий Абу Адён (динларнинг отаси демак) бир неча динни ўрганиб, турли дин вакиллари билан мунозара қилар экан⁹⁶. Бағдод халифаси Ал-Маъмун ал-Муътасим ҳузурида мусулмон уламолари билан бирга зардуштий, насроний руҳонийлар суҳбатларда иштирок этган. Бу тажрибани Мирзо Бобурнинг невараси Акбар (XVI а.) Ҳиндистонда давом эттириб, ажойиб натижаларга эришгани маълум.

Айниқса, ориф сўфийлар зоҳирий расм-русумларга салбий муносабатда бўлгани учун динларнинг умуминсоний моҳияти, инсонийликни биринчи ўринга қўйган ва динлараро бағрикенгликнинг амалдаги тарғиботчиларига

⁹⁵ Муҳиддин аби Зикрӣ Яҳё ибн Шариф ан Навоий. Рӯёзус Солиҳин Саййид Тарозий таржимаси, 2-жузв. 319-б.

⁹⁶ Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул — унс. —Т.: 1913. 208-б.

айланган. Фаридиддин Аттор, Жалололиддин Румий, Имомиддин Насимий, Юнус Эмро, Бобораҳим Машраб диний, ирқий, миллий айирмачиликдан ўзларини юқори тутган. Улар учун Аллоҳга бўлган муҳаббат ҳамма нарсадан устун, мазҳаблар, динларнинг ҳар бири Худога олиб борадиган бир йўл эди. Илоҳий моҳиятни англаган одам оламни ягоналикда тасаввур этади ва унинг Ягона ижодкори Парвардигорга интилади. Мавлоно Румий фикрича, дунё динлари моҳиятан бирдир. Чунки уларнинг ҳаммасида ҳам тавҳид гоёси мавжуд. Барчасида Халлоқи оламга сифиниш, ҳам айтиш, ундан мадад сўраш, муножот қилиш бор. Масалан, унинг “Ичингдаги ичингдадир” асарида бундай ҳикоя бор: “Бир кун бир йиғинда вазъ ўқиларди. Мусулмонун кофир ҳамма йиғлар, турли аҳволга тушарди. Биров: “Кофирлар нега йиғлашади, устига устак, тилни билишмайди. Мусулмонларнинг ҳам мингдан бири аранг тушунган вазъдан улар нимани англаяптики, бу қадар йиглаб сиқташади?” деди. Мавлоно буюрадики, “сўзнинг ўзини тушунишга ҳожат йўқ. Улар моҳиятни-мақсадни англашмоқда. Улар ҳам Аллоҳнинг бирлигини эътироф этишади. Унинг Яратувчи, Раззоқ, ҳамма нарсани ўз тасарруфида тутувчи эканини, ниҳоят, ҳамма унга қайтажагини, авфу жазо ундан бўлажагини англашади” (“Ичингдаги ичингдадир”, Ғ.Ғулом нашр., 1995, 17-б.).

Румий Кўняда кўпгина насронийлар билан дўстлашган эди, улар орасида руҳонийлар ҳам бўлган. Бир сафарда Румийга қора либос кийган христиан руҳонийлари ҳамроҳ бўлади. Айрим мусулмонлар уларга қараб: “Бу қадар қоп-қора кийган булар, дилингни сиёҳ қилади” деганда, Румий уларни жеркиб: “Сизлар қаердан биласизлар, бу одамлардай саҳий ва раҳмдил одамлар дунёда кам топилади” дейди (Абдулбоқи Гулпинарли. Мавлоно Жалололиддин. Техрон нашри, 333-б.).

Мавлононинг уйига бир печкачи уста келиб ишлаганда, муридлар уни ўртага олиб: “Мусулмон бўлсанг бўлмайдим, ислом дини афзал” дея ташвиқ этаётганди, Мавлоно дейди: “Имоннинг боши Худодан кўрқишдир,

бу одам Худодан қўрқар экан, демак у мусулмондир, агарчи тарсо бўлса ҳам” (ўша китоб, 334-б.).

Мавлоно Румий насроний дўстлари, ихлосмандлари уйига борар, таомларидан тановул қилар, улар касал бўлса ҳол сўрарди. Улар ҳам Мавлоно ҳузурига ташриф буюради. Мавлоно вафот этганда мусулмонлар билан бирга юзлаб насронийлар ва бошқа дин вакиллари таъзиясида иштирок этган (ўша китоб, 334-335-б.).

Умуминсоний ғоялар “Таврот” ва “Инжил”да ҳам ўз ифодасини топган, уларда ҳам ҳаётий ўғит сифатида хизмат қиладиган гаплар ёзилган.

Шундай экан, ҳеч бир дин, конфессия ўртасида сунъий тўсиқ ўрнатиш ва “Инжил”ни мусулмонлар, “Қуръон”ни насронийлар ўрганиши — оғир гуноҳ, деб қатъий даъво қилиш мантиққа тўғри келмайди. Кўпинча, ҳаётда унинг тескарисига дуч келамиз. “Таврот” ҳам, “Инжил” ҳам, “Қуръони Карим” каби, Аллоҳ томонидан нозил қилинганини унутиб қўямиз. Шунинг билан чиқармаслигимиз лозимки, ҳамма динлар биргаликда яхлит тирик организмни эслатади ва уларнинг барчасида **умуминсоний қадриятлар** — одамларни инсофли, бахт-саодатли, камтар, диёнатли, олижаноб, эзгу амаллар соҳибига айлантириш васф этилади.

Олампаноҳ Тангримиз табиат ҳодисалари ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрнатди. Ёруғликдан зулматни ажратди. Тупроқ ва сувни яратди. Осмон ва Ерни яратган ҳам ўша Зот. Бири тун, иккинчиси кунни бошқарсин учун иккита улугвор ёритқич — қуёш билан ойни яратди. Судралиб юрувчилар, балиқлар, ҳайвонлар, қушлар ва инсонни яратди. Инсон ва табиат ҳамда одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатди. Масала шу йўсинда кўриладиган ҳолатларда барча умуминсоний маънавий қадриятларнинг яхлитлигини унутмаслик лозим.

“Таврот”нинг (ёки Ёски Аҳд, рус тилида *Тора*) энг қадимги (милоддан аввалги 11 - 6-асрлар) муқаддас китобларидан бўлган “Товит” китобида юқорида келтирилган ҳикматнинг бир варианты бор: «Нимани ўзинг ёмон

кўрсанг, ўшани бошқаларга ҳам тилама» [11, 3:15]. Тиллардан тилларга ўгирилиб, оғиздан оғизга ўтиб юрган умуминсоний ҳикматлардан энг муҳими бу. Ҳозир уни ўша қадимги яҳудий қабилалари ёки бироз кейинги насронийлар ҳикмат хазинасигагина мансуб дейиш мантиқдан эмас.

“Таврот” ҳам Аллоҳ таоло ҳикматининг маҳсули. Фарқ шундаки, Қуръони Карим Унинг расули Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га ваҳий қилинган бўлса, Таврот Парвардигоримиздан яҳудо динининг асосчиси Мусо алайҳиссаломга, Янги аҳд эса насронийлар динининг асосчиси Исо Массихга нозил қилинган. Бу ҳақда Яратганнинг ўзи «Бақара» сурасининг 87-оятда шундай дейди: «ҳақиқатан, биз Мусога китоб (Таврот)ни бериб, унинг ортидан (бир неча) пайғамбарлар юбордик. Исо ибн Марямга (насронийлар уни Аллоҳнинг ўғли деб унга худо сифатида сиғинадилар. — муал.) ҳам ҳужжатларни бердик...». Забур (рус тилида псалтирь), диний манбаларда таъкидланишича, Аллоҳ томонидан милоддан аввалги XI асрда яшаган Довуд алайҳиссаломга берилган. Бу ҳақда ҳам «Бақара» сурасининг 251-оятда айтилишича, «Аллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик ва пайғамбарлик ҳамда ўзи хоҳлаган нарсаларни ўргатди». Довуд а.с.нинг ўғли Сулаймон алайҳиссалом унга нозил қилинган ва Эски Аҳддан жой олган «Сулаймон (а.с.) ҳикматлар китоби» ва «Сулаймон кўшиқлари» билан машҳур. Бу ерда номлари зикр этилган қадимги манбалар, улардаги гоё ва ривоятлар маълум даражада Қуръони Каримда ҳам акс этган.

Шунга асосан қайд этиш лозимки, масалан, мусулмонлар Эски ва Янги Аҳдларни ўқиганларида уларга нисбатан зиёилик нуқтаи назаридан ҳурмат билан ёндашмоғи лозим. Чунки бу муқаддас китоблардаги ҳикмат дурдоналари уларга сидқи дилдан амал қилаётган шахсни ҳар томонлама камол топдиришдай шарафли ишга ундайди. Шунини эътибордан соқит қилмаслигимиз керак: бу китобларнинг барчасида, энг аввало, илоҳий, қолаверса, энг оддий, ҳаётий ҳикмат — инсонийлик ва инсон бўлиш ҳақидаги масала очиқ-ойдин тавсифланган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, диний бағрикенглик миллатлараро дўстлик, маданиятлараро мулоқотга ҳам ёрдам беради. Чунки дин миллий урф-одатларга таъсир ўтказиб келгани боис баъзан миллийлик билан динийликни бир-биридан ажратиш қийин. Шунингдек, адабиёт ва санъатнинг асрлар давомида диний асотирлар, ғоялар, тушунчалар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланганини эътиборга олиш лозим. Масалан, ўрта аср Европа тасвирий санъатида асосан Таврот ва Инжил сюжетлари акс эттирилган ёки бизнинг миннатуро санъатимиз сўфиёна ақида ва тушунчаларни ифодалаган.

Шунинг учун маданиятлараро мулоқот, ўзаро ҳамкорлик қилиш, идрок ва завқ халқларни бир-бирига яқинлаштирганидан ташқари диний чегараларни ҳам ҳатлаб ўтишга ёрдам беради. Шундай қилиб, диний бағрикенгликнинг пойдевори **маърифат** ва **маънавиятдир**. Маданий, маърифий диндорлик динлараро яқинлашишга йўл очса, жаҳолат таассубга, тарафкашликка тортади. Шу боис ақидапараст экстремистлар айнан маърифатга ва ундан ҳосил бўладиган бағрикенгликка қарши бўлгани бежиз эмас. Маърифий диндор одам фалсафа, тиббиёт, адабиётни севади, тафаккури кенг, нигоҳи очиқ бўлади. Ақидапараст эса фикри тор, зоҳирий нарсаларга ўч, илмфан ютуқларини ҳазм қилолмайдиган одамдир. Шу боис киши маърифати ортган сари инсоният яратган жамики қадриятларни ҳурмат қиладиган бўлиб бораверади. Биз ёшларимизни ана шу руҳда тарбиялашимиз лозим. Республикамиз аҳолисининг миллий қиёфаси фақат Шарқ эмас, балки Ғарб цивилизациясига мос умуминсоний тамойиллар, ислом, христианлик ва бошқа динларга хос эътиқод, анъана ва урф-одатлар, ранг-баранг турмуш тарзидан иборат анъанавий мезонларни ўзида акс эттиради. Бунда юртимизда яшаётган халқларнинг ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажак билан боғлиқ орзу-умидлари асрлар оша ёнма-ён яшаш жараёнида шакланган ҳамжи-

ҳатлик, бағрикенглик, қардошлик туйғулари уйғунлашган тарзда намоён бўлади. Бу эса юртимизда осойишталик, тинч-тотув турмуш тарзини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, инсоният тобора бирлашиб, ўзаро иқтисодий, ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам мураккаблашиб, глобаллашиб бораётган экан, динлараро мулоқот, сабр-тоқат, толерантликни (бағрикенгликни) кучайтириш ҳар жиҳатдан долзарб ва фойдалидир.

Хулоса

Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, маънавий янгиланиш негизида фуқароларимизнинг дунё-қараш, тушунча ва тасаввурлари ҳам ўзгариб бормоқда. Глобаллашган дунёда эскича қараш ва мезонларга суяниб яшаш мумкин эмас, ҳар бир инсоннинг ўз ўрни, тўғри йўл топа билиши унинг турли билимлардан ташқари маънавий тарбиясининг қай ҳолатда эканига ҳам боғлиқдир. Бинобарин, XXI асрга келиб маънавиятнинг инсон, миллат ва жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида кўплаб рисола ва мақолалар ёзила бошлади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу даврга келиб инсониятнинг интеллектуал салоҳияти беқиёс даражада юксакликка кўтарилишига қарамай, унинг маънавий қашшоқлашуви, тубанлик сари кетиши ҳам авж ола бошлади. Аслида, бунинг акси бўлиши, яъни интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши маънавиятнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши лозим эди. Афсуски, бугун худбинлик, ўз манфаатини миллат ва жамият манфаатларидан устун қўйиш, ахлоқсизлик ва шунга ўхшаш салбий жараёнлар кучайиб бормоқда.

Айни пайтда, бир қатор ривожланган мамлакатлар маънавият омили воситасида ўзларининг “оммавий” маънавиятларини жаҳон миқёсида кенг ёйиш, уни оммалаштириш йўли билан ўзларининг сиёсий гегемонликларини ўрнатишга қаратилган ҳаракатларини ҳам кучайтирмоқдалар. Шу билан бирга, бугун жаҳон миқёсида глобаллашувнинг таъсирида миллий маънавиятларнинг “ичидан” ва “ташқари”сидан емирилиш хавфи ҳам юзага келмоқда. Яна бир муаммо, бугун катта замонавий техника ва технология, компьютер, интернет ва бошқа воситаларга эга бўлган мамлакатлар улар ёрдамида ўзларининг ёвуз ғояларини ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшлар онги ва қалбига сингдиришга интилмоқдалар.

Шунингдек, дунё миқёсида ғоялар курашининг авж олиши, бир қатор сиёсий ва диний кучларнинг миллий

манфаатларга бутунлай зид бўлган турли зарарли ва ёвуз ғояларни ёшлар ўртасида “оммалаштиришга” қаратилган ҳаракатларининг авж олиши кучайиб бормоқда.

Хуллас, бугун “маънавият” воситасида ҳар ким ўз манфаатини амалга оширишга уринмоқда. Энг хатарлиси, бу жараён ҳеч бўлмаганда башариятнинг интеллектуал қудрати юксалган сари бир қадар сусайиш ўрнига, аксинча тус олмақда. Бундай шароитда, ўз манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёшларимизни турли ғоявий хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга зарурият ҳам ошиб бормоқда.

Айни чоғда, мазкур қўлланма маънавий тарбия борасидаги умум ишимизга эътибор нуқтаи назаридан ҳам зарурдир. Унда ўрганиладиган ҳар бир мавзу, энг аввало, миллий заминимиз негизида ёритиб берилади ва муайян маънода умуминсоний қадриятларни ҳам ўзида муҳассамлаштиради. Ушбу курснинг ўқитилишидан мақсад ҳам Давлат ва жамият қурилиши академияси бўлғуси тингловчиларининг юксак маънавиятга эга бўлиши, инсонда миллий ғурур, ифтихор, ўз миллати истиқболи учун масъуллик туйғуларини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай ғаразли ғояларга қарши миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш борасидаги дастлабки тушунча ва маълумотларни беришдан иборатдир. Зеро, бугун мутахассисликни эгаллашнинг ўзи миллат ва мамлакат истиқболи учун етарли эмас. Шу билан бир қаторда, келгусида тайёрланажак ҳар бир магистрнинг маънавий баркамоллик касб этиши, умуммиллий маънавий юксалишимизда фидойликка қодир бўлиши, руҳияти ва тараққиётимиз учун ёт бўлган ғояларга қарши тура оладиган маънавий қувватга эга бўлиши ҳаёт тақозосидир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича ўқув дастурини тайёрлаш ва таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги Фармойиши.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини тузиш ҳақида”ги Фармони. 1994 йил 23 апрель.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармонини бажариш вазифалари ҳақида. –Т.: 1996.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони. 1999 йил 3 сентябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори 2006 йил 25 август.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни. //Огоҳ бўлайлик. Тўплам. –Т.: “Akademiya”, 1999.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини тузиш ҳақида” Фармони. 1994 йил 23 апрель.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармонини бажариш вазифалари ҳақида. –Т.: 1996.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони. 1999 йил 3 сентябрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори 2006 йил 25 август.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни. //Огоҳ бўлайлик. Тўплам. –Т.: “Академия”, 1999.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
14. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
15. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
16. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4–жилд. –Т.: ”Ўзбекистон”, 1996.
17. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
18. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
19. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
20. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

21. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
22. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
23. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
24. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч–қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
25. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
26. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2006.
27. Каримов И.А. Жамяятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
28. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодий-тимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16–жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
29. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамяятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. (Президент Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси) –Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
30. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги bosқичида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
31. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Независимая газета” мухбирига берган интервьюси). –Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
32. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. –Т.: “Ўзбекистон”. 2007.
33. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маққамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси). / “Халқ сўзи”. 2007 йил 13 август.
34. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг IV курултойидаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
35. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. Т.:Ўзбекистон, 2008.Б. 143-170.
36. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
37. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
38. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида.// –Т.: “Ўзбекистон”. 1998.
39. Каримов И.А. Ватанимизнинг bosқичма–bosқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз (Ўзбекистон Республикаси)

- публикаси Конституцияси қабул қилинганинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси). 2008 йил 6 декабрь // Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2009. Б.29-65.
40. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
 41. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. // “O'zbekiston adabiyoti va san'ati”. 2009 йил 3 июль.
 42. Каримов И.А. БМТ Бош ассамблеясининг 1000 йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқ. Тошкент, «Ўзбекистон». 2010.
 43. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // «Халқ сўзи», 2010 йил 13 ноябрь.
 44. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омили. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.
 45. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
 46. Каримов И.А. Аллоҳ – қалбимизда, юрагимизда. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
 47. Каримов И.А. Хушёрликка даъват. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
 48. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шаҳри”. –Т.: Ғ.Ғулом Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
 49. Абдула Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: “Шарқ”, 1994.
 50. Аббосхужаев О., Умарова Н., Қўчқаров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. –Т.: “Академиа”, 2007.
 51. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. –Т.: “Шарқ”, 1997.
 52. Азизхўжаев А.А. Мустанлик: курашлар, изтироблар ва қувончлар. –Т.: “Шарқ”, “Академия”, 2001.
 53. Азизхўжаев А.А. Чин узбек иши. –Т.: “Академия”, 2003.
 54. Абилов Ғ. Миллий ғоя, маънавий омиллар. –Т.: “Маънавият”, 1999.
 55. Алимова Д. Инсоният тарихи – ғоя ва мафкуралар тарихидир. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
 56. Амир Темур жаҳон тарихида. ЮНЕСКО. Париж. 1996.
 57. Афлотун. Қонулар. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.
 58. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. / –Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
 59. Бобоев Х., Ғофуров З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
 60. Буюк сиймолар, алломалар. –Т.: “Маънавият”, 1995.
 61. Бухоро шарқ дурдонаси. ЮНЕСКО. –Т.: “Шарқ”, 1997.
 62. Васильев А.С. История религий Востока. – Ростов-на-Дону: “Феникс”, 1999.
 63. Жалололдин Мангуберди. –Т.: “Шарқ”, 1999.
 64. Жакбаров М. Қомил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. –Т.: Абу Али ибн Сино нашриёти, 2000.
 65. Жакбаров М. Қомил инсон ғояси. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.
 64. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. –Т.: “Маънавият”, 2001.
 66. Жўраев Ғ.Т., Сайиджонов Ю.С. Дунё динлари тарихи. –Т.: “Ислом университети”, 2006.
 67. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. / –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
 68. Имомназаров М., Эшмуҳамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. / –Т.: “Тошкент ислом университети”, 2001.

69. Исломов З., Исоқов Б., Юсупов О., Мухаммадиев Д., Минаваров С. Бунёдкор ғоялар. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
70. Исл. Қомусий луғат. –Т.: “Мовароуннаҳр”, 2003.
71. Каримова В., Умаров А., Қуронов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
72. Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. –Т.: “Маънавият”, 2000.
73. Каримов Н. Миллий озодлик курашчилари ва адабиёт. –Т.: “Кама-лак”, 1997.
74. Каримов Н. Чўлпон: маърифий роман. –Т.: “Шарқ”, 2003.
75. Комил маънавият – мустақиллик таянчи. –Т., 1997.
76. Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: “Ўзбекистон”, “Мовароуннаҳр”, 2009.
77. Комилов Н. Тасаввуф. 1–китоб. –Т.: “Ёзувчи”, 1997.
78. Комилов Н. Тасаввуф. 2–китоб. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
79. Комилов Н., Жўраев К. Давлат, жамият ва дин. –Т.: “Akademiya”, 2006.
81. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Т.: “Маънавият”, 1999.
82. Конфуций. “Уроки мудрости”. –М.: “Наука”, 1998.
82. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. –Т.: “Ўзбекис-тон”, 2001.
83. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: “Маънавият”, 2008.
84. Мансур А. Имоми Аъзам – буюк имомимиз. –Бишкек, 1998.
85. Марказий Осиё динлари тарихи. –Т.: ТошДШИ, 2006.
86. Мень А. История религии. –М.: 1994.
87. Миллий ғоя – бизнинг ғоя. –Т.: “ДИТАФ”, 2001.
88. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим ба-калаврият босқичи учун дарслик (масъул муҳаррир И.Эргашев), –Т.: “Akademiya”, 2005 йил.
89. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. –Т.: “Akademiya”, 2007.
90. Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). –Т.: “Akademiya”, 2007.
91. Муртазо Қаршибой. Бунёдкор халқ ғояси. –Т.: “Маънавият”, 2001.
92. Муртазо Қаршибой. Янгиланишдан буюк ўзгариш сари. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
93. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. –Т.: “Шарқ”, 2001.
94. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гурур. –Т.: “Маънави-ят”, 2000.
95. Мустақиллик. Изоҳли илмий–оммабоп луғат. –Т.: “Шарқ”, 2000.
96. Назаров Қ. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифала-ри. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
97. Назаров Қ. Маънавиятшунослигимизнинг долзарб масалалари. // “Маърифат” газетаси 2009 йил 19, 22 август сонлари.
98. Назаров Қ., Эргашев И. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Т.: 2007.
99. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). –Т.: 2004.
100. Оғоҳ бўлайлик. /Тўплам. –Т.: “Akademiya”, 1999.
101. Олим С. Навоий ва Нақшбанд. –Т.: “Фан”, 1992.
102. Ортиқов М., Усмонов М. Ғоя ва мафкура. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
103. Отамуратов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
104. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: “Ўзбе-кистон”, 2004.
105. Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. –Т.: “Академия”, 2001.
106. Радугин А.А. Введение в религиоведение. –М.: 1996.
107. Раҳбар ва ходим. –Т.: “Академия” 1998.

108. Ризаев Ш. Жаҳид драмаси. –Т.: “Шарқ”, 1997.
109. Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. –Т.: “Маънавият”, 2000.
110. Ризаев Ш. Қалбга йўл. –Т.: Миллий кутубхона, 2009.
111. Садулла Отамуратов, Сарвар Отамуратов. Ўзбекистонда маънавий –руҳий тикланиш. “Янги аср авлоди”. –Т.: 2003.
112. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқ. – Т.:, “Академия”, 2010
113. Сулаймонова Фозила. Шарқ ва Ғарб. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
114. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. –Т.: “Академия”, 2001.
115. Холбеков А., Идилов У. Социология: изоҳли луҳат – маълумотнома. –Т.: “Ибн Сино”, 1998.
116. Чориев А., Мансуров А. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.
117. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. –Т.: “Шарқ”, 1997.
117. Шарафитдинов О. Истиқлол фидойилари: Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. –Т.: “Ёзувчи”, 1993.
119. Шарафитдинов О. Сардафтар саҳифалари: мақолалар, хотиралар. – Т.: “Ёзувчи”, 1998.
120. Шарафитдинов О. Чўлпонни англаш. –Т.: “Ёзувчи”, 1994.
121. Шопенгауэр А. “Свобода воли и нравственность”. –М.: “Республика”, 1992.
122. Ўзбекистон юксалиш йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
123. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3–китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: “Шарқ”, 2000.
124. Қодирова М. Ёшлар онгида ғоявий дунёқарашни шакллантириш. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.
125. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Т.: “Шарқ”, 2002.
126. Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: “Маънавият», 2003.
127. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва маърифат. –Т.: “Ғ.Ғулом”, 1991.
128. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. / –Т.: 1997.
129. Эргашев И, М.Жакбаров, Н.Назаров. Жамаиятни демократлаштириш ва миллий ғоя. –Т.: “Академия”, 2007.
130. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. –Т.: “Академия”. 2000.
131. Эргашев Ф., Эргашев И. Фидойилик – ҳаёт мазмуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
132. Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М. Жамаиятни эркинлаштириш ва маънавият. –Т.: “Академия”, 2002.
132. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. –Т.: “Академия”, 2004.
133. Эргашев И, А.Холбеков. Фуқаролик жамаияти ва миллий ғоя. –Т.: “Академия”, 2007.
134. Юнусова А. Религия и закон. –Т.: 2002
135. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари./ –Т.: “Университет”, 1998.
136. Яблоков И.Н. Религиоведение. –М.: “Гардарика”, 1998
137. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмади./ / “Ўзбекистон овози”, 2005 йил 17 февраль.

Мундарижа

Кириш	3
1-мавзу: Маънавият — инсоннинг улғайиши ва куч-қудрат манбаи	6
2- мавзу: Маънавиятни шакллантирувчи асосий мезонлар	47
3-мавзу: Глобаллашув ва ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси	94
4-мавзу: Диннинг ибтидоий шакллари: тотемизм, анимизм, сеҳргарлик, фетишизм	152
5-мавзу: Миллий динлар: яҳудийлик, ҳиндуйлик, конфуцийлик, даосизм ва бошқалар	157
6-мавзу: Жаҳон динлари: буддавийлик, христианлик, ислом	179
7-мавзу: Тасаввуф таълимоти	214
8-мавзу: Мустақиллик ва дин	233
Хулоса	268
Адабиётлар	270

**Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги
ислохотлар: ривожланиш босқичлари,
эришилган натижалар ва истиқболи**

Akademiya
Тошкент 2011

Муҳаррир Г.Абдуллаева
Рассом Д.Дўстмухамедов
Техник муҳаррирлар Н.Қурбонова, А.Абдасов
Нашр учун масъул Б.Умаров

Теришга берилди 6.11.10. Босишга рухсат этилди 12.12.10. Бичими
84x108^{1/32}. Офсет босма. Шартли босма табоғи 16.0. Нашриёт ҳисоб
табоғи 16.0. Адади 416. Баҳоси шартнома асосида.

МЧЖ «YOSH KUCH MATBUOTI»
Манзил: Тошкент шаҳар. Чилонзор Д 20а. 9уй.